

ҚАНИ МЕНИНГ ЮЛДУЗИМ?

- Қайси бурж вакиллари ўртасидаги никоҳ омадли кечади?
- Буржлар номутаносиблиги: ажрим, доимий асаббузарлик...
- Мос жуфтлик, омадли кунлар ва рақамлар...
- Ўзаро шерикчилик муваффақият ёки хавф-хатар...
- Раҳбар ва ходим муносабатлари, юксалиш ёхуд тапаззул...

Қайта нашр

Тошкент
«Янги аср авлоди»

УЎК: 821

КБК: 86.42 Ў-39

О.Ҳайит ва О.Йўлдошева.

Қани менинг юлдузим. О.Ҳайит ва О.Йўлдошева. –Т.:
«Янги аср авлоди», 2013 йил. 196 бет.

ISBN 978-9943-08-982-2

Ушбу китоб буржлар дунёсидаги ўзаро муносабатларнинг мувофиқлиги ёки акс жараёнлар ҳақида маълумот беради. Сиз, аввало, маълум бурж вакили ҳақида умумий таъриф билан танишасиз. Ушбу бурж эгасининг бошқа бурж вакилларига қанчалик муносиблиги эса турли жабҳаларда очиб берилади. Жумладан, биргаликда умргузаронлик, ишлаш, омадга эришиш, яратувчанлик, ижодкорлик борасида талай маълумотлар ҳавола этилади. Ушбу қайдларга қанчалик ишониш-ишонмаслик ўзингизга ҳавола, албатта. Уларнинг ҳақиқатга яқинлигини аслида ҳаёт кўрсатади.

Нашрга тайёрловчилар:

Олимжон ҲАЙИТ ва О.ЙЎЛДОШЕВА

ISBN 978-9943-08-982-2

© «Қани менинг юлдузим».
Тузувчилар: О.Ҳайит ва О.Йўлдошева. «Янги аср авлоди», 2013
йил

МУНДАРИЖА

Макон ва замондаги “кичик олам”	4
Қўй (21 март — 20 апрель)	5
Бузоқ (21 апрель — 20 май)	23
Эгизаклар (21 май — 21 июнь)	39
Қисқичбақа (22 июнь — 22 июль)	59
Арслон (23 июль — 23 август)	77
Паризод (24 август — 23 сентябрь)	94
Тарози (24 сентябрь — 23 октябрь)	112
Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь)	127
Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь)	142
Тоғ эчкиси (22 декабрь — 20 январ)	155
Қовға (21 январь — 20 февраль)	165
Балиқ (21 февраль — 20 март)	178

МАКОН ВА ЗАМОНДАГИ “КИЧИК ОЛАМ”

“Илм — ўзи билмакдир”, дейишган машойихларимиз. Шунинг учун бўлса керак, ўзи ҳақидаги ҳар қандай хабар, маълумот ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Дунёда инсон зоти борки, ўзини билишга интилиб яшайди. Зеро, “Ўзи билмак, ўзликни англамак — Яратганни танимоқдир”.

Бобо-момоларимиз оғзидан: “Юлдузи юлдузига мос экан” ёки “Юлдузи иссиқ”, — деган гапларни кўп эшитамиз. Қадим-қадим замонларда ҳам тақдирларини ўзаро боғлашни ният қилган инсонлар илми нужум билимдонларидан насиҳат сўрашган. Мунажжимлар эса бир умрлик жуфтлик тузишни ихтиёр этган икки қалб соҳибининг зоижасига, яъни, туғилган йил, ой, кунига қараб уларнинг қай даражада бир-бирларига мос келишини аниқлаб беришган. Ва аксар ҳолларда уларнинг башоратлари ҳақиқат мақомида бўлган. Бу бежиз эмас, албатта.

Чунки инсон ер юзидаги шунчаки кичик бир зарра ёки оддийгина махлуқот эмас, балки, Навоий ҳазратларининг таъбири билан айтганда, “Инсон барчанинг сарваридир”. Яъники, ҳар бир шахс инсониятнинг, жамиятнинг вакили бўлиши билан бирга коинотнинг, Парвардигор яратган жумлаи оламнинг фуқароси ҳамдир. Шу боис инсон руҳияти, фаолияти, тақдири бутун Оламдаги ўзгаришлар билан муштарак. Бесарҳад ва поёнсиз борлиқ, макон ва замондаги ҳар қандай ўзгариш “кичик олам” бўлмиш инсонда, унинг кори аъмолида, фитратию тийнатида, саъжиясида ҳам ўз аксини топади.

Ушбу китоб узоқ йиллардан бери амалда синалиб келинаётган тажрибалар асосида илми нужум билимдонлари тарафидан тайёрланган. У сизга ўзингиз ва севган инсонингиз тўғрисидаги қизиқишларингизга жавоб топшингизга ёрдам беради.



ҚҰЙ (21 март – 20 апрель)

Мос жуфти: Бузоқ, Эгизаклар, Уқотар, Қовға, Балиқ.
Тўғри келмайдиган жуфти: Қисқичбақа, Тарози, Тоғ
эчкиси.

Ёқтирадиган ранги: Тўқ қизил, мовий ва барча ёрқин
ранглар.

Йўлдоши: Марс, Қуёш.

Омадли кунлари: сешанба, якшанба.

Омадсиз кунлари: жума, шанба.

Ёқтирадиган гули: бинафша, дўлана.

Омадли рақамлари: 4, 7, 9, 11.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Қўй буржи вакили ҳамиша катта ишларга қўл уради ва мустақил фаолият юритишни хуш кўради. Доимо биринчи бўлишни истайди. Мақсадга етиш йўлида ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аяб ўтирмайди. Ташкилотчиликни ҳам қойиллатиб қўя олади. Дунёда ҳеч нарса Қўй буржи вакилининг кайфиятини бузиб, боши берк кўчага кири-тиб қўя олмайди. Фаоллик ҳам бу бурждагиларга хос фазилатлардан биридир.

Қўй буржи вакили ҳеч қачон ортга назар ташламайди. Бир умр олдинга интилиб яшайди. Бирор хатога йўл қўйса, сира афсусланмайди. Мақсадига ета олса, ўзини жуда бахтиёр ҳис этади. Ўзи билан ўзи ғурурланишни хуш кўради. Уни келажак, ўтмиш деган тушунчалар умуман қизиқтирмайди. Гарчи кўзлаган ни-ятларига ета олмаётган бўлса-да, барибир охиригача курашади.

Қўй буржидагилар ҳаллан зиёд ўзларига ишонишади. Ҳар бир кичик ишга ҳам бор кучларини сарфлашга одатланишган.

Қўй буржидагиларнинг энг нозик нуқтаси, бу — уларнинг боши. Бош оғриғи билан тез-тез азобланиб туришади. Улар ўта сабрсиз. Улар бемор бўлиб қолган пайтларида ҳам ётишни, тузалиб кетишларини кутишни ёқтиришмайди. Фақат ҳаракат туфайли оғриқлардан халос бўлишга интилишади.

Қўй буржидаги аёллар фақат замон билан ҳамнафас бўлишга, ҳеч бир урф бўлган одат ёки кийим, бўёққа ҳаммадан олдин эга бўлишга интилишади.

Қўй буржидагилар яқинларига совғалар тақдим этишни, буйруқ беришни жуда яхши кўришади.

Қўй буржидагилардан ажойиб сотувчилар, стомотологлар, механиклар, жарроҳлар, рассомлар етишиб чиқиши мумкин. Айниқса, улар орасида спортчилар кўпроқ учрайди.

Пулни ақл билан сарфлашга одатланишган.

Қўй буржидагилар болаликданоқ кимнидир севиб қолаверишади. Агар қўй буржи вакили – ўғил бола қайсидир қизни севиб қолса, унга маълум қилиш йўлида ҳеч қандай муаммолардан чўчиб ўтирмайди.

Севгиси рад этилса, ўз жонига қасд қилишдан ҳам қайтмайди.

Агар қўй буржи вакиласининг вақт ўтиб ўз турмуш ўртоғи ёки севгилисидан кўнгли тўлмаб қолса, сира ўйлаб ўтирмай алоқани узиб қўя қолади.

Қўй буржи вакили никоҳ ва дўстлик бобида Қисқичбақа, Чаён, Балиқ буржидагилардан нарироқ бўлган ҳолда, ўзига Тарози, Уқотар ва Арслон буржи вакилини қидиргани маъқул.

Қўй — Қўй

Бундай жуфтлик ҳаётда камдан-кам ҳолларда учрайди. Учраганда ҳам биргаликдаги ҳаёт жуда қисқа вақт давом этиши мумкин. Йўлда учраган биринчи муаммо

жуфтликнинг ажралиб кетишига сабаб бўлади. Бир-бирига бўлган турли таъналар ҳам ўртага совуқчилик туширади. Негаки, қўй буржидагилар таъна дашномларга тоқат қила олишмайди. Агар иттифоқ узоқ вақт давом қилишини исташса, бири сал паст келиши ва ўз жуфтига хизмат қилиши лозим. Бундан ташқари, бахтли бўлишни истаган қўйлар бир-бирларига худди ўзлари каби яхши муносабатда бўлишлари зарур. Масалан, қўй буржи вакиллари эркинликни севишади. Шундай экан, ўз жуфтига ҳам шуни раво қўра билиши шарт. Рақобатдан қочиш учун эса гоҳи гоҳида жуфтига эрк бериб турса ҳам ёмон бўлмасди.

Никоҳ омадли кечиши уларнинг ўзларига боғлиқ. Қўй буржидагилар иккинчи даражада қолишни исташмадими, бу никоҳ ҳеч қачон бахт олиб келмайди. Бахтли бўлишни истаганларнинг бири барибир ён бериши керак. Мабодо икковлари ҳам ижод кишилари бўлишса, бир-бирларига яқиндан ёрдам беришади. Бироқ ич-ичидан бир-бирларини рақиб дея қабул қилаверишади.

Қўй буржидагилардан ажойиб, чиройли, ақлли болалар дунёга келади. Умуман, бу никоҳ юқорида айтиб ўтганимиздек, доимийликка мойил эмас. Бунга эришиш учун манфаатлар мос келиши, умумий мақсадлар йўлида биргаликда курашиш лозим.

Иш масаласида улар бир-бирларини у қадар ёқтирмасалар-да, яхши шерик бўлишлари мумкин.

Молиявий ютуқларга эришиш учун икковлари ҳам тижорат бобида катта тажрибага эга бўлишлари талаб этилади.

Қўй — Бузоқ

Бу иттифоқ агар бузоқ буржи вакили аёл, қўй буржи вакили эркак бўлса, омадли кечади. Аввалига қўй буржи вакили бузоқ буржи вакилининг муҳаббатини қозониш йўлида кўп уринишлар қилади. Аммо вақт ўтиб бу севги саробга айланиши кутилади. Негаки, улар бир-бирларининг камчиликларини англаб қолишади. Қўй буржи ва-

килининг дастлабки даврдаги қобилияти, муомаласи бузоқ буржи вакили учун худди ўзини кўрсатишдек туюла бошлайди.

Бузоқ садоқатли ва Қўйнинг хурмача қилиқларини доимо ичга ютиб яшашга қодир инсон. Фақат Қўй моддий томондан таъминлашни эплайдиган бўлиши ҳам зарур. Чунки бузоқ биринчи навбатда ана шу нарсага эътибор қаратади.

Башарти қўй буржи вакили аёл бўлса, бузоқ буржидаги эркакнинг тебса тебранмаслигидан безор бўла бошлайди. Ҳар бир майда-чуйда ишларга аралашвериши унинг жигига тегади.

Бундай жуфтликка тегишлилар жуда камдан-кам ҳолларда ижод кишилари бўлишади.

Агар сиз бу жуфтликни сақлаб қолишни ҳақиқатан истасангиз, мулойим, меҳрибон бўлинг. Бу кўпроқ бузоқ буржидагиларга тегишли. Ана шунда жуфтингиз сизни барча балолардан асрашга, бахт чўққисига етишингизга катта ёрдам беради.

Қўй буржи вакили бўлмиш эркак ўз жуфти уй бекаси бўлишини кўпроқ ёқтиради. Шу ўринда бузоқ буржидан бўлмиш аёл меҳнатсевар эркакларни яхши кўради. Биргаликдаги ҳаётни узоқ йиллар давом этишини хоҳлаган аёл шуни ёдда тутиши керакки, қўй буржи вакили – эркак меҳрни, парваришни хуш кўради. Бузоқ бу ишни қила билади. Истаса, ҳатто Қўйга кўз кўриб қулоқ эшитмаган даражадаги куч-қудратни тақдим этиши мумкин.

Ишда улар бир-бирларини ҳурматлашади. Икковлари ҳам ишлашни жондан ортиқ кўришади. Қийинчиликлардан чўчишмайди.

Бузоқ — ажойиб молиячи. У Қўйга тижорат бобида ажойиб ютуқлар олиб келади. Хуллас, ишдаги шерикчиликда Қўй ва Бузоқ энг қийин вазиятларда ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, натижада арзирли ютуқларга эга бўлишади.

Қўй — Эгизаклар

Умуман айтганда, бу жуфтликни омадли дейиш мумкин. Фақат бир-бирларини тушуна олишса. Акс ҳолда Қўй (аёл)нинг дағал муомаласи Эгизаклар (эркак)ни чўчи-тиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Қўй ва Эгизаклар ҳаётда ажойиб севишганлар, дўстлар ва ҳамкорларга айлана олишади.

Улардаги кучли эҳтирос турмушда жуда асқотади. Англаб етишадики, улар бир-бирларига жуда мос келишаркан. Агар уларнинг мақсадлари ҳам бир бўлиб чиқса борми, Қўй ва Эгизаклардан бахтлироқ, шодонроқ жуфтликни ёруғ дунёда топа олмайсиз. Улар қачон қараса бирга, ҳар бир муаммо устида биргалашиб бош қотиришади.

Тўғри, Қўй ва Эгизаклар тез жанжаллашиб қолишади. Бироқ қандай тез жанжаллашишган бўлса, шунча тез ярашишади. Фақат бир ёмон томони бор. Улар эр ёхуд хотинликдан вақти келиб зерика бошлашади. Кимдир буйруқ беришни, кимдир бўйсунни истамай қолади. Шундай экан, Қўй ва Эгизакларни бир-бирларига ўта садоқатли ҳам дея олмаймиз. Ора-сира хиёнатлар бўлиб туриши мумкин.

Қўй тadbиркор эмас. Шунинг учун Эгизаклар доимий равишда қандайдир янги режаларни ўйлаб топадики, бу режалар асосида Қўй ишлашга, ҳаракатдан тўхтамасликка мажбур бўлади.

Агар Қўй Эгизаклар билан аҳил бўлишни истаса, ҳеч қачон баҳсга киришмаслиги лозим. Нега? Сабаби, Эгизаклар ҳар қандай масалада ўзларининг ҳақ эканликларини исботлай билишади.

Эгизаклар турмуш ўртогига ҳам яқин дўст сифатида муносабатда бўлишни, доимо унга суянишни, маслаҳатлашиб яшашни маъқул кўришади. Буни Қўйлар ҳам ҳурматлаб, Эгизаклар истаётган йўлдан бора билишса, нур устига аъло нур бўлади. Натижаси, албатта йиллар ўтиб, фарзандлар дунёга келгач, кўринади. Қўй шунда англаб етадики, бир пайтлар ўз жуфтига қулоқ тутиб. уни севиб. ардоқлаб хато қилмабди.

Ишда икковлари ҳам ҳар қандай вазиятдан чиқиб кета олишади. Қўй ҳам, Эгизаклар ҳам жуда ақлли, топқир ва ўз ишини яхши биладиганлар хилидан. Мана шу нарса бир-бирларини ҳурмат қилишга мажбур этади.

Қўй-раҳбарни Эгизаклар-ходимнинг секин ишлаши, ҳадеганда бир қарорга кела олмаётгани сал қониқтирмаслиги мумкин.

Эгизаклар-раҳбар эса Қўй-ходимнинг эркинликка ўчлигини ҳисобга олган ҳолда унинг ўзи хоҳламаган ишни бажаришга мажбурлаши яхшиликка олиб келмайди.

Икковлари ҳам яратувчанлик, ижодкорликда бир-бирларидан қолишишмайди.

Қўй — Қисқичбақа

Бу иттифоқнинг ўзаро муносабатларида жиддий муаммолар юзага келади. Ҳатто кўз ёшлар ҳам тўкилиши мумкин. Қўй, агар эркак киши бўлса, доимо Қисқичбақа – аёлни очиқ муносабатларга чорлайверади. Бу ўртадаги совуқчиликка баттар совуқчилик қўшади.

Қисқичбақа-аёл эса қачон қараса, бўлар-бўлмасга аразлаб, рашк қилиб, гумонсираб, жанжал кўтаришдан бўшамайди.

Бу бурж вакиллари аввалига бир-бирларига талпинишади. Лекин вақт ўтиб феъл-атворлар мос эмаслиги билиниб қолади-ю, муаммоларга кўмилишади.

Ўта кучли эҳтирос икковларини турли аҳмоқликлар қилишгача мажбур этиб қўяди. Бироқ турмуш қуришни ҳар ҳолда маслаҳат бермасдик. Чунки, оиладаги майда-чуйда ташвишлар, Қисқичбақа-аёл кайфиятининг ўзгарувчанлиги, Қўй-эркакнинг ўзини ҳаддан зиёд яхши кўриши муносабатларга барибир путур етказиб қўйиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бу жуфтликда уйда хўжайин бўлиш учун икковлари ҳам астойдил курашишади. Мана шу нарса ҳам тез орада оиланинг бузилиб кетишига олиб келади. Агар биргаликдаги ҳаётингизни асраб қолмоқчи бўлсангиз, тил топишишга ҳаракат қилинг. Шундай йўл топингки, мақсад-

ларингиз ҳам бир хил бўлсин. Шунда Қисқичбақа ўз аразларини унутиб, Қўй эркакка ярашиш учун қўл узатади, тақдирга тан беради.

Қўй-эркак оила учун хизмат қилишга, Қисқичбақа-аёл эса шу оилага бахт ато этишга ўрганиши лозим. Агар Қўй ўз жуфтнинг ички дунёсини ва оилавий анъаналарини ҳурматлай олса, Қисқичбақа пастроқ тушади ва оилавий ҳаёт узоқ йиллар давом этиши мумкин.

Қисқичбақанинг кайфияти тез-тез ўзгариб туради. Интилувчан Қўй эса буни дарров пайқамаслиги мумкин. Йўқ, Қисқичбақага ўзини қўлга олиши, керакли мулоҳазалар қилиб кўриши учун вақт бериш керак.

Ишда оилавий ҳаётга нисбатан кўпроқ омад кулиб боқиши кузатилади. Қисқичбақа-раҳбар ўта тажрибали ва у Қўй-ходимни ишга олиб сира хато қилмайди. Негаки, Қўйлар саёҳатни, сафарларни жуда хуш кўришади ва сафарга чиқиб муҳим ишларни битириш бобида ҳеч ким уларга тенг кела олмайди. Башарти улар Қисқичбақанинг нафсониятига тегаверишмаса, албатта, тил топишиб кетишади.

Қўй — Арслон

Арслон ва Қўй буржида туғилганларнинг ўзаро муносабатлари омадли кечади. Қўй Арслонга худди боладек қараб, унинг маънавий дунёсини кенгайтиришга ва уни болалик қучоғидан олиб чиқишга интилади. Уларнинг муносабатлари худди икки актёрнинг қизиқарли роль ижро этаётганига ҳам ўхшаб кетади. Иккала бурж вакиллари ҳам ўзларини ҳалдан зиёд севишади ва саргузаштларни хуш кўришади.

Қўй Арслонни руҳлантириб, ҳар қандай ишга таваккал қўл уришга чорлай олади.

Агар Арслон буржи вакили Қўй буржида туғилган инсонни учратиб, унга бир умрлик йўлдош бўла олишига кўзи етса, сира кечиктирмай никоҳдан ўтиш учун тегишли идораларга етаклаб боргани маъқул. Чунки бу иттифоқ умрбод давом этади. Арслон ва қўй буржи

остида туғилган жуфтликлар камдан-кам ҳолларда ажрашиб кетишади. Оилавий ҳаёт уларнинг барча ишларига муваффақият бахш этиб, саломатликларининг тобора яхшиланишига ҳам жиддий таъсир кўрасатади.

Бу жуфтликда қўрқитишлар, ҳақоратлар, жанжаллар, камситишлар деярли бўлмайди.

Уларнинг организмда куч-қудрат, эҳтирос ва ҳаракатга ташналик шу қадар тўлиб тошганки, уларнинг барчасини биргина оила учун сарфлаб бўлмайди. Яхшиси, ишга сарф этилса, янада тенгсиз муваффақиятларга эришиш мумкин. Бу жуфтлик башарти бирор сабаб билан уришиб, жанжаллашиб қолган тақдирда ҳам, барибир орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бир-бирларини тушуниб, узр сўрашади ва яна илгаригидек севишда, ҳурматлашда, яшашда давом этаверишади.

Оиланинг янада мустақкамроқ бўлиши учун жуфтлик бир-бирига ён беришни ўрганиши лозим. Масалан, Қўй Арслонни, албатта, чин дилдан севиши керак. Шундагина ўртадаги муносабатларга путур етмайди.

Иш масаласида бу икки бурж вакилининг шерикчилиги бироз қийинроқ кечади. Қўй-раҳбардаги қобилият туғма. У иш жойида ўзидан бошқани раҳбар сифатида тан олмайди. Агар Арслон-ходим ўз жойини, кимнинг қўл остида ишлаётганини тез англаб, яхши иш кўрсата бошласа, ҳеч қачон Қўй-раҳбарнинг танқидига учрамайди. Башарти. Арслон раҳбар сифатида фаолият юритадиган бўлса, Қўй-ходим биринчи кунданоқ ўзини кўрсатишга, раҳбарга ёқишга йўл қидириб қолади.

Улар ўртасидаги молиявий битимлар ҳамиша омадли кечади.

Қўй — Паризод

Яқинликнинг илк лаҳзалариданоқ бу икки жуфтлик ўртасида сунъий муносабатлар, эҳтиёткорлик юзага келади. Паризод ўз севгисини доимо сир тутишни афзал кўради. Қўй эса бунинг сир эканини билмагани сабаб ўзини алданган дея ҳисоблай бошлайди. Нима қилсин?

Барибир Паризодни севади ва негадир совуққонлик билан муносабат юритаётган севгилисининг кўнглига йўл топиш ҳаракатига тушади.

Тан олиш керак, бу жуфтликнинг иттифоқи фақат ҳисоб-китоб тариқасида вужудга келса, омадлироқ кечиши мумкин. Чунки, икковларининг ҳам фақат ўзларига маълум бўлган ниятлари бор. Бу ниятларга етишиш йўлида ўзларини камтар тутишга, бир-бирларини қаттиқ севадигандек тутишга мажбур бўлишади.

Муҳаббат туфайли қурилган оила эса вақти келиб жиддий муаммоларни юзага келтиради. Олдинига жойига қўйилган мулозаматлар, меҳрибонликлар, ресторан-ресторан юришларми, гулдаста тутишларми. ҳаммаси бир кун келиб жанжалларга, хафагарчиликларга, аразларга ўз ўрнини бўшатиб беради. Ҳатто қоронғи тунлардаги эркалалашлар, севги изҳорлари, эҳтирослар ҳам ёрдам бера олмай қолади.

Қўй ўз ёстиқдоши устидан ҳукм ўрнатишни очиқчасига намойиш эта бошлайди. Паризодни рашк, гумонсирашларга кўмиб ташлайди. Бундан нафақат болалар, балки қўшнилари, яқин қариндошлар ҳам жабр кўради.

Вақт ўтиб Қўйнинг Паризодга, Паризоднинг Қўйга қизиғи қолмайди. Бир-бирларидан совишади. Икковлари ҳам бир-бирларининг кўзга кўринмайдиган камчиликларини қидира бошлашади. Шунда муҳаббат туфайли қурилган оилада муносабатлар бирдан ўзгариб, биринчи навбатда Паризод ҳушёр тортади. Ўйлайди. Ажралиб кетай деса, болаларни кўзи қиймайди. Шунда сунъий муомалага ўтиб, шу йўл билан ўзларининг сир тутилган ниятларини амалга оширишга киришишади.

Паризод жуда кўп ишлайди ва Қўйдан ҳам шу қоидалар асосида яшашни талаб қилади. Агар ҳаёт шундай давом этаверса, Қўйнинг саломатлиги хавф остида қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳўш, уларни нима ушлаб қолиши мумкин? Маълумки, Паризод топқир, ҳаётда тажрибаси Қўйга нисбатан кўпроқ. Қўй ҳаммасини обдон ўйлаб, таҳлил этиб кўриб, ўзи-

нинг ожиз жиҳатларини тан олиши ва Паризоднинг маслаҳатларига қулоқ тутиши лозим. Қолаверса, Паризод билан интеллектуал мавзуларда кўпроқ суҳбат қуриши ҳам бу жуфтликнинг сақланиб қолишида катта ёрдам беради.

Ишда Қўй ўзининг қайсарлик, фақат ўз фикрини маъқуллайвериш каби одатларини бир четга суриб қўймас экан, кўзланган натижаларга эришишлари даргумон. Паризодга бундай феъл-атвор ёқмайди. Уни жазавага тушириб қўяди. Уларни фақат ишга бўлган умумий муносабат, муҳаббат бирлаштира олади. Улар узоқ муддат биргаликда фаолият юрита олишмайди. Фақат орада танаффуслар қилиш эвазига иш олиб боришади.

Тижорат ишларида бу икки бурж вакили кўз кўриб қулоқ эшитмаган бойликларни қўлга киритишади.

Қўй — Тарози

Улар ажойиб жуфтликни ташкил этиши мумкин. Бир-бирларини тўлдириб, муносабатлари икковларига ҳам қизиқарли, қувноқ кечади. Қўйнинг таваккалчилиги Тарозини бефарқ қолдирмайди. Бу муносабат худди саховатли, одил шоҳ ва нозикниҳол маликаларни ҳам эслатиб юборади.

Тарози Қўйнинг ҳаётни севишини, иродаси мустаҳкам бўлишини истайди. Агар шундай бўлиб чиқса, у ўз жуфтига жонини беришга-да тайёр туради. Агар ҳаётда ким биландир ярашишни истаётган бўлсангиз-у, бунинг иложини тополмасангиз, албатта, Тарози буржи остида туғилганларга мурожаат этинг. Улар бажонидил ёрдам беришади.

Бу жуфтлик ҳамisha бир-бирларининг ожиз ва кучли тарафларини аниқлаб, ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш илинжида бўлишади. Тарози мабодо Қўйга нисбатан ожизроқ бўлса, шубҳасиз, жуда одобли ўқувчилар ролини ўйнай бошлайди. Қўйга эса нон, сув берма, кимнингдир устидан ҳукмронлик қилиш вазифасини юкла. Бу ишни у жуда қойиллатади.

Башарти Тарози мустақил фикрга эга бўлса, у ҳеч қачон кимнингдир келиб ўзига ўргатишига тоқат қила олмайди. Ҳатто Қўйнинг буйруқларини ҳам фақат фикрлари билан ҳисоблашган тақдирда адо этиши мумкин.

Қўй буржи остида туғилганлар учун бу никоҳ катта синов. Тарози билан биргаликда кўзланган мақсадларга этишни истайди. Чунки бир ўзи ҳеч нарса қила олмаслигини билади. Шу йўлда Тарозининг барча инжиқликларига, ҳаётдаги баъзи келишмовчиликларга чидашга тайёр туради. Тарози Қўйни ҳаётда қандай яшашга ўргатади. Бу иттифоқ қанча вақт давом этиши эса Қўйга боғлиқ. Худо кўрсатмасин, ажрашиб кетишса, иккаласининг ҳам қай даражада даҳшатга тушишини, тушкунлик ботқоғига ботишини тасаввур этинг.

Улар кундалик суҳбатлар давомида дунёқарашларини янада кенгайтириб боришади. Бир сўз билан айтганда, улар биргаликда ўсишади ва ҳаёт сўқмоқлари бўйлаб биргаликда қадам ташлашади.

Иш масаласида Тарози Қўйга ён беришга мажбур. Қўй буржидаги раҳбарлар Тарозига ўз имконият сирларини тўлиқ очиш учун имкон бермайди. Бунга унинг талабчанлиги ҳам кўп ҳолларда сабаб бўлади.

Барибир ҳамкорлик уларга омад ва руҳий енгиллик олиб келади.

Қўй — Чаён

Қўй ва Чаён ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва яқинлик икки бурж вакилларининг ҳам қайсидир жиҳатдан ўзгаришларига сабаб бўлади. Чаён ҳам Қўй каби ўртача ҳаётни ёқтирмайди. Ё осмону фалакка чиқиб кетиши, ёки буткул жарга қулаши лозим.

Чаённинг доимий талпинишларига Қўй бепарво бўла олмайди. Инсон сифатида ўзгаришга бўлган иштиёқ икки бурж вакилини бирлашувга олиб келади. Фақат кимдир ён бериши керак. Бунда кўпинча Қўйлар ён беришга мажбур бўлишади. Бу ҳам муносабатларни сақлаб қолиш ниятидагина қилинадиган ишдир.

Кўй эҳтиросга бой. Чаён эса ҳамиша ўзини олиб қочишга, ҳазил аралаш бўлса-да, ҳимояланишга уринади. Бу Кўйнинг эҳтиросини юз чандон кучайтириб, натижада уйда гўёки бўрон тургандек бўлади. Бу, албатта, яхшиликка.

Лекин бундай эҳтиросли муносабатлар икки бурж вакилининг кўни-қўшнларига нотинчликлар олиб келишини ҳам унутмаслик зарур. Афсуски, буларнинг барчаси вақтинча давом этади. Кўй ва Чаён бора-бора бир-бирларини тушуна олмайдиган, гаплари қовушмайдиган ҳолатга келишади. Тез-тез жанжал кўтарилиб, уйдаги идиш-товоқларнинг сениши, нималарнингдир тарақлаши яна ўша шўрлик қўшнларнинг тинчини буза бошлайди. Шунда ҳам Кўй Чаён сари талпиниб, қайтадан қалбини забт этишга интилади.

Агар бу жуфтликда Кўй эркак, Чаён аёл бўлса, жуда мустаҳкам оила пайдо бўлди деяверинг. Йўқ, бу нафақат оила, балки кичик, аҳил бир жамоага ҳам ўхшаб кетади. Ўртадаги иззат-ҳурмат, муҳаббат, эътибор барчанинг ҳавасини келтирмай иложи йўқ. Икковлари ҳам фаол ва хушёр. Кўй Чаённинг ҳар бир имо-ишорасини ўз вақтида тушуниб, тез ўша ишни адо этишга киришади. Хуллас, икки жуфтлик енгилмас кучга айланишади.

Ҳаётдаги моддий эҳтиёжлар ҳам уларни сира бефарқ қолдирмайди. Шунинг учун доимо ишлашга, пул топишга, оилани мустаҳкам тутишга уринишади.

Икки бурж вакили ҳам дўстликнинг қадрига етади. Агар Чаён билан дўстлашишни истасангиз, кунларнинг бирида ундан қандайдир ёрдам сўраб кўринг. Ортиғи билан ёрдам беради.

Ишда икки бурж вакили никоҳдагидан ҳам яхшироқ муносабатларга эга. Улар эркинликни хуш кўришади ва жуда ақлли. Икковлашиб ҳар қандай ишни дўндира олишади.

Кўйлар ўқиш-ўрганишга ўч. Феъли кенг бўлгани сабабли баъзан Чаён билан ўрталарида юзага келадиган келишмовчиликлар ҳам йўл-йўлакай барҳам топиб кетверади.

Ўзаро молиявий битимлар тузиш ҳам икки бурж вакили орасида омадли кечади. Айниқса, Чаённинг пулни ҳаддан зиёд яхши кўриши шерикчиликни янада мустаҳкамлайди.

Қўй — Ўқотар

Бу ҳам жуда омадли иттифоқ дейиш мумкин. Эҳтиросга бой саналмиш Ўқотар-аёл Қўй-эркакни бир оғиз сўз билан ўзига бўйсундира олади.

Агар уларни биргаликдаги иш бирлаштирадиган бўлса, кўз кўриб қулоқ эшитмаган муваффақиятларга эришишлари табиий. Уларнинг иккаласи ҳам саёҳатни, турли масъулиятли ишларга таваккал қўл уришни жондан ортиқ кўришади. Шу жумладан, муҳаббатни ҳам қойиллатишади. Хоҳлаган пайтда ўз ҳаётларини байрамга айлантира олишади. Шунга яраша ўз вақтида тўхташни, яъни чегарадан чиқиб кетмасликни ҳам уддалашади. Ҳамиша яқин дўстлар уларнинг атрофида гирдикапалак. Бир-бирларига деярли хиёнат қилишмайди. Хиёнат қилишса ҳам ўзлари билмаган ҳолда шу ишга қўл уриб қўйишлари мумкин.

Уларнинг биргаликдаги ҳаёти мабодо фарзандсиз бўлишсагина зерикарли, аччиқ кечади, холос.

Бу жуфтликда аксар ҳолларда асосий бошқарув Қўйнинг қўлида бўлади. Ўқотар унга фақат яқиндан ёрдам бера олади. Лекин бу жуфтликнинг ҳам ўзига яраша камчиликлари йўқ эмас. Улар зерикарли кунларга тоқат қила олишмайди. Икковлари ҳам ўта сабрсиз, ичларида гап сақлай билишмайди.

Шахсий эркинликни оиладаги масъулиятдан устун қўйишади.

Шунга қарамасдан бир-бирларини ғийбатчи, душманлардан ажойиб тарзда ҳимоя этишади. Бундай лаҳзаларда кўпроқ Қўй Ўқотарнинг ҳимоясига муҳтож бўлиб қолади.

Башарти оила бузилган тақдирда Ўқотар Қўйни ўзига хавфли душман деб санамайди. Ақсинча, адашган бир

кимса сифатида баҳолаб, айбни ўзига ағдаради-қўяди. Шу билан бирга Қўйнинг ярашишини кутиб яшайди.

Ишда агар Қўй Ўқотарнинг ҳар бир ҳаракатини назоратта олавермаса, кутилган натижаларга эришишлари мумкин. Қўй-раҳбар Ўқотар каби меҳнаткаш ходимларнинг қадрига етади ва доимо улар билан тиллашиб кета билади. Ўқотар раҳбар бўлса, Қўйга унинг талабчанлиги, фаоллиги жуда ёқиб тушади. Ишни иштиёқ билан бажаради. Шерикчиликда ишлаб, қандайдир сабаблар билан икки тарафга ажралиб кетишса-да, Қўй ва Ўқотар ўртадаги илиқ муносабатларни сақлаб қолишади. Керак бўлганда, бир-бирларига бажонидил кўмак беришади.

Молия, тижорат масаласида Қўй ва Ўқотарга етадиган ҳамкор бўлмаса керак. Иккаласи ҳам ақлли, топқир, улдабурон. Пул топиш, пулни кўпайтириш, қандай сарфхаражатлар қилишни фақат улардан ўрганса бўлади.

Қўй — Тоғ эчкиси

Тоғ эчкиси буржи остида туғилганлар фақат қўй буржи вакиллари билан иттифоқ тузишгандагина ўзликларини топишади. Улар маълум муддат ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш масаласида қийналишади. Қўйлар ўзларининг ақлига, қобилиятига негадир ишончсиз назар билан боқа бошлайди. Бу нарса Тоғ эчкиси билан муносабатларда, айниқса, ўз аксини топади. Ўзини тутишида, оилавий ҳаётда кўп бора телбанамо кайфиятга тушиб қолади. Тоғ эчкиси эса ўз навбатида ундан интизом талаб қилади.

Ҳа, уларга осон бўлмайди. Навбати билан кўнгилсизликлар, хафагарчиликлар келиб кетаверади. Тоғ эчкиси Қўйнинг илгариги ваъдаларини қачон бажаришини кутиб чайчайди. Тўғри, аввалига бу кутишлар қандайдир ёқимли кечади. Лекин натижаси кўринавермагач, Тоғ эчкиси асабийлаша бошлайди.

Қўй-чи? У ҳам албатта қараб турмайди. Ўз жуфтини зериктирмасликка интилади. Турфа хил сайру саёҳатлар уюштироқчи, шу йўл билан Тоғ эчкисининг зерикишла-

рига, қовоқ уйишларига, асабийлашишларига барҳам бермоқчи бўлади. Бу ҳам натижа бермагач, ҳаммаси жонига теккан Қўй ҳаммасига қўл силтаб қўя қолади.

Жуфтлик аста-секинлик билан маънавий жиҳатдан ўсиб бораверади. Вақт ўтиши билан оилавий муносабатлар хизматдагиси билан аралашиб, оилада ким етакчи бўла олиши мавҳумлашади.

Аслида Қўй Тоғ эчкиси учун уй ва оила рамзи бўлса, Тоғ эчкиси Қўй учун омад рамзи ҳисобланади. Агар жуфтлик худди шундайлигича қолса, ҳаммаси жойида бўлади. Бундан ташқари, Қўй эркак, Тоғ эчкиси аёл бўлса, оилавий ҳаёт ҳавас қилса арзигулик кечган бўларди. Акс ҳолда юқоридаги муаммолардан бошлари чиқмаслиги мумкин.

Бу жуфтлик ўртасида ҳақиқий яқинлик юзага келиши учун ўзаро муносабатларда аниқлик кўпроқ бўлиши лозим. Яъни, аравани баравар тортишлари, бир мақсад йўлида интилишлари зарур. Шунда оилавий ҳаёт жуда ширин кечади.

Қўй билан муносабатларда Тоғ эчкиси ўзининг ўта сирлилиқ одатларини ташлаши талаб этилади. Бундан кўра эркинликни хуш кўрувчи Қўйга нисбатан ички бир матонат билан кўникиши, сабр-тоқатли бўлиши лозим.

Иш масаласида ҳам улар бир мақсад йўлида ҳаракат қилишган тақдирдагина кўзланган натижаларга эришишлари мумкин. Улар бор кучларини сарфлаган ҳолда ишлашни ёқтиришади. Ҳар бир ишда тартиб бўлишини исташади. Агар раҳбарлик Қўйнинг зиммасида бўлса, Тоғ эчкисини қора ишларга кўмиб ташламаслиги керак. Аксинча, Тоғ эчкиси раҳбар бўлганда ҳам, у Қўйнинг зиммасига ҳаддан зиёд кўп ишларни юкласин. Чунки Қўйлар битта ишни танлаб, бутун қалбини ўша ишга бағишлашни хуш кўришади.

Қўй — Қовға

Икки жуфтликка ўртадаги муносабатлар ҳамиша бир олам шодлик, қувонч олиб келади. Ҳаракатчан ва ўта ақлли Қовғага фақат ёниб яшаш, эҳтирос етишмайди.

Лекин Қўйнинг эътибори унга ўзгача бир куч-қувват бахш этадики, келгусида унга тенг келадиган ошиқу беқарор бўлмайди. Қовға билан муносабатга киришганлар унинг сирларидан воқиф бўлишга интилмаганлари маъқул. Шунда у оёқларингиз остига бутун дунёни пояндоз қилиши муқаррар.

Бу жуфтлик бир-бирларини ўрта ёшда топишса мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, ёшликда топишганлар ҳар доим ҳам тиллашиб, бирга яшаб кетаверишмайди. Айниқса, Қўйнинг доимий интилишлари Қовғага малол келиб, асбийлашишига, натижада кўнгилсизликларга сабаб бўлади.

Лекин бу жуфтликнинг келажак ҳаёти жуда омадли кечади. Улар икковлари ҳам эркинликни хуш кўрадиган, кучли ирода эгалари ва кенг тафаккур эгаларидир. Улар бир жойда ўтиришни ёқтиришмайди. Дўстлари, танишлари кўп. Ўртадаги муносабатлар бошқа бурж вакилларига нисбатан анча узоқ давом этади. Гарчи ораларида бир-бирларига нисбатан кучли эҳтирос, куйиб-ёнишлар бўлмасада, жанжаллар ҳам шунга яраша жуда кам бўлади. Муҳаббат уларга ҳар жиҳатдан ўсишда катта кўмак беради. Тўғри, эҳтирослар, куйиб-ёнишлар вақти келиб оилавий муаммолар туфайли сўниши мумкин. Ўзини эркин ҳис этмаслик ўртадаги муносабатларга нуқта қўяди. Бу ерда кўп нарса қовға буржи вакилларига боғлиқ. Фақат угина муносабатларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш йўлини қидириши зарур. Мабодо бу оилада моддий аҳвол юқори даражага чиқса, шубҳасиз, бу муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади.

Иш юзасидан бу икки бурж вакиллари кўз кўриб қулоқ эшитмаган натижаларга эришишлари муқаррар. Қўйлар жуда ҳаракатчан, ақлли ва Қовға билан тез тил топиша олишади. Айниқса, Қовға Қўйларнинг ўта маданиятлиги ва ўзини артистнамо тутишини ёқтириб қолишади.

Молиявий ҳамкорлик ҳам худди шундай омадли кечади. Қўй Қовғани бу соҳада таваккалчиликка ва дастлабки маблағларни қандай тўғри сарфлашга ўргата олади.

Қўй — Балиқ

Қўйнинг Балиқ билан муомаласи худди ёши катта одамлар ва болакай ўртасидаги муносабатларни эслатиб юборади. Уларни, албатта чуқур фикрлаш ҳамда кучли хиссиётлар боғлаб туради. Қўй куну тун Балиққа севги изҳорлари йўллашдан толмайди. Балиқ эса булардан чарчаганлиги боисми, янги ҳаётга, янгича муносабатларга интилиб яшайди.

Ўта сирли ҳисобланмиш Балиқлар билан тил топишиш соддагина Қўй буржи вакилига осон кечмайди. У муҳаббатини исботлашга уринавериб чарчайди. Бироқ Балиқлар бир хил гаплардан тобора узоқлашиб Қўй буржи вакилига ҳалеганда йўл беравермайди. У ўз ички дунёсини ҳаддан зиёд юқори баҳолайди. Бундай иттифоқ Қўйларни фожиага, яъни, соғлиғидан айрилишгача олиб келиши мумкин. Унинг Балиққа бўлган муҳаббати ҳамиша азобли ва натижасиз кечаверади. Шундай пайтлар бўлиши мумкинки, Қўй ўзи сезмаган ҳолда балиққа хиёнат ҳам қилиб қўяди.

Бу жуфтлик бир-бирига нисбатан қарама-қарши фикрда яшайди. Арзимаган кичик бир муаммо ҳам ўртага совуқчилик тушириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Балиқнинг совуққонлиги охир оқибат Қўйларни чарчатади. У севги изҳорларини йўлламай қўяди. Ва қўл силтаганча Балиқни тарк этади. Қарангки, улар ажрашиб, баъзилар каби азобланишмайди. Аксинча, енгил тортиб, ўзларини худди елкаларидан тоғ ағдарилгандек ҳис эта бошлашади.

Агар бу оилани асраб қолиш ниятида бўлсангиз, Қўй ҳам. Балиқ ҳам руҳан ўсиш жараёнига тушиши лозим. Балиқлар очиқроқ бўлсин, Қўйлар эса ақл билан иш тутсин. Дарвоқе, Балиқларда ҳам ақли ғоялар йўқ эмас. Агар шу ғояларини юзага чиқарса, Қўйнинг кучига куч қўшилиб, тобора олдинга талпина бошлаган бўларди.

Ишда Қўйлар эркинликни жуда яхши кўрадиган шахс сифатида Балиқ раҳбарга бўйсунилари анча қийин кечади. Улар ўзларини раҳбардан-да ақллироқ, тадбиркор-

роқ дея ҳисоблашади. Қасос олишга уста бўлган Балиқ раҳбарларга эса бу нарса сира ёқмайди ва қандай йўл билан бўлмасин Қўй ходимни жазолаш ҳаракатида бўлишади. Агар Қўй ходимнинг ўрнида Балиқ бўлиб қолса, уларни бўйсундириш, турли ишларга жалб этиб, қутилган натижаларни қўлга киритиш осон кечади.

БУЗОҚ (21 апрель – 20 май)



Мос жуфти: Эгизаклар, Қисқичбақа, Балиқ, Паризод.

Туғри келмайдиган жуфти: Қовға.

Ёқтирадиган ранги: сариқ, мовий ва барча баҳорги ранглар.

Йўлдоши: Венера, Ой.

Омадли кунлари: душанба, жума.

Омадсиз кунлари: сешанба.

Ёқтирадиган гули: марваридгул, настарин.

Омадли рақамлари: 2, 4, 16.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Бузоқ буржи остида туғилганлар ўзларининг меҳнат-севарликлари ва сабр-тоқатлиликлари боис кўплаб муваффақиятларга эришишади. Кўзланган мақсадлардан воз кечишмайди. Бировларнинг маслаҳатларига камдан-кам ҳолларда қулоқ тутишади. Уларни йўлдан қайтариш жуда мушкул. Кимдир хафа қилиб қўйса, узоқ вақт унута олмай юришади.

Бузоқ буржи вакилларининг энг нозик нуқтаси — томоғи. Шунинг учун уларга доимо врач назоратида бўлиш ҳамда бўйнилариغا иссиқ шарф ўраб юришни маслаҳат берамиз. Умуман улар соғлом ва ҳаракатчан. Ўзларини ёмон ҳис этаётган бўлсалар-да, бошқаларга ошкор этишни ёқтиришмайди. Бошқаларга нисбатан касалликни осон енга олишади. Бузоқ буржи вакиллари бўлмиш эркаклар одатда чайир, кенг елкали бўлишади.

Бузоқ буржи вакиллари мусиқа тинглашни, қувноқ давраларда дам олишни ёқтиришади. Гўзалликка ўта шайдо

бўлишади. Масалан, имкони бўлса боғлар барпо этишни хуш кўришади. Асосан расм чизиш ва мусиқа билан қизиқишади.

Бузоқ буржи вакиллари орасида кўпроқ мусиқачилар, актёрлар учрайди. Бундан ташқари, уларнинг кўпчилиги тижорат билан ҳам шуғулланишади. Юксак чўққилар сари секин, аммо ишонч билан кўтарилиб боришади. Ерни, ерга ишлов беришни ёқтиришади. Бузоқ буржи вакиллари орасида ажойиб қобилиятга эга бўлган деҳқонлар ҳам учраб туради.

Улар жозибали бўлганликлари туфайли ҳам ёшликда ишқий саргузаштларни бошдан кечиришади.

Аёлларнинг феъли кенг. Турмуш ўртоғини эринмасдан кузатиб танлашади. Турмуш қургач, ҳавас қилса арзигулик уй бекасига айланишади.

Эркаклар ҳам ҳеч кимга ўхшамайди. Ҳеч қачон хиёнатга қўл уришмайди. Ўз уйларига чин дилдан эгалик қилишади.

Бузоқ — Қўй

Бузоқ билан муомалада Қўй буржи вакили эҳтиёткорроқ бўлиши лозим. Тўғри, агар бу иттифоқ раҳбар ва унинг ходимаси ўртасида пайдо бўлса, никоҳ бирмунча вақт мустаҳкамлигини йўқотмаслиги мумкин. Лекин бошқаларда у тез орада бузилиб кетади. Никоҳ тузилгач, бир-икки ҳафта ўтиб Қўй ва Бузоқ буржи вакиллари бир-бирлари учун дунёга келмаганликларини англаб етишади. Қўйнинг аввалги куйибёнишларини Бузоқ буржи вакиллари шунчаки ўзини кўрсатиш учун дея ҳисоблай бошлашади. Бузоқнинг майда-чуйда ишларга эътибор қаратавериши, ўта тартиблилиги Қўйнинг жаҳлини чиқаради. Тўғри, Бузоқ буржи вакилли тез аразлайди. Аммо садоқат бобида тенгсиз. Шунинг учунми, дастлабки вақтларда улар қоронғи тунларда тезда ярашиб олаверишади. Бироқ кейинчалик ўртадаги совуқчиликни тунлар ҳам исита олмай қолади.

Қуюқ муносабатлар фақат моддий юксалиш сабабли мустаҳкамланиши мумкин.

Аёл қўй буржи вакили Бузоқнинг ўта секин ҳаракатланиши ва юмшоқ қўнгиллигидан норози бўлиб яшайди. Бундай жуфтлик ижод кишилари орасида камдан-кам учрайди.

Агар Қўйлар никоҳни асраб қолиш ниятида бўлса, Бузоқнинг меҳрибонликларига қаршилик қилмаслиги керак. Аксинча, ўзингизни хотиржам, мулойим тутинг. Ҳар бир ишни тadbиркорлик билан амалга оширишга ўрганинг. Бундан ташқари, оилада ҳар ким ўз мажбуриятларини аъло даражада адо этса, шубҳасиз, бу жуфтлик бахтга эришади. Қўйлар Бузоқнинг оила, рўзғор, уй кишиси бўлишини хоҳлашади.

Бузоқлар ҳам ишқий саргузаштлар, оилавий ҳаёт узоқ вақт давом этишини истайдиган бўлишса, Қўйнинг қўллаб-қувватлашга зор эканини унутишмасин. Шунинг учун ҳам у Бузоқ сари интиладики, ушбу бурж вакилигина уни ҳар қандай хавфдан ҳимоя эта олади.

Иш масаласида бу икки бурж вакиллари бир-бирларига чуқур ҳурмат-иззатда бўлишади. Бузоқ — ажойиб молия кишиси. Бу Қўй билан молиявий келишувлар вақтида жуда қўл келади. Улар биргалашиб жуда қийин синовлардан ҳам ўта олишади ва оқибатда юксак чўққиларни забт этишади.

Бузоқ — Бузоқ

Бу иттифоқ самимий, аммо зерикарли. Улар бир-бирларини жуда яхши тушунишади. Бир-бирларининг ҳар бир истакларини тезда илғаб олишади.

Лекин орага сал совуқчилик тушса, улардан кимнидир ноҳақликда айблаш қийин кечади.

Айниқса, ўртада фарзандлар дунёга келгач, ўзаро муносабатлар совуқ тус олиши, ҳаёт зерикарли туюла бошлаши мумкин. Шундай пайтларда улар қариндошлар эканликларини унутиб қўймасалар нур устига аъло нур бўларди. Бузоқлар учун ана шундай лаҳзаларда бироз ҳаво, шароитни алмаштириб олиш зиён қилмайди.

Бузоқлар кўпинча иккиюзламачилик қилиб қўйишлари туфайли кўпчилик уларнинг ҳаётини қил устида турган каби тасаввур этади. Бироқ ичкаридаги ҳаёт буткул бошқа. Бузоқлар ўзаро жуфтлик ташкил этишганда, ўртада кўплаб фарзандлар дунёга келади. Фарзандлар ҳам бошқа бурж вакилларидан фарқли ўлароқ ўта ақли, қобилиятли ва соғлом бўлишади.

Бу жуфтликдаги энг катта камчиликлардан бири қайсарлик ва янги имкониятлардан фойдаланишни истамасликдир. Мана шу нарса ҳам никоҳ бузилишларига олиб келиши мумкин. Башарти, ўз вақтида ҳулоса чиқариб тўғри йўлни танлашмас экан, бузоқ буржидагиларни тақдирнинг ўзи жазолаб қўйиши ҳеч гап эмас.

Ишдаги ўзаро шерикчилик омадли кечади. Икковлари ҳам ҳар қандай ишни уддалаб кета билишади. Ишда жанжаллашиш, аразлашиш хавfli эканлигини улар яхши тушунишади.

Бузоқларда туғма тadbиркорлик қобилияти мавжуд. Тижорат ишлари билан биргаликда шуғулланишса, омадга эришишлари тайин.

Бузоқ — Эгизаклар

Жуда мураккаб жуфтлик. Бузоқ буржидагилар иложи борица Эгизакларнинг меҳрини қозонишга интилишади. Бироқ вақт ўтгани сайин уларни Эгизакларнинг аксинча тутаётган ишлари жаҳл отига миндиради.

Бундай жуфтликлар минглаб синовларни ўз бошларидан кечиришади. Бир-бирларининг феъл-атворларини тушуна олмай қийналишади. Эгизаклар Бузоқни ишдаги ягона тўсиқ, дея ҳисоблайди.

Бу жуфтликда кучли рашк, хиёнат ва доимий жанжаллар керагича топилади. Қарангки, ҳар гал Бузоқлар жабрланувчи бўлиб қолаверади.

Тўғри, бундай муаммоларни бартараф этса бўлади. Бунинг учун улар ишга шўнғишлари, бутун дунёни унутган ҳолда ишлайверишлари лозим.

Муносабатларни тўғри йўлга тушириб олишнинг яна бир йўли — Бузоқларнинг бадавлат бўлишларидир. Эгизаклар пулга ўч. Шунинг учун ҳам молиявий жиҳатдан қудратли бўлган Бузоқ буржидагилар ўз жуфттини эгиб олишлари осон кечиши тайин.

Бундан ташқари, жуфтлик орасидаги муносабатларни кетма-кет туғилажак фарзандлар ҳам мустақамлаши мумкин.

Ишда раҳбар бўлмиш Бузоқларни Эгизак ходимларнинг секин қимирлаши ва тартибсизликлари қониқтирмайди. Агар раҳбарлик Эгизаклар қўлида бўлса, Бузоқ ходим унга жуда қўл келади. Негаки, бузоқ буржи вакили ишбилармон, тадбирокор ва ақлли. Ҳар қандай оғир вазиятдан ҳам осонликча чиқиб кета олади.

Бузоқ — Қисқичбақа

Бу иттифоқ ўз оиласини ва уйини жондан азиз кўрадиган икки бурж вакили учун жуда қулайдир. Бузоқ буржи вакилини қисқичбақа буржи вакилининг ишчанлиги кўпроқ қизиқтирса, қисқичбақа буржида туғилган кишини бузоқ буржи вакилининг бой ҳиссиётлари ҳаяжонга солади. Улар бир ёқадан бош чиқарган ҳолда оиланинг моддий муаммоларини ечишади ва ўртадаги фарзандларни биргаликда тарбия қилишади. Мана шу нарса уларда ҳаётга бўлган меҳрни, қизиқишни орттира боради.

Агар қисқичбақа буржи вакили эркак бўлса, уни уйлантиришга осонликча мажбурлаб бўлмайди. Негаки, оилавий ҳаёт Қисқичбақалар учун ўта зерикарли туюлади. Аслида қисқичбақа буржининг аёл вакилаларида ҳам оилага нисбатан дастлабки пайтларда унчалик қизиқиш уйғонмайди. Айниқса, улар бузоқ буржи вакили бўлмиш ёстиқдошларининг оғир-босиқлигини кўриб жаҳл отига минаверишади. Аммо эркалалар, ўзгача меҳр-муҳаббатни қалбда туйиб, ҳис этиб кўргандан сўнг ҳар куни фақат уйга, суюкли турмуш ўртоғининг ҳузурига шошадиган бўлиб қолишади.

Икковлари ҳам рашкчи. Ҳар бирининг ўзига хос ожиз жиҳатлари йўқ эмас. Эҳтирос бу икки бурж вакилининг

бир умрлик ҳамроҳларига айланган. Бироқ улар ҳаётда омад сари интилаверсалар, фақат иш ҳақида ўйлаб, моддий манфаат учун жонларини қийнаб ишласалар, келгусида рақибларга ҳам айланиб қолишлари ҳеч гап эмас. Бундай бўлмаслиги учун барча манфаатларни оила учун йўналтиришлари лозим.

Бу иттифоқни ташқаридан қараганда, ака-сингил, опа-укаларнинг муносабатларига ўхшатиш мумкин. Улар бир-бирларини бир марта нигоҳ ташлагандаёқ тушуна олишади. Хавфнинг каттаси шундаки, майда-чуйда жанжаллар кутилмаганда катталашиб, ўртага совуқчилик тушириб қўяди. Шунинг учун бу бурж вакилларига майда-чуйда муаммоларга эътибор бериб ўтирмасликни маслаҳат берамиз.

Бузоқ ва қисқичбақа буржи вакиллари омадга эришишади. Агар қисқичбақа буржидагиларнинг ҳаёлпарастлиги бузоқ буржи вакилининг энсасини қотирмаса, икки орада ажойиб ҳамкорлик юзага келади. Қисқичбақа жуда тартибли ва ақлли. У Бузоқ раҳбарнинг буйруқларини сўзсиз адо эта олади. Мабодо раҳбарлик қисқичбақа буржи вакилининг зиммасида бўлса, бузоқ буржидаги ходимлар ҳам худди шундай фаолият юритишади.

Бузоқ — Арслон

Бу икки бурж вакиллари бир-бирларини сира тушуна олишмаса керак. Бузоқ буржи вакили биринчидан, бундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олишда узоқ фикрлашни маъқул кўради. Иккинчидан, башарти турмуш қурганда ҳам ёстиқдошидан худди ўзидаги каби масъулият ва тўғрисиўзлиликни талаб этади. Арслон буржи вакили эса хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, бундай талабларга бўйин эгишни ёқтирмайди. Шунинг учун ҳам бу оилада жанжал, тўполонлар тез-тез такрорланиб туриши табиий. Худо кўрсатмасин: Арслон буржи вакили бўлмиш эркак сал кўнгли бўшроқ чиқиб қолса борми, тамом, бир умр бузоқ буржида туғилган хотинининг хизматини қилиб ўтади. Арслон буржида туғилган аёл эса эридан

кўрқадиган бўлади. Ҳар бир ҳаракати учун эркакдан танбеҳ эшитмаслик илинжида яшайди. Шундай бўлса-да, бузоқ буржи вакиллари бир нарсани унутмасликлари лозим. Арслон барибир бир кун келиб ўзини ҳурмат қила оладиган инсонлар тоифасини қидириб қолади.

Нима ҳам дердик? Шундай кун келадики, бузоқ буржида туғилган аёл ҳам ўзининг хурмача қилиқларидан чарчайди ва тинч, осуда, бахтли ҳаётга талпина бошлайди.

Арслон ҳаётда сарф-харажатларни ёқтирса, бузоқ буржи вакили маблағ тўплаш бобида тенгсиз. Арслон буржида туғилган эркак доимо ўзининг эркак эканини исботлашга уринади. Агар бузоқ буржи вакили ҳисобланмиш аёл буни вақтида англаб етмаса, у бу хислатини исботлаш учун очикчасига хиёнат қилишдан ҳам тоймайди.

Ҳар қандай жанжалнинг бошловчиси, шубҳасиз, арслон буржи вакилидир. Бузоқлар аввалига чидайди. Тоқати тоқ бўлгач, курашиш йўлига ўтади. Бу оилани ҳам фақат ўртадаги фарзандлар ҳамда молиявий тўкинлик мустаҳкамлай олади.

Башарти бузоқ буржи вакили раҳбар бўлса, ишдаги ҳамкорлик кўнгилдагидек кечмайди. Чунки, у арслон буржи вакилини қайта тарбиялашни истайди. Қарабсизки, қайта тарбиялай олмагач, бузоқ буржи вакили Арслон билан тинчгина, яхшиликча хайрлашишни хоҳлаб қолади. Арслон буржида туғилганлар раҳбар бўлишса, бузоқ буржи вакили каби ходимнинг қадрига етишади. Бундай ходимни қўл остида ишлатиш учун улар ҳеч нарсадан қайтишмайди.

Бузоқ — Паризод

Улар турли бўлар-бўлмас ҳиссиётларга берилгандан кўра иш билан машғул бўлишни хуш кўришади.

Бузоқ буржи вакили ўта ақлли ва эътиборга муҳтож Паризод учун ўзида мужассам бўлган барча имкониятларни юзага чиқариш йўлида тиним билмайди.

Бузоқ ва паризод буржи вакиллари ҳар қандай сабаб боғлай олади. Паризод учун бузоқ буржи вакили-

дек суюкли киши дунёда топилмас ҳисобланади ва бир умр унга суяниб яшашни маъқул кўради. Турмуш ўртоғининг ҳар бир буйруғини аъло даражада адо этади. Ҳатто қанчадир вақт рашк нималигини унутади. Умуман, бузоқ буржи вакилини кимгадир рашк қилиш шарт эмас. Негаки, у рашк қилишга арзийдиган ҳаракатларни деярли содир этмайди. Тўғри, бир кун келиб ҳадеганда бўйсунавериш ҳам Паризодга малол келиши мумкин. Аммо бузоқ буржи вакили бунини ўз вақтида пайқайди-ю, дарҳол вазиятни ўнглашга ўтади. Паризод бузоқ буржи вакили учун муҳаббат тимсоли. Уни бузоқ буржи вакили худди ёш гўлак каби эркалайди. Бу муҳаббат Бузоққа чексиз имкониятлар эшигини очиб беради ва эзгуликка ундайди.

Иккала буржда туғилганлар ҳам бир-бирларини жуда қадрлашади. Албатта, Паризод муваффақиятларга эришиш йўлида анчагина тер тўкади. Шунга яраша турмуш ўртоғининг мақтовларига ҳам сазовор бўлади.

Икковлари оиладаги икир-чикирларга қанча кам эътибор беришса, шунча иноқ яшашади. Фарзандлар икковлари учун ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли улар дунёга келишлари ҳамано оиладаги ришталар мустаҳкамланади. Ўртада жанжаллар юзага келса, биринчи бўлиб Паризод ён беради. Бу ҳам уйдаги дўстона муҳит сақланиб қолишига сабаб бўлади.

Ишдаги ҳамкорлик омадли кечиши тайин. Бу ерда ким ходим, ким раҳбар бўлишидан қатъи назар, ҳеч қандай келишмовчиликлар келиб чиқмайди. Бу икки бурж вакилининг молиявий қобилияти келгусида ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришиш имконини яратади. Паризод ва бузоқ буржи вакили бошқараётган ҳар қандай ташкилот инқирозга учрамайди.

Бузоқ — Тарози

Бу иттифоқ доимий зўриқишлар ва ички изтиробларга бой кечади. Уларнинг ҳар бири ўз хаёллари билан банд. Бузоқ буржи вакили ниманидир қадрласа, Тарози бунга аксинча муносабатда бўлади.

Тарози билан яқин муносабатда бўлиш учун ўта нозик туйғу эгаси бўлиш лозим. Бу эса бузоқ буржи вакилига ёқмайди. Ғашига тегади.

Бузоқ алдашни ёмон кўради. Тарози бўлса, ваъдалар беришга уста. Ана шунинг натижасида бузоқ буржи вакилининг вақт ўтган сари унга бўлган муносабати салбий томонга ўзгаради. Бундан ташқари, ўзини алданган деб ҳисоблаши саломатлигига ҳам путур етказиб қўйиши мумкин.

Бу иттифоқ асосан Бузоқ туфайли сақланиб қолади. У Тарозини бошқалар сингари тўғри яшашга ўргата олади. Қарабсизки, узоқ қийналишлардан сўнг тарози буржи вакили барчага ўхшаб эрта туришга, алдамасликка, тартиб-интизомга ўрганади. Бироқ бузоқ буржи вакили ҳамон норози кайфиятини сақлаб қолаверади. У турмуш ўртоғи ўрнига худди ёш болани эслатувчи бир одам рўбару келганидан азобланади. Ҳаётининг бир қисми кемтик эканини ўйлагани сайин кўнгли чўкиб боради. Тарози эса бундай деб ўйламайди. Бузоқнинг совуққонлиги унга ҳузур бахш этади. Ҳаётдан мамнун яшайди.

Баъзан шундай ҳодисалар юз берадики, тарози буржида туғилганлар ўзлари учун яхшироқ, ширинсуханроқ ёстиқдош қидириб қолишади. Буни бузоқ буржи вакили сезиб қолади-ю, Тарози орзу қилган инсон бўлишга интила бошлайди. Афсуски, бир кун келиб ҳаммаси жонига тегади. Тарозининг янги қилиқлари — айниқса, рашкчилиги уни асл ҳолига қайтишга мажбур этиб қўяди. Тарози буржи вакиллари бир нарсани унутмасалар яхши бўларди. Агар Бузоқни севсалар у ишқ ва меҳр ўтида куйиб ёниши, Тарози учун ҳамма нарсага тайёр туриши муқаррар. Бир сўз билан айтганда, у учун жон олиб жон беришга ҳозир нозир.

Яна бир нарса. Бу жуфтликни молиявий тўкин-сочинлик ҳам мустаҳкамлайди. Бунинг оқибатида улар келгусида молиявий ҳамкорларга ҳам айланишлари табиий ҳол. Бироқ бу нарса орадан ҳеч қанча вақт ўтмай рақобатни юзага келтиради.

Тарози буржидагилар ҳаётда бошқаларга қараб иш тутишни хуш кўришади. Бу одати натижаси ҳисоб-китоб билан яшашга, суҳбат пайтида орадаги масофани бир меъёрда ушлаб туришга олиб келади. Бузоқ буржида туғилганлар ҳам ана шу одатни ўзларида мужассам этишса арзийди.

Иш масаласида бу икки бурж вакили никоҳдагига нисбатан кўпроқ муваффақиятиларга эришади. Бузоқ буржидагиларда раҳбарликка туғма қобилият мавжуд. Бузоқ буржи вакили ходим сифатида яхши иш кўрсатса, Тарози-раҳбар керак бўлса, унга борини беради. Бу хусусда, албатта ходим сифатида бузоқ буржи вакилига етадигани топилмаса керак. У ҳар қандай ишни дўндира олади. У амалга оширган иш ҳеч қачон Тарози-раҳбарнинг кўнглига ўтиришмай қолмайди.

Молиявий битимларга келсак, Бузоқ буржидагилар тажрибали ва устамон талбиркорки, Тарозининг ҳар қандай мақсадини осонгина тушуна билишади.

Бузоқ — Чаён

Бу иттифоқ муҳаббатдан юзага келадиган муносабатлар учун жуда қулайдир. Улар танишибоқ сира ўйлаб ўтирмасдан никоҳдан ўтишади. Икковлари ҳам доимо бир-бирларига талпиниб яшашади. Бир-бирларининг ҳис-туйғуларини қалбан чуқур ҳис этишади. Айтиш мумкинки, ҳар бир бузоқ буржи вакили учун, албатта, чаён буржидаги жуфт зарур. Баъзан акси ҳам бўлиши мумкин. Агар Бузоқ Чаён билан муносабатлари узоқ вақт сақланиб қолишини истаса, оилавий ҳаётда унга ён бериши шарт. Бусиз никоҳни асраб қолиб бўлмайди.

Шубҳасиз, бу жуфтликнинг ҳам ўз муаммолари йўқ эмас. Ташқаридан қараганда, икковлари бир-бирлари учун яратилгандек туюлади. Аммо улар бир-бирларининг ноўхшов жиҳатлари мавжудлигини вақт ўтган сари англашади. Уларнинг пулга муносабатлари ҳам турлича. Барибир бошқалар сингари бу оила ҳам молиявий етишмовчиликларни ўзига сингдира олмайди. Чаён ўта бой

ҳиссиёт эгаси. Бузоқ буржи вакили эса уни ўзи каби тартиб-интизомга одатлантиришни истайди. Майда-чуйда камчиликларини юзига солиб, бу хатоларни тузатишга ундайди. Бироқ чаён буржи вакили бундай ҳаётга кўника олмаслигини билади. Айниқса, бузоқ буржи вакили бўлмиш ёстиқдошининг бўлар-бўлмасга рашк қилаверишлари жонига теккач, қасос олиш йўлига ўтади ва ҳаётини хиёнатларга кўмиб ташлайди. Бу даҳшатни ўз кўзлари билан кўрган Бузоқ эса шу заҳоти ёстиқдошидан воз кечади-қўяди.

Агар бу оиладагилар бир-бирларини тушуниб, меҳр-муҳаббат, эътибор билан яшашса, улар ҳеч қачон ажралишмасликлари тайин. Чаён буржи вакили худди очилмаган кўриқ. Ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган қобилиятлари, имкониятлари кўп. Худди шу нарса бузоқ буржи вакилидаги баъзи камчиликларни ёпиб кета олади.

Чаён буржи вакили ҳеч қачон ёстиқдошидан ортиқча нарсаларни талаб қилмайди. Унга меҳр керак, холос. Бузоқ буржи вакили шу меҳрни бера олса, Чаён жонини фидо қилиб, ўз оиласининг ҳаётда барчага ўрнак бўлишини таъминлаб беради.

Ишда ҳам икки буржи вакиллари яхши келиша билишади. Чаёнлар жуда яхши раҳбардирлар. Фақат уларни хафа қилиш, ишончини суиистеъмол қилиш керак эмас. Акс ҳолда ҳеч кимни кечиришмайди. Бузоқ ҳам масъулиятни чуқур ҳис этиб ишлай олади. Ҳар қандай ишни қойил қилиб бажаради.

Молиявий масалаларга келсак, унчалик муваффақиятли кечмайди. Чунки бузоқ буржи вакили пул борасида жуда эҳтиёткор. У Чаён билан ҳамкорлик қилиш учун катта маблағ тикишни сира хоҳламайди.

Бузоқ — Ўқотар

Бу буржлар вакиллари ўртасидаги муносабатлар узоққа бормайди. Чунки муҳаббат бобида уларнинг қарашлари турличадир. Орадан маълум муддат ўтиб, бузоқ буржи вакили Ўқотарнинг буйруқлари, кўрсатмаларидан чар-

чайди. Ўқотарни эса ёстиқдошининг доимо бир хил кийи-ниши, бир хил ҳаёт кечириши қониқтирмайди. Қарабсизки, аввал бошида кўнгилдан кечган ширин туйғулар саробга айланади. Ишонувчан бузоқ буржи вакили ҳамон Ўқотар-нинг ваъдалари амалга ошишини кутади. Дастлаб бу ку-тишлар ёқимлидек туюлади. Лекин эртами-кечми, Бузоқ англаб етадики, уни турмуш ўртоғи алдабди. Шундан ке-йин у қаттиқ хафа бўлади. Бу Ўқотарнинг ўзига ҳам таъсир этмай қолмайди. Кутилмаганда бузоқ буржи вакили-нинг ўзгариб қолиши уни қаттиқ хавотирга солиб қўяди. Никоҳ ана шунинг оқибатида бузилиб кетиши мумкин.

Бундай никоҳ аслида мажбуриятлар асосига қурила-ди. Ўртада муҳаббат эмас, аксинча, мажбурият асосий ролни ўйнайди. Қолаверса, никоҳ фақат бузоқ буржи вакилининг сабр-матонати, мажбуриятни чуқур ҳис эти-ши эвазига маълум муддат бузилмаслиги мумкин.

Аслида уй икковлари бир-бирларини тушунишлари учун хизмат қилади. Аммо бу ерда ҳам жанжаллар келиб чиқавергач, дид, дунёқарашларнинг турлилиги маълум бўлиб қолавергач, биргаликдаги ҳаётга путур етади.

Шунга қарамай, уларнинг ҳам умумий жиҳатлари йўқ эмас. Ўқотарнинг ўткир нигоҳлари, ҳар қандай вазиятда турмуш ўртоғини бағрига ола билиши бузоқ буржи ва-килига жуда хуш ёқади. Улар башарти ўзаро келишиб яшашса, буюк мақсадлар йўлида бир ёқадан бош чиқа-риб интилишса, нур устига аъло нур бўларди. Фақат иш, молиявий юксалиш учун қилинадиган биргаликдаги ҳара-катларгина бу никоҳни асраб қола олади.

Агар раҳбарлик Ўқотарнинг зиммасида бўлса, ишдаги шерикчилик бу икки бурж вакили учун зафарли кечади. Негаки, бузоқ буржи вакилини ходим вазифаси буткул қониқтиради. У Ўқотар раҳбарнинг янги-янги ғояларини амалда татбиқ эта олади. Икковлари ҳам бир-бирлари-нинг манфаатларини ҳурматлашади.

Молиявий масалада ҳам улар омадга эришишади. Ма-бодо омад юз ўгирган тақдирда ҳам бузоқ буржи вакили жонини койитиб бўлса-да, вазиятни ўнглаб олишга қодир-дир.

Бузоқ — Тоғ эчкиси

Бу икки бурж вакилини ишонч ва сабр-тоқат боғлаб туради. Тоғ эчкиси қайсидир маънода бузоқ буржи вакили учун муаллим ҳисобланади. У доимо қайси соҳада бўлмасин, аниқ, керакли маслаҳатларни бера олади. Агар тоғ эчкиси буржи вакилининг қўнглини топа олсангиз, кўз кўриб қулоқ эшитмаган ишларни бажаришга қодирдир.

Икковларини ҳам бир-бирларидаги ҳар бир жиҳат тўлиқ қониқтиради. Улар дунёга бир хил кўз билан боқишади. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзлари кўзлаб қўйган мақсадларга ета олишади. Икковлари ҳам ҳиссиётга бой. Умр бўйи нозик ҳис туйғуларни ўзларида сақлаб қолишади. Илиқ муносабатлар икки бурж вакилининг ички дунёсини кенгайтиради, ижод уларни руҳан ўстиради, болалар эса никоҳни мустаҳкамлайди.

Албатта, иш ҳам ҳиссиётларга сира халал бермайди. Аксинча, рўзгордаги камчиликларни бартараф этади. Бузоқ буржи вакили тоғ эчкиси буржи вакили бўлмиш ёстиқдошининг молиявий жиҳатдан эришадиган ютуқларини юқори баҳолай биледи ва ҳар қандай ишда яқиндан ёрдам беришга тайёр туради.

Агар бу оила муҳаббат туфайли қурилса, баъзи муаммолар юзага келиши мумкин. Айниқса, рашк оилاداги тинчлик, хотиржамлик, дўстликни бирмунча нари суриши эҳтимолдан холи эмас.

Бу борада кўп нарса Бузоқ буржида туғилганларга боғлиқ. Айнан у Тоғ эчкиси буржи вакилининг ишини, қобилиятини тўғри баҳолаши зарур.

Иш масаласида улар ҳар қандай юқори чўққини бемалол забт эта олишади. Икковлари раҳбарликни ҳам, ходимликни ҳам қойиллатишга қодир. Фақат Тоғ эчкиси Бузоққа бироз мақтов лозимлигини унутмаслиги керак. Башарти, керагидан ортиқ мақтов эшитса, бузоқ буржидагилар ишга янада кўпроқ меҳр бериб ишлашади.

Тоғ эчкиси буржи вакиллари ажойиб ҳисобчи ва иқтисодчи ҳамдир. Улар ҳисоб-китобда, тежаб-тергашда ҳеч қачон адашишмайди.

Бузоқ — Қовға

Бузоқ ва Қовға буржи ўртасидаги яқин муносабатлар ўзига хос жиҳатга эга. Бу муносабатларни оддий деб бўлмайди. Қачон қараса, икковлари ҳам руҳий зўриқишлар, қайғу-ташвишлар исканжасида юришади. Никоҳни асраб қолиш ёхуд йўққа чиқариш кўпинча ана шу руҳий ҳолатларига бориб тақалади.

Гарчи иккала бурж вакили ҳам садоқат бобида тенгсиз ҳисобланишса-да, барибир бузоқ буржи вакилини Қовғанинг янги-янги ғоялари, топилмалари хавотирга солаверади.

Иттифоқ бузоқ буржи вакилининг сабр-тоқати туфайли сақланиб туради ва Қовғанинг интилишлари натижасида мустақамланиб боради. Бузоқ буржи вакили вақт ўтгани сайин Қовғага кўпроқ “озодлик” бериб юборса-да, пайти келганда “танобини тортиб” қўйишни ҳам унутмайди.

Лекин бир кун келиб Қовға ҳадеб дайдийверганидан Бузоқнинг тоқати тоқ бўлиши мумкин. Қовға буржи вакили кечалари уйга келмасдан қаерлардадир вақтини хушласа, хиёнатдан хабар топган бузоқ буржи вакили портлаб кетиши аниқ. Бу нарса бузоқ буржидагилар учун нақ фожианинг ўзи.

Йўқ, яхшиси, қовға буржи вакили вақт борида ўйлаб кўргани маъқул. Бузоқ буржидагиларга кўп нарса керак эмас. Ўртага хиёнат ораламаса, тез-тез эркалаб турилса кифоя.

Аҳиллик бўлса, бузоқ ва қовға буржи вакиллари тузган иттифоқ келгусида юксакларга парвоз этиши мумкин. Уларнинг молиявий аҳволи янада яхшиланиб, бир умр бахтли-тахтли яшашади.

Икки бурж вакиллариининг баъзилари узоқ вақт бирга яшамасдан ажралиб кетишлари ҳам ҳаётда кўп кузатилган. Бунга асосан уларнинг қайсарликлари сабаб бўлади. Ишда ҳам икки бурж вакилининг биргаликдаги фаолияти доимо омадли кечавермайди. Бузоқ буржи вакили хоҳ раҳбар, хоҳ ходим бўлсин, уни Қовғанинг тепса

тебранмаслиги, суслиги аччиқлантиради. Айниқса, қовға буржи вакили раҳбар лавозимида бўлса, бузоқ буржидаги ходим яхши ишлаш учун нимага ҳашаматли хона, қимматбаҳо жиҳозлар керак эканини сира тушуниб ета олмайди. Энсаси қотади. Ана шунинг оқибатида икковлари ўртасида тез-тез келишмовчиликлар, жанжаллар юзага келади.

Бузоқ — Балиқ

Уларнинг муносабатларида кўп нарса тушунарсиз кечади. Бузоқ буржи вакили балиқ буржидагиларнинг ўзгарувчан кайфиятидан азоб чекади. Аммо сабр-тоқати туфайли балиқ буржи вакилини ҳам бошқалар каби оддийликка, очиқ муносабатлар юритишга ўргатади.

Икковларининг иттифоқи тўлақонли дўстона дейиш мумкин. Аксар ҳолларда бир-бирларини сўзсиз тушуна билишади. Ҳиссиётга бой ҳисобланмиш балиқ буржи вакиллари ҳаётни яхшилаш учун турли йўллارни топишга, фойдали режалар тузишга уста. Буни фақат бузоқ буржи вакилигина қадрлай олади.

Улар яхши эр-хотин, шерик, сирдош, ёрдамчидирлар. Лекин никоҳ икковларидан ҳам кўп жиҳатдан ён беришни талаб этади. Жанжалларга асосан рашк сабаб бўлиши мумкин. Башарти, бузоқ буржи вакили ёстиқдошининг бошқалар билан яқин муносабат юритаётганини сезиб қолса, қаттиқ қайғуга тушади. Ваҳоланки, балиқ буржидагилар ўта сирли бўлганликлари боис, бузоқ буржи вакилининг ҳамиша гумонсирашларига сабабчи бўлишади. Кўп ҳолларда улар ўзларига бошқасини топиб олишади. Бузоқ буржи вакили ҳам бошқалар сингари оиласининг моддий аҳволи юқори даражада бўлишини истайди ва шу йўлда тинимсиз изланади, ҳаракат қилади. Балиқлар бўлса, пулни жуда яхши кўрганликлари туфайли бузоқ буржидагиларнинг юракларини эзади. руҳан зўриқишга олиб келади. Бир оилада яшасалар-да, балиқ буржи вакили ишда ёстиқдошига нисбатан юқорироқ лавозимни эгалласа, бузоқ буржи вакили аянчли аҳволга тушиб қолади.

Иш масаласида икковлари ҳам тенгсиз қобилиятга эга. Фақат умумий мақсадларни бирлаштириш кифоя. Афсуски, улар бу борада бошқачароқ йўлни танлашади. На Бузоқ, на Балиқ ўз ички сирлари билан ўртоқлашади. Меҳнат қилишади. Аммо айёрона йўл тутган ҳолда режаларини, мақсадларини бир-бирларига ошкор этишмайди.

Агар балиқ буржи вакили раҳбар лавозимида бўлса, қайсидир маънода мақсадлар, муваффақиятлар бирлашиши мумкин.

Молиявий ҳамкорлик ҳам бу икки бурж вакили ўртасида омадли кечади.

ЭГИЗАКЛАР (21 май – 21 июнь)



Мос жуфти: Қовға, Тарози, Арслон, Қўй, Қисқичбақа.

Тўғри келмайдиган жуфти: Бузоқ.

Ёқтирадиган ранги: сиёхранг, мовий, кумушранг, яшил.

Йўлдоши: Меркурий.

Омадли кунлари: душанба, пайшанба.

Омадсиз кунлари: сешанба, шанба.

Ёқтирадиган гули: ясмин, учкат ва барча оқ гуллар.

Омадли рақамлари: 3, 5, 12, 18.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Бу бурж остида туғилганлар кўпинча ўта қизиқувчанликлари, ўта ақллиликлари билан бошқалардан ажралиб туришади. Уларда чет тилларни ўрганишга ҳавас кучли бўлади ва ҳар қандай шароитга осон мослаша билишади. Гоҳида асабийлашиш эгизаклар учун оддий ҳолдир. Уларни севиш жуда мушкул. Эгизаклар ҳамиша ўзларини қаттиқ севган кишиларда ишончсизлик ҳиссини уйғотиб яшашади. Кимгадир камдан-кам ҳолларда меҳр қўйишади. Бироқ сева олишади.

Эгизаклар буржи остида туғилган эркаклар яқинларига эркаланишни, севилиб яшашни кўпроқ истайдилар. Ёлғизлик улар учун даҳшатдан бўлак нарса эмас. Асосан, оддий, ўқимишли бўлмаган одамлар орасида бўлишни хоҳлашадики, бу ўзларини даҳодек кўрсатишга жуда қўл келади. Ишда ҳам кимнингдир ёрдамисиз ҳеч нарса қила олишмайди.

Эгизаклар буржи остида туғилганларда математика ва фалсафага меҳр кучли бўлади.

Аёл эгизаклар эса ўзларининг ўткир ақли, ишончли дўстлиги билан мақтовга лойиқдир. Бундай аёллар билан ҳамсухбат бўлиш ҳар қандай одамга ҳузур бағишлайди. Никоҳда ҳам эгизак буржи остида туғилган аёллар садоқатли ва ёстиқдошига яқин кўмакчидир.

Мустақил бўлишни, иродани бўшаштирмасликни хуш кўришади. Касбга келганда, бу аёллардан ажойиб тижоратчилар етишиб чиқади.

Эгизаклар — Қўй

Умуман олганда, бу иттифоқ омадли. Уларнинг бир-галикдаги ҳаёти жуда қизиқ кечиши мумкин. Бора-бора, ўзларини қўлга олишга, оғир-босиқ бўлишга одатланишса, иккала бурж вакили нафақат бир-бирларига суюкли инсон, балки, яхши дўст, оилавий ишларда аҳил ҳамкорларга ҳам айланишади.

Лаҳзалар сайин кучайиб борувчи эҳтирос оилавий ҳаётни мустаҳкамлайди. Айнан шу туйғу бу жуфтликни бир умрга бахтли-тахтли кишиларга айлантиради. Ҳа, икковларининг мақсадлари бир, ҳаётга нисбатан қарашлари бир хил бўлса, уларни ҳеч бир куч тўхтатиб қола олмайди. Қўй ва эгизак буржидаги бу жуфтлик вақт ўтгани сайин биргаликдаги ҳаётда янги-янги қирраларни очиб бораверишади. Шу жумладан, доимо ўзларини эркин тутишлари, никоҳдан қониқиб яшашлари оилани тобора мустаҳкамлайди.

Уларнинг яқин дўстлари, ҳамкорлари кўп. Шунинг оқибатида бу оила аъзоларидан тенгсиз садоқатни кутиш ярамайди. Чунки улар учун қачондир оиладаги муҳит жуда зерикарли туюла бошлайдики, қўй буржи вакили ҳам, Эгизаклар ҳам билиб-билмай хиёнатга қўл уриб қўйишлари эҳтимолдан холи эмас. Бунга йўл қўймаслик учун икки томон бир-бирининг кўнглини овлашда янги-янги ғояларни тузиб яшашига тўғри келади.

Ишдаги муваффақият ҳам оилани барбод бўлишидан сақлаб қолувчи бир омилдир. Аммо икковлари барава-

рига ўз ҳаётини фақат оилага бағишлаб, бошқа нарса-ларни унутиб қўйса, никоҳ бузилди, деяверинг.

Агар қўй буржи вакили эгизаклар буржидаги инсон билан бирга яшашни ўзига лозим деб билса, у билан сира баҳслашмагани маъқул. Акс ҳолда эгизаклар буржи вакили қизишиб кетиш оқибатида баҳс чўзилгандан чўзилиши, катта жанжаллар юзага келиши мумкин.

Ишда уларни ажойиб шериклар дейиш мумкин. Икковлари ҳам ақлли, маданиятли, топқир. Мана шу нарса бир-бирларини ҳурматлашга мажбур этади. Қўй буржи вакили раҳбар лавозимида бўлса, Эгизакларнинг бироз суствлиги қониқтирмаслиги мумкин. Башарти, эгизаклар буржи вакили раҳбар ролида бўлса, қўй буржидагиларнинг эркинликни севишини ҳисобга олишига тўғри келади.

Эгизаклар — Бузоқ

Бу жуфтлик орасида турли муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Муаммоларни бартараф этиш учун улар фақат ишга шўнғишлари зарур бўлади. Шунда эгизаклар ҳамда бузоқ буржи вакилининг биргаликдаги ҳаёти меъёрда кечади. Эгизаклар буржи вакили иложи борича ичида тўпланиб қолган орзу-армонларни, ғам-андуҳларни ўз жуфтига айтиб-айтиб олишни истайди. Бузоқ буржидагилар ҳарқалай ҳаётни тушуняшади. Шу сабабли бўлса керак, сабр-тоқат билан бу ҳасратларни тинглай олишади.

Эгизакларни молиявий камчиликлар кўпроқ қийнайди. Агар Бузоқ буржи вакили ана шу муаммони ўз вақтида ҳал этиб қўйса, оилавий ҳаёт мустақамланиб, ўртадаги муносабатлар юз чандон илиқлашади. Қолаверса, фақат бузоқ буржи вакилигина Эгизакларнинг илгари амалга ошмай қолган режаларини амалга оширишга қодир. Жуфтининг доимо бир хил муомаладалиги ва ўта тажрибалилигини кўрган эгизаклар буржи вакили ҳайратга тушади. Бунинг сирини билишга ошиқади. Бунга, албатта, ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Эгизаклар бузоқ буржи вакилининг “очирилиши” учун шоирона йўл тутиш-

лари лозим. Яъни, кучли эҳтирос, севги изҳорлари, қаердадир мириқиб дам олиб қайтишлар бузоқ буржи вакилининг кайфиятини кўтаради ва шундагина у ўз сирларидан турмуш ўртоғини баҳраманд этади.

Ишдаги шерикчиликда бузоқ буржидаги раҳбарни Эгизакларнинг тартибга риоя қилмаслиги, секин қимирлаши қониқтирмаслиги мумкин. Лекин Эгизаклар раҳбарни қалб тозаллиги ва билимга бойлиги билан барибир ҳайрон қолдиришга қодир.

Агар раҳбарлик эгизаклар буржи вакилининг зиммасида бўлса, бузоқ буржидаги ходимга алоҳида ҳурмат билан ёндашади. Негаки, бу ходим ақлли ва файласуфларча иш юритади. Ҳар қандай ишни сира қийналмасдан удалай олади. Тижорат бобида улар биргаликда катта бойлик орттиришлари тайин.

Эгизаклар — Эгизаклар

Ўз буржи вакили билан юритиладиган яқин муносабатлар Эгизаклар учун жуда қизиқарли кечади. Улар учун бир-бирини тушуниш деган нарса умуман шарт эмас. Чунки, улар орасида ҳеч қандай сирли жумбоқ мавжуд эмас. Эгизаклар буржи вакили бир нарса ҳақида ўйлаб, бошқа нарсани гапириши ва амалда буткул бошқа ишни амалга ошириши мумкин. Ва шунда ҳам икковлари бир-бирларини қоралашмайди. Аксинча, тутган ишларини маъқуллашади.

Тўғри, бу иттифоқ фақат шахсий манфаатлар туфайлигина ўз ўрнида қолиши мумкин. Эгизаклар буржи вакиллари айниқса, биргаликда курортларга бориш, саёҳатлар қилиш эвазига қадрлашади.

Улар орасида эҳтирослар, куйиб-ёнишлар, меҳр-оқибат, “Сизсиз яшай олмайман!” каби сўзлар деярли бўлмайди. Аксинча, Эгизаклар буржи вакили бўлмиш эркак ҳам, аёл ҳам кимларгадир бошқаларга юқоридаги ҳисларни асраб яшашади. Пайти келди дегунча четдаги “суюкли” киши томон эҳтирос ҳам, севги изҳорлари ҳам денгиздек оқиб келаверади.

Агар эгизаклар орадаги муқалдас никоҳни асраб қолишни хоҳлашса, муносабатларини яхши томонга ўзгартиришлари, шахсий манфаатдан кўра оилани биринчи даражага қўйишлари лозим бўлади. Ёки бўлмаса, сеvimли машғулотлар билан кўпроқ банд бўлишга уриниш керакки, бу қалбдаги турли бўлар-бўлмас туйғуларни, миядаги чалкаш хаёлларни ҳайдайди. Эгизаклар буржи вакиллари-нинг иттифоқида яна бир-бирини тўлдириб бориш деган нарсалар етишмайди. Улар ҳамиша ўзларини ўйлашади, яширин бўлса-да, бир-бирларидан ўзларини устун қўйишади. Бу, шубҳасиз, яхшиликка олиб келмаслиги муқаррар. Бу билан ҳеч қачон бахтга эришиб бўлмайди.

Эгизаклар буржи вакилларига матонатли, сабр-тоқатли, кучли иродаси бўлмиш жуфтлик жуда зарур. Бусиз кўзланган мақсадга эришиш амри маҳолдир. Шундай жуфтлик бўлмас экан, ҳаёт фақат қийноқлардангина иборат бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Яъни, аввалига улар бир-бирларини алдаб яшашган бўлса, охири бориб чарчашади. Доимий бир хил муносабатларни, очиқ-ойдинликни, ҳақиқатни соғинишади. Афсуски, унда кеч бўлади. Ҳатто, аҳилликни юзага келтириш ниятида тунларни мажбуран эҳтиросга тўла ҳолатда ўтказишга уринишлар ҳам ёрдам бера олмайди.

Аҳиллик учун ўз жуфтига бирмунча эркинликлар ҳада этиш ҳам яхшилик аломати ҳисобланади. Негаки, эгизаклар буржи вакиллари табиатан ҳар қандай вазиятга осон мослаша олиш қобилиятига эга. Бир-бирини тергайвермаслик, салгина эътиборсизлик ўртадаги илиқ муносабатларга гаров бўлишини ҳаётнинг ўзи неча марталаб исботлаб берган.

Иложи бўлса, бу оиланинг яқин дўстлари, танишлари, шу жумладан, иш, саёҳатлар кўпроқ бўлиши керак. Бир-галикдаги ҳаёт қанча хилма-хилликка бой бўлса, муносабатлар шунча мустаҳкамланади. Бунинг учун тафаккурнинг ўсиб боришига ҳам эътибор қаратиш фойдадан холи эмас. Жуфтлик тафаккур бойлиги бобида бир-биридан ҳеч қачон ортда қолмаслиги талаб этилади. Бундан ташқари, оилавий ҳаёт барқарор бўлишида ўрта-

ларида кимдир элчи вазифасини ҳам ўтагани маъқул. Бунинг сабаби шундаки, элчи вазифасини ўтовчи шахс доимо уларни назорат қилиб, тушунарсиз ҳолатлар юзга келганда, дарҳол жанжалларнинг олдини олишда асқотади. Ҳа, эгизаклар буржи вакиллари одатда ўз жуфтига эмас, кўпроқ ташқаридан келган одамга кўпроқ ишонишга одатланишган.

Эгизаклар буржи вакили аёллар бўш қолди дегунча телевизор орқали берилаётган турли кўрсатувларни томоша қилишса, эркаклар эса ўзларига маъқул бўлган машғулотлар билан банд бўлишса ҳам келишмовчиликлар маълум вақт барҳам топади. Ишда уларга никоҳдагига нисбатан бирмунча кўпроқ омад ёр бўлиши мумкин. Фақат бу ерда ҳам феъл-атворларини ўзлари ўзгартиришлари зарур.

Тўғри, эгизаклар буржи вакиллари ақлли, топқир, яратувчан, аммо бир ишни охиригача етказиш улар учун ёт. Эгизаклар буржи вакиллари фаол ва тadbиркор ёрдамчилар керак. Акс ҳолда бирор ишни мустақил ниҳоясига етказа олишмайди.

Икковлари ҳам ҳасадга бегона эмас. Бошқаларнинг муваффақиятларини кўра олишмайди.

Тижоратдаги шерикчилик ҳам ҳар доим муваффақият келтиравермайди.

Эгизаклар — Қисқичбақа

Ўта хаёлпараст ҳисобланмиш қисқичбақа буржи вакили учун Эгизаклар ҳамиша ечилмас жумбоқдек туюлади. Эгизаклар эса аксинча, қисқичбақа буржи вакилига қаттиқ ишонади. Уларни кўп нарса бир-бирларига боғлаб туриши мумкин. Айниқса, оиладаги баъзи тартибсизликлари ўртадаги муносабатларга фақат илиқлик бахш этади. Чунки, улар икковлари ҳам худди шундай ҳаёт тарзига ўрганишган. Шунинг учун бўлса керак, бир-бирларини айблашга ботина олишмайди. Фақат қисқичбақа буржи вакилининг кайфиятида жуда тез ўзгаришлар содир бўлиб туриши орадаги муносабатларни совитмаса, бас. Эгизаклар бур-

жида туғилган шахс янги ғоялар ўйлаб топишдан чарчмайди. Қарабсизки, оиладаги аҳиллик тобора мустаҳкамланаверади.

Уларнинг муносабати яна қачонки, эгизаклар буржи вакили ўз жуфтнинг эркинликларини чегаралайвермаган тақдирда яхшиланиб боради. Улар анча эҳтиросли. Фақат бошқа бурж вакиллари каби орадан маълум вақт ўтгач, эгизаклар ва қисқичбақа буржи вакиллари бир-бирларидан советтанликларини ҳис этиб, ўзларини четга торта бошлашмаса, бу ҳам оиланинг мустаҳкам замини сифатида хизмат қилиши эҳтимолдан холи эмас.

Аёл бўлмиш эгизаклар вакили ўз жуфтини севади, меҳрибон инсони борлигига шукр қилади. Ўз ўрнида Қисқичбақа буржи вакили — эркак бу қадар жодули кўзларнинг сеҳрида бир умр қолиб кетишни истайди ва бу кўзлар учун тоғни толқон қилишга тайёр туради. Уларнинг ҳар бири пул ва эркинлик ҳақида ўз фикрига, тасаввурига эга. Эгизаклар ҳар бир ишни режа асосида амалга оширишга интилса, қисқичбақа буржи вакили ҳиссиётлар уммонида қолишни афзал кўради. Ўзаро муносабатларда муаммолар талайгина. Биргаликда яшашга улар қийналишади. Аммо барибир шунга талпинаверишади. Агар икковлари ҳам туну кун ишлаб, бир-бирларини камроқ кўришса, шубҳасиз, муносабатлар тобора мустаҳкамланади. Ижодий ҳамкорлик ҳам уларни янада бир-бирларига яқинлаштириши мумкин.

Қисқичбақа буржи вакилининг чексиз муҳаббати эгизакларни кўз кўриб қулоқ эшитмаган қаҳрамонликларга ундайди. Қисқичбақа вакили эса айнан ўз ёстиқдошидаги ана шу хислатларни кўпроқ ёқтиради. Қисқичбақа вакили билан иттифоқ тузган эгизаклар келгусида кўп нарсаларни тушуниб етишлари, ҳаётни етарлича ўрганиб олишлари турган гап. Тўғри, бу йўлда муаммоларсиз олға интилишнинг имкони йўқ. Аммо эгизаклар анча матонатли, кучли ирода эгаси бўлганликлари боис, муаммолардан чўчишмайди. Эгизаклар ҳиссиётга қанча бой, қисқичбақа буржи вакиллари билимдон бўлишса, иттифоқ шунча мустаҳкамланаверади. Бир-бирини тушуниб яшашла-

рига янги имконият эшиклари очилаверади. Бу иттифоқда эгизаклар эркак, қисқичбақа буржи вакили аёл бўлса, никоҳ бир умр сақланиб қолади. Бу оила бошқаларга нисбатан ўн чандон бахтли ҳаёт кечиради.

Ишга келсак, қисқичбақа буржи вакилининг раҳбарлик лавозимида бўлгани маъқулроқ. Унинг тажрибаси етарли. Эгизаклар буржи вакили бўлмиш ходимини ҳар қандай йўл билан ишга жалб эта билади. Ўз ўрнида эгизаклар ҳам жуда итоаткор, раҳбарнинг қобилиятини, билимини ҳурмат қилган ҳолда иш юритадиган ходимдир. Мабодо улар ўзаро тил топишиб, дўстона иш юри-тишса, ўзлари истаган чўққиларни забт эта оладилар. Агар билим, тажриба борасида рақобатчиларга айланишса, унда икковларидан кимдир бошқа ишга ўтиб кетиши зарур бўлади. Ана шу масалада кўпинча эгизаклар хато қилиб қўйишади.

Эгизаклар — Арслон

Бу иттифоқ жуда ҳаракатчан ва ўз фикрига эга. Оилавий ҳаётни қадрлай олишади. Ўрталарида муҳаббат, меҳр керагидан ҳам ортиқроқ. Улар нафақат яхши ёстиқдош, балки, яхши дўстлар ҳамдир. Бир-бирларини яхши тушунишади, нима демоқчи эканликларини кўзларига боқиб илғашади. Бу иттифоқдаги ўзаро муносабатлар худди ўйинга ҳам ўхшаб кетади. Эгизаклар буржи вакили ёстиқдошига айёрона йўллар билан бўлса-да, очилиш, мақтаниш имконини яратиб беради. Натижада у қисқичбақа вакилини ўзига буткул оғдириб, бошқаларга назар ташлашдан маҳрум этади.

Улар биргаликда ҳордиқ чиқариш, кўнгилхушлик қилиш йўлида ҳеч нарсадан қайтишмайди. Қандай қилиб бўлмасин, шу мақсадга эришиш йўлини қидиришади. Икковлари ҳам шахсий ва бегоналарнинг эркинликларини қадрлашади, ўта ақлли, меҳрибон ва юксак ҳаётда юксак чўққиларни эгаллашга мойил. Ўртадаги никоҳнинг мустақам бўлишига яна бир сабаб шуки, улар бир-бирларининг кучли ва ожиз жиҳатларини яхши билишади.

Фақат Арслон ва Эгизаклар буржи вакиллари фарзандларни дунёга келтиришдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришлари лозим. Негаки, улар юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ёлғиз дам олишни, сирлашишни маъқул кўришади. Ўртада дунёга келган фарзандлар бу машғулотларга халал бермаслигига кўзлари етгандагина фарзанд масаласида бош қотиришса мақсадга мувофиқ бўлади.

Эгизаклар буржи вакили Арслон билан ҳамиша фахрланиб яшайди. Башарти улардаги бир-бирларига бўлган эътибор сўнсагина, муносабатларда муаммолар юзага келиши мумкин. Шунда икковлари ҳам сездирмаган ҳолда бир-бирларидан хафа бўлишади, аразлаб юришади. Агар Арслон буржи вакили ўз иши билан фаол шуғуллана бошласа-ю, шу баҳонада эгизаклар буржи вакилига етарлича эътибор бермай қўйса ҳам никоҳнинг бузилиш хавфи вужудга келади. Сабаби, эгизаклар буржи вакили моддий манфаатдорликдан кўра эътиборни, муҳаббатни юқорироқ қўяди.

Яқин муносабатларга путур етмаслиги учун эгизаклар ва арслон буржи вакиллари рўзғор юмушларига шўнгиғанлари маъқул. Қолаверса, иложи борича тез-тез қариндош-уруғлар даврасида хурсандчилик онларини кечиришса ҳам фойдадан холи бўлмайди. Бундан ташқари, икковлари ҳар қандай вазиятда ҳам бир-бирларини кечира олишлари шарт.

Ана шунда улардан бахтли жуфтлик бўлмайди.

Иш масаласида уларнинг шерикчилиги кўнгилдагидек натижа бермайди. Арслон буржи вакили эгизаклардек ўзгарувчан ходим ёхуд раҳбарни унчалик қадрлай олмайди.

Эгизаклар — Паризод

Уларнинг орасида чуқур муносабатлар мавжуд эмас. Иттифоқ аксар ҳолларда режалар асосига қурилади. Ўртада у қадар нозик ҳиссиётлар айланмайди. Икковлари ҳам ҳамиша шон-шухрат, муваффақиятлар чўққисига интилишади. Ана шу баҳонада ажойиб жуфтликка айланишлари

ҳам мумкин. Аммо ҳар бири ўзи учун ва бировнинг ҳисобидан ҳаёт кечиришга уринса, иккита йўл қолади. Ё қайсидир бири ёстиқдошига биринчи бўлиш йўлларини очиб бериши керак, ёки ўртада шафқатсизликка асосланган рақобат пайдо бўлиб икковларини ҳам боши берк кўчага кириб қолишларига сабаб бўлади.

Вақт ўтиши билан муносабатларга путур ета боради. Майда-чуйда гаплар, таъналар аразлашишлар, хафагарчиликлар, жанжалларни келтириб чиқаради. Тўғри, эгизаклар ва паризод буржи вакиллари бирга пайтларида ором олишади. Бироқ бу ҳам жанжаллар келиб чиқмайди дегани эмас. Барибир орадан маълум вақт ўтиб келишмовчиликлар юзага келаверади. Қалбан эркинликни хуш кўрадиган эгизаклар буржи вакили бир жойда қамалиб яшайверишни хушламайди. Тўғри, у ҳам уйда бўлишни, яқин кишисининг меҳридан баҳра олишни ёқтиради. Фақат доимий эмас. Паризод буржи вакили эса ўта рашкчи. Уйда ўтирса-ю, ёстиқдошини ярим тунда интизор бўлиб кутса... Хаёлда-чи? Хаёлан унинг қандайдир бошқа биров билан вақт ўтказаетганини тасаввур этади. Ана шу нарса уни жаҳл отига миндиради ва жанжал кейинчалик кучайгандан кучаяди.

Туйғулар масаласига келсак, икки томон ҳам бундан фойда кўравермайди. Доимо бир-биридан узоқроқ бўлишга, яъни, ёлғиз қолишга уринишади. Шу йўлда турли баҳоналарни ўйлаб топишдан чарчашмайди. Натижада жуфтлик бир-бирларидан ажралишга мажбур бўлишади. Агар муносабатларга путур етишини хоҳлашмаса, ақл билан иш кўришлари лозим бўлади. Ҳар қандай вазиятда бир ёқадан бош чиқарган ҳолда қийинчиликларни енгишга ўрганишлари талаб этилади. Айниқса, эгизаклар буржи вакили шуни ёдда тутишлари керакки, қийинчиликларга бардош бериш бобида паризод буржи вакилидан ўтадигани йўқ.

Эгизаклар буржи вакилининг яна бир камчилиги бор. У ёстиқдоши минг азобда ишлаб топган пулларни осонгина сарфлашни ёқтиради. Албатта, Призодлар бунга эътибор бериб ўтиришмайди. Эгизаклар буржи вакили-

нинг тинимсиз қиладиган севги изҳорларини табиий қабул қилишади. Қарангки, шу ҳам ўртадаги никоҳнинг сақланиб қолишига замин яратаркан.

Ишда мабодо эгизаклар буржи вакилини бўлар-бўлмасга тергайвермаса, икки орадаги шерикчилик гуллаб-яшнайти.

Эгизаклар — Тарози

Бу жуфтлик тиниб-тинчимас эгизаклар буржи вакили учун омадли кечади. Негаки, тарози буржи вакили оилапарвар. У рўзгорни ўз вақтида бутлашга, жуфтининг ҳеч нарсадан камчилик кўрмаслиги учун барча зарур нарсаларни муҳайё қилишга устаси фаранг. Тарози буржи вакили дам олишга, соатлаб суҳбатлар қуришга ҳали вақт бор дея ҳисоблаб, асосий кучини оила учун, оиланинг фаровонлиги учун сарфлашни истапти. Тўғри, эгизакларнинг ҳадеб хиралик қилаверишлари бир кун жанжал келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Аммо оилада етакчилик кўпроқ эгизаклар буржи вакили зиммасига тушишини ҳам унутмаслик керак. Фақат угина тарози буржи вакилини тўғри йўлга йўналтира олади. Бунинг сабаби, эгизаклар буржи вакили ўз ёстиқдошини аксар ҳолларда чиройли кўзлари, жозибаси учун севади ва унга бола каби муносабатда бўлади.

Эгизаклар тарози буржи вакили учун янги ғоялар ва садоқат рамзи ҳисобланади. Шунинг учун ҳамиша эгизаклар буржи вакилининг маслаҳатларига қулоқ тутиб яшайди. Фақат бир ёмон тарафи борки, икковлари ҳам феъл-атвор туфайли узоқ вақт бир-бирларига талпиниб яшай олмасликлари мумкин. Қолаверса, тарози буржи вакили ҳам, эгизаклар ҳам бир машғулот билан узоқ вақт банд бўлишни ёқтиришмайди. Улар бир-бирларини ҳеч қачон зериктиришмайди. Мана шу нарса ҳам ўртадаги никоҳнинг мустаҳкамланишини таъминлай олади. Бир-бирларини нафақат севишади, балки, яқин дўст ҳамдир. Бунга дунёқарашларининг уйғун келиши сабабчидир. Икковлари ҳаётда бир-бирларининг маънан ўсишига ёрдам бериб чарчашмайди. Масалан, тарози буржи вакили ўз

жуфтини шу қадар севадики, кўзлари бошқасини кўрмайди. Лекин тарози буржи вакили эҳтиёт бўлсин. Адашибми, бировларнинг гапи биланми, бегонага кўз олайтириб кўйса, тамом, ўша заҳоти муносабатлар бузилиб, иш ажралишгача бориб етиши муқаррар. Чунки, эгизаклар буржи вакили хиёнатни ҳеч қачон кечирмайди. У маълум муддат дардини ичида сақлаб сукут сақлайди ва бир кун келиб ҳаммасига кўз юмади-ю, тарози буржи вакили бўлмиш жуфтини бир умрга тарк этади.

Тарози ва эгизаклар буржи вакилларининг яқин муносабатлари энгил ҳаёт учун ҳам жуда мос келади. Айниқса, сайру саёҳатлар, бир-бирини эркалаб-суйишлар икки тарафни ҳам сира зериктирмайди. Улар тенг ҳуқуқли инсонлар сифатида яшашади. Оилада кимнингдир етакчилик қилиши, кимнингдир итоат этиши бу оила учун кўзда тутилмаган. Нега деганда, улар бир нарсани жуда яхши тушунишади. Хўжайинлик эскилик сарқити дея ҳисоблашади. Қолаверса, бир-бирларининг қайсидир жиҳатдан омадга эришишлари мумкинлигини ҳис этишади ва шу сабабли ҳам тарози буржи вакили эгизакларга, эгизаклар тарози буржи вакилига тўсқинлик ҳам қилмайди, ортиқча саволлар бериб бошини қотирмайди. “Севиш керакми, марҳамат, яшаш керакми, бажонидил. Фақат мустақил бўлиш лозим». Бу икки жуфтликнинг шиорига айланган десак хато бўлмайди. Оилада эгизаклар кўпинча асосий маслаҳатгўй сифатида сўз олади. Тарози буржи вакили эса уни жон қулоғи билан тинглайди. Кўриб-сизки, муносабатлар асл ҳолича сақланиб қолади. Ҳаёт давом этаверади. Уларнинг муносабатларида бир муаммо мавжуд. У ҳам бўлса — рўзғор. Икковлари ҳам рўзғорни тўғри юрғазишда анчагина тажрибасиз эканликлари кўриниб қолади. Лекин барибир ҳаммасидан муҳаббат устун келаверади. Балки, қанчадир вақт турли майда-чуйда жанжаллар, келишмовчиликлар юзага келар. Шунда ҳам кимнингдир ён бериши барчасини ёпиб, муносабатларни яхшилаб кўяверади.

Ишда мабодо икки томоннинг бири янги ғоялар топишга уста бўлса, ҳеч қачон қарама-қаршиликлар келиб

чиқмайди. Икковлари ҳам ўз ишининг устаси. Башарти, тарози буржи вакили ходим вазифасида бўлса, иш янада олдинга силжийди. Эгизаклар ҳар қандай ишни ўзининг топқирлиги, ўткир ақли билан йўлга қўя олади.

Эгизаклар — Чаён

Иттифоқ икки бурж вакилини аввалига кучли эҳтирослар, сал ўтиб азобли қайғулар уммонига фарқ этиши мумкин. Эгизаклар орадан маълум муддат ўтгач, эркинликни соғина бошласа, чаён буржи вакили бир нарсани тушуна олмай ҳалак бўлади. У “ниманидир ўзгартириш керакми, ё эгизаклар буржи вакилига итоат этиш зарурми?” деган хаёл билан яшай бошлайди.

Албатта иттифоқ жиддий синовлардан қочиб қутула олмайди. Икки бурж вакили бу синовлар давомида муносабатларни мустақкамлаш йўлида ўзлари билмаган ҳолда бир-бирларига қўмакдош вазифасини ҳам ўташади. Чаён оиласи, муҳаббати учун ҳамма нарсага тайёр. Ҳатто эгизаклар буржининг таъналари ҳам унга таъсир кўрсатмайди. Афсуски, баъзи бир эгизаклар бу нарсани тушунмайди. Қайноқ муҳаббатни ҳис эта олишмайди. Бир кун келиб чаён буржи вакилини ташлаб кетишдан ҳам тойишмайди.

Мабодо ташлаб кетган эгизаклар буржи вакили бир кун келиб қайтишга аҳд қилса борми... Оҳ! Чаён буржи вакили қувончдан, бахтдан ўзини қаерга қўйишни билмайди. Ва эгизаклар яна кетиб қолмаслиги учун бор имкониятини ишга сола бошлайди. Бироқ сал ўтиб эгизаклар буржи вакили қайтадан кетиш режасини тузади...

Гапнинг индаллосини айтганда, уларнинг бир-бирларини тушуниб яшашлари қийин кечади. Чаён буржи вакили оилавий ҳаётни сақлаб қолиш йўлида тинмай меҳнат қилади, интилади, янги-янги ғоялар ўйлаб топади. Эгизаклар буржи вакили эса асабийлашади, нималар бўлаётганини англаёлмай ҳалак бўлади. Бу оилада рашк, касалликлар келиб чиқиши, хиёнатлар содир этилиши оддий ҳолатга айланиб қолади.

Чаён буржи вакили эгизаклар билан ҳаёт кечираркан, таваккал қилишга мажбур бўлади. Унинг шиори: “Ё сақлаб қоламан, ё йўқ қиламан!” Мана шу шиор остида бора-бора ўз жуфтини кузата бошлайди. Яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам ҳамиша тайёр туради.

Иш масаласида агар эгизаклар буржи вакили раҳбар лавозимида бўлса, ҳар тарафлама муваффақиятларга эришишлари табиий ҳол. Негаки, эгизаклар буржи остида туғилганлар ҳар қандай ишни замондан ортда қолмаган ҳолда уддалаш қобилиятига эга. Аммо бу чаён буржи вакилига ёқиб тушмаслигини унутмаслик ҳам керак. Шунинг учун унга дуч келган ишни ишониб топшираве-риши катта хатоларга сабабчи бўлади. Чаён буржи вакили унчалик ҳам ишга шўнғиб кетаверадиганлар хилидан эмас. У имкон топилди дегунча уйга шошилади. Чаён буржи вакилини йўлга отландими, ҳеч қачон мажбуран тутиб туриб бўлмайди. Башарти, раҳбарлик чаён буржи вакилининг зиммасида бўлса-ю, унинг корхонаси ёхуд ташкилотига эгизаклар буржи келиб ишга жойлашса, омад кулиб боқди деяверинг. Эгизаклар буржи вакили унга қандай юмуш топширилмасин, аъло даражада бажара билади ва ўз ишини жондан ортиқ севади.

Эгизаклар — Ўқотар

Ўқотар эгизакларга нисбатан қарама-қарши бурждир. Шунинг учун бу бурж остида туғилганлар ўртасидаги яқинлик ё буткул яхши кечади, ёки умуман йўққа чиқади. Бу буржлар остида туғилган одамлар доимо бир-бирларига талпина олишлари, бир-бирларининг эркинликни севишларини алоҳида ҳисобга олишлари лозим.

Икковлари ҳам тоза қалб эгалари, ўртада келиб чиқадиган келишмовчилик, хафагарчиликларни жуда тез унутишади. Оилавий шароитда уларни ўқитувчи ва ўқувчига менгзаса бўлади. Масалан, эгизаклар буржи вакили ўқитувчи сифатида ўз жуфти олдига қийин масалаларни кўндаланг қўяди. Демак, ўқотар буржи вакили бу масалаларнинг ечимини ўз вақтида топиш учун ҳамиша тайёр

туриши талаб этилади. Жуфтлик ёши улгайган маҳал никоҳдан ўтса, бу оиланинг мустаҳкам кечишига кафолат бор. Болалар, дўстлар, иш... Буларнинг ҳаммасини бир қилиб олганда ҳам улардаги ёшга нисбатан оилани мустаҳкамлашга етарлича хизмат қила олмайди.

Эҳтирослар бобида улар тез тил топишишади. Бироқ қанча тез тил топишишса, эҳтирослар шунча тез ғойиб бўлади. Сабаби оддий. Жуфтлик ўртада қандайдир та-наффуслар, нафас ростлашлар мавжуд бўлишининг та-рафдори.

Дидлари турлича бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан, дунёқараш масаласида бир-бирларига таъна-маломат тош-ларини ёғдиришмайди.

Фақат бу жуфтлик орасида бир жиддий муаммо бор. Улар пулга нисбатан бошқа-бошқа муносабатдадирлар.

Умуман айтганда, бу оила аксар ҳолларда узоқ вақт сақланиб қолмайди. Икки тараф ҳам оиладаги мажбуриятларни зиммасига юклагиси келмайди. Бу борада уларнинг ожиз жиҳатлари кўп. Улар оила барбод бўлишини ҳақиқатан хоҳлашмаса, бирга ишлашлари, ўқишлари, саёҳатларга чиқиб туришлари зарур.

Ишда эгизаклар буржи вакилининг раҳбар лавозимида бўлгани маъқул. Чунки, бу бурж остида туғилганлар ўта ақлли ва топқир. Улар орасидан кўплаб даҳолар етишиб чиққанлигини барча билади.

Эгизаклар — Тоғ эчкиси

Бу иттифоқда аввалданоқ эгизаклар буржи вакили оиладан безиб, “озодлик”ка қараб интилади. Аммо тоғ эчкиси буржи вакили уни тўғри йўлга солиш ҳаракатига тушади. Ҳақиқатан, бу яқинлик ўртада жуда катта муаммолар туғдиради ва камдан-кам ҳолларда узоқ муддат сақланиб қолади. Тоғ эчкиси буржи вакилини эгизаклар ҳам аслида яхши инсон эканига ишонтириш жуда мушкул. У ўз жуфттини қандайдир бепарво, шафқатсиз ва ҳамиша бошқа хаёллар билан яшайди дея ҳисоблашдан чарчамайди. Табиатан қайсар эгизаклар буржи вакили

эса ўз ёстикдошининг бундай фикридан огоҳ бўлгач, умуман совий бошлайди ва худди шу фикрлар хилма-хиллиги туфайли никоҳ бузилиб кетиши мумкин.

Ҳа, тоғ эчкиси буржи вакили учун эгизаклар доимо ечилмас жумбоқ бўлиб туюлаверади. Жумбоқнинг ечими сира кўринмайди. Тоғ эчкиси вакили ҳам бу ечимни топишга уринмайди. Эгизаклар қаршисида қалбини очмайди. Тоғ эчкиси табиатан ўта сабр-тоқатли. Бироқ унинг ҳам вақти келиб эгизакларнинг дайдишларидан сабр косаси тўлади. Тўғри, у эгизакларнинг барча нотўғри ишларига чидаши ҳам мумкин. Фақат хиёнатларига эмас. Бу тоғ эчкиси учун ҳақиқий фожиадир. Ана шу хиёнатлар туфайли тоғ эчкиси буржи вакили ўзини ҳар сонияда камситилган, алданган ҳисоблай бошлайди. Натижада жанжаллар, кўнгилхираликлар никоҳ бузилишига туртки бўлади. Орадаги муносабатларни мустақкамлаш йўлида албатта эгизаклар буржи вакили биринчи қадамни қўймаса бўлмайди. Хиёнат қилмасдан, турли бўлар-бўлмас давралардан воз кечган ҳолда ўз жуфтнинг эзгу мақсадлари амалга ошишида яқин кўмакчи бўлса, бу оиладан бахтлиси бўлмайди. Улар доимо бир-бирларини сабр-тоқат билан тинглай олишади. Тушуна билишади. Эгизаклар буржи вакили унутмаслиги керакки, ҳаётда тоғ эчкиси вакили бўлмиш жуфтидан ақллиси, меҳр-шафқатлиси йўқ. Бу ерда ҳам муаммо йўқ эмас. Эгизаклар кимнидир эмас, ўшанинг муваффақиятларини, бойлигини кўпроқ севишга одатланишган. Аммо шуни ҳам сездирмасдан яшаш мумкин. Тоғ эчкисига кўп нарса керак эмас. Озгина эътибор ва меҳр бўлса бас. У жуфтига осмондаги ойни олиб беришга тайёр туради.

Эгизаклар вакили билимсиз, дунёқараши тор одамларни сира ёқтирмайди. Буни Тоғ эчкиси вакили жуда яхши билади. У иложи борича жуфтига ёқишга, гарчи бошқалардан кам билимга эга бўлмаса-да, тобора маънан ўсишга интилиб яшайди. Иттифоқ фақат бир мақсад йўлида меҳнат қилишса, ёки фикрларнинг бирлиги натижасида узоқ вақт сақланиб қолади. Эгизаклар ва тоғ эчкиси буржида туғилганларнинг кўпчилиги бир мақсад

йўлида яшашга ҳаракат қилишади. Фақат феъл-атворнинг турлилиги панд бериб қўяди.

Иш масаласида тоғ эчкиси буржи вакили эгизакларни ҳеч қачон танқид остига олмаслиги зарур. Эгизаклар буржи вакили мустақил ишлаганда бараварига бир неча вазифани аъло даражада уддалай олади. Фақат сал бепарволиги бор. Тоғ эчкиси раҳбар лавозимида бўлса, унинг мана шу камчилигини кечира олса бас.

Эгизаклар — Қовға

Эгизаклар буржи вакили Қовға буржида туғилган инсон билан муносабатга киришар экан, дастлабки дақиқаларданоқ унга нисбатан қалбининг туб-тубида чексиз муҳаббат зоҳирлигини англаб етади.

Қовға буржи вакилининг ички дунёси, тафаккури кенг. Эҳтиросларга тўла эгизакларга бу қалбини бемалол оча олиш, ширин хаёллари билан ўртоқлашиш имконини яратиб беради. Қолаверса, эгизаклар буржи вакили азбаройи тўлқинланганидан оилавий масалада янги-янги ғояларни ўйлаб топа билишгача бориб етади. Уларнинг никоҳи жуда омадли кечиб, икковларига ҳам олам-олам қувонч бахш этади. Ўртадаги режалар, мақсадлар жипслашади.

Иккала бурж вакили ҳам шинаванда. Катта-катта давраларда дам олишни, узун-узун суҳбатлар қуришни, олис ўлкаларга саёҳат қилишни хуш кўришади. Бир-бирларидан ажралишни сира исташмайди. Орада хиёнат деярли учрамайди. Дунёга келган фарзандлар иттифоқни янада мустаҳкамлашда хизмат қилади.

Баъзида юзага келадиган майда-чуйда жанжаллар ҳам муносабатларга путур етказа олмайди. Аксинча томонлар бу жанжаллардан тўғри хулоса чиқариб, бир-бирларига тобора кўпроқ меҳр қўя бошлашади. Албатта, оилавий ҳаётда муаммолар ҳам бўлиб туради. У ҳам бўлса озодликдир. Жувфтлик шу қадар бир-бири билан овора бўлиб қоладики, бир кун келиб беихтиёр озодлик ҳақида бош қотира бошлайди. Ва оқибатда ўртада маълум муд-

дат совишлар, муҳаббат бобидаги танаффуслар юзага келади.

Эгизаклар қовға буржи вакилининг кучли билим эгаси эканига шубҳа қилмайди. Ўз ўрнида Қовға буржи вакили эса ёстиқдошига ортиқча эътибор, меҳр кўрсатиб қўйишдан негадир чўчийди. Балки шунинг учундирки, иттифоқ, никоҳ жисмоний эмас, аксинча маънавий имкониятлар эвазига сақланиб туради.

Ишда эгизакларни кўпроқ унга қовға буржи вакили тақдим этадиган моддий бойликлар қизиқтиради. Уларнинг иккиси ҳам иш масаласида бир хил феъл-атворга эга. Бепарволик, ҳар қандай вазиятдан артистларча айёрлик билан чиқиб кета олишга икки буржи вакили ҳам жуда устаси фаранг. Башарти уларга тез адо этиладиган вазифа топширилмаса, ҳаммаси кўнгилдагидек кечган бўларди. Негак иккала бурж вакили тезкорлик билан бажариладиган юмушларга келганда иккиланиб қолишади. Уларни шошилтирмаслик лозим. Шунда ҳар қандай ишни кутилганидан ҳам афзалроқ қилиб уддалашади.

Эгизаклар ҳамда қовға буржи вакиллари ҳамкорликда тижорат билан шуғулланишса, катта бойликка эга бўлишларига кафолат бор.

Эгизаклар — Балиқ

Бу иттифоқ жуда мураккаб ва қарама-қаршилиқларга бой. Жуфтлик бир-бирини тушуна олмай азабланади. Эгизаклар бугунги кун билан яшайди. Балиқ буржида туғилганлар эса эҳтирослар, ҳиссиётлар дарёсида сузади. У бугунги кун ҳақида қайғурмайди. Кўпроқ ўтмиш ва келажак тўғрисида ўйлайди.

Балиқ ўз жуфтига боғланиб қолишни орзу қилади. Шунинг учун эгизаклар унинг ҳиссиётларини қадрлаган ҳолда иложи борича кўпроқ эътибор қаратса фойдалан холи бўлмасди.

Балиқ буржи вакили юқорида таъкидланганидек, ўзи эҳтиросга бой бўлиши билан бир қаторда жуфтнинг

ҳам шундай бўлишини хоҳлайди. Ана шунда унинг юраги янада тезроқ уради ва ҳаётдан мамнунлигини ошқора намойиш эта бошлайди. Тўғри, эгизаклар ҳадеганда сирбой беравермайди. Негаки, у гўёки қопқонга тушиб қолишдан қўрқади. Барибир балиқ буржининг ўткир ақли уни маълум маънода идора этади. Аммо эгизакларнинг бир жойда узоқ вақт ўтира олмаслиги балиқ буржи вакилига ёқмайди. Бундан ташқари, бу жуфтликнинг ҳаёти худди бекинмачоқ ўйинини ҳам эслатиб юборади. Балиқ буржи вакили табиатан бекитиқча иш тута олмайди. Эгизаклар эса аксинча ўзида минглаб сирларни сақлаб турса-да, ўзини ҳеч нарса бўлмагандек эркин тута олади.

Балиқ буржи вакили эгизакларни аксар ҳолларда моддий манфаатлар туфайли севиши мумкин. Эгизаклар-чи? Балиқ унинг тасаввурида синов ва қийноқлар рамзидир. Тўғри, эгизаклар буржи вакили балиқ буржида туғилган жуфтини ҳаёт сари тинимсиз ундаб туради. Лекин шу билан бир қаторда юзлаб кўнгилсизликлар ва фалокатларни ҳам тақдим этиб қўяди. Шўрлик балиқ буржи вакилининг қалби вақти келиб чилпарчин бўладика, энди у яна азоб бахш этиб жимгина бир четда турган эгизакларга умид кўзлари билан боқишга мажбур бўлади. Қарангки, эгизаклар буржи вакили тағин яқин боришга, ёстиқдошининг дардига малҳам бўлишга қўрқади. Гарчи ҳаммасига ўзи сабабчи эканини билса-да, нарироқ бўлишга интилади. Балиқ буржи вакили кўрадика, эгизаклардан садо чиқмаяпти. Нима қилсин? Тўрт девор орасида зир югурганча дардкаш излайди. Эгизакларга эса шу керак эди. Балиқ буржи вакилининг ўзи билан ўзи овора бўлиб қолганидан фойдаланади-ю, жуфтакни ростлайди.

Афсуски, бу оилани туғилган ва туғилажак фарзандлар ҳам мустаҳкамлай олмайди. Эгизаклар буржи вакили эркак бўлса, аёл бўлмиш балиқ буржи вакили билан тил топишиш учун унга меҳр кўрсатиш, оналик ҳиссини қалбида туйиши учун имконият яратиб бериши зарур. Қолаверса, таниш-билишларнинг, яқин кишиларнинг фойдали

маслаҳатларига қулоқ тутган ҳолда ҳаёт кечириши шарт. Ишда эгизаклар буржи вакилига ходим сифатида балиқ буржида туғилган раҳбарнинг узлуксиз буйруқлари, таъна-дашномлари ёқмаслиги аниқ.

Чунки Эгизаклар бепарво, паришон. Мабодо балиқ буржи вакили раҳбар бўла туриб уни яхши тарафга ўзгартириш ҳаракатига тушса-да, фойда чиқмайди. Шундай экан, ишдаги шерикчилик ҳам кутилган натижаларни бермайди.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь – 22 июль)



Мос жуфти: Чаён, Паризод ва Балиқ.

Тўғри келмайдиган жуфти: Тарози, Тоғ эчкиси.

Ёқтирадиган ранги: оқ, оч мовий, кўк, кумуш ранг.

Йўлдоши: Ой.

Омадли кунлари: душанба, пайшанба.

Омадсиз кунлари: сешанба, шанба.

Ёқтирадиган гули: ямин, барча оқ гуллар.

Омадли рақамлари: 2, 4, 5, 8.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Қисқичбақа буржи вакиллари ўзлари танлаган инсон билан яқин муносабатларга киришишдан аввал ўз ички ҳиссиётларини назоратдан ўтказишлари ва ҳақиқатан кимнидир сева олишларига қалбан амин бўлишлари лозим. Улар учун жуфти билан яқин бўлишларига тез аразлаб қолаверишлари, танқидни кўтара олмасликлари катта муаммолар туғдириши мумкин.

Қисқичбақа буржи вакили бўлмиш аёллар кимнидир севиб қолишса, чуқур ғамга ботишади ва муҳаббатнинг жавобини сабрсизлик билан кута бошлашади. Бундай аёллар ўзи севган инсоннинг муҳаббати ошқора бўлишини истайдилар. Улар ўтмишда содир бўлган ҳар бир нохуш воқеани узоқ вақт ёдда сақлаб қолишади. Аммо ҳаракатчан, тўғрисўз ва кучли ирода эгаси эканликлари бу тахлит камчиликларини йўққа чиқариши мумкин.

Қисқичбақа буржи вакили бўлмиш эркеклар эса уйда ўтиришни, оилапарварликни хуш кўришади. Бу эркеклар яқинларига садоқатли. Оила учун ҳар қандай ишни имкон даражасида амалга оширишга тайёр туришади. Улар

яхши ота ва ёстиқдошдир. Фарзандлари ва ўз жуфтини бегона кўзлардан ҳимоя этишда бу эркакларга ҳеч бир бурж вакили тенг кела олмайди. Шунга қарамай, кўпинча қисқичбақа буржидаги эркаклар ожиза, ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга муҳтож аёллардан ўзларини олиб қочишади. Чунки, уларга асосан кучли иродали аёллар ёқади.

Қисқичбақа — Кўй

Феъл-атворнинг қарама-қаршилиги бу иттифоқ ўрта-сида катта жанжалларга сабаб бўлади. Айниқса, кўй буржи вакили эркак бўлса, очиқчасига гаплашиш, сир сақламаслик тарафдори. Қисқичбақа буржи вакили — аёлнинг эса бу талаблардан сўнг янада қайсарлиги тутади. Бундан ташқари, аёлнинг рашкчилиги, шубҳаларга кўмилиб яшаши, жанжалкашлиги ҳам ўртадаги муносабатларга путур етказмасдан қолмайди.

Бу икки бурж вакиллари дастлабки даврларда бир-бирларига шу қадар талпинишадикки, ташқаридан қараган одамнинг уларга ҳаваси келади. Афсуски, бирга яшай бошлашгандан кейин феъл-атвор, дунёқарашнинг турличалиги катта муаммога айланади.

Кўй буржи вакили — эркак катта куч ва иродага эга. Қисқичбақа буржида туғилган аёл бўлса, эҳтиросларга бой, ҳамиша аёл сифатида ҳукм ўтказгиси келади. Натижада икковлари билиб-билмай ҳар хил аҳмоқликларга қўл уриб қўйганликларини билмай қолишади. Қисқичбақа буржи вакилининг ўзгарувчанлиги кўй буржи вакилига сира ёқмайди. Жаҳлини чиқаради. Ўз ўрнида кўй буржи вакилининг ўзини ҳаддан зиёд яхши кўриши қисқичбақа буржида туғилган аёлга маъқул келмайди. Оқибатда унга бўлган севгиси, эҳтирослари сўна бошлайди. Шундай ҳолларда жуфтлик яхшиликча ажрашганлари ва бир умр ўтмиш хотираларга кўмилиб яшаганлари маъқул. Фарзанд кўрадиган бўлишса, уларнинг доимий жанжаллари болаларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳар бир оилада фақат бир кишигина бошлиқ бўла олишини барча билади. Бироқ қисқичбақа ҳамда қўй буржи вакили ўртасида ана шу вазифа учун ҳам кескин кураш кетади. Бу, шубҳасиз, тез орада муносабатлар бузилишига олиб келади. Агар улар оилани сақлаб қолиш ниятида бўлишса, умумий мақсад йўлида яшашлари, тил топиша олишлари зарур. Бу кўпроқ қўй буржи вакилига боғлиқ. Унинг ҳаракатлари туфайлигина қисқичбақа буржи вакили ўтмиш аразларини унутиши ва қўлни қўлга бериб яшаш тарафдорига айланиши мумкин.

Ишда икки бурж вакилининг ҳамкорлиги омад келтиради. Қисқичбақа буржи вакили катта тажриба эгаси. У раҳбар сифатида қўй буржи вакилини ишга қабул қиларкан, бу қарор ўзини оқлайди. Негаки, қўй буржи вакили нафақат корхона, ташкилотнинг ўзида, балки сафарда ҳам ишга оид барча муаммоларни аъло даражада ҳал этишга уста.

Қисқичбақа — Бузоқ

Бу иттифоқ уйни, рўзғорни қадрлай оладиган қисқичбақа ва бузоқ буржи вакиллари учун жуда омадлидир. Оила мустақамлиги йўлидаги уринишлар, болалар тарбиясига бўлган умумий эътибор икки бурж вакили учун биргаликдаги ҳаётда янгича хурсандчиликлар, мазмун бахш этади.

Бу никоҳдан гўзал ва кучли тафаккурга эга фарзандлар дунёга келади. Бу жуфтликда қисқичбақа вакили эркак бўлгани маъқулроқ эди. Лекин уларни сира уйланишга мажбур этиб бўлмайди. Агар қисқичбақа буржи вакили аёл бўлса, унга сабр-тоқатли, оғир-босиқ эркак бўлмиш бузоқ буржи вакили билан бирга яшаш ўта зерикарли туюлади. Баъзида эса шунга қарамасдан, тунги эркалашлар аёлни ҳам юмшатади ва ёстиқдоши томон талпина бошлайди.

Улар икковлари ҳам рашкчи ва ҳар бирларининг ожиз тарафлари бор. Бу оилада эҳтирос, ҳис-туйғу устун туради. Фақат вақти келиб икки бурж вакили ҳам ишга

кўмилса, оилага унчалик эътибор бермай қўйса, бунинг устига тенгсиз омадларга эриша бошласа, ҳақиқий рақибларга айланиб қолишади.

Ишда ҳам икки бурж вакили яхши келиша олишади. Агар бузоқ буржи вакилини қисқичбақа буржида туғилган шерикнинг хаёлпарастлиги газаблантириб қўймаса, улар бемалол ҳамкорликда меҳнат қилишлари мумкин бўлади.

Қисқичбақа буржи вакили жуда тартибли ва итоаткор. У бузоқ буржида туғилган раҳбарнинг ҳар бир буйруғини сўзсиз адо этади.

Қисқичбақа — Эгизаклар

Ҳаётда хаёлпарастликка берилиб яшовчи қисқичбақа буржи вакили учун эгизаклар худди ечилмаган жумбоқ бўлиб туюлади. Башарти қисқичбақа буржи вакили Эгизакларни эркинликдан маҳрум этиб қўймаса, никоҳ бир умрга сақланиб қолади. Акс ҳолда эгизаклар буржи вакили аста-секин ўз жуфтидан совий бошлайди. Тунги эҳтирослар, севги изҳорлари қисқичбақа буржи вакили ҳисобланган аёлнинг фикру хаёлини ўғирлайди. У ниҳоят ўзи орзулаган жуфтни учратгани сабаб Яратганга шукр қилади.

Тўғри, вақт ўтгани сайин икки тарафнинг ҳаётга турлича қарашлари ўз кучини кўрсатади. Дастлабки лаҳзалардаги муҳаббат ўрнини ҳеч ким тушуна олмайдиган туйғу эгаллайди. Қисқичбақа ўз ҳолича яшай бошлайди. Эгизаклар унинг кайфиятини, ҳолатини ўзгартириш йўлида кўп уринишлар қилади. Фойдаси бўлавермагач, қўл силтайди-ю, қаерларгадир – олисга йўл олади. Муносабатлар қачон мустаҳкам бўлиши мумкин? Бунинг учун икковлари ҳам туну кун меҳнат қилиб, рўзғорни бутлаш ҳаракатига тушишлари лозим. Чунки ҳаёт мураккаб. Фақат ширин хаёллару севги билан оилани боқиб бўлмайди.

Эгизаклар қисқичбақа буржи вакилига ўзини кўрсатиш, фикрини тўлиқ айта олиш имконини берганида, ҳаётда кўп нарсаларни тушуниб олган бўларди. Шу жум-

ладан, қисқичбақа буржидагилар ҳам эгизаклардан баъзи масалаларда ўрناق олишлари мумкин.

Бу оила эгизаклар буржи вакили қанча эҳтиросли, қисқичбақа буржи вакили илмли бўлса, шунча мустақамланаверади. Шунда икковларининг бир-бирларини тушунишлари, қадрлашлари, севишлари осон кечади. Қачонки, икки бурж вакили фақат бир-бирлари учун дунёга келганликларини чуқур англаб етишса, никоҳ бир умр сақланиб қолади.

Ишда қисқичбақа буржи вакили раҳбарлик лавозимида бўлгани маъқул. Чунки у иш жойида ходимларга керакли шарт-шароитларни яратиб бера олади. Ўз ўрнида Эгизаклар бундай раҳбарнинг ишбилармонлигини кўриб тан беради ва ҳар қандай кўрсатмасини чин дилдан, хафагарчиликларсиз адо этади. Башарти, икковлари раҳбарлик лавозимини таллашиб, бир-бирларига рақиб бўлиб қолишса, у ҳолда ораларидан кимдир иш жойини тарк этишига тўғри келади. Бундай тафовутларни айрим ҳолларда Эгизаклар келтириб чиқаришади.

Қисқичбақа — Қисқичбақа

Бу иттифоқ бир хил бурж остида туғилганлар учун омадли кечади. Агар жуфтликнинг ёшида катта тафовут бўлса, нур устига аъло нур бўларди. Негаки, ёши каттаси ўз жуфтига боладек қараб, уни ўз ҳимояси остига олади. Кичиги эса ўзини ота-она бағридагидек билиб, эркин ҳаёт кечиради.

Тўғри, бу жуфтлик орасида кўп маротаба жанжаллар, кўз ёш тўкиш ва яна айбига иқрор бўлиш каби ҳодисалар учрайди. Шунда ҳам ёши каттароғи жуфтининг қалбини чуқур англаган ҳолда барчасига кўз юмиб, аҳиллик сари интилади. Шу сабаб биргаликдаги ҳаёт тотувликда, узоқ йиллар давом этади.

Икки қисқичбақа буржи вакилининг ўзаро муносабати ўзи билан ўзи боғланиш демакдир. Ҳар бирининг ички дунёси бой. Қисқичбақа буржи вакили ўз жуфтига ўзини кўрсатиш имконини берса, унинг қаршисида икки

ҳисса ҳурмати, қадри ортиб, бахтлиларнинг бахтлисига айланган бўларди.

Ишда уларга осон бўлмайди. Бу масалада ҳам ёшлар ўртасидаги фарқ катта бўлиши талаб этилади. Шунда муносабатлар меъёрида сақланиб, кўзланган мақсадга етиш энгиллашади.

Икковлари ҳам ақлли, тажрибали ва шинаванда. Кимнингдир тепасига келиб босим ўтказишини, қайсидир ишни бажаришга мажбурлашини ҳазм қила олишмайди. Молиявий масалаларда ҳам уларнинг шерикчилиги муваффақиятли кечади, деб бўлмайди.

Қисқичбақа — Арслон

Уларнинг ҳаёти мавҳумликни ҳам эслатиб юборади. Қисқичбақа ва арслон буржи вакили ўртасидаги яқин муносабатлар худди ой ва қуёш тугилишини эслатиб юборади. Баъзида бир-бирларига талпиниб яшашса, гоҳо қарама-қаршиликлардан нарига ўта олишмайди. Афсуски, жуфтликнинг ҳаёти аксар ҳолларда узоқ давом этмайди. Қисқичбақа буржи вакили арслон буржида туғилган жуфтини рўзгорга, оилапарварликка кўниктира олмай ҳалак бўлади. Шу билан бирга унинг ўта сирлилиги очиқ муносабатлар тарафдори бўлмиш арслон буржи вакилининг сабр косасини тўлдиради. Арслон буржи вакили бирмунча хиёнаткор. Шунга қарамасдан кучли ирода эгаси бўлганлиги боис қаршисидаги ожиз, меҳр ила ўзига боқиб тургувчи жуфтини ташлаб кета олмайди.

Башарти қисқичбақа буржи вакили аёл, арслон буржи вакили эркак бўлса, бу иттифоқ ҳар ҳолда мустаҳкам кечади. Шунда қисқичбақа буржи вакилининг аёллик нафосати арслон буржида туғилган эркакни тез-тез меҳр кўрсатишга, севишга мажбур эта олади.

Қисқичбақа вакили бўлмиш аёл арслон буржидаги эркак учун баъзан она, баъзан жажжи қизалоқ ролини ўйнай билади. Бу ҳам никоҳ ришталари мустаҳкамлана боришига асосий сабаблардан биридир. Аёлнинг ҳиссиё-

ти шу қадар кучлики, ҳар қандай вазиятда ҳам оиладаги тотувликни таъминлаб бера олади. Қолаверса, арслон буржи вакили ҳисобланган эркакнинг ҳақиқий эркакларга хос иш тутиши уни ўзини аёл сифатида тасаввур этиб яшашга ундайди.

Агар акси бўлса, қисқичбақа буржи остида туғилган эркак ёстиқдошидан ҳамиша муҳаббат, эътибор кутиб яшайди. Салгина бепарволигини сезса, аразлаб қолишдан ҳам тоймайди. Бу эътибор, муҳаббатни оддий сўзлар билан изҳор этилишини эмас, амалда исботланишини талаб қилади.

Иттифоқ бир меъёрда давом этиши учун қисқичбақа буржи вакилининг эртанги кунга бўлган ишончини арслон буржида туғилган аёл амалий йўл билан орттира билиши зарур.

Шуни эслан чиқармаслик лозимки, қисқичбақа буржи остида таваллуд топган эркаклар табиатан анчагина ёлғончи ҳам бўлишади. Бу эса арслон буржида туғилган аёлга сира ёқмайди. Алданаётганини қалбан ҳис этиб, ҳамиша ички азобда яшайди. Вақт ўтиши билан оиладаги етакчиликни қисқичбақа буржи вакили жуда усталлик билан ўз қўлига оладики, арслон буржи вакили сезмай ҳам қолади.

Тўғриси айтиш керак, бу жуфтлик ҳақиқатан бир-бирини севса, оилада юзага келадиган баъзи келишмовчиликлар, алдовлар, хиёнатлар бир четда қолади. Бир кун келадикки, улар бир-бирларини тушуниб етишади ва ҳаётлари ширин тус олади.

Уларда яна бир имконият бор. Яъни, танишув аввалдан оқ ўртада кучли ҳиссий боғлиқлик мавжуд бўлади. Шу яқинликни қанча узоқ ўзларида сақлашса, рўзгор икир-чикирлари сабабли қанча кам жанжаллашишса, шунча бахтли бўлишади. Акс ҳолда орага совуқчилик тушиб, никоҳни сақлаб қолишда катта муаммолар юзага келиши ҳеч гап эмас.

Қисқичбақа буржи вакили шуни унутмаслиги керакки, арслон буржи остида туғилган инсон билан турмуш қуриб сира хато қилгани йўқ. Арслон буржи вакили унга ҳам

руҳий, ҳам жисмоний қувват ато эта олади. Ишда қисқичбақа буржи вакиллари жуда ақл билан иш юритишадидию, бироз сусткашликлари ҳам йўқ эмас. Мабодо раҳбар лавозимида арслон буржи вакили бўлса, қисқичбақа буржида туғилган ходим ҳар қандай топширилган вазифани ўз вақтида, аъло даражада уддалай олади.

Ҳа, қисқичбақа буржи вакиллари раҳбарлик лавозинини унчалик ёқтиришмайди. Тақдир насиб этиб, улар раҳбарлик курсисини эгаллашганда ҳам барибир арслон буржи вакили бўлган ходимга суяниб иш кўришни маъқул топишади.

Қисқичбақа — Паризод

Бу иттифоқ кучли эътибор, меҳр ва эҳтиросларга асосланган. Қисқичбақа буржи вакилига Паризоднинг очик кўнгиллиги, оила, рўзғор учун жон фидо этиб яшаши ёқади. Паризод буржи вакилига эса қисқичбақа буржи вакилининг топқирлиги, ақллилиги маъқул келади. Бундан ташқари, паризод буржида туғилганлар инжиқликда тенги йўқ ҳисобланган Қисқичбақани ҳаминиша кечира олишади.

Бу оилада эҳтиросли лаҳзалар доимо муносабатларнинг мустаҳкамланиши учун хизмат қилади. Қисқичбақа буржи вакили энг оғир вазиятларда ҳам, албатта, ўзи билан ёнма-ён яшаётган меҳрибон ёстиқдошига суянади.

Паризод ҳам қисқичбақа буржи вакилидан рўзғор тебратиш, саломатликни сақлаш, бола тарбиясини ўрганиб қўйса арзийди. Қисқичбақа буржида туғилганлар бу юмушларни аъло даражада адо эта олишади. Бу жуфтлик одатда ташқаридан қараганда барчанинг ҳавасини келтиради. Аммо ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек кечади, деб бўлмайди. Масалан, тўғри сўзлиликни жондан ортиқ кўрувчи паризод буржи вакили баъзи ҳолларда қисқичбақа буржи вакилининг асабларини таранглаштиради. Бундан, шубҳасиз, паризод буржи вакили хафа бўлади. Ўзининг ҳақлигини рўкач қила бошлайди ва жанжалларга баҳона қидиришга тушади. Масалан, баҳонани у рашкдан топиш-

га интилади. Бирга ўтириб қолишдими, арзимаган сабаблар билан ёстиқдошини кимлардандир қизғана бошлайди. Тўғри, бу ишни бошқаларнинг олдида қилмайди. Ҳаммаси уй ичига киргандан сўнг бошланади.

Дарвоқе, бу никоҳ қачон омадли кечали? Паризод буржи вакилини ота-онаси болаликда тўғри тарбиялаган бўлишса, қисқичбақа буржи вакили эса ўткир ақл эгаси бўлмасагина улар узоқ йиллар бирга ҳаёт кечиришлари мумкин.

Лекин ёмон томони шундаки, Паризод ҳам, қисқичбақа буржи вакили ҳам ўттиз, қирқ, эллик йиллаб бирга яшаб қўйганига қарамасдан, барибир хуфиёна тарзда ўзига бошқасини топиш ҳақида ўйлайди.

Кўпчилик паризод ва қисқичбақа буржи вакилларидан тузилган жуфтлик эса ҳаётда бир-бирларини тўғри тушунишга, бир-бирларидан нималарнидир ўрганишга ҳаракат қилишади. Ҳеч қачон хиёнат хусусида бош қотиришмайди. Бу никоҳнинг тобора мустаҳкамланиб боришига сабаб бўлади.

Агар эркак қисқичбақа буржи остида туғилган бўлса, у ўта кучли эҳтирослар қуршовида бўлади. Айниқса, ёши ўз паризодидан анчагина каттароқ, катта ҳаётий тажриба эгаси бўлса, чегара билмас меҳр-муҳаббатга эгалик қилади. Эркак паризодининг ўзини ҳимоясиз ҳис этишидан, қайноқ севгисидан маст бўлади. Ана шунда қисқичбақа вакили — эркак ҳақиқий хушомадгўй ва меҳрибон, эътиборли турмуш ўртоғига айланади. Паризод буржида туғилган аёл ҳам буларга эътиборсиз қараб тура олмайди, албатта. Суюклисининг соғлиғи, кайфияти билан тез тез қизиқишга, ҳисоблашишга одатланади.

Қисқичбақа ва паризод буржи вакилларининг ўзаро яқин муносабатлари биргаликдаги ҳаётга кўплаб аниқликлар киритади. Паризод буржи вакилидаги энг ноёб хислатларни кўра бошлаган қисқичбақа буржи вакили ана шу аниқлик сари интилиб яшашга ўрганади. Бир сўз билан айтганда, бу оилани фақат муҳаббатгина барча кўнгилсизликлардан қутқариб қолади десак, муболаға бўлмайди.

Ишда улар омадга эришишлари мумкин. Фақат бирглашиб ижодий мақсадларга йўналтирилган иш билан шуғулланишлари лозим. Башарти, паризод буржи вакили раҳбар бўлса, эҳтиёткорлик билан иш кўргани маъқул. Чунки у табиатан анча дағал. Бу нарса қисқичбақа буржи вакилига ёқмайди. Топширилган ишни ўз вақтида адо этмасдан кетиб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Қисқичбақа — Тарози

Бу иттифоқ орасида ҳамиша масофа мавжуд. Улар ҳеч қачон бир-бирларига боғланиб қолишмайди. Фақат моддий манфаатдорлик туфайлигина бир-бирларини севишлари, қадрлашлари мумкин. Бу нарса бўлмаган тақдирда ажралиб кетишлари ҳеч гап эмас. Қисқичбақа буржи вакили аввалига севги изҳорларидан чарчамаган бўлса-да, молиявий етишмовчилик юзага келди дегунча турли “рол”ларни ўйнай бошлайди. Ўзини олиб қочишга ҳаракат қилади. Қарангки, Тарози буржида туғилганлар ҳам қисқичбақа вакилидан қолишмас экан. Улар ҳам моддий манфаатдорлик бўлмаган жойда қайсарлик йўлига ўтиб олишади.

Бу никоҳ баъзи ҳолларда жуда қизиқарли ҳам кечади. Аммо бир жиҳатдан олиб қараганда, хавfli ўйинга ҳам ўхшаб кетади. Қисқичбақа буржи вакили билимли, тарози буржи вакили ҳам унинг билимдонлигини тан олади ва олқишлашдан чарчамайди. Шунга қарамасдан, шундай билимли киши билан бирга яшаётгани, у ҳар бир қаддини ўлчаши муқаррарлигини кўз олдига келтиргани сайин фикри бузилиб, турли ёмон хаёллар исканжасига тушиб қолади.

Ахир ўзганинг сени назорат қилиб туриши, ўзингни тайёр ўлжадек ҳис этиб яшаш кимга ҳам ёқарди дейсиз. Кўрибсизки, жуфтининг бу хаёлларини сезган қисқичбақа буржи вакили ҳимоя йўлига ўтади. Яъни, очикчасига хавfli ўйин бошлайди. Мана шу нарса охир-оқибат ўртадаги муносабатларга путур етказиб, никоҳ бузилиши мумкин.

Эркак тарози буржи вакили бўлса, ўзаро муносабатлар янада чигаллашади. Чунки, бу бурж остида туғилганлар бошқаларга нисбатан ўзларини кўпроқ севишади, қадрлашади. Башарти эркак қисқичбақа буржи вакили бўлса, у оилага романтик руҳни олиб кира олади ва рўзгорнинг бутлиги учун тинимсиз курашади. Унга ишончли, садоқатли ва ақлли аёл зарур. Жуфти шундай аёл чиқиб қолса, никоҳ бир умрга сақланиб қолди, деяверинг. Қисқичбақа ва тарози буржи вакиллари ўртасидаги яқинлик асосан орзумандлик ва бир-бирига талпинишлардан ҳам иборат бўлади. Айниқса, қисқичбақа буржи вакили тарози буржи остида туғилган жуфти томон талпиниб, ундан ҳам руҳий, ҳам жисмоний паноҳ қидиради. Тарози буржи вакили ҳам бош тортиб ўтирмайди. Бажонидил ёрдам қўлини чўзади. Ишда агар раҳбарлик қисқичбақа вакилининг зиммасида бўлса, кўзланган мақсадларга етиш мумкин. Унга табиатан артистнамо бўлган тарози буржи вакили энг қийин вазиятларда ҳам кўмак беради. Молиявий келишувларда икковлари ҳам эҳтиёткорлик билан иш тутганлари маъқул.

Қисқичбақа — Чаён

Иттифоқ жуда омадли кечади, дейиш мумкин. Фақат улар бир-бирларини алдашмаса бас.

Қисқичбақа ва чаён буржи вакиллари рўзгор икирчикирларидан кўра севги, муҳаббат бобида яхшироқ тил топишади. Қисқичбақа буржи вакили севгида ҳам, оилавий масалаларда ҳам ўзига жуда ишонади. Ҳар қандай ҳолатда чигал вазиятлардан чиқиб кета олади. Чаён буржи вакили эса аксинча, ўзининг рашкчилиги, инжиқликлари билан оилада янги-янги муаммоларни келтириб чиқаради. Жуфтлик бир умр биргаликда ҳаёт кечира олади. Бунинг учун чаён буржи вакили ўзини болаларча тутиши, ақлли ва тажрибали қисқичбақа буржи вакилининг маслаҳатларига амал қилиб яшаши лозимдир.

Қолаверса, ҳеч бўлмаганда улардан бири биргаликдаги ҳаёт учун жонини қурбон қила билиши талаб этила-

ди. Чаён ҳамда қисқичбақа буржи вакили ўртасидаги муносабатлар ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини ҳам эслатиб юборади. Мабодо чаён буржида туғилган инсоннинг инжиқликлари, ҳаётга енгил қарашлари қисқичбақа буржи вакилининг сабр косасини тўлдирмаса, ҳаммаси кўнгилдагидек кечади. Бунинг учун жуфтлик бир-бирининг шахсий ишларига ҳадеганда аралашавермаслиги лозим. Яхшиси, оилада алоҳида хоналар бўлгани маъқул. Негаки, икковлари ҳам узоқ вақт бирга бўлаверишлардан тез-тез чарчаб, ёлғизликни кўмсаб туришади.

Эҳтирослар бобида улар бир-бирларига умуман мос келишмайди. Эркак қисқичбақа буржи вакили бўлса, жуфти унга ҳурмат билан ёндошса, ҳиссиётлари билан ҳисоблашиб яшасагина, ўзини бахтли деб билади ва жуфтига меҳри товланади. Қисқичбақа буржи вакили аёл эсашки, ғурури баланд. У бирданига она ва жуфтлик ролини ўйнай олади. Вақт ўтиб чаён буржи вакили бўлмиш эркакка аёлининг оналарча муносабати ёқиб тушади-ю, ўзини болаларча тута бошлайди.

Умуман олганда, бу жуфтлик ижодий характерга эга. Чаён буржи вакили оиладаги муҳитни яхши тарафга ўзгартириш ҳаракатида бўлади ва қисқичбақа буржи вакилининг ўзига ишончи ортишини таъминлайди. Шу жумладан, қисқичбақа буржи вакили жуфтининг маънавий ўсишида кўмак беради. Мабодо муаммолар юзага келса, қисқичбақа буржи вакили вазиятдан чиқиб кетиш учун чаён буржи вакилидан ёрдам сўрагани маъқул.

Тижоратда улар тажрибага эга бўлишмаса, қисқа вақт ичида касодга учрашлари ҳеч гап эмас. У ҳолда ўзларига қобилиятли кўмакчилар қидириб кўрганлари яхши. Шунда омадга эришишларига сира шубҳа қолмайди.

Қисқичбақа — Ўқотар

Жуфтлик бошқалардан ўзининг ноанъанавийлиги билан буткул фарқ қилади. Ҳамиша катта жанжаллар билан барчанинг диққат-эътиборида бўлади. Жанжалларнинг сабабчиси аксар ҳолларда қисқичбақа буржи ваки-

ли бўлиши мумкин. У қачон қараса, ўзининг ҳақлигини исботлаш, оила аъзоларидан мажбурият талаб этиш билан банд бўлади. Аммо бу уринишлар натижасиз қолаверади. Негаки, ўқотар буржи вакили шу қадар топқир ва эркинликни севадиганлар хилиданки, қисқичбақа буржи вакили унинг ғойиб бўлганини ҳатто пайқамай ҳам қолиши мумкин.

Улар орасида турли баҳслар, тортишувлар жуда кўп бора юзага келади. Ўқотар буржи вакили қисқичбақа буржи вакилини деярли ҳар кун қайта тарбиялашга, хиёнатлардан қайтаришга уринади. Барибир фойдаси йўқ. Қисқичбақа буржи вакили қуруқ ваъдалардан нарига ўта олмайди.

Ҳа, ўта сирли, хуфийна ишларни тез-тез амалга ошириб турадиган қисқичбақа вакили билан ўқотар буржида туғилганларнинг бирга ҳаёт кечириши анча мушкул. Ўқотар буржи вакили ўз муҳаббатини қайта-қайта ошкор этишдан, меҳр кўрсатишдан чарчамайди. Афсуски, бу муносабатлари эвазига ижобий жавоб ололмасдан азобланаверади.

Қисқичбақа буржи вакили ўз ички дунёсини ҳалдан зиёд қадрлайди. У жуфтини тушуниш, эътибор кўрсатиш, бошқачароқ айтганда, тарозининг икки палласини тенг ушлаб туриш йўлида деярли ҳеч иш қилмайди. Оқибатда, ўқотар буржи вакили қалбидаги жавобсиз муҳаббат азоби туфайли кўз кўриб қулоқ эшитмаган балоларга гиррифтор бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Қанийди, қисқичбақа буржи вакили ҳам ўқотар буржи вакили каби сева олганда, дунёда бу жуфтликдан бахтли инсонлар бўлмасди. Эркак ўқотар, аёл қисқичбақа буржи остида туғилган бўлса, яна янги муаммоларни учратасиз. Аёл жуфти оилага етарлича эътибор қаратмаса, ўзига меҳр кўрсатмаса, хавфли душман қиёфасига киради. Рўзғорга, уй юмушларига умуман қарамай қўяди. Бир сўз билан айтганда, ёстиқдошидан қаттиқ ранжийди. Натижада оиладан барака кўтарилади.

Қарангки, қисқичбақа буржида туғилган аёл жуфтига нисбатан илиқ муносабатда бўла бошласа, эркак ўқотар

буржи вакили бундан шубҳага туша бошлайди. Негадир ўзини камситилган дея ҳисоблайди. Бу муносабатларга аксинча жавоб қайтаришга тушади. Бу ҳам никоҳнинг бузилишига олиб келади.

Улар никоҳни асраб қолмоқчи, ўзгалар каби тинч-тотув ҳаёт кечирмоқчи бўлишса, биринчи навбатда атрофга назар ташлашсин. Хўш, бошқалар қандай яшашаяпти? Нега улар орасида жанжаллар, баҳслар келиб чиқмаяпти? Ана шу масалада изланишлари, ўрганишлари, ўрнак олишлари уларга фақат фойда беради. Нега деганда, одамлар феъл-атвор жиҳатидан бир-бирларига мос келмасликлари мумкин. Аммо нотўғри фикрларни, бўлар-бўлмас хаёлларни, шайтоний ҳиссиётларни йўққа чиқариш ўзимизнинг қўлимизда.

Ишда агар қисқичбақа буржи вакили раҳбарликни ўз қўлига олса, устамонлик билан иш юритиши лозим. Шунда ходим — чаён буржи вакилининг қалбига йўл топа олади. Кўрибсизки, кечагина қайсар, бўйсунмас қиёфада турган чаён буржи вакили ўз-ўзидан ишга вужуд-вужуди билан киришиб кетганини сезмай қолади.

Раҳбар лавозимида ўқотар буржи вакили бўлса, билиб қўйсин, қисқичбақа буржи вакили — ходимлар бирмунча иккиюзламачи бўлишади. Шу нарсани ҳисобга олиб иш юритилса, мақсадга эришиш осон кечади.

Қисқичбақа — Тоғ эчкиси

Бу икки бурж вакили учун биргаликдаги ҳаёт оғир синовлардан иборат бўлиши мумкин. Башарти икковлари ҳам келишиб яшамас эканлар, бошқачароқ айтганда, “аравани икки томонга тортаверсалар”, ўзаро муносабатларга, албатта, путур етади. Ҳатто улар бир қарорга келиб ҳам улгурмайди. Шунинг учун аввал бир-бирларини тушунишга, бир-бирларидаги янги қирраларни ўрганиб чиқишга ҳаракат қилганлари маъқул.

Қисқичбақа буржи вакили биринчи навбатда жуфтининг хурсандчиликларига, қайғуларига шерик бўла олишга ўзини ўргатиши зарур. Шундагина бу иттифоқ вақт

ўтган сари мустаҳкамланиб боради. Аниқки, бир кун келиб қисқичбақа буржи вакили тоғ эчкиси буржида туғилган жуфтнинг нозик қалбини англаб етади ва бу қалбни ўзиникига нисбатан ҳам яхшироқ ҳимоя этишга ўтади.

Ўрта ва каттароқ ёшга бориб ушбу бурж вакиллари-нинг ажралиб кетишлари жуда қийин кечади. Бошида бир-бирларини тушуна олмай азобланишса-да, шундай кун келадики, уларнинг никоҳидан омадли, мустаҳкам-роқ никоҳ бўлмайди. Чунки қисқичбақа ва тоғ эчкиси буржи вакиллари бир-бирларининг камчиликларини яшириб, яхши жиҳатларини бошқаларга кўз-кўз қила билишади. Бу икки бурж вакили ўткир ақл, тафаккур ва бебаҳо қалб эгаларидир.

Қисқичбақа буржи вакили жуфтига муҳаббатини қайта-қайта изҳор этиб, меҳр бериб чарчамайди. Ўз навбатида тоғ эчкиси буржи вакили ҳам етарлича жавоб қайтарган ҳолда жуфтига жонини беришга тайёр туради. Тўғри, улар орасидаги ёшда фарқ катта. Аммо бу нарса оилавий ҳаётга, ўзларини ҳақиқатан бахтли дея ҳис этишларига сира ҳалал бермаслиги аниқ.

Бу оиланинг борди-келди қиладиган дўстлари кўп. Доимо уй меҳмонга тўла. Нимаям дердик? Қисқичбақа ҳамда тоғ эчкиси буржи вакилларида ташкил топган оилаларнинг барчаси ҳам шундай бўлиб чиқаверади. Меҳмон, дўст деса жонларини фидо этишади.

Бу икки бурж вакилининг яқин муносабатлари динамик характерга ҳам эга. Қисқичбақа буржида туғилганлар ўз жуфтини ҳамини ҳаракатга ундаб яшайди. Тоғ эчкиси буржи вакили эса қисқичбақа буржи вакилининг ўзига бўлган ишончини орттиришда сезиларли ҳисса қўшади. Бошида баъзи қийинчиликлар юзага келишига қарамай, қисқичбақа ҳамда тоғ эчкиси буржи вакиллари-нинг ҳамкорликдаги барча ишлари муваффақиятли кечади. Уларнинг ички сезгиси кучли. Ана шунинг натижасида шерик танлашда ҳам ҳеч қачон адашишмайди. Биргаликда ҳар қандай қийинчиликларни енга олишади.

Қисқичбақа буржи вакили раҳбар лавозимида бўлса, ходим ҳисобланмиш тоғ эчкиси буржи вакили у берган ҳар бир кўрсатмани чин дилдан адо этади. Мабодо раҳбарлик тоғ эчкиси буржи вакилининг зиммасида бўлса, қўл остидаги қисқичбақа буржи вакили баъзида иккиюзламачилик қилиб қўйишини ҳам ҳисобга олиши ва шундан келиб чиқиб унга молиявий масаладаги юмушларни ишониб топшириб қўймаслиги лозим.

Молиявий ҳамкорлик бу икки бурж вакили учун ҳам омадли кечади.

Қисқичбақа — Қовға

Бу иттифоқда кўз кўриб қулоқ эшитмаган синовларга дуч келиш мумкин. Бошида қисқичбақа буржи вакили жуфтнинг ҳисларини, муҳаббатини ҳаддан зиёд юқори баҳолаб қўяди-ю, қовға буржи вакили бу ишонувчанликдан унумли фойдаланишга уринади. Муносабатлар кўпинча қисқичбақа буржи вакилининг зарарига хизмат қилади. Сиқилишлар, асабийлашишлар, ички азоб унга турли касалликларни олиб келади.

Бу икки бурж вакилини бир-бирига инсон руҳиятига тўғри келмайдиган ҳислар талпинтириб туради. Аммо вақти келиб бунини қисқичбақа буржи вакили чуқур англаб етади ва норозилик билдира бошлайди. Жанжаллар кўтаради. Қовға буржи вакили эса иложи борича “сувдан куруқ” чиқишга ҳаракат қилаверади.

Табиатан уларнинг феъл-атвори ҳам турлича. Қисқичбақа буржи вакили юмшоқ кўнгил эгаси, ўз ҳиссиётларига кўмилиб яшайди. Қовға эса совуққон, бундай кўнгилчанликни тушунмайди. Ҳар бир ҳаракатини вазиятга қараб амалга оширишга одатланган.

Бу жуфтлик учун молиявий тўкин-сочинлик катта роль ўйнайди. Болалар эса, афсуски, никоҳнинг мустаҳкамлигини таъминлаб бера олмайди. Оилада кутилмаган ҳодисалар тез-тез содир бўлиб туради. Улар узоқ йил бирга яшаганликларига қарамай, бир соат ичида ажралиб кетишлари мумкин. Бу йўлда ўтмишдаги яхши кунларни

эслаб ҳам ўтиришмайди. Бир жиҳатдан олиб қараганда қисқичбақа ва қовға буржи вакилларида ташкил топган жуфтликларнинг ҳаёти қизиқарли кечади.

Қовға буржи вакили доимо уйда қандайдир янгиликлар яратишга, ўзгартиришлар киритишга интилади. Ўз ўрнида қисқичбақа буржи вакили ҳам жуфттини кутилмаган янгиликлар билан ҳайратда қолдира билади. Кўриб-сизки, мақсадлар, орзулар, режалар бирлашиб, оилага янада файз киради.

Ишда улар ўзларини артистнамо тутган ҳолда фаолият юритганлари мақсадга мувофиқдир. Раҳбарликни яхшиси қисқичбақа буржи вакили ўз қўлига олгани фойдалироқ. Негаки, у қовға буржи вакилига нисбатан ходимларнинг ички туйғуларини, вазиятни тўғри баҳолай олади.

Шериклар ҳар қандай вазиятда ҳам пул масаласида бир фикрга кела билишади. Аммо юракдан суҳбатлашишлари қийинроқ. Бунга вақтлари ҳам йўқ.

Қовға буржи вакили ходим сифатида жуда тартибли. Раҳбарнинг кўрсатмаларидан бўйин товламайди.

Қисқичбақа — Балиқ

Иттифоқ маънавий етуклик ва бир-бирини яхши тушунишга асосланади. Фақат бир умр никоҳни асраб-авайлаш жуда оғир. Бунинг учун икковларидан кимдир ўз жуфтига албатта ён бериб яшаши зарур.

Балиқ буржи вакили меҳрибон, қисқичбақа буржи вакилининг туйғуларини ҳурматлайди. Қисқичбақа буржи вакили учун ҳам у билан бир уйда яшаш, қайғушодликларни баҳам кўриш осон кечади. У балиқ буржи вакилининг ёнидагина ўзини эркин, хотиржам ва бахтли ҳис эта олади.

Жуфтлик бир-бирини соғиниб яшовчи яқин қариндошларни ҳам эслатиб юборади. Бироқ балиқ буржи вакилининг бир одати борки, у ҳеч қачон феъл-атворини ўзгартира олмайди. Табиатан тўғри сўзлашни хуш кўради. Бегона ниқоб остида жуфтнинг бош-кўзини

айлантириб олишга одатланмаган. Бу эса бир кун келиб ўртада келишмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Тўғри, бу жуфтлик бир-бирини эркалаш, эҳтиросларини намойиш этиш билан тенгсиз ҳисобланади. Керак бўлса, биргаликда тоғни толқон қилишлари ҳам мумкин. Фақат оилавий масалаларда кўпинча турлича фикрлашди. Шунинг оқибатида жанжаллар келиб чиқади ва улар боши берк кўчага кириб қолишади. Натижада ажралиб кетишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин қисқичбақа буржи вакили бу ажралишни сира кўтара олмайди. Жуфтини қидириб топади. Ялинади, ёлворади. Қайтишга ундайди. Афсуски, балиқ буржи вакилининг ишончлари сўнган бўлиб чиқади.

Қисқичбақа ҳамда балиқ буржи вакили бир-бирларини олис масофадан ҳам чуқур ҳис эта олишади. Балиқ буржи вакилини орзулаб яшаётган қисқичбақа буржида туғилган ошиқ ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Турли режалар тузади ва қарабсизки, бу режалар балиқ буржи вакилининг хаёлидан ҳам ўтган бўлиб чиқади. Икки бурж вакилининг бахти учун фақат оила, шахсий уйга, рўзғорга эга бўлиш аксар ҳолларда хизмат қилади.

Ишда қисқичбақа буржи вакили оғир феъл-атвор эгаси ҳисобланган балиқ буржи вакилининг кўнглига йўл топа олади. Уни юракдан меҳнат қилишга, кўзланган мақсадлар сари интилишга йўналтира билади.

Қисқичбақа буржи вакили — раҳбарнинг ички маданияти балиқ буржида туғилган ходим билан яқин муносабатга киришишда катта кўмак беради. Бироқ раҳбарлик балиқ буржи вакилининг зиммасида бўлса, яхшиси, қисқичбақа буржи вакили бу ишдан воз кечиб кўя қолгани маъқул. Сабаби юқорида айтиб ўтилди. Балиқ буржи вакили оғир феъл-атворли. Қисқичбақа буржи вакилининг қайсарликлари билан ҳисоблашиб ўтирмайди.

Молиявий масалаларда икковлари ҳам жуда зийраклик билан иш тутишади.

АРСЛОН (23 июль – 23 август)



Мос жуфти: Ўқотар, Қўй, Эгизаклар, Тарози.

Тўғри келмайдиган жуфти: Чаён, Бузоқ.

Ёқтирадиган ранги: қирмизи, олтин ранг, тўқ сариқ, пушти, қора.

Йўлдоши: Қуёш.

Омадли кунлари: якшанба.

Омадсиз кунлари: шанба.

Ёқтирадиган гули: саллагул, гулҳамишабаҳор, пиёзгул, хризантема.

Омадли рақамлари: 1, 5, 9, 11.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Арслон буржида туғилганлар одатда эҳтиросли ва сезгир одамлардир. Улар бошқа бурж вакилларига нисбатан севгига кучлироқ берилишади. Аммо ўзларини телбаларча тутишдан тийиладилар. Бунга уларнинг ғурури йўл бермайди. Яъни, арслон буржи вакиллари кимгадир севги изҳор қилишса-ю, рад жавобини олишса, шу заҳоти бу севгидан воз кечиб қўя қолишади.

Арслон буржида туғилган аёллар эркакларга нисбатан босиқроқ бўладилар. Лекин яқин кишисидан жаҳли чиқса, тамом, ундан бир умрга воз кечиб юбориши ҳеч гап эмас.

Юқориди тилга олинган баланд ғурур туфайли арслон буржи вакиллари кўп ҳолларда ўз ҳаётини вақтида йўлга қўя олмай азобланадилар. Аммо шунини ҳам унутмаслик керакки, арслон буржида туғилганлар хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, барибир ўз вазифасини аъло даражада

адо эта билишади. Арслон буржи вакили бўлмиш эркак буйруқ беришни, ҳўжайинлик қилишни ёқтиради. Шунга қарамасдан, ўз жуфтита нисбатан юмшоқ муомалада бўлади, керагича меҳр кўрсата олади. Фақат у муҳаббатига ўз севган кишисининг алоҳида эътибор билан ёндашишини истади.

Арслон буржи остида туғилганларнинг юраги панд бериши мумкин. Чунки, улар ҳаётда бошқаларга қараганда ҳаяжонга кўпроқ бериладилар. Натижада қон айланиш тизимида меъёр бузилиб, артрит, лейкомия, ангина каби касалликлар келиб чиқади.

Арслон буржи остида туғилган эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўта кучли эҳтирос эгаларидир. Улар хавфдан қўрқиб яшашга одатланишмаган. Қоронғиликни ёқтиришмайди. Уларнинг асосий душмани асосланмаган димоғдорликдир.

Арслон буржида туғилган аёллар ҳар дақиқада уларга эътибор беришларини иташади. Улар урф бўлган кийимларга ўч эмас. Ўзларига бирор кийим ёқдими, таом, нархи қанча бўлса-да, сотиб олишади.

Арслон эркаклар кийинишга ва ўзларига оро беришга бошқа бурж вакилларига нисбатан кўп вақт сарфлашади.

Ишда улар мустақил бўлишни ёқтиришади. Кимдир халал бера бошласа, жаҳллари чиқади, қайсарликлари тутади. Кун, соат сайин лавозимлари юқорилаб бориши учун интилишади.

Арслон буржи вакилларида асосан заргарлар, ҳайдовчилар, дипломатлар, сиёсатчилар, артистлар, режиссёрлар етишиб чиқади.

Улар кўп пул топиб, кўп сарфлаш тарафдорларидир.

Арслон — Қўй

Бу муносабатлар иккала бурж вакили учун ҳам омадли кечиши мумкин. Қўй буржи вакили арслон буржи вакилини ҳар қандай фаолиятга илҳомлантира олади.

Агар арслон буржи вакили келишган бир қўй буржи вакилини учратиб қолса, ўйлаб ўтирмасдан никоҳга бош-

лаб боришини маслаҳат берамиз. Бу учрашув учун икковлари ҳам Яратганга ҳамду санолар айтишлари зарур. Умуман олганда, ҳар бир оилада жанжал, келишмовчиликлар бўлиб туради. Бу икки бурж вакили ҳам шундай жанжаллардан мустасно эмас. Уларни эса жанжаллардан фақат қалбдаги чексиз муҳаббат ва эҳтирослар асраб қола олади. Арслон ва қўй буржи вакили бир нарсага, яъни, вақти келганда бир-бирларига ён беришга ўргансалар янада яхши. Қўй буржи вакили ўз жуфтини севишга мажбур. Худо кўрсатмасин, совий бошладими, ғурури тоғларга тенг арслон буржи вакили уни ташлаб кетиши тайин.

Иш масаласида бу иттифоқнинг тез орада тил топишиб кетиши сал қийин кечади. Чунки, қўй буржи вакилларида раҳбарликка туғма қобилият мавжуд. Улар корхонада ўзидан бошқани тан олишмайди. Арслон эса бундай раҳбарларга бўйсунитишни хоҳламайдиганлар хилдан. У ўз ўрнини билиб, вазифасини аъло даражада адо этишга ўрганса, қўй буржи вакили бўлмиш раҳбар учун арслон буржи вакилидан яхши ходим бўлмасди. Мабодо раҳбарлик арслон буржи вакилининг зиммасида бўлса, қўй буржида туғилган ходим итоаткорлигини, яхши ходим эканини тез орада намойиш этади. Молиявий битимлар иккала бурж вакили учун ҳам одатда омадли кечади.

Арслон — Бузоқ

Уларга бир-бирларини тушуниш деярли nasib этмаса керак. Бузоқ буржи вакили кимгадир ён бериб, бўйсуниб яшашдек масъулиятли вазифани зиммасига олиш учун иккиланаверади. Арслон буржи вакили хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, барибир бу нарса унга сира ёқиб тушмайди. Шу сабабли ўртада жанжаллар келиб чиқади.

Бузоқ буржи вакили бир нарсани унутмаслиги зарур. Арслон буржида туғилган шахс доимо ўзига бўйсунувчи одамни қидириб яшайди. Бу эса, албатта, бузоқ буржи вакилига ёқмайди. Гарчи маълум муддат ёстиқдошининг

бу ҳукмронлигига кўникиб яшаса-да, барибир бир кун келиб чарчайди ва тинч, эркин ҳаётни қўмсаб қолади.

Ҳаётда арслон буржи вакиллари пулни кўр-кўрона сарфлашга одатланган. Бузоқ буржи вакили эса аксинча, тежаш тарафдори. Арслон буржида туғилган эркаклар хиёнатга мойилдир. Улар биргина турмуш ўртоғининг эркаланишларини кам кўриб, ўз қудратини бошқа аёлларга намойиш этиш ҳаракатида яшашади. Бузоқ буржи вакили бундан хабар тоғдими, шу заҳоти курашга отланади. Унинг ортидан кузата бошлайди. Кўрибсизки, бир кун келиб бу оиладан жанжал аримай қолади. Бу оилани фақат фарзандлар ва молиявий тўкин-сочинлик асраб қолиши мумкин. Бунда арслон буржи вакилининг роли юқори бўлади. У бузоқ буржи вакилига ҳаётда қандай қилиб шоҳона умр кечириш мумкинлигини кўрсатиб қўйиш учун бор кучини, имконини ишга солади. Оқибатда рўзғор бойийди, никоҳ мустаҳкамланади.

Агар бузоқ буржи вакили раҳбар бўлса, ишда муваффақиятни кутмаган маъқул. У ходими қандай бўлишидан қатъий назар, барибир уни қайта тарбиялаш илинжида бўлади. Бажарилган ишлардан нуқул камчилик топишга уринади. Арслон буржи вакилига бу ёқмайди. Шунда раҳбар бўлмиш бузоқ буржи вакили ходимидан воз кечишга аҳд қилади.

Арслон — Эгизаклар

Иккала бурж вакиллари яқин муносабатга киришишдими, омад қуши елкаларига қўнди, деяверинг. Бу иттифоқда севги ҳам, иззат-ҳурмат ҳам, эҳтирос ҳам етарли. Улар нафақат севишганлар, бир-бирларини тўлақонли тушуна оладиган ҳамкор ҳамдир. Эгизаклар буржи вакили ҳамиша арслон буржи вакилига керагича мақтаниш, ўз қудратини намойиш этиш имконини беради ва бундан ўзи ҳам яйрайди.

Улар ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтишмайди. Масалан, эгизаклар севса-ю, севгисига етарлича жавоб ололмаётган бўлса, у шу ондаёқ фириб йўлига

ўтади. Ёлғондан бўлса-да, арслон буржи вакилини кўкларга кўтариб мақтайди. Зарур бўлганда, болаларча эркалайди.

Ўртадаги никоҳнинг мустаҳкамлигига сира шубҳа йўқ. Негаки, улар бир-бирларининг кучли ва ожиз жиҳатларини жуда яхши билишади ва биргаликдаги ҳаётдан шахсий манфаат йўлида фойдаланиш мумкинлигини ҳам аъло даражада тушунишади. Эгизаклар буржи вакили доимо арслон буржи вакилидек кучли ирода эгаси, ғурури баланд инсон билан бирга яшаётганидан фахрланади. Муаммо шундаки, бир кун келиб икки бурж вакили биридан кутилмаганда совиши, эркаланишлар, эркалашлар четта сурилиши мумкин. Қолаверса, ўз ишига шўнғиб кетувчи арслон буржи вакилидан эгизаклар норози бўла бошлайди. Уни эътиборсизликда айблайди. Оқибат бузилмаслиги учун улар рўзғорни бут қилиб қўйишлари талаб этилади. Бундан ташқари, икковлари барча муаммоларни биргаликда, дастурхон атрофида муҳокама қилганлари яхши.

Ишда ҳам уларни асосан муваффақиятлар кутади. Фақат ҳар ишда фаолликни қўлдан бермасликка ўрганган арслон буржи вакилини Эгизакларнинг кўр-кўрона таваккалчиликларга берилавериши биров қониқтирмаслиги мумкин.

Арслон — Қисқичбақа

Икки бурж вакили бир қарасангиз аҳиллик билан ҳаракатланса, бир қарасангиз, умуман қарама-қарши характерга эга бўлади. Айниқса, қарама-қаршилиқ юзага келганда икки бурж вакили ўртасида иш ажралишларгача бориб етади. Агар арслон буржи вакили кучли ирода эгаси бўлиб чиқса, унда қисқичбақа буржи вакилига бемалол босим ўтказа олади. Аммо бундай меҳрибон, ожиза жуфтини ташлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Ҳатто жуфти ҳурмати хиёнатга қўл урмаслиги мумкин.

Арслон эркак эса Қисқичбақа аёлга ўзини ростакамига аёл ҳис этиш имконини беради. Бироқ бундай муноса-

батларни бир умр асраб қолиш учун икки орада очиқ, самимий муҳаббат зоҳир бўлиши лозим. Арслон буржида туғилган эркакнинг эса бундай муҳаббат тақдим эта олиш-олмаслиги ҳозирча номаълум.

Агар эркак қисқичбақа буржида туғилган бўлса, севгини сўзлар эмас, очиқдан-очиқ, жисмоний йўл билан ҳады этилишини истайди. У эртанги кунга ишониб яшашида арслон буржида таваллуд топган аёлнинг роли беқиёс бўлмоғи зарур. Афсуски, бу аёл жуфтнинг тез-тез ёлғон гапиришларидан азобланади. У қисқичбақа буржи вакили бўлмиш эркакни тушуна олмай ҳалак бўлади. Нима демоқчилиги, қандай режалар билан яшаётганини аниқлай олмай хавотирда қолади. Шунга қарамасдан, улар бир-бирларини қаттиқ севишса, Арслон аёл барча дардларини ичга ютиб, фақат оиласи, севгилиси учун ҳаёт кечиришга интилади.

Ишга келсак, қисқичбақа буржи вакиллари жуда секин ҳаракатланишига қарамасдан, ўткир ақл эгаларидир. Улар ходимликни қойиллатишади. Табиатан ҳукмронликка ўрганган арслон буржи вакили эса раҳбар лавозимида бўлгани маъқул. У ҳар қандай вазиятда қисқичбақа буржи вакилини меҳнатга кўниктира олади.

Арслон — Арслон

Агар ҳар бирининг оиладаги ўрни аниқ бўлса, улар кўзланган мақсадларга эришишлари мумкин. Уларнинг муносабати икки актёр ўртасидаги қизиқарли ўйинни ҳам эслатиб юборади.

Шу билан бирга бундай иттифоқ ҳаётда камдан-кам ҳолларда учрайди. Негаки, арслон буржи вакиллари рақобатни хуш кўришмайди. Қачонки улардан бири ён беришга рози, жуфти олдига қўйган шартларни адо этишга тайёр бўлса, шундагина бу бурж вакиллари оила кура олишади.

Улар яхшиси ҳар бир ишни ҳамкорликда, баҳамжиҳат амалга оширганлари маъқул. Шунда мақсадлар бирлашади, рақобатга ўрин қолмайди. Ва ўртадаги меҳр-оқибат

мустаҳкамланади. Акс ҳолда оилавий ҳаёт дўзахга айланиши ҳеч гап эмас. Хўш, нега? Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, арслон буржи вакиллари ён бериш масаласида анча қайсар. Ҳар бири оилада ўзи ҳукмрон бўлишни хоҳлайди. Айниқса, бундай лаҳзаларда дунёга келган фарзандларга қийин. Улар кимнинг сўзларига қулоқ тутишни билмай ҳалак бўлишади.

Баъзан жанжал шу даражага етадики, жуфтлик бир-бирига хат орқали буйруқ бера бошлайди. Аммо буйруқлар ҳавода қолиб кетаверади. На хотин, на эр бўш келишни хоҳлайди.

Кошкийди, улар рақобатни бас қилиб, ўзаро тил топишишса. Бу оиладан атрофдагиларнинг барчаси ўрناق олган бўларди.

Иш масаласида ҳам уларнинг қарашлари турлича. Бақир-чақирлар, кўрсатмаларни вақтида бажармаслик... Буларнинг барчаси фақат омадсизликка сабаб бўлади. Икковлари ҳам раҳбарликка ўч. Ҳар дақиқада ўзини кўрсатгиси келади. Ахир, бир идорада икки раҳбар қандай фаолият юритсин? Унда асосий юмушларни ким адо этади? Гарчи бир кун келиб улар бир-бирларини тушунгандек, бири иккинчисига бўйсунгандек туюлса-да, барибир узоқ вақт сабр қилиш учун иродалари етмайди.

Арслон — Паризод

Арслон буржи вакили Паризодга йўлиқдимиз, тамом, ўзининг “шоҳ”лик одатларини ташлаб, бугунги кун юмушлари билан шуғулланишга, оилани мустаҳкамлаш йўлида жон фидо этишга мажбур бўлади. Тўғри, бу кескин бурилиш унга жуда ёқиб тушади, дея олмаймиз. Қолаверса, Паризоднинг бироз совуққонлигини кўравериш дард устига чипқон бўлиши мумкин.

Ўз ўрнида Паризод унга ўзининг кимлигини кўрсата бошлайди. Ҳар бир майда-чуйда ишдан камчилик топиб, ҳадеганда кулавериб, баъзан ўта сирли шахсга айланиб жуфтнинг тоқатини тоқ қилишини ҳам айтиб ўтишимиз ўринлидир.

Бу никоҳ аксар ҳолларда ҳиссиётлар, меҳр-муҳаббат эвазига қурилади. Паризод арслон буржи вакилини бўлар-бўлмасга рашк қилади. Бундан ташқари, рўзғорда жуфтига нисбатан устамонроқ эканини намойиш этади. Шуйўл билан оиласини ажралишлардан асраб қолишга интилади.

Арслон буржи вакили эркак бўлса, омади келди деяверинг. Паризод уни меҳрга кўмиб ташлайди. Ҳар куни ишга кийимлари дазмолланган, чўнтагида тоза даструмолча билан тотли нонуштадан баҳраманд бўлган ҳолда йўл олади. Энг асосийси, эркак учун зарур бўлган нарса — аёл уни остонада ширин табассум билан ишга кузатиб қолади. Кечкурун эса худди шундай ҳолатда кутиб олади. Ҳол-аҳвол сўрайди, соғлиғи билан қизиқади.

Арслон буржида туғилган аёл ҳам бу такаллуфлардан мосуво эмас. Паризод буржи вакили бўлмиш эркак у ишдан кеч қайтган кунлари ҳам эркалашлар билан қарши олади. Кечки овқатни ҳам ўзи сузиб келади. Болаларнинг кийимлари ювилган, овқатлантирилган, ухлатиб қўйилган бўлади. Бу юмушларнинг барчасини, албатта, Паризод эрининг ҳурмати учун амалга оширади.

Аммо Паризоднинг ўта рашкчилиги оиллага совуқчилик олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Бўлар-бўлмасга қилинаверган рашк бир кун келиб арслон буржи вакилининг сабр косасини тўлдириши, орада катта жанжаллар келтириб чиқариши муқаррар. Шунинг учун паризод буржида туғилганлар ўзларининг бу зарарли одатларидан иложи борича тезроқ воз кечганлари маъқул.

Агар арслон буржи вакили Паризод билан бир умр бирга қолишни хоҳласа, энг биринчи навбатда кескин ҳаракатларини, сабабсиз койинишларини бир четга суриб, мулойимликка ўтиши шарт. Шунда бу оилалаги дўстона муҳитга ҳеч қачон путур етмайди.

Ишга келсак, Паризод бирмунча мутаассиб бўлишига қарамай, етарли тажрибага эга. Хаёлпарастлик, кутилмаган янгиликлар ўйлаб топишни ёқтирмайди. Эскичасига фаолият юритиш тарафдори. Бу арслон буржи вакили — раҳбарга сира тўғри келмайди. Башарти Паризод

арслон буржи вакилидек раҳбар қўлида ишлаб қолишни чин дилдан истаса, ўзгариши жуда зарурдир.

Молиявий масалаларда эса топқирликда, уддабуронликда Паризодга тенг келадигани бўлмайди.

Арслон — Тарози

Бу иттифоқ арслон буржи вакиллари учун омадлидир. Ҳамиша кўзланган мақсадлар йўлида олға борувчи ва тинчлик-хотиржамликни севувчи тарози буржи вакили нафақат муҳаббат ато эта олади, балки, жуфти бўлмиш арслон буржи вакилини севиб, эркалаб, мақтаб, кўкларга кўтариб, унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Тарози буржи вакили ўзининг бошқаларга ўшамаслиги, тенгсиз гўзаллигини арслон буржи қаршисида очиқ намоиш этади.

Улар орасида бузилмас дўстлик мавжудки, суҳбатлашиб, дардлашиб чарчашмайди. Табиатан кўрсатмалар беришга, якка хўжайинликка мойил арслон буржи вакили ҳам бу кутилмаган муносабатлардан боши айланиб, тўсатдан яхши тарафга ўзгариб кетиши мумкин.

Аслини олиб қараганда, тарози буржи вакиллари фақат севги учун эмас, дўстлик учун яратилгандай. Шу сабабли бўлса керак, дастлаб алангаси кўкларга ўрлаган эҳтирослар бора-бора сўна бошлайди ва юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, икки бурж вакили дўстона муносабатларга ўтишади. Аммо никоҳ бузилмайди. Негаки, бу дўстлик муҳаббатдан-да кучлироқ ва ишончлироқдир.

Агар арслон буржи вакили эркак бўлса, у тарози буржи вакили — аёлни тенгсиз бойлик, шу билан бир қаторда меҳр-муҳаббат билан ўзига ром этади. Унга бир умр худди ёш боладек муносабатда бўлади. Авайлайди, асрайди, еру кўкка ишонмайди. Негаки, тарози буржи вакиллари худди шу нарсаларга ўзларини доимо муҳтож сезади. Арслон буржида туғилган эркакнинг кўрсатаётган мурувватидан, меҳру муҳаббатидан — бундай бахтдан умрбод миннатдор бўлиб яшайди.

Агар арслон буржи вакили аёл бўлса, Худо берди, деяверинг. Тарози буржида туғилган эркак умрининг

охирига қадар унга худди қул каби хизмат қилишга маҳкум. Жазо нимада? Арслон буржида таваллуд топган аёл ўзининг рашки, жуфтига умуман ишонмаслиги тарози буржи вакилига зиндон вазифасини ўтайди.

Иккала бурж вакили ҳам жуда яхши суҳбатдош, вақти келганда ширин муомала билан ҳар қандай одамнинг кўнглига йўл топа олишади. Бироқ кун келиб бир-бирларининг жонига тегиши, бир-бирларидан совишлари ҳам мумкин. Икковлари ҳам ҳашаматларни, бойликни яхши кўришади.

Никоҳни асраб қолиш ниятлари бўлса, улар ҳаётдаги баъзи етишмовчиликларга, муаммоларга кўз юмиб ўтишлари лозим бўлади.

Танишувнинг дастлабки онларида арслон буржи вакилида ҳаётга муносабат ўзгаради, қизиқиб кўрмаган ишларига интила бошлайди. Маълумоти ҳақида ўйлаб қолади. Ҳаётни чуқур мулоҳаза қилиб, оила муҳитига ижобий янгиликлар киритиш ҳаракатига тушади.

Бир-бирларини қўллаб-қувватлаш ҳисси икковларида ҳам уйғонади. Улар мана шу муносабатларни йўққа чиқармаган ҳолда, ҳушёр фикрлаб ўз ҳаётларини ташкил этишса, нур устига аъло нур бўларди. Шунда ўртада ҳамкорлик, яқинлик, оқибат юз очади.

Икки бурж вакилининг биргаликдаги ҳаётини туғилажак фарзандлар ҳам мустаҳкамлайди.

Иш масаласида уларнинг қай бири раҳбар лавозимида бўлишидан қатъи назар, муваффақиятларга эришишлари тайин. Арслон буржи вакили ақлли, топқир, тарози буржида туғилганлар эса сабр-тоқатли, танқидни тўғри қабул қила олади. Улар юритаётган ишни ташқаридан туриб томоша қилсангиз. кўзингиз қувнайди.

Иккала бурж вакили ҳам таваккалчиликдан қўрқмайди. Биргаликда турли янги режаларни ўйлаб топишга уста.

Молиявий ҳамкорликда ҳам бир-бирларига қаттиқ ишонган ҳолда катта бойлик орттиришлари мумкин.

Арслон — Чаён

Бу иттифоқ фақат таваккалчиликдан иборат бўлган ишдаги ҳамкорликка асосланган. Ҳақиқатдаги алоқалар динамика ҳарқатерга эга. Иккала бурж вакили ҳам жуда кучли ирода эгаси ва ўз баҳосини яхши билади.

Чаённинг кучли иродали эканига исбот шуки, у ҳар қандай шароитда ҳам ишлаб кета олади. Арслон эса жуфти учун жон куйдиради. Ҳар қандай вазиятда ёрдам қўлини чўзишга тайёр туради. Мабодо омадсизликка юз тутса, чаён буржи вакилига керакли маслаҳатларни бериб, вазиятни тўғри баҳолашни ўргатади. Кўрибсизки, арслон буржининг бу эътибори чаён буржида туғилган инсонга руҳ бағишлаб, барча эски гиналарни унутди ва ҳаётни янгиликдан бошлаш йўлига ўтади.

Яхшиси, улар ёстиқдош эмас, шунчаки севишганлар каби яшаганлари маъқул. Чунки бундай яқинлик кучли эҳтирос ва оҳ-воҳларга асосланган бўлиб чиқади. Бирга пайтларида икковлари ҳам ўзларини еттинчи осмонда юргандай ҳис этишади. Турмуш қуришгач эса ҳаммаси тескарига айланиб кетиши мумкин. Сабаби, чаён буржи вакили ўта рашкчи ва шу ёмон одати билан оилани бузиб юборишгача етиши муқаррар.

Тўғри, арслон буржи вакили ҳам анойи эмас. Турмуш қуришса-ю, чаён буржи вакили бўлар-бўлмасга жанжаллар келтириб чиқараверса, ҳаммасига бир дақиқада барҳам бера олади. Аввалига яхшиликча тушунтириб кўради. Башарти бу усул иш бермаса, костюмни елкага илади-ю, маълум муддатга жуфтини ёлғиз қолдиради. Ана энди чаён буржи вакили (аёл) нинг елиб-югуришини кўринг. У билади. Ўзи учун арслон буржи вакилидан яхшироқ, оддийроқ, тушунадиганроқ жуфт топа олмайди.

Чаён буржи вакили ҳаётда икки хил йўл тутди. Орада келишмовчиликлар юзага келганда, ё арслон буржи вакилидан-да ўтиброқ тушиб, катта жанжаллар кўтаради, ёки индамасдан кўз ёш қилиб кўя қолади. Худо кўрсатмасин, у жуфтига қараганда, пастроқ маълумотга

эга бўлса, оилада яхши тарбия кўрмаганлиги кўриниб қолса, бу жанжаллар деярли ҳар кун пайдо бўлаверади. Улар мабодо оилани сақлаб қолиш ниятида бўлишса, юракдан сева билишлари, бир-бирларини кечира олишлари зарур. Чаён буржи вакили ҳаётда ҳар қандай қийинчиликларни енгиб бўлса-да, кўзланган мақсадлар сари олға боради. Буни кўрган арслон буржи вакили аста-секинлик билан ўзининг ҳукмдорликка мойил феъл-атворидан воз кечиб, қандайдир меҳрибон, юмшоқ кўнгил, оила ҳақида қайғурадиган бўлиб қолади. Ҳатто ўтмишдаги баъзи кўнгилсизликларни унутади ҳам.

Ишда уларга осон кечмайди. Дастлаб бир-бирларини тушуна оладигандек, бир-бирларидан кўнгиллари тўлаётгандек туюлади. Раҳбар лавозимида бўлган чаён буржи вакилига ходимининг тутаётган ишлари маъқул тушади. Раҳбарлик арслон буржи зиммасида бўлса ҳам олдиниға худди шундай муносабатлар юзага келади. Афсуски, орадан маълум вақт ўтгач, улар ўртасида келишмовчиликлар юзага келади. Чаён буржи вакили арслон буржида тутилган ходимни бир ишни охиригача етказмасликда айблай бошлайди. Шунда арслон буржи вакили ҳаммасини ташлайди-ю, ишидан воз кечиб қўя қолади.

Арслон — Ўқотар

Ўқотар буржи вакили доимо ўзи шоҳ деб билган арслон буржи вакилиға итоат билан яшайди. Фақат шу ўринда арслон буржи вакили ҳам бу ишонч ва садоқатни суиистеъмол қилмаслиги лозим бўлади. Шунда ўртадаги муҳаббат, меҳр янада мустаҳкамланади. Бу иттифоқ иккала бурж вакили учун омадли кечади. Агар уларни биргаликдаги иш фаолияти кўпроқ боғлаб турган бўлса, ишонч билан айтиш мумкинки, кўз кўриб қулоқ эшитмаган муваффақиятларға эришишлари тайин.

Икковлари ҳам саёҳатни хуш кўришади. Ўз ҳаётларини кўз очиб юмгунча байрамға айлантириб қўя олишади. Керак бўлганда, чегарадан чиқмасдан, ўз вақтида ўзларини тўхтата билишади.

Ҳамиша ўнлаб дўст-биродарлар қуршовида бўлишади. Бир-бирларига жуда камдан-кам ҳолларда, шунда ҳам тасодифан хиёнат қилишлари мумкин.

Эркак арслон буржи вакили бўлса, Ўқотар аёлининг муҳаббатига қўмилиб яшайди, деяверинг. Ўқотар аёл ҳар қандай ҳаётга мослашиб кета билади. Арслон буржи вакилининг қалбини асирга олиш учун эса шунинг ўзи етиб ортади.

Арслон буржи остида туғилган аёл учун Ўқотарни қайириб олиш осон кечмайди. Гарчи ўқотар буржи вакилининг эркинликка интилаверишини ёқтирмаса-да, сабр билан иш тутишга мажбур бўлади. Умуман, бу иттифоқ байрамларни, саёҳатни жон дилдан севувчи икки бурж вакилига аксар ҳолларда бахт ато этади.

Ишда уларга осон кечмайди. Иккала бурж вакили ҳам биринчи бўлишга интилади. Бир-бирига бўйсуннишни умуман хоҳлашмайди. Лекин ҳамкорликда меҳнат қилишса, сезиларли натижаларни кутса бўлади.

Арслон — Тоғ эчкиси

Тоғ эчкиси ва арслон буржи вакили ўртасидаги яқинлик юқори чўққилар сари интилишга асослангандир. Арслон буржи вакили тоғ эчкиси минг уринишлардан, қийналишлар ва зўриқишлардан сўнг эришиши мумкин бўлган чўққини бир ҳаракат билан забт этади.

Биргаликдаги барча ҳаракатлар уларга юқори натижаларни олиб келади. Муносабатлар мустаҳкам бўлиши учун арслон буржи вакили тоғ эчкисининг ишига, қобилияти ва ички туйғуларига алоҳида эътибор бериши лозим. Бундан ташқари, вазиятга тўғри баҳо бера олишни ҳам ўрганиши шарт.

Бу иттифоқ аслини олиб қараганда, осонликча тузилмайди. Гарчи арслон буржи вакилини тоғ эчкисининг маънавий етуклиги, меҳрибонлиги, одамийлиги ҳайратда қолдирса-да, бир кун келиб шаштидан қайтиши, оиладан совиши ҳеч гап эмас. Негаки, икковлари ҳам эркин ҳаётни севишади. Фақат бу эркинликка турлича баҳо беришади.

Арслон биринчи навбатда ўзининг ташқи кўринишига эътибор бериши зарур. Шунда жуфтининг эътиборини кўпроқ тортиши аниқ. Туйғулар вақти келиб йўлига тушиб кетаверади.

Тоғ эчкиси эса ўзини ўзи алдамагани маъқул. Атрофдагиларнинг у тўғрисида нима деб ўйлаши оилавий ҳаёт учун аҳамиятсиздир.

Уларнинг биргаликдаги ҳаёти бир-бирини тарбиялашдан иборат бўлади. Арслон буржи вакилининг ҳавас қилиб бўлмайдиган жиҳатлари — айёрликлари ҳам йўқ эмас. Тоғ эчкиси буржи вакилининг топганини еб-ичиб, моддий таъминотга эга бўлиб турганда уни еру кўкка ишонмайди. Тинимсиз севги изҳорлари қилишдан, мақташдан, хушомадлардан чарчамайди. Тоғ эчкиси бўлса бундай мулозаматларни кўриб ўзини еттинчи осмонда ҳис этади. Афсуски, бир кун келиб ишлари юришмай қолиши, оқибатда арслон буржи вакили терс ўгирилиб кетиб қолиши муқаррарлигини ўйлаб кўрмайди. Бундай ҳолат асосан арслон буржи вакили аёл бўлганда кўпроқ учрайди. Арслон буржи вакили эркак бўлса, у оилавий мажбуриятлардан ўзини йироқ тутишга уринади. Ҳар гал ҳам сўзида туравермайди. Ҳаётини зерикарли ҳисоблаб, хилма-хилликларга кўмилиб яшаш илинжида бўлади.

Бундан кўрган тоғ эчкиси буржи вакиласи қаттиқ хафа бўлади. Лекин ажралиш ҳаракатига тушмайди. Шунчаки... Жуфтига бўлган ишончи сўнади.

Башарти эркак ўрнида тоғ эчкиси бўлса билингки, бу оила жуда мустақамдир. У ўз жуфтига қалбини тўлиқ очган ҳолда тоғ эчкиси буржи вакилини ҳам ижодий, ҳам жисмоний ҳамкорликка чорлайди. Улар биргалашиб барча оилавий муаммоларни ҳал этишади. Ҳар бир ташвишни биргалашиб бошдан кечиришади. Дардлашишади, кези келганда бир-бирларини чин дилдан қўллаб-қувватлашади.

Ишда тоғ эчкиси буржида туғилганлар ижрочи сифатида майдонга чиққанлари маъқулроқ. Раҳбар ҳисобланган арслон буржи вакили тоғ эчкиси буржида туғилган ходими борлигидан фахрланса арзийди. Тоғ эчкиси бур-

жи вакилининг ишдаги ягона камчилиги шуки, у бирор хатога йўл қўйдими, шу заҳоти ўзини очиқдан-очиқ койий бошлайди. Ҳатто раҳбарнинг сўзларига ҳам қулоқ тутишга ўзида куч топа олмайди.

Молиявий ҳамкорлик ҳам улар орасида омадли кечади. Тоғ эчкиси буржи вакиллари фирибгарлик, ёлғондан йироқдирлар.

Арслон — Қовға

Бу иттифоқ ҳам бир жиҳатдан олиб қараганда бошқалардан фарқ қилмайди. Бироқ вақт ўтиши билан ҳаммаси равшан бўлади. Оилани мустақамлаш йўлида ҳамма нарсага тайёр турган арслон буржи вакили Қовғанинг бепарволигини, мажбуриятлардан ўзини олиб қочаётганини пайқайди-ю, узоқ муддатли уйқудан чўчиб уйғонган кимсадек бирдан ҳушёр тортади. Қовға унга гоҳ яқин, гоҳ бегонадек туюла бошлайди. Йўқ, арслон буржи вакили бунақасини кечира олмайди.

Қовғага эса арслон буржи вакилининг тартиб ўрнатишга уринаверишлари, ҳар бир ҳаракатга хос қоидалар ўйлаб топавериши ёқмайди. Ана шунда ўртада можаролар бошланади.

Икки бурж вакили ҳаётда бир-бирини тушунишга қийналади. Икковлари ҳам ўзларича муваффақиятларга эришишга уринишади. Бу йўлда бир-бирларига худди хавфли рақобатчига қарагандек қарашади. Айниқса, оилала пулнинг дастидан келиб чиқадиган жанжаллар никоҳнинг сақланиб қолишига катта хавф солади. Лекин шуни ҳам тан олиш керакки, улардан бири қийинчилик исканжасида қолса, ёки касалга чалинса, бошқаси, албатта, унинг ёнида бўлади.

Улар зиммаларида мажбурият бўлмаган тақдирдагина бир-бирларини яхшироқ тушунишади, қадрлашади. Икковлари ҳам саёҳатларни, дўстлар даврасидаги зиёфатларни жондан ортиқ кўришади. Қачон қараса, қандайдир баҳоналар топиб саёҳатлар уюштиришади, дастурхон тузаб кимларнидир меҳмонга чақиришади.

Икки бурж вакили одатда серфарзанд бўлишади. Болаларини ўзлари билан бирга олиб юришни хуш кўришади. Фарзандлар ҳам бунга жавобан ота-онасини қаттиқ яхши кўради, ҳурматини жойига қўяди.

Икки бурж вакили нафақат ўзгалар, балки ўзларининг устидан ҳам вақти келганда қотиб-қотиб кула билишади. Айнан шу жиҳатлари кўпинча оилавий жанжалларнинг олдини олади.

Арслон ва тоғ эчкиси буржи вакили ўртасидаги муҳаббат дўстликни эслатиб юборади. Агар арслон буржи вакили доимо ўзини жуфтдан юқори қўявермаса, тақдирга тан бериб яшашга ўрганса, бу никоҳ бир умр сақланиб қолиши мумкин.

Иш масаласига келсак, бу ерда вазият катта роль ўйнайди. Икки бурж вакили ҳам вазиятга қараб иш тутишни хуш кўради.

Арслон буржи вакили замонавий ускуналар билан жиҳозланган шинам хоналарда ишлаш тарафдори ва имкон топилди дегунча бир дунё пул топишни мўлжаллаб юради.

Арслон — Балиқ

Арслон буржи вакили учун бу жуда мураккаб иттифоқдир. У узоқ вақт нафақат жавобсиз севги изҳорлари, балки сўнгсиз рашк азобларидан ҳам жабр чекишга мажбур бўлади.

Балиқ буржи вакили эса арслон буржи вакилига жуда тез кўникади. Унинг талаби билан рўзгорнинг барча юкини ўз зиммасига олади. Агар икковлари биргаликда рўзгорга алоқаси бўлмаган каттароқ иш, масалан, тижорат билан шуғулланишса, ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришган бўлишарди. Бунда арслон буржи вакили асосий ишни амалга оширади, балиқ буржи вакили эса уни руҳлантириб туради.

Оилада барибир балиқ буржи вакилининг зиммасига рўзгор ташвишлари юкланиши мақсадга мувофиқ. Негаки, арслон буржи вакиллари эркинликни хуш кўришади.

Уларга майда-чуйда юмушларга ўралашиб қолиш сира ёқмайди.

Нимаям дердик, бу икки бурж вакили бадавлат оила фарзандлари бўлмаса, ўзаро тил топишиб кетишлари анча мушкулдир. Эркин ҳаётни севадиган арслон буржи вакили нуқул табиат кўйнига талпинаверади, балиқ буржи вакилини эса бу ҳаракатлар кўрқувга солади. Кўп ҳолларда тоқати тоқ бўлган балиқ буржи вакиллари шундай иш қилишадики, оқибатда арслон буржи вакили қандай қилиб оилапарвар кишига айланганини пайқамай ҳам қолади.

Бу никоҳ турли синовлар, хафагарчиликларни айланиб ўта олмайди. Бир-бирининг ички дунёсини тушуниб ета олмаётган бу икки бурж вакили халқ тилида айтганда аравани икки томонга тортиб, янги-янги муаммоларни келтириб чиқаришлари мумкин. Хўш, бу оилани қандай сақлаб қолса бўлади? Бунинг учун биринчи навбатда арслон буржи вакили кўзини каттароқ очиши, ҳиссиётларга бой балиқ буржи вакилига ҳурмат-эътиборда бўлиши, оила учун қайиша билиши зарурдир. Ҳар қандай инсонга ўз жуфтнинг мушкул вазиятларда ёнида туриши, кўмак, далда бериши ёқиб тушиши тайин. Арслон буржи вакилида ана шу туйғулар етишмайди. Арслон буржи вакили эркак, балиқ буржи вакили аёл бўлган тақдирда оилада бахт ҳукмрон бўлади.

Иш масаласида арслон буржи вакилининг раҳбарлик лавозимида бўлгани маъқулроқ. У меҳнатсевар, итоаткор балиқ буржи вакилини вақти келганда руҳлантира билди. Балиқ буржи вакили ҳеч қандай юмушдан юз ўгирмайди. Аксинча, бажонидил адо этади.

Молиявий масалада балиқ буржи вакили арслон буржида туғилган шерикларига ишончсиз назар билан қаргани боис кўзланган мақсадга эришиш амримаҳол.



ПАРИЗОД

(24 август – 23 сентябрь)

Мос жуфти: Тоғ эчкиси, Чаён, Бузоқ.

Тўғри келмайдиган жуфти: Кўй, Уқотар.

Ёқтирадиган ранги: Оқ, мовий, сиёҳранг, яшил.

Йўлдоши: Меркурий.

Омадли кунлари: чоршанба.

Омадсиз кунлари: пайшанба, жума.

Ёқтирадиган гули: атиргул, намозшомгул, лола.

Омадли рақамлари: 3, 5, 6, 12.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Бу бурж вакиллари ўзларини табиатнинг бир бўлаги дея ҳисоблашмайди. Кўп ҳолларда ўзларини жуда чарчаган, касалманддек ҳис этишади. Асаблари мустаҳкамликда барчани ортда қолдира олади. Ошқозон ичак, юрак касалликлари билан оғриганлар паризод буржи вакиллари орасида кўп учрайди. Саратон касаллиги уларни деярли безовта қилмайди.

Паризод ўзининг жуфтига бўлган садоқати билан бошқалардан ажралиб туради. Агар кимнидир қаттиқ севиб қолса, шу инсонга жонини ҳадея этишга тайёр туради.

Қалби шу қадар юмшоқки, керак бўлиб қолганда дуч келган одамни севиб қолиши мумкин.

Хиёнатга ҳаётда билиб-билмай кўп бор кўл уриб қўяди ва орадан маълум вақт ўтиб афсус чека бошлайди. Айнан шу камчилиги туфайли паризод буржида туғилганлар орасида ажралиш балоси тез-тез кўзга ташланади.

Айниқса, паризод буржида туғилган эркак бу борада анча тажрибали ва кимнидир кўриб қолиб ақлини йўқо-

тишда тенги йўқдир. Шунга қарамай, у кимнидир қаттиқ севиб қолса, ажойиб жуфтга айланиши ҳам мумкин. Паризод буржи остида туғилганлар шовқин-суронни, таъқиқланган жойларда чекишни ёқтиришмайди. Кучли калорияга эга овқатларни истеъмол қилишни хуш кўришади.

Шуни ёддан чиқармаслик зарурки, бу бурж вакиллари кек сақлаш бобида ҳам барчани ортда қолдиришади. Агар кимдир уларни ранжитса, бир умр унута олишмайди. Бироқ яхшиликни ҳам шундай қабул қилишларини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Улар ўзларини кўпроқ танқид қилиб, бошқаларнинг хатоларидан ҳам тегишли хулосалар чиқара билишади.

Ҳазил-мутойиба паризодларнинг жони дили. Агар улар билан яқин муносабатда, дўст бўлиб қолишни истасангиз, албатта ҳазил-ҳузул қилишга ўрганинг.

Паризод буржи вакили кўпол муомалалиларни, аҳмоқларни ёмон кўришади.

Паризод буржи вакили болаликданоқ ҳаётнинг қанчалар жиддий эканини англаб етиб, касб танлашга эътибор қаратади. Қайси касб ўзига нима беришини яхшилаб мулоҳаза қилади.

Паризод буржи вакили одатда ёлғиз фаолият юритиш тарафдори. Шунга қарамасдан, жамоадан ҳам ажралиб қолмайди.

У раҳбарларга нисбатан очиқ муносабат юритади. Ўзи раҳбар бўлса, ходимлар орасида кучли интизом бўлишини хоҳлаб, қаттиққўллик билан иш олиб боради. Ҳеч қачон юқори ташкилотларга бориб, лавозимини оширишларини талаб этмайди.

Пул масаласида жуда ҳушёр. Жуда кам маош ҳисоби-га ҳам жимгина яшаб юраверали. “Қора кун”ни ҳам ёддан чиқариб қўймайди. Ҳеч кимга билдирмаган ҳолда оз-оздан бўлса-да, пул жамғариб боради.

Паризод буржи вакилларида қобилиятли врачлар, доришунослар, ветеринарлар, доялар, уқаловчилар, соат-созлар, кўз дўхтирлари, муҳандислар, кимёшунос, фер-

мер, дўкандор, телефон операторлари, отбоқарлар етишиб чиқади.

Паризод буржи вакиллари қайси иш эгаси бўлишмасин, ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишади.

Паризод — Қўй

Дастлабки пайтларда бу иттифоқда сунъийлик, эҳтиёткорлик ҳукм суради. Агар қўй буржи вакили жуфтига тик боқа олса, ҳақиқат учун курашишга ўзида хоҳиш сеза билса, у орадан ҳеч қанча вақт ўтмай паризод буржи вакили билан ортиқ яшай олмаслигини тушуниб етади. Акс ҳолда бир умр азобда ўтиши ҳеч гап эмас.

Паризод қўй буржи вакилининг бетиним севги изҳорларини тингларкан, ич-ичдан уни масхаралашга ўтади ва бора-бора жаҳл қиладиган бўлиб қолади. Қарабсизки, бир кун келиб қўй буржи вакили устидан кимдир муздек сувни сепиб юборгандек бирдан ҳушёр тортади ва ҳаётда алданганини англаб етади.

Тўғри, бу никоҳ муҳаббат эмас, балки ҳисоб-китоб эвазига қурилган бўлса, омадли кечиши мумкин. Шахсий манфаат икковларини ҳам ўзини тўғри, сокин тутишга ундайди. Башарти, муҳаббат туфайли қурилган бўлса, катта муаммоларни кутаверинг. Меҳр кўрсатишлар, бирга-бирга сайру саёҳат қилишлар бир кун келиб катта жанжал билан ўрин алмашади. Ҳатто кучли эҳтирослар ҳам уларни тўхтата олмайди. Айниқса қўй буржи вакили ўз жуфти устидан ҳукм юритишга урина бошлайди. Буни кўрган паризод буржи вакили эса энсаси қотиб, ўзини қўярга жой топа олмай қолади.

Кундалик таъналар, дашномлар, ҳақоратлардан нафақат фарзандлар, балки яқин қариндошлар ҳам азоб чекиши муқаррар. Қўй буржи вакили билан паризод умуман қизиқмай қўяди. Шунга яраша қўй буржи вакили ҳам унга эътибор қилмай қўяди. Улар бир-бирларидан камчилик қидиришга тушиб кетишади. Кўрибсизки, кечалари олов бўлиб ёнган эҳтирослар ва нафрат ўртасида жиддий кураш бошланади.

Паризод ўз жуфтнинг яхши даромадга эгаллигини кўргани сайин бундан қандайдир наф топишга интилади.

Баъзи паризод буржида туғилганлар эса кўп меҳнат қилишади ва қўй буржи вакилидан ҳам шуни талаб қилишади. Қўйга бундай ҳукмронлик ёқиб тушмайди. Тобора жуфтдан ўзини нари олишга ҳаракат қила бошлайди.

Иш масаласида агар қўй буржи вакили ўзининг раҳбарликка мойил феълани нари сурса омадга эришиш мумкин. Акс ҳолда уларнинг биргаликда фаолият юриштишларига ҳожат қолмайди.

Паризод — Бузоқ

Меҳнатсеварлик, соф виждон бу икки бурж вакилига тегишли хислатдир. Улар хаёлпарастликдан кўра иш билан машғул бўлишни маъқул деб билишади.

Бузоқ буржи вакили айнан паризоднинг ақллилиги, катта ҳаётий тажрибаси туфайлигина юзага чиқмаган қобилиятини намоеън эта олади. Уларни ҳамма нарса бирлаштириши мумкин. Масалан, паризод буржи вакили ўзининг бошқарувчилигидан воз кечади-ю, бу вазифани секингина бузоқ буржи вакили зиммасига юклаб қўяди. Ва сеvimли кишисига итоат этиш шарафига муяссарлигидан мамнун бўлади.

Бузоқ буржи вакили эса паризод учун маънавий ўсиш манбаи, муаллим ҳисобланади.

Икковлари ҳам бир-бирларининг муваффақиятларини ҳаққоний баҳолашади. Қарангки, агар улар қанча рўзгор икир-чикирларига эътиборли бўлишса, уларнинг биргаликдаги ҳаёти шунча ширин кечаркан. Фарзандлар масаласига ҳам улар бир хил ёндашишади. Ўртада фарзанд дунёга келдими, улар оила янада мустаҳкамланади дея ҳисоблашади.

Ишда кўз кўриб қулоқ эшитмаган муваффақиятлар кутади. Икковлари ҳам ақлли, совуққон, ҳар бир ишга жиддий муносабатда бўлишади. Ҳеч қачон бировларнинг кўмагига муҳтожлик сезмасдан мустақил фаолият юри-

тишни хоҳлашади. Агар улар молиявий масалада ҳамкорлик қилишса, бойиб кетишларига шубҳа йўқ.

Паризод — Эгизаклар

Бу икки бурж орасида чуқур муносабатлар мавжуд бўлмайди. Лекин уларнинг ишчанлиги ва дунёқарашларининг хилма-хиллиги биргаликда ҳаёт кечиришлари учун кўмакчи вазифасини ўтайди. Эгизаклар буржи вакили ўзининг эътиборлилиги (гарчи бу эътибор сунъий бўлсада) билан паризоднинг ақлини ўғирлайди ва ҳушёр торттиради. Аввал бошида эгизакларни совуққон, ландовур дея ҳаёл қилган паризод энди унга бошқача кўз билан қарай бошлайди. Кўрибсизки, оилада бошқарувчиликни қойиллатиб қўйишга уста паризод жуфтини аста-секинлик билан тамоман ўзига оғдиради ва ўзи хоҳлаган йўлдан боришга мажбур этишга интилади. Натижада улар ажойиб жуфтликка айлана боришади.

Башарти бу икки бурж вакили бир-бирининг ҳисобидан яшашни ҳаёл қилган бўлса, у ҳолда иккита йўл турибди. Биринчиси, кимдир ён бериши лозим. Акс ҳолда ўртада кучли рақобат пайдо бўлади ва охиروқибат оиланинг бузилишига олиб келади. Тўғри, паризод ҳамда эгизаклар буржи вакиллари бир-бирларига тез ўрганиб қолишади. Оилавий ҳаётнинг дастлабки ойларида ноқ бир-бирларисиз яшай олмасликларини ҳис этишади. Афсуски, бу ҳиссиётлар ўткинчи бўлиб чиқади. Биринчи бўлиб паризод буржи вакили Эгизаклардан беза бошлайди. Бўлар-бўлмасга жанжаллар кўтаради, эгизаклар буржи вакилини таъналарга кўмиб ташлайди.

Ахир, табиатан эркин ҳаётни афзал кўрувчи эгизаклар буржи вакили эндигина бахтини топганидан қувониб, еттинчи осмонда парвоз қила бошлаган эди! Майли, оила даврасида у баъзиларга ўхшаб доимий равишда муқим яшай олмайди. Асосий вақтини ишда, сафарда кечиришни маъқул деб билади. Шунда эркак ва аёл бир-бирини кўпроқ қадрлайди дея ҳисоблайди. Жуфти эса

кутилмаганда жанжаллар чиқариб, ҳаётдан нолишга тушди. Нима қилиш керак?

Ҳа-а, гап бошқа ёқда эди! Рашкчиликда ҳеч бир бурж вакили Паризодга тенглаша олмайди. У ўз жуфтнинг уйда муқим яшашини хоҳлайди. Сафарларидан, ишга кўмилиб юришларидан чарчаган. Қолаверса, хаёлан уни бегоналар билан тасаввур этгани сайин юраги ғаш тортаверади. Шу сабабли ҳам турли жанжаллар ўйлаб топади.

Худди шу рашк бу оиланинг бузилишига олиб келади. Ҳатто, ўртадаги фарзандлар ҳам никоҳни асраб қолишга ёрдам бера олмайди. Агар эгизаклар буржи вакили ҳақиқатан мустаҳкам ҳаёт қуришни истаса, Паризодни рашк ўтида ёнишга мажбур этмаслиги лозим. Паризод буржи вакилининг иродаси кучли. Ҳар қандай оғир вазифаларни ҳам матонат билан енга олади. Агар унинг кўнглига йўл топса, паризод буржи вакили жуфтидан жонини ҳам аямайди. Лозим бўлганда, бир ўзи қора терга ботган ҳолда меҳнат қилиб, пул топиб оиласини боқади, рўзгорини бутлайди.

Эгизаклар буржи вакилининг бир сирли жиҳати бор. У паризоднинг ўзини эмас, балки, кўпроқ бойлигини севади. Бир умр унинг ҳисобидан ҳаёт кечириш ҳақида ўйлайди. Бу йўлда ён беришга ҳам, паризод буржи вакилига қуллуқ қилиб яшашдан ҳам тоймайди. Қарангки, мана шу нарса ҳам икки бурж вакилининг муносабатларини мустаҳкамлаб, бахтли ҳаёт кечиришларига сабаб бўлади.

Иш масаласида эгизаклар буржи вакилини хаёлпарастликда, тежаб-тергашни билмасликда айблайверилмаса, у ажойиб ходимга айланиши мумкин. Паризод буржи вакили бунга яхши тушунади ва мабодо раҳбарлик унинг зиммасида бўлса, жуда усталик билан эгизаклар буржи вакилини ишлата билади.

Эгизаклар буржи вакили ҳам паризодни яхши билади. Раҳбар бўлган тақдирда ҳам кўнглига йўл топади.

Паризод — Қисқичбақа

Бу иттифоқ меҳр, парвариш ва кучли ҳиссиётларга асосланган.

Паризод қисқичбақа буржи вакилининг инжиқликларини ҳамиша кўтариб яшай олади. Шундай экан, қисқичбақа буржи вакили доимо паризоддек меҳрибон, ақлли жуфти бор экан, ўзини эркин тутиб яшайвериши мумкин. Дарвоқе, қисқичбақа буржи вакили яна паризоддан ҳаётда кўп нарсаларни ўрганиб олиши керак. Масалан, соғлиқни сақлаш, оилага, рўзғорга қараш, болалар тарбиясида паризодга етадигани бўлмайди.

Бу жуфтлик ташқаридан қараганда, барчанинг ҳавасини келтиради. Лекин аслида улар орасида ҳам муаммолар йўқ эмас. Тўғри сўзлиликни ёқтирадиган, кўп нарсаларни биладиган паризод бир кун келиб қисқичбақа буржи вакилининг жонига тегиши ҳеч гап эмас. Паризоднинг ўзи эса жуфтнинг камчиликларини кўргани сайин жанжал кўтарвергиси, жанжалга баҳона қидиравергиси келади. Бу йўлда у жуфти гарчи хиёнатга қўл урмаётган бўлса-да, кимларгадир рашк қилиб кўради, қисқичбақа буржи вакилини бақир-чақирларга кўмиб ташлайди. Тўғри, паризод ўзгалар қаршисида жанжаллашмаслиги, ўзини босиқ ва мулойим тутиши мумкин. Аммо уйга келгач, уни ҳеч қандай куч тўхтатиб қола олмайди.

Мабодо паризод болаликдан яхши тарбия кўрган бўлса, қисқичбақа буржи вакили эса унга нисбатан билимсизроқ бўлса, никоҳ бир умр сақланиб қолишига кафолат бор. Шундагина улар бошқалар сингари яхши муносабатда бўла олишади.

Қисқичбақа буржи остида туғилган эркак ҳиссиётларга, эҳтиросларга бойдир. Агар унинг ёши паризод буржида туғилган аёлдан каттароқ бўлса, оиладаги муҳит кўпчиликка ўрнак бўла оладиган даражага етади. Негаки, ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган паризодга унинг меҳрибончиликлари, барча истакларини сўзсиз амалга оширишлари ёқиб тушмасдан қолмайди. Ҳар бир

кунни паризод қисқичбақа буржи вакили бўлмиш жуфтидан миннатдорликда, мамнунликда кечиради. Қачонлардир ўзи орзулаган эртақ ҳақиқатга айланганидан Яратганга шукроналар айтади.

Иш масаласида ҳам улар ижодий меҳнат билан шуғулланишса, биргаликдаги фаолият омадли кечиши аниқ. Айниқса, паризод раҳбарликни ўз зиммасига олса, бир нарсани ёддан чиқармасин. Қисқичбақа буржи вакилига раҳбарларнинг қўпол муомаласи, уришиб ташлашлари сира ёқмайди. Бу ишга салбий таъсир кўрсатиб қўйиши эҳтимолдан холи эмас.

Раҳбарлик Қисқичбақа буржи вакили зиммасда бўлса, аксинча у ўз ходимининг ишчанлиги, топқирлигидан хурсанд бўлади ва ҳар қандай вазифани сира ўйланмасдан унга ишониб топшира олади.

Паризод — Арслон

Бу никоҳ кўпинча ўзаро ҳурмат ва муҳаббатга асосланиши ҳам мумкин. Паризод қаршисидаги арслон буржи вакилини жуда ҳурматлайди, қадрлайди. Шу сабабли юрагида рашк ўти алангаланиб, шу олов паризодни рўзгорга янада яхшироқ қарашга, ҳеч бир камчиликларсиз жуфтининг кўзига кўринишга интилади. Арслон бурж вакили эркак бўлса, омади келди деяверинг. Ҳар куни кийимлари дазмолланган, ўзи рўзгор ташвишларидан холи бўлади. Арслон буржи вакили аёл бўлса, ишдан ёки бошқа ташвишлар билан уйга кеч қайтган тақдирда ҳам паризод буржи вакили — эркак кечки овқатгача тайёрлаб уни кўтиб ўтиради. Кириб келиши билан мулойим оҳангда қарши олиб ўтиришга, нафас ростлашга чорлайди.

Лекин бир нарсани унутмаслик керак. Арслон буржида тугилганлар рашкка узоқ вақт тоқат қила олишмайди. Шундай экан, паризод ҳиссиётларга камроқ берилиши, бўлар-бўлмасга рашк ўтида қовурилавермаслиги зарур.

Ишда паризод тажрибали, анча мутаассиб. Янги ғояларни ўйлаб топишга уста. Бошида бундай раҳбар қўл остида ишлаш арслон буржи вакилига осон кечмайди.

Кутилмаган хизмат сафарлари, танаффуссиз ишлаш арслон буржи вакилининг тинка мадорини қуритади. Арслон буржи вакили раҳбар бўлган тақдирда, паризод бирмунча тартибли, сабр-тоқатли бўлиши лозим. Молиявий ҳамкорлик паризоднинг туғма қобилияти туфайли гуллаб-яшнади.

Паризод — Паризод

Бир бурж остида таваллуд топган жуфтлик учун бир-бирининг талабларига кўникиш, рўзгор масаласида тил топишиш осон кечади. Гарчи бу оила ўзгалар кўзига унчалик ташланмаса-да, жуда мустаҳкам бўлади. Улар ўз жуфти хурсанд бўлиши учун ҳар қандай қийинчиликларга, ноқулайликларга тайёр туришади. Бироқ шунга қарамасдан, улар кун бўйи бир хонада ўтира олишмайди. Бу паризодлар учун жуда зерикарли, оғир туюлади.

Қанийди, ёлғиз қолган пайтларида бир-бирларига мос гап топа олмай қолишлари сабабини баравар тушиниб етишса! Гарчи зерикарли, бир хил бўлса-да, узоқ йиллар биргаликда умргузаронлик қилган бўлишарди.

Ҳа, паризод буржи вакиллари бир-бирларини ўзгартиришга, қайта тарбиялашга, ўз йўриғига тушириб олишга уринмаганлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Акс ҳолда ўртада албатта жанжал келиб чиқади. Ҳатто, тунги эҳтирослар, эркалаб, ялаб-юлқашлар ҳам бу жанжални тўхтата олмайди. Кўрибсизки, бир-бирини тушуна олмаган жуфтлик аравани икки томонга торта бошлайди. Бекитиқча хиёнатлар қўл уради. Ўз бахтини қаерландир бошқа маскандан қидиради. Умуман, бу икки тажрибали ва ўта эҳтиёткор шахслар иттифоқи деса бўлади.

Агар мақсадлар, режалар бир бўлса, улар бемалол иш масаласида ҳамкорлик қилишлари мумкин. Икки ақлли, тадбиркор, тажрибали кишининг ҳамкорлиги натижасиз кечмайди. Улар бир-бирларининг камчиликларини ўз вақтида айтиб, огоҳлантиришади. Бир мақсад сари сира шошилмасдан, сабр-тоқат билан интилишади.

Тижоратда ҳам уларни фақат муваффақиятлар кутади. Ҳатто, паризодларга хизмат кўрсатган банк ҳам узоқ йиллар гуллаб-яшнаши тайин.

Паризод — Тарози

Умуман олганда бу иттифоқ омадли кечади. Бир-бирини қаттиқ севган бу икки бурж вакили биргаллашиб уйда тартиб ўрнатиш билан чекланиб қолмай, ёруғ дунёнинг барча ноз-неъматлари, гўзалликларидан биргаликда завқ олишади. Бундан ташқари, тарози буржи вакилининг ўткир ақли, атрофдаги ҳар бир ўзгариш билан қизиқиши паризодни ҳайратга солмасдан қолмайди.

Фақат тарози буржи вакиллари гўзал ёхуд яхши деб топган бирор табиат мўъжизасига паризод танқидий ёндашмаслиги зарур. Акс ҳолда ўртада келишмовчиликлар юзага келади. Агар паризоднинг сабр тоқати етса, ўртадаги никоҳни сақлаб қолиши мумкин.

Икковлари ҳам доимо бир-бирларига интилиб яшашади. Тарози буржи вакилига паризоднинг мулоҳаза билан иш юритиши, хотиржамлиги ёқади. Бу ҳам орадаги муносабатларни узоқ йиллар мустақам ушлаб туришга ёрдам бериши мумкин. Энг асосийси, оилада улар ён беришни билишлари лозим.

Эҳтирослар бобида ҳам бу жуфтлик нолимаса бўлади. Тарози буржи вакили эҳтиросни ҳам бир гўзаллик дея қабул қилади. Аёл-паризод димоғдор эмас, тартибли, тўғри сўз. Тарози-эркак эса аксинча, қувноқ, тартиб нималигини билмайдиган, дуч келган одам билан тил топишиб кетаверадиганлар хилидан. Умрининг ҳар бир сониясини ёқимли давраларда кечиришни маъқул кўради.

У кўпинча хиёнаткорлиги, шафқатсизлиги билан паризоднинг кўнглини оғритади. Оилада фақат ўз талаблари адо этилишини истади. Тарози-эркак ҳар қандай жавобгарликдан жуда усталик билан қочиб қола билади.

Паризод-эркак бирор масалада қарор чиқаришга шовилмайди. Бу масаланинг ҳар бир нуқтасини синчковлик билан текшириб, мулоҳаза қилиб кўради. Жуфтнинг

енгил фикрлашини, савдода, тадбиркорликда фаолият юритишини, учраган билан танишиб, тил топишиб кетаверишини хоҳламайди. Ўз жуфти — тарози буржи вакилини ҳар бир ишда, ўзини тутишидан тортиб, муносабатларда ҳам ҳайратга сола билади.

Лекин унинг рўзгордаги сўнгсиз талаблари тарози-аёлнинг нафсониятига тегиши ҳам мумкин. Шундай экан, паризод-эркакка юлдузлар чегарадан чиқмасликни маслаҳат беришади.

Ишда паризод буржи вакилига тарозидан ортиқ ажойиб ҳамкор топилмаса керак. У тезкор, яратувчан ва бир ишни бошласа, ўлда-жўлда ташлаб кетмайди. Бу жиҳатлари паризоднинг диққатини тортмай қолмайди. Агар паризод бирор масалада маслаҳатчига эҳтиёж сезса, сира ўйланмасдан тарози буржи вакилига мурожаат этгани маъқул.

Паризод — Чаён

Бу иттифоқ турли қарама-қарши ҳодисаларга бойдир. Паризод буржи вакили башарти муносабатлар бир хиллигини сақлаб қолиш ниятида бўлса, ўз вақтида келиб чиқиши кутилаётган келишмовчиликларнинг олдини олиши керак. Бир нарсани унутмасин. Чаён тўсатдан жанжал чиқаришни жуда хуш кўради. У аввалига куйиб-пишиб муҳаббат изҳор қилади, Паризоднинг бошини айлантириб, қалбига янги-янги йўллар очади-ю, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан унинг устидан кулишни бошлайди. Ана шу жиҳати келишмовчиликларга сабаб бўлади. Шундай экан, Паризод ҳамиша ҳушёр турсин ва Чаённинг бу тахлит қилиқларига тишини тишига қўйган ҳолда чидасин. Бу ҳолат қисқа вақт давом этади ва барибир ўтиб кетади. Паризод-аёл ҳавас қилса арзирли уй бекаси. Оиласи, рўзгори учун ҳар қандай душманнинг адабини беришга тайёр туради. Керак бўлганда, турмуш ўртоғининг тилга олиб бўлмайдиган пасткашликларини ҳам кечира билади. Чаён-эркак эса бу имкониятдан оқилона фойдаланишга уринади. Қасамлар ичади, ваъдалар бера-

ди, Паризоднинг пинжига кириб олиб билган ишини қилиб юраверади.

Қоронғи кечалар чаён буржи вакили бўлмиш эркакнинг кўплаб гуноҳларини беркитади. Паризод яна кечиради ва жуфтининг бағрида енгил тортади, қалби қайтадан севги оташида ёна бошлайди. Шу билан бирга чаён буржи вакили Паризоднинг ўткир ақлини, топқир ва ҳаракатчанлигини юқори баҳолайди. Ҳайратдан ёқа уш-лашгача боради. Агар улар бирга яшашса, ажойиб жуфтликка айланишлари, бир умр бахтли ҳаёт кечиришлари тайин эди. Лекин чаён буржи вакили феъл-атворидаги баъзи жиҳатларни йўқ қилиши лозим. У кўп гапиради ва кам иш бажаради. Эҳтирос, муҳаббатда, оилада асосий нарсасиз эмас дея ҳисоблайди. Қолаверса, чаён буржи вакили бўлмиш эркакка бир қарашда ўзига тортиб ола биладиган аёллар кўпроқ ёқади. Шунинг учун бўлса керак, Паризоднинг бетиним меҳр кўрсатишлари, куйиб-ёнишларига унчалик эътибор қилмайди.

Паризод-эркак ички ҳиссиётларга бой чаён буржи вакили аёлни ҳар доим ҳам тушуниб етмаслиги мумкин. Шунга қарамай, бу аёлнинг барча ҳасратларини диққат билан тинглайди, агар у ноҳақ бўлса танқид қилади, ҳақ бўлса, кўмак беришга интилади.

Ишда паризоднинг ақллилиги, чаён буржи вакилининг ҳушёрлиги уларни омадга етаклайди. Агар Паризод раҳбар лавозимида бўлса, шуни унутмаслиги лозимки, чаён буржи вакили аксар ҳолларда ўзига ёқадиган, ўзи мустақил танлаган юмушнигина сидқидилдан адо этади. У билан баҳслашиш, жанжал кўтаришдан фойда йўқ. Акс ҳолда у ҳамма ишни ташлайди-ю, кетади.

Раҳбарлик чаён буржи вакили зиммасида бўлса, у ҳеч қачон жанжал кўтармайди, ходимни тергамайди. Паризоднинг ишчанлигини кўриб хурсанд бўлади ва керак бўлганда мукофотлайди. Лозим топса, баъзи масалаларда ён бериб, Паризодни янада фаолроқ бўлишга мажбур этади.

Паризод — Ҷқотар

Бундай иттифоқ камдан-кам ҳолларда тузилади ва муаммолардан холи бўлмайди. Улар умуман олиб қаранда, ўзаро тил топиша олмай азобланишади. Паризодга ўқотар буржи вакилининг майда-чуйда нарсаларга аралашавериши, халқ тилида айтганда, ўзини “Уй зиндони, кўча хандони” дек тутиши ёқмайди. Агар паризод буржи вакили аёл бўлса, буларга кўз юма олади ва ўзини рўзғор юмушларига уриб ҳаммасини унутишга уринади. Аксинча, паризод буржи вакили эркак бўлганда эса бундай йўл тута олмайди. У Ҷқотарни тарбиялашга, унга ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилади. Оилада пулни ҳадеб тежайвермасликка, уйдагиларнинг саломатлигини ўйлашга ундайди. Агар бу иттифоқда эр раҳбар, аёл котиба лавозимида ишлаган бўлса, маълум муддат бузилмаслиги мумкин. Бошқа ҳолатларда уларнинг бир-галикдаги ҳаёти узоққа чўзилмайди.

Аввалида ўқотар буржи вакили Паризоднинг эркаланишлари, нозланиб сўзлашларидан гўёки ақлини йўқотади. Муҳаббат ўтида қоврилади. Аммо орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас, улар бир-бирларидан камчилик қидира бошлашади. Паризодга ўқотар буржи вакилининг ишбилармонлиги, топқирлиги, ҳар бир ишни пухта бажариши худди шунчакидек, ўзини кўрсатиш учун қилингандек туюлаверади. Паризоднинг доимо тартибга интилиши, майда-чуйдаларга эътибор билан ёндашиши ўқотар буржи вакилининг жаҳлини чиқаради. Кўрибсизки, икки ўртада жанжал келиб чиқади. Ҷқотарнинг ҳақоратлари Паризоднинг кўнглига оғир ботади. Шу билан бирга ўқотар буржи вакили Паризоднинг бетиним эркаланишлари гоҳида ўзига ёқиб тушишини, бу уларни тотув ҳаёт кечиришга ундашини ҳам билади. Шунга қарамасдан барибир бўлар-бўлмасга жаҳл қилишдан, бақир-чақирлардан ўзини тия олмайди.

Дастлаб улар жанжалдан сўнг қоронғи тунларда тез ярашиб олишади. Афсуски, вақт ўтиши билан қоронғи тунлар ҳам тотувликни, иноқликни таъминлаб бера ол-

май қолади. Ўқотар буржи вакили-эркак ҳаёти бир хил-ликдангина иборат бўлиб қолаётганини кўриб ташвишга тушади. Билади, ишда, ҳаётда омадга эришиши учун унга фақат байрамлар, хурсандчиликлар эмас, рақобатчи ҳам зарур. Бу рақобатчи Паризод бўлиши мумкин. Қарангки, Паризод рақобатчи бўлишни хоҳламайди. У ҳамиша турли баҳслардан, жанжалли воқеалардан ўзини олиб қочади.

Паризод-эркак эса оилада тартиб бўлишини, ҳеч кимнинг ҳеч бир ишда чегарадан чиқиб кетмаслигини истайди. Уларнинг орасида хиёнат бўлиши мумкин. Лекин узоққа чўзилмайди.

Умуман олиб қараганда, уларнинг ҳаёт тарзи буткул бошқа-бошқа. Шу сабабли Паризод ҳамда ўқотар буржи вакили дўстона ёхуд иш юзасидан муносабат юритганлари маъқулроқ. Иш масаласида Паризод ва ўқотар буржи орасида буткул бошқа манзара кўзга ташланади. Икковлари ҳам ишчан, меҳнатсевар, ақлли. Келишмовчиликлар фақат лавозим талашини оқибатида юзага келиши мумкин.

Аслида раҳбарлик барибир Паризод зиммасига юклангани мақсадга мувофиқ. Чунки у кек сақламайди, ходимларга беҳуда газабини сочмайди ва ўқотар буржи вакилининг ишга чин кўнгилдан ёндашишини юқори баҳолай олади.

Ўқотар буржи вакили раҳбар бўлса, у Паризоддан фақат корхона фойдаси учун фойдаланишга ҳаракат қилади. Шунда ҳам барибир яхши иш кўрсатган ходимни мукофотлашни, мақташни канда қилмайди.

Паризод — Тоғ эчкиси

Уларнинг иккаласи ҳам тадбиркор, ўта ҳисоб-китобли ва ҳушёрдирлар. Паризодни тоғ эчкиси буржи вакилининг мақсад сари сира ўйланмасдан, иккиланмасдан олға бориши руҳлантирса, тоғ эчкиси буржи вакили Паризоднинг файласуфларча фикрлашидан завқ олади.

Оилавий ҳаётда Тоғ эчкиси Паризод учун муҳаббат ва ижод рамзи ҳисобланса. Паризод Тоғ эчкиси учун

маънавий ривожланиш рамзидир. Бундан ташқари, муҳаббат бобида бу икки бурж вакили бир-бирларини тўлдириб, бунинг натижасида ажойиб жуфтлик юзага келади. Паризод Тоғ эчкисининг муҳаббат изҳорларини жон қулоғи билан тинглайди. Бундан, албатта Тоғ эчкисининг кўнгли кўтарилиб, Паризодга нисбатан янада меҳри ортади. Уларни биргаликдаги ҳаётнинг барча жабҳалари қониқтиради. Икковлари ҳам дунёга очиқ кўз билан боқиб, бир мақсад йўлида баравар ҳаракат қилишади. Шу жумладан, ижодда ҳам улар ажойиб шериклар ҳисобланади.

Паризод ҳам, тоғ эчкиси буржи вакили ҳам ўта эҳтиросли. Ўртада хиёнат деярли кўзга ташланмайди. То умрларининг охирига қадар бир-бирларини севиб, бир-бирлари билан фахрланиб яшашади. Паризод тоғ эчкиси буржи вакилига Ердаги барча қувонч-у шодликларни ҳады этса, тоғ эчкиси буржи вакили Паризодга қанот бахш этиб, ҳаётини гўёки тотли бир тушга айлантиради.

Иш масаласида ҳам бу иттифоқ омадга эришади. Аксар ҳолларда тоғ эчкиси буржи вакилининг ўткир ақли ва Паризоднинг итоаткор ходимлиги кўз кўриб қулоқ эшитмаган муваффақиятларга сабаб бўлади. Паризод раҳбар лавозимида бўлса ҳам ўзининг иш кўзини билиши, ходимга вазиятга қараб муносабатда бўлиши билан тоғ эчкиси буржи вакилининг эътиборини қозонади.

Ҳатто бировларнинг камчилиги туфайли ичдан озор чекадиган тоғ эчкиси — раҳбар ҳам паризодга бошқача муносабатда бўлади.

Молиявий шерикчилик катта даромадларнинг манбаи.

Паризод — Қовға

Бу иттифоқ ҳар доим ҳам омадли кечавермайди. Негаки, қовға буржи вакили ўта масъулиятсиз. Бу нарса бир кун келиб Паризоднинг сабр косасини тўлдириши ва Паризод қовға буржи вакилидан оиладаги ўз мажбуриятларини сидқидилдан адо этишни талаб қилади. (Бу маош билан боғлиқ)

Тўғри, улар дастлабки даврларда бирмунча дўстона муносабатда ҳам бўлишади. Лекин барибир қовға буржи вакилининг ўзини болаларча тутиши Паризодга ёқиб тушмайди. Энди у ўз жуфтини қайта тарбиялаш йўлига ўтади.

Тез-тез бир-бирларини тушунмаслик ҳолатлари юзга келади. Улар гаплашиб ўтириб ҳам негадир жанжаллашиб қолаверишади. Жанжалнинг сабабларини ўзлари ҳам билишмайди. Кўпчилик қовға буржи вакиллари эса Паризоднинг ҳаётда фаоллигини, ақл билан иш тутишини юқори баҳолашади. Бу албатта Паризодга ёқади. Жуфтига бўлган муҳаббати ўн чандон ортади. Афсуски, вақт ўтиши билан улар тушуниб етишади. Биргаликда яшаб нафақат бир-бирларини, балки ўзларини ҳам алдаб қўйганликларини англай бошлашади. Нима ҳам дердик? Аввал бошида Паризод оилада эркинроқ ҳаёт кечиришдан умид қилганди. Қовға буржи вакили эса эндигина орзусидаги инсонга етишдим деб ҳаёл қилганди.

Агар қовға буржи вакили аёл бўлса, у ҳар қандай йўл билан мустақил бўлишга, шу билан бирга паризод-эркакнинг ишончига киришга интилади. Аммо паризод-эркак ўз сирларини осонликча очмайди. Аёлнинг чегарадан ўтишига йўл бермайди. Қарабсизки, бир пайтлар бахт ваъда этган никоҳ ўз-ўзидан бузилиб кетади.

Бунинг натижасида айниқса қовға буржи вакили фожиага юз тутади. Асаб касалликларига дучор бўлади.

Бу жуфтликни кўпроқ иш ва очиқ-ойдинлик узоқ вақт боғлаб туриши мумкин. Башарти паризод буржи вакили қовға буржи вакили билан бир умр бирга бўлишни хоҳласа, унда қовға буржи вакилининг оиладаги ўрнини белгилаб берсин ва унга нисбатан дўстона муносабатда бўлсин. Қовға буржи вакили рўзғорга оид янги-янги ғоялар, режаларни ўйлаб топа олади. Паризод ана шу қобилиятини ўз вақтида баҳолаб, жуфтини руҳлантира билиши зарур.

Қовға буржи вакили мабодо ижод билан шуғулланса, бу ишини йиғиштириб қўйгани маъқул.

Қовға буржи вакили аёл, паризод эркак бўлса, бу никоҳ шубҳасиз омадли кечади. Иш масаласида паризод қовға буржи вакили билан тез тил топиша олади. Лекин қовға буржи вакили ўз ишининг устаси бўлиши шарт. Ана шунда ходим бўлмиш Паризод ўз раҳбарини қаттиқроқ ҳурматлаб, барча кўрсатмаларини чин юракдан бажаради. Акс ҳолда Паризод бир кун келиб ишдан бўшаб кетиши ҳеч гап эмас.

Паризод-раҳбар шуни яхши билиши керакки, қовға буржи каби ходимлар ишда фақат ҳалоллик тарафдоридир.

Паризод — Балиқ

Балиқ буржи вакили Паризод учун жуда мос жуфт дейиш мумкин. У ҳар қадамда Паризодга илҳом бахш этиб, яшашга, янги-янги қаҳрамонликлар сари ундаб туради. Бироқ бу икки бурж вакиллари тез орада бир-бирларини тушуниб олишлари мушкул. Паризод оиласига, фарзандларига содиқ бўлиб, ҳамиша шу йўлда елиб югурса-да, балиқ буржи вакили ҳадеганда ҳаракатта кела қолмайди. Доимо ўзини четга тортишга, қандайдир тушунарсиз юмушлар билан банд бўлишга уринади. Паризод эса буларнинг барчасига чидайди. Шунга яраша балиқ буржи вакилини танқид остига олишдан, таъна тошлари отишдан ҳам ўзини тия олмайди. Айниқса, пул масаласида улар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлиши муқаррар. Паризод пулни бўлар-бўлмасга ишлатишни балиқ буржи вакилига таъқиқлаши, турли баҳсларга сабаб бўлади. Икковларидаги кучли эҳтирос оилага бахт келтириши мумкин. Балиқ буржи вакили ҳам, Паризод ҳам ораларида афсонавий муҳаббат дунёсини ярата олишади. Иккала бурж вакили ҳам ақлли, маълумотли, ҳаётий тажрибаси етарли. Жуфтининг жонига тегмаслик учун нима қилишни яхши билишади.

Тўғри, Паризоднинг доимий равишда меҳнат қилишга ундайвериши балиқ буржи вакилига ёқиб тушмайди. У тинимсиз чарчоқлар билан яшашни хоҳламайди. Ана шунда

балиқ буржи вакили кутилмаганда портлаб, Паризоднинг кўнглига озор етказиб қўйиши эҳтимолдан холи эмас.

Агар бу икки бурж вакиллари бир-бирларининг қалбига ўз вақтида йўл топа олишса, бир-бирларини ҳурматлашга ўрганишса, никоҳ ўта мустаҳкам бўлади. Бу иттифоқни ҳеч қандай куч буза олмайди. Бунинг учун улар бир-бирларининг ҳаётдаги, жамиятдаги ютуқларидан фахрлана билишлари, керакли баҳони беришлари ва кўнгили учун бўлса-да, мақтовлар ёғдиришлари зарур.

Ишда агар раҳбар лавозимида балиқ буржи вакили бўлса, Паризод у билан сира иккиланмасдан ҳамкорлик қилавериши мумкин.

Балиқ буржи вакили ходим бўлган тақдирда биринчи навбатда паризод-раҳбарнинг ҳурматини жойига қўйиб, буйруқларига сўзсиз бўйсунуши лозим. Ана шунда эътиборга тушади ва ҳеч қачон омадсизликка юз тутмайди.

Балиқ ҳамда паризод буржи ўртасида тузилган молиявий шартномалар ҳеч қачон муваффақият келтирмайди.



ТАРОЗИ

(24 сентябрь — 23 октябрь)

Мос жуфти: Қўй, Арслон, Қовға, Эгизаклар.

Тўғри келмайдиган жуфти: Қисқичбақа ва Тоғ эчкиси.

Ёқтирадиган ранги: тўқ мовий, яшил.

Йўлдоши: Венера, Сатурн.

Омадли кунлари: жума, шанба.

Омадсиз кунлари: сешанба, якшанба.

Ёқтирадиган гули: атиргул.

Омадли рақами: 2, 6, 7, 8, 9, 15.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Тарози буржи вакиллари одамларни севади. Аммо тўполонларни хуш кўришмайди. Улар меҳрибон ва шинаванда, жанжаллашаётганларни бир зумда тинчлантириб, яраштириш қобилиятига эга. Шунга қарамасдан, баъзида ўзлари жанжал кўтаришлари ҳам мумкин. Ўзгаларни яхши тушуна олишади. Шу жиҳатлари уларга кўзланган мақсадга эришишда катта ёрдам беради.

Тарози буржи вакилларининг оғриқ нуқтаси уларнинг буйрақларидир. Асаблари ҳам айтарли мустаҳкам эмас. Қаттиқ асабийлашишлар натижасида бировларни кўролмасликка, жанжалкашликларига сабаб бўлади.

Бундан қочиш учун тарози буржи вакили ҳамиша бир хил иқлимда яшаши лозим.

Тарози буржининг эркак ва аёл вакиллари доимо кимлардандир мақтов эшитиш илинжида бўлишади. Ўзларидан кўра бошқаларнинг ғояларини янгиликлар билан тўлдиришга уста. Ҳеч кимнинг илтимосини рад эта олишмайди.

Аёллар ҳам, эркаклар ҳам янги урф бўлган кийимларни кийишга ўч.

Жамоани, масъулиятни чуқур ҳис эта олишади. Агар ишда муаммо туғилса, шу заҳоти тескари ўгирилиб кетишлари айнан тарози буржи вакиллариға хос одатдир.

Тарози буржи вакиллари орасида сотувчилар, театр-шунослар, ҳуқуқшунос ва судьялар кўп учрайди.

Тарози буржи вакили бир кўришда севиб қолмайди. Аёллар ҳар қандай эркак билан тез тил топишиб кета олишади. Фақат бу эркакка тез боғланиб қолишдан ўзларини тийишади. Аввал унинг шахсини атрофлича ўрганиб олишни маъқул кўришади.

Эркаклар одатда аёл биринчи бўлиб севги изҳор қилишини кутишади. Агар бу ҳодиса рўй бермаса, ўзларини алданган, камситилган деб ҳисоблашади-ю, бошқасини излашга тушишади.

Тарози — Қўй

Улар ҳаётда бир-бирларини тўлдириб яшашни билишади. Қўй буржи вакилининг бир сўзлиги дарҳол тарози буржи вакилининг эътиборини тартади. Ҳар бири бир-бирларидан ўз мақсади йўлида фойдаланиш ҳақида ўйлайди.

Агар тарози буржи вакили мустақил бўлса, унга майда-чуйда юмушларни ҳадеб ўргатавермаган маъқул. Акс ҳолда у оиласи қанча бахтли бўлмасин, қараб ўтирмайди. Бошқачароқ айтганда, тўнини елкага илади-ю, кетеди-қолади.

Бу никоҳнинг абадий қолиши кўпроқ қўй буржи вакилиға боғлиқ. Фақат у жуфтиға яхши муносабатда бўлиши унинг манфаатларини ҳимоя этиши лозим.

Ишда ақл, тафаккур жиҳатидан тарози буржи вакилининг қўй буржи вакиллариға тан бермай илож йўқ. Раҳбарлик қўй буржи вакили зиммасида бўлса тарози буржи вакилиға осон кечмайди. Негаки, қўй буржи вакиллари ўта талабчан ва қатъий.

Тарози — Бузоқ

Бу иттифоқ ўта эстетик дидлиликини, эҳтиёткорликни талаб этади. Айниқса, тарози буржи вакили бузоқ буржида туғилган жуфтига ёлғон гапирмаслиги, оилада ўзини тутишни билиши, очиқ кўнгил бўлиши лозим. Акс ҳолда оила узоқ сақланиб қолмаслиги аниқ.

Орадан бирмунча вақт ўтиб ниҳоят дангасаликка, масъулиятсизликка берилган тарози буржи вакили жуфтининг талабларига кўникиб, тартибли, фаол одамга айланади. Лекин барибир бузоқ буржи вакилининг кўнгли тўлмайди. Чунки жуфти у хоҳлаган йўлдан ҳар доим ҳам бормаяпти. Рўзғорга, уйдаги тартиб-қоидаларга анча эътиборсизлик билан қараяпти. Шунда бузоқ буржи вакили ҳам аста совийди. Қўл силтаганча ўз юмушлари билан банд бўлади.

Баъзан тарози буржи вакили кутилмаганда жуфтининг жамиятда обрўли, шинаванда ва ўта меҳрибон бўлишини хоҳлаб қолади. Бузоқ буржи вакили бунга ҳам кўнади ва жуфти истагандек бўлишга интилади. Башарти у тарози буржи вакилини қаттиқ севса, кўриб-сизки, нафақат бу талабларни адо этади, балки тоғни толқон қилишга тайёр бўлади.

Уларнинг иккаласи учун ҳам оилада тўкинлик зарур. Шу нарса аҳилликка, бир-бирини тушунишга, муаммоларсиз яшашга кўмак беради. Бунинг учун тарози буржи вакили фаолроқ бўлиши лозим. Ўзини худди ёш боладек тутаверишни бас қилиб, ҳаётга теран кўз билан боқишни ўрганиши талаб этилади. Ишда уларнинг никоҳдагига нисбатан кўпроқ омади чопади.

Бузоқ буржи вакилида туғма раҳбарлик қобилияти бор. Агар тарози буржи вакили ўз вазифасини сидқидилдан, ҳалол бажарса, келгусида бузоқ буржи вакили – раҳбарнинг мукофотларини қўлга киритади ва ишончини қозонади.

Бузоқ буржи вакили – ходим билан фахрлансангиз анзийди. У ўз ишининг устаси, бўлар-бўлмасга ўзгалар шундан камчилик қидиравермайди.

Тарози — Эгизаклар

Эгизаклар буржи вакили учун тарози буржи вакилидек топқир, ҳаракатчан, уйим-жойим дейдиган жуфтга эришиш ҳақиқий омаддир. Улар бир-бирлари билан дастлабки кунларданоқ осон тил топишишади. Тўғри, баъзан эгизаклар буржи вакилининг ўта асабийлиги, жаҳлдорлиги туфайли жанжаллар келиб чиқиши мумкин. Барибир муносабатларда асосий ролни эгизаклар буржи вакили ўйнайди. У тарози буржи вакилини бойлиги ёхуд мансаб туфайли эмас, юракдан севади ва уни боладек эркалаб чарчамайди. Фақат икковларининг феъл-атворида бир камчилик бор. Улар бир хилликни кўра олишмайди. Ана шу сабабли кўп ҳолларда бу никоҳ бузилиб кетади. Бу икки бурж вакили ҳаётда ҳеч қачон бир-бирларини зериктириб қўйишмайди. Бу оилга қувноқ вазиятларни бахшида этади. Аксар ҳолларда улар нафақат бир-бирларини севишади, балки энг яқин, ажралмас дўстларга ҳам айланишади. Бу дўстлик қоронғи кечаларда ҳам, рўзғор икир-чикирларида ҳам ўзини намоён этмай қолмайди.

Икковлари барча жабҳаларда бир-бирларига кўмак беришни, қўллаб-қувватлашни қанда қилишмайди. Лекин эгизаклар буржи вакили бир нарсани унутмаслиги лозим. Тарози буржи вакиллари гоҳида билиб-билмай ҳаёнатга қўл уришлари эҳтимолдан холи эмас. Бу хиёнатни эса эгизаклар буржи вакиллари ҳеч қачон кечира олишмайди. Айниқса, бу жуфтлик икки томон ҳам катта лавозимларда ишласа, саёҳатни севса, ишқ саргузаштларидан чарчамаса, оила, рўзғорни иккинчи даражага қўядиганлар хилидан бўлса, омадли кечади. Негаки, бундай вазиятларда бир-бирини танқид остига олиш, гумонсираш, рашк каби ҳислар нари сурилади.

Ишда эгизаклар ва тарози буржи вакиллари ўртасида умуман келишмовчиликлар юзага келмайди. Бунинг учун албатта икки бурж вакили хоҳ раҳбар, хоҳ оддий ходим бўлсин, адо этилиши лозим бўлган вазифани чин кўнглидан амалга оширишлари керак бўлади.

Эгизаклар ҳам, тарози буржи вакили ҳам иш масаласида артистлик қилиш қобилиятига эга. Улар энг оғир, қора ишларни бошқалар зиммасига юклашга одатланишган.

Тарози — Қисқичбақа

Бу иттифоқда бир-бирини камситишлар кўпроқ кўзга ташланади. Улар қалбан яқинликдан кўра, ўз манфаатлари йўлида яшашни, яъни, жамиятда обрўга эга бўлишни, кўпроқ пул орттиришни оиладан кўра устунроқ қўйишади. Шунинг учун бўлса керак, тарози ва қисқичбақа буржи вакили ўртасидаги никоҳ асосан молиявий тўқинлик эвазига сақланиб туриши мумкин. Бу нарса йўқолди-ми, тамом, томонлар шу заҳоти аравани икки томонга торта бошлашади.

Тарози буржи вакили нуқул ўзича қандайдир қарорлар чиқариб, уларнинг ечимини қидириш билан овора. Бу эса қисқичбақа буржи вакилига ҳар доим ҳам ёқиб тушавермайди. Устига устак, тарози буржи вакили табиатан жуда қайсар. Нима қилсин? Қисқичбақа буржи вакили бир кун келиб қўл силтайди-ю, жимгина яшайверади. Лекин қалбидаги араз, алам ва гиналар узоқ вақтгача йўқолмайди.

Шубҳасиз, қисқичбақа буржида туғилганлар нафақат хиёнатни, балки шу ҳақдаги суҳбатларни ҳам умуман кечира олишмайди. Тарози буржи вакили бошқаларга нисбатан ўзини кўпроқ яхши кўради. Шу нарса ҳам улар ўртасидаги муносабатларга зиён етказмай қолмайди. Башарти, қисқичбақа буржи вакили эркак бўлса, у оиладаги шу тахлит келишмовчилик, камчиликларга барҳам бериб, илиқ муносабатларни юзага келтира олади. Буни тарози буржи вакили ёқтиради. Негаки, у ҳаётда худди шундай эркак ҳақида орзулаган ва ҳар бир дақиқа вақтини қувноқликда, хотиржамликда кечирини хоҳлайди. Бундай жуфтлик ўртасидаги никоҳ бир умр сақланиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Қисқичбақа ва тарози буржи вакилларининг муносабатлари кўп ҳолларда хаёл-

парастилик ва эҳтиросларга асосланади. Шунда ҳам барибир асосий юк қисқичбақа буржи вакилининг зиммасига тушади. Ишда агар қисқичбақа буржи вакили раҳбарлик лавозимида бўлса, кўзланган мақсадларга эришишлари аниқ. Унинг қўл остида меҳнат қилаётган тарози буржи вакили ўзини жуда бахтиёр деб билади.

Молиявий битимлар имзолашда ва ҳамкорлик қилишда улар эҳтиёткорлик билан иш тутганлари маъқул.

Тарози — Арслон

Бу арслон буржи вакили учун жуда омадли иттифоқдир. Тинчликсевар ва ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган тарози буржи вакили сира ўзини тўхтата олмаётган, тезкор арслон буржида туғилган жуфтини бир меъёрда ушлаб тура олади. Ўзининг ўзгачалиги ва гўзаллигини (аёлларга тааллуқли) фақат арслонга намойиш эта олади. Арслон буржи вакили ҳам жуфти билан дўстона муносабатлар юритган, шу билан бирга ўртадаги масофани сақлаган ҳолда ўзи истаган меҳр-муҳаббатга эга бўлади. Тарози буржида туғилганлар аслида муҳаббат эмас, дўстлик учун яралган. Шунинг учун мабодо арслон буржи вакилини учратиб, кутилмаганда эҳтироси жунбушга келса, барибир вақт ўтиши билан у сўнади. Аммо никоҳга путур етишига тарози буржи вакили осонликча йўл қўймайди.

Агар арслон буржи вакили эркак бўлса, тарози буржида таваллуд топган жуфтини учратибоқ унга кўнгили қўяди ва умрининг охирига қадар унга худди инжиқ болага қарагандек муносабат юритади.

Аёл-тарозига ҳам худди шу керак. У доимо кимдир ўзига меҳр кўрсатишини, эътибор билан яшашини орзу қилган. Арслон буржи вакили билан яқин муносабатга ўтгач, азалий орзусига эришган қизалоқдек лабларини табассум тарк этмай қолди.

Икковлари ҳам уйнинг шинам бўлишини, молиявий тўкинлик оилада ҳукмрон бўлишини хоҳлашади. Улар учун энг асосийси, бир-бирларининг камчиликларига кўз юмиб кетишдир.

Ишда ҳам улар орасида деярли муаммолар туғилмайди. Раҳбар уларнинг қай бири бўлишдан қатъи назар тез тил топа олишади. Икковлари ҳам таваккалчиликдан қўрқмайди ва муваффақиятсизликка учраган вақтда ҳам изтиробга тушишмайди.

Тарози — Паризод

Бу иттифоқ ҳам омадли дейиш мумкин. Бир-бирларини жондан севувчи бу икки бурж вакили оилада, рўзғорда тартиб-интизом, тўкин-сочинликни юзага келтириш учун биргаликда ҳаракат қилишади.

Иккала бурж вакили ҳам бир-бирларига талпиниб яшайди. Тарози буржи вакилига Паризоднинг яхши фикрлаши, хотиржамлиги ёқади.

Улар ўзаро манфаатларни бирлаштиришса, бир-бирларига ён беришни ўрганишса, оилавий ҳаёт янада тотли кечади. Паризод-аёл тўғри сўз, ҳар бир ҳодисани тўғри қабул қилади. Тарози буржи вакили эса доимо ўзича еттинчи осмонда учиб юради, хаёлпараст ва тартибсиз. Ўз вақтини ёқимли кечиршни хоҳлайди.

Шафқатсизлиги, хиёнатга мойиллиги билан паризоднинг ишончини йўқотади. Ўз талабларини бошқаларни кидан устунроқ қўйишга одатланган.

Паризод-эркак эса ҳар қандай масалада ҳам қарор чиқаришга шошилмайди. Бу тарози буржи вакили — аёлни ҳайратга солади.

Ҳар тарафлама бир-бирларига мос эканликларига қарамай, муносабатларда барибир тез-тез муаммолар юзага келиб туради. Ишда Паризод учун энг яхши ҳамкор бу тарози буржи вакилидир. У тезкор, яратувчан, интилувчан, ҳеч бир ишни чала-чулпа ҳолда ташлаб кетмайди. Албатта охирига етказди. Бу Паризоднинг эътиборини тортмасдан қолмайди.

Тарози буржи вакилига ҳам Паризоднинг доимо бир хил кайфиятда бўлишга уриниши, тажрибаси жуда ёқиб тушади.

Тарози — Тарози

Уларнинг иттифоқи муваффақиятли кечади. Фақат жуфтингизнинг ички дунёсига чуқурроқ назар ташланг ва ундан ўзингизни топишга ҳаракат қилинг. Негаки, бир бурж остида туғилиб турмуш қурганлар орасида аксар ҳолларда яқин муносабатлар кутилмаганда келишмовчиликларга айланиб кетиши мумкин. Бу келишмовчиликларнинг олдини олиш учун эса узоқ муддат зарур бўлади.

Ҳиссиётни, ўртадаги аҳиллик, севги, меҳр, оқибатни сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, тез-тез бир-бирингизсиз вақт ўтказишга интилинг. Ана шунда қалбингизда соғинч ҳиссини кўпроқ туясиз. Бу эса ўз-ўзидан яхшилик аломатидир.

Тарози буржи вакиллари хиёнатни ҳазм қила олишмайди. Шунга қарамасдан, бир-бирларига хуфиёна хиёнат қилишни ҳам канда қилишмайди.

Яхшиси, жуфтингизнинг бу каби камчиликларига кўз юминг. Негаки, ўзингиз ҳам фаришта эмассиз. Унинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг ва ҳеч нарса бўлмагандек, жим юраверинг. Ана шунда орадан маълум муддат ўтади-ю, бу аламларнинг барчаси қаергадир ғойиб бўлади. Қолаверса, қўни-қўшнилари, қариндош-уруғ, танишбилишлар олдида бу оиланинг обрўси ошади.

Ишда тарози буржи вакиллари бир идора, корхонада ишламаганликлари маъқул. Тўғри, икковлари ҳам ажойиб мутахассис, ўз ишининг усталари. Аммо эркинликни ҳаддан зиёд яхши кўришади, танқидни умуман кўтара олишмайди.

Уларнинг бири ходим, иккинчиси раҳбар бўлган тақдирда иш бошлаганларидан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай, албатта ораларида жанжал юзага келади. Арзимаган майдачуйда муаммолар дастидан улар ёвлашиб қолишлари ҳеч гап эмас.

Тарози — Чаён

Тарози ва чаён буржи вакилларининг муносабатлари ҳис-туйғу ҳамда энергетик айирбошлашларга асосланади. Тарози буржи вакили жуфтнинг юриш-туришини, туйғуларини назорат қилишда ҳар қандай бурж вакилини ортда қолдиради.

Умуман, оилавий ҳаёт иккала бурж вакилига ҳам фақат бахт, омад ҳадя этиши мумкин. Чаён буржи вакили жуфтнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган яхши жиҳатларини кўриб қувонади. Ундаги гўзалликка интилиш, одамийлик чаён буржи вакилини ҳайратга солмай қолмайди. Айниқса, тарози буржи вакилнинг жуфтига жонини қурбон қилишга тайёр туриши ҳар қандай бурж вакилига ўрнатқ бўлса арзийди. Афсуски, тарози буржи вакилнинг феъл-атвори сал мураккаброқ. У ҳар кимни ҳам ички дунёсига киритавермайди.

Гарчи бироз қўрқувга солса-да, тарози буржида туғилганлар чаён буржи вакилнинг мустақиллиги, гоҳида камгап бўлиб қолишига қарши чиқа олишмайди. Чунки, билади. Чаён буржи вакилнинг ҳам мақсади битта. Ўз ёстиқдошини севиш. Бундан ташқари, у ҳам тарози буржи вакили сингари хаёлпарастликка мойил.

Фақат тарози буржи вакили чаён буржида таваллуд топган жуфтнини ўз йўриғига солишга уринишлари жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу икки бурж ўртасида қурилган оила ақл ва тафаккур маҳсулидир. Икковлари ҳам кўпроқ дунёнинг сирини синоатларга бой бўлишини исташади. Уларни яна биргаликдаги фаолият бирлаштириб туради. Улар ажойиб иттифоқдош ва шерикдирлар. Бироқ икки бурж вакилнинг қайсидир бири ҳаётда бошқачароқ йўлдан боришни хоҳлаб қолса, никоҳ шу заҳоти бузилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Кўп ҳолларда чаён буржи вакили тарози буржи остида туғилган жуфтнинг бемаврид қувноқликларини, шўхчанликларига тоқат қила олмайди. Шунга қарамасдан, улар ўзгалар кўз ўнгида энг бахтли оилалардан ҳисобланишади.

Келишмовчиликларга яна тунги саргузаштлар ҳам сабаб бўлади. Тарози буржи вакили бу борада анча тажрибасиз ва совуққон. Айниқса чаён буржида туғилганлар эркак бўлса, ўз аёлининг бу совуққонликларидан азоб чекиб, охир-оқибат ўзга аёллар ортидан кетиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, чаён буржи вакили ёстиқдошининг бу совуққонлигини кимнидир севиб қолганликка йўяди ва ортидан кузатишни, гумонсирашни бас қила олмайди. Рашк ўтида куйиб ёнади.

Агар эркак тарози буржи вакили бўлса, жанжаллар рўзғордаги икир-чикирлар натижасида пайдо бўлади. Негаки, тарози буржида туғилган эркаклар оиладаги арзимаган майда-чуйда камчиликларни кўриб ҳам жаҳл отига минишади.

Чаён буржи вакили тарози буржи вакили билан бир умр бахтли яшаб қолишни хоҳласа, ён беришга ўрганиши лозим. Шунда ўртадаги муносабатларга путур етмайди. Гарчи билиб-билмай тарози буржи вакили хатоларга йўл қўйса-да, ишонинг, бир кун келиб ўзи бундан қаттиқ афсус чекади ва жуфтнинг оёғига бош уриб узр сўрайди.

Ишда тарози буржи вакилини чаён буржида туғилганларнинг ирим-сиримларга ишониб иш кўриши газаблантириши мумкин. Ҳақиқатан, чаён буржида туғилганлар мабодо адашиб чап ёни билан турган бўлса, ўша куни иши унмаётганидан, кайфияти ёмонлигидан шикоят қилавериш ҳаммани чарчатишади. Шунинг учун раҳбар лавозимида тарози буржи вакили бўлса, чаён буржида туғилган ходимларга уйда ишлашни маслаҳат бериб тургани маъқул.

Раҳбарлик чаён буржи вакили зиммасида бўлса, у тарози буржи вакилини зинҳор базинҳор танқид қила кўрмасин. Бу ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

Тарози — Ўқотар

Бу жуфтлик умуман айтганда, кўпчиликнинг кўз ўнгида жуда аҳил ва бир-бирига нисбатан ҳурмат сақлай олади. Тарози буржи вакили учун ўқотар буржида туғилган шахс

кенг дунёқараш эгаси. Тарози буржи вакили уни ўз орзу-сидаги инсон деб ҳисоблайди. Ўқотарнинг ўзига келсак, тарози буржи вакилининг ҳазил-ҳузул ёрдамида баъзи ноқулайликларга барҳам беришини юқори баҳолайди. У ўз жуфтидан миннатдор. Фақат бир кун келиб ўқотар буржи вакили бу муҳаббат ва аҳиллик бирозгина эркинликка эрк берса бўлади деб ўйлаб қолади. Аммо бу хаёл хатодан ўзга нарса эмаслигини билмайди.

Тарози буржи вакили ўқотар буржида туғилган жуфтини ўзидаги кўплаб ибрат олса арзирли жиҳатлари билан ҳайрон қолдира олади. Лекин ўқотар буржи вакилини ўзига маъқул бўлмаган ҳаёт тарзига кўниктиришга уриниш тўғри эмас. Ўқотар буржи вакили доимо эркинликни, ёлғиз қолишни орзулаб яшайди. Бу менга ёқади, нима десам кўнади деган ўй билан уни рўзгор икирчикирлари, муаммолар билан ўраб ташлайвериш эса ўртадаги муносабатлар дарэ кетишгагина олиб келади. Ўқотар буржи вакилини яхшиси ўз ҳолига қўйинг. Арзимаган тозалик, тартибга ундаб ўзингизни қийнаманг. Бу ишингиз билан ўзингизнинг ҳурматингизни йўқотишингиз мумкин холос. Агар ўқотар буржи вакили билан бир умр бирга қолишни хоҳласангиз, фақат уни севинг-у, меҳр кўрсатинг. Ўқотар буржи остида туғилган эркак, айниқса, ўта мағрур бўлади. У хаёлида ўзига ўзи хўжайин. Демак, қай масъулиятни бўйнига олиш олмаслигини фақат ўзи ҳал этиши лозим.

Бу эркак ўта тадбиркор. Янги-янги ғояларни ўйлаб топишга уста. Аммо бу ғояларни амалга оширишга келганда кўлидан иш келмаслигини тан ҳам ола билади. Демак, ғоя тайёр. Амалга ошириш вазифаси, шубҳасиз, тарози буржи вакилининг зиммасига тушади.

Агар эркак тарози, аёл эса ўқотар буржи вакили бўлса, бу иттифоқ янада ҳис-туйғу, меҳр-оқибатларга бой бўларди. Аёл эркакни ўзини дунёда ёлғиз ҳис этаверишдан халос этади. Эркак эса аёлда янги ҳис-туйғуларни уйғотади. Турли хушомадлар билан аёлнинг қалбини буткул забт этади. Натижада биргаликдаги ҳаёт ширин кечади.

Ишда улар тез тил топиша олишади ва ҳар қандай оғир вазифаларни муваффақиятли уддалашади. Ўқотар буржи вакили тарози буржида туғилганларни ҳар тарафлама чекламасликка, кўнглини оғритмасликка, бироз эркинликдан Мосуво қилиб қўймасликка уринади.

Раҳбарлик ўқотар буржи вакили томонида бўлса, тарози буржида туғилганлар унутмасинларки, раҳбар ўта билимдон ва ақлли. Унга ҳадеб ўргатавериш, йўл-йўриқ кўрсатавериш оқибатда кўнгилсизликларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Тарози — Тоғ эчкиси

Уларнинг яқин муносабатлари шартлашувларга асосланади. Аввалида тарози буржи вакили Тоғ эчкисидан яхшироқ жуфт топмаганидан афсусланади. Аммо орадан маълум муддат ўтгач, у тоғ эчкиси буржи вакилининг ҳавас қилса арзигулик хислатларини кўриб, унга нисбатан қалбида муҳаббат уйғонади. Ўзига туну кун бор меҳрини бахшида этаётганини кўриб қувонади.

Тарози буржи вакили умрининг сўнгги дақиқаларига қадар жуфти қаршисида ўзини дипломатларча тутди. Ҳар бир ишни нозик дид, алоҳида эътибор билан амалга ошириши тоғ эчкиси буржи вакилини пол қолдиради. Фақат тарози буржи вакилининг ўта ишонувчанлиги; хаёлпарастликка тез-тез берилиб туриши Тоғ эчкисига ёқмайди. Шу нарса улар орасида нифоқ пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Оиланинг мустаҳкамлиги Тоғ эчкисининг сабр-тоқатлилиги, меҳнатсевар ва масъулиятни ҳис эта билишига боғлиқ.

Агар Тарози ва тоғ эчкиси буржи вакили турмуш қуришга аҳд қилишса, бир корхона ёхуд ташкилотда ишлашгани маъқул. Бу бир-бирларини тезроқ ўрганиб чиқишга, тушуниб етишга қўмак беради. Шунда дилдан суҳбат қуриш имкони бўлади.

Бироқ эҳтирос бобида сезиларли муаммолар туғилиши мумкин. Бошида берилган ваъдалар пучга чиқиб, тарози буржи вакилининг ўзини тутиши, гап-сўзлари Тоғ эчкисининг гашини келтиради.

Тарози буржи вакили эса жуфтнинг тартибликка муккасидан кетиши сабабларини тушуна олмай ҳалак бўлади.

Бу иттифоқ аксар ҳолатларда моддий манфаатга бориб тақалади. Бусиз ўрталарида муҳаббат ҳам, меҳр ҳам мавжуд бўлмайди. Чунки, иккала бурж вакили ҳам ўзгалар ҳисобига кун кўришга одатланган.

Ишда улар ҳамиша бир-бирларининг қобилиятларига тан беришади. Тез тил топиша билишади. Тоғ эчкисининг муваффақиятлари тарози буржи вакилини илҳомлантиради. Лекин бир кун келиб ҳаммасига путур етиши мумкин. Сабаби, тоғ эчкиси буржи вакили танқид қилишни, тирноқ орасидан кир қидиришни хуш кўрадиганлар хилдан. Тарози буржида туғилганлар эса танқидни умуман кўтара олишмайли.

Тарози — Қовға

Менталитет нуқтаи назаридан бу икки бурж вакили жуда осон тил топишади ва келгусида ажойиб жуфтликка айланади. Агар Тарози буржи вакили чуқур муносабатларга киришиш иштиёқида бўлса, албатта қовға буржи вакилининг кўнглини шу даражада овлаши лозимки, у барча эътиборини жуфтига қаратсин.

Қовға буржи вакили тарози буржида туғилган шахс учун муҳаббат ва ижод рамзи ҳисобланади. Тарози буржи вакили эса қовға буржи вакилининг маънавий ўсишига сезиларли таъсир кўрсатади. Улар бараварига ҳаётда юқори чўққиларни забт этиш учун интилишади. Уларни жисмоний манфаатдорлик деярли қизиқтирмайди. Фақат ҳаётнинг реал жиҳатларини кўришади ва шу йўлда ҳаракатланишади. Айнан шу нарса тарози ва қовға буржи вакиллариининг муносабатлари ўта чуқурлашиб кетишига ҳалал бериши мумкин.

Бу жуфтлик ўртасидаги муносабатларда деярли муаммо кўзга ташланмайди. Фақат рўзгор икир-чикирлари икковларини баъзи келишмовчиликларга олиб келиши мумкин. Ҳа, ҳис-туйғулардан реал ҳаётга ўтишда жиддий

кўнгилсизликларга дуч келишлари муқаррар. Чунки, рўзғор-га, оилавий масалаларга кўникиш ҳар доим ҳам энгил кечавермайди. Тўғри, бу борада тарози буржида туғилганлар унчалик қийинчиликка дуч келишмайди. Негаки, улар ўз жуфтнинг ҳар қандай инжиқликларига сабр-тоқат билан ёндаша билишади.

Бу икки бурж вакили биргаликда ҳеч қачон бир-бирларини зериктириб қўйишмайди. Бунга асосан улар ўртасида нафақат севги, балки мустаҳкам дўстлик ришталари зоҳир экани сабаб бўлади. Бу дўстлик масофасини сақлаб қолиш учун эса қовға буржи вакили чегарадан чиқмаслиги талаб этилади. Тарози буржи вакили ҳам бир нарсани унутмаслиги шарт. Ўрни, қовға буржида туғилганлар оилавий ҳаётда эркинроқ бўлишни хуш кўришади.

Иш масаласида тарози буржи вакили қовға буржида туғилганлар билан қарама-қаршиликка бормайди. Тарози буржи вакили раҳбар лавозимида бўлса, у қовға буржида туғилган ходимнинг ҳар бир ҳаракатини ўз вақтида баҳолаб, унга барча имконият эшикларини очиб беради. Агар қовға буржи вакили ҳар қандай ишни сидқидилдан бажарса, арзимаган баҳоналар билан жанжал кўтаравермаса, икки бурж вакили ажойиб ҳамкорга айланишлари тайин.

Молиявий битимлар уларга омад келтирмайди.

Тарози — Балиқ

Балиқ буржида таваллуд топганлар табиатан ҳиссиёт-га, эҳтиросга бой бўлишади. Шу жиҳати унга тарози буржи вакили билан қайноқ ва мустаҳкам жуфтлик яратишга хизмат қилади. Аммо балиқ буржи вакили ҳаётда ўз жуфтига кўп масалаларда ён беришга мажбур бўлади.

Тарози буржи вакили унга кўплаб синовли лаҳзаларни ҳадя этадики, бу баъзи ҳолатларда балиқ буржи вакилини боши берк кўчага олиб кириб қўйиши ҳам мумкин. Фақат довдираб қолмаса, ҳардамхаёлликка берилмаса, бу синовлардан ўта олади.

Балиқ буржи вакили ҳам ўз ўрнида тарози буржи остида туғилган жуфтини меҳнат қилишга, мақсадлар йўлида курашишга мажбур этади. Уларнинг энг оғриқ нуқталари шундаки, икковлари ҳам хаёлпарастликка муккасидан кетган. Лекин орадан ҳеч қанча ўтмай, улар бу нарсани тушуниб етишади ва ўзгаришга, бошқачароқ яшашга интила бошлашади. Дастлаб бир дунё ҳаяжон оғушида бўлган тарози буржи вакили жуфтнинг баъзи камчиликлари англагач, бирдан ўзгаради. Натижада ўртадаги муносабатларга ҳам путур етиб қолиши ҳеч гап эмас. Тўғри, биргаликдаги ҳаётнинг дастлабки кунларида барчамиз ҳам бир-биримизга талпинамиз, бир-биримизни ёруғ дунёга ишонмаймиз. Тарози буржи вакилининг бошидан ҳам шу нарса ўтган.


Балиқ буржи вакили жуфтнинг феъл-атворини сира тушуна олмай азобланади. Айниқса, ҳадеганда буйруқ беравериши, ўз сўзини ўтказишга уринишлари жонига тегади. Оилавий ҳаёт балиқ буржи вакили учун гўё зиндонга айлангандек туюлади. Ўртада келишмовчиликлар, жанжаллар юзага келади. Қарангки, балиқ буржи вакили шунда ҳам ён беради. Катта жанжаллардан кўра оиласига ўзини қурбон қилишни маъқул кўради. Бу йўлда жуфтнинг ҳам қандай азобларига чидашни афзал деб билади.

Ишда никоҳдагига нисбатан анча муваффақиятли ҳамкорликлар мавжуд. Тарози буржи вакили балиқ буржида туғилганларнинг доимо иш устида бўлишини, иложи борича кўпроқ пул ишлаб топишга интилишини муносиб баҳолайди. Зарур бўлганда, моддий кўмак беришга ҳам тайёр туради.

Аммо раҳбар лавозимида балиқ буржи бўлса, бундан ёмони йўқ. У ҳам қандай ходимни ўзининг эҳтиётсизлиги натижасида руҳан тушкун ҳолатга тушириб қўйиши мумкин.

ЧАЁН

(24 октябрь — 22 ноябрь)



Мос жуфти: Қисқичбақа, Балиқ, Тарози, Паризод.

Тўғри келмайдиган жуфти: Қовға, Арслон.

Ёқтирадиган ранги: Сарик, тўқ қизил, мовий.

Йўлдоши: Плутон.

Омадли кунлари: сешанба.

Омадсиз кунлари: душанба, жума.

Ёқтирадиган гули: чиннигул, чамангул (хризантема).

Омадли рақамлари: 4, 5, 8, 9, 10, 11, 21, 100, 666.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Чаён буржида туғилганлар жуда тўғрисиўз бўлишади. Ёлгонга, адолатсизликка тоқат қила олишмайди. Улар садоқатли дўст, шу билан бирга ўта хавфли душмандирлар. Чаён буржида туғилган эркак ҳиссиётга бой, аммо ҳаётда оғир-босиқ, совуққон бўлишга интилади. Ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай имкониятдан фойдалана билади. Мабодо унинг кўнгилсизликларига сиз сабабчи бўлиб қолсангиз, осонликча қутулиб кета олмайсиз. Чунки, чаён буржида туғилган эркак кечиришни билмайди.

Чаён буржи вакилининг саломатлиги ўзининг қўлида дейиш мумкин. У жуда камдан-кам ҳолларда касал бўлади. Башарти касалликка чалинса, узоқ вақт оғир аҳволда қолиб кетади. Ўрни, тузалиб кетиши қийин кечади.

Чаён буржида туғилганларнинг одатда бурни, томоғи, юраги, бели ва оёқлари кўпроқ оғрийди.

Чаён буржи вакили устидан Марс сайёрасининг икки белгиси — эротизм ва агриессивлик ҳукмронлик қилади. У табиатан қайсар ва шу билан бирга жанговар инсондир. Чаён буржида туғилганлар худди қўй буржи вакиллари сингари жуда хавфли кимсалар ҳисобланади.

Эҳтирос бобида унга тенг келадигани бўлмайди ва бу унинг организмида бир умр сақланиб қолади. Агар кимдир унга қарши бўлиб қолса, доимо ўч олиш ниятида яшайди.

Чаён буржида туғилган аёл ажойиб ошпаздир. Жисмоний жиҳатдан бақувват ва ишчанлиги бу аёлларнинг асосий сифати десак муболаға бўлмайди.

Чаён буржида туғилганлар орасида жарроҳлар, денгизчилар, кимёгарлар, механик усталар кўп учрайди.

Агар унинг овози яхши бўлса, юқори даражадаги қўшиқчи ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Чаён буржи вакили муҳаббатга ўта мойил. У гўёки шу туйғу учунгина яралган. У севги бобида ютқазиларга йўл қўя олмайди. Чунки, ўз қадр-қимматини яхши билади.

Чаён буржида туғилган эркак ўз туйғуларини ўзгалар қаршисида ошкор этишни ёқтирмайди. Аксинча, бундай ҳолатларда ўзини қўпол ва шафқатсиз тутайди. Севгани билан ёлғиз қолганда эса бор ҳиссиётини тўкиб солади. Аммо унинг рашкчилигини ҳам унутмаслик лозим.

Чаён буржида туғилган аёл эса эҳтиросга бой, лекин жуфтнинг рашк қилаверишини истамайди. Ўзи бўлса, бўлар-бўлмасга рашк қилиб, катта жанжалларга сабаб бўлиши ҳақида ўйлаб кўрмайди.

Чаён — Қўй

Чаён ва қўй буржи вакилларининг ўзаро яқин муносабатлари икковларининг ҳам ҳар тарафлама ўзгаришларига олиб келади. Улар ҳаётда ўртамиёналикни хуш кўришмайди.

Фақат улардан кимдир жуфтига ён бериши лозим. Бу вазифани, албатта қўй буржи вакили ўз зиммасига ола-

ди. У муносабатлар бузилмаслиги учун ҳар қандай мушкулотга тайёр туради. Бундай никоҳ жамиятда кўплаб учрайди ва аксар ҳолларда икки бурж вакилининг қўшиқчилирига қўшилмаган кўнгилисизликлар ҳада этади. Негаки, эҳтиросга тўлиб-тошган чаён ҳамда қўй буржи вакили тез-тез рашк туфайли идиш-товоқларни синдириб, бақир-чақир, койишлар, ҳақоратлар ёғдириш билан ўзгаларнинг тинчини бузади. Улар бир-бирларини тушуна олмай ҳалак бўлишади.

Қўй буржи вакили жуфтнинг қалбига қанча чуқур кириб боришга интильмасин, ҳадеганда бу ниятига чаён буржи вакилининг қайсарлиги, феъл-атворидаги сирлилик туфайли ета олмайди. Тўғри, улар бир-бирларини тушуниб етсалар, Худо берди деяверинг. Икки бурж вакили ҳеч қачон бир-биридан ажралмайди. Уларни ҳатто энг хавфли душман ҳам айира олмайди. Асосан, никоҳ қўй буржи вакили эркак, чаён буржи вакили аёл бўлган ҳолатларда мустаҳкам кечади. Бундай жуфтлик нафақат оила, балки кичик бир аҳил меҳнат жамоасини ҳам эслатамай қолмайди. Чунки, икковлари рўзгор икир-чикирларини барабар, елкама-елка ҳал этишга киришиб кетишади.

Ишда никоҳдагига нисбатан кўпроқ муваффақиятларга эришишлари мумкин. Улар ақлли ва эркинликни қадрлайдиган инсонлардир. Биргаликда енг шимариб, ҳаракатга тушишса, ҳар қандай юмушни аъло даражада амалга оширишга қодирлар.

Чаён — Бузоқ

Бу иттифоқ ишқий муносабатлар учун жуда қўл келади. Лекин бу муҳаббат туфайли никоҳнинг бир умр сақланиб қолишига кафолат йўқ.

Чаён ҳеч бир ишни қаттиқ режим остида бажаришга ўрганмаган. У ҳамиша ўз хаёллари билан банд. Шунинг учун тез-тез ўз вазифасини, оиладаги мажбуриятларини унутиб қўяди. Бузоқ эса аксинча унинг хатоларини тузатишга, жуфтини тўғри йўлга бошлашга уринади. Билмайдики, ҳали чаён буржи вакилини ҳеч ким режимга сола

олмаган. Қарабсизки, тергашлар жонига теккан чаён буржи вакили азбаройи жаҳл отига минади хиёнат кўчасига кириб, шу йўл билан жуфтидан қасос олишга тушади. Бузоқ буржи вакили эса хиёнатни кечира билмайди. Бир кун келиб ҳаммасидан хабар топади-ю, чаён буржи вакилини ҳайдаб солади.

Ишда бузоқ буржи вакиллари чаён буржи остида таваллуд топганлар билан тез тил топишиб кета олишади. Раҳбарлик бузоқ буржи вакили зиммасида бўлгани маъкул. Чунки чаён буржида туғилганлар аксар ҳолатларда берилган топшириқни бажариш билан кифояланишга одатланишган. Улар ходимлар билан ишлаш борасида етарли тажрибага эга эмаслар.

Тижорат бобидаги ҳамкорлик икковларига ҳам исталган натижаларни бермайди.

Чаён — Эгизаклар

Иттифоқ эҳтиросли лаҳзалар билан бир қаторда қайғуларни ҳам тақдим этади. Эгизаклар буржи вакили чаён буржида туғилган инсон билан ҳаётини боғлашга боғлайди-ю, аммо доимо эркинликни соғиниб яшайди. Чаён буржи вакили ҳам ўртадаги муносабатларнинг аслий эмаслигидан ҳайратга тушади. Ўзидан камчилик қидириб кўради, одатларини, феълени ўзгартиришга уринади. Баъзида ён бериш ҳақида ҳам ўйлаб кўради.

Бу икки буржда туғилганларнинг кўпчилиги фақат оила учун жон тортишни хоҳлашади. Эгизаклар буржини кучлироқ севишга, унинг истакларини ҳурматлашга интилишади. Бу йўлда керак бўлса айёрона усуллардан ҳам фойдаланишади. Афсуски, эгизакларни алдаб бўлмайди. Айёрона ишлардан хабар топиб жанжал кўтариши, жуфтидан совиши ҳеч гап эмас.

Бу жуфтликда рашк, жанжал, аразлашишлар одатий ҳолдир. Чаён буржи вакили эгизаклар билан яқин муносабатга киришар экан, фақат таваккалчиликка суянади. Ана шу ишигина келгусида ўртадаги никоҳни сақланиб қолишига хизмат қилади.

Ишда яхшиси эгизаклар буржи вакили раҳбарликни ўз қўлига олгани маъқул. Чунки бу бурж остида туғилганлар ҳар қандай мақсад йўлида қўрқмасдан кураша олишади. Фақат эгизаклар буржи вакили бир нарсани унутмаслиги лозим. Чаён буржида туғилган ходимлар ҳар доим ҳам қора, оғир ишларни амалга оширишни хоҳлайвермайди. Қолаверса, унинг эркинлигини таъминлаб бериш керак. Шунда чаён буржи вакили зарур деб топилса, тоғни толқон қилишга қодир бўлади.

Чаён — Қисқичбақа

Бу икки бурж вакиллари бир-бирларини яхши ҳис эта олишади. Ораларидаги ҳиссиётган бой муносабатлар муваффақиятли кечади.

Қисқичбақа буржи вакили ўзига ўта ишонган шахс ва рўзгор, ишқий муносабатлар борасида етарли тажрибага эга. Оиладаги ҳар бир юмушни, муаммони ўз вақтида, қойиллатиб ҳал эта олади.

Чаён эса ўзининг бўлар-бўлмас рашки, инжиқликлари билан ўртадаги илиқ муносабатларни совутишга уринади. Бироқ қисқичбақа буржи вакили унга баайни бола каби муносабатда бўлгани боис бу муаммоларга ҳам ўз вақтида барҳам берилади. Кўрибсизки, чаён буржи вакили вақт ўтгани сайин ўз жуфтнинг ақлли, оғир-босиқлигини кўриб, унга нисбатан ҳурмат-эътибори ошади. Агар икковларидан кимдир жуфтига барча масалаларда ён берса, никоҳ узоқ йиллар мустаҳкам сақланиб қолган бўларди.

Ҳиссиётга бой чаён буржи вакили ўта ақлли ва топқир қисқичбақа буржи вакили қармоғига тез илинади. Йўқ, қисқичбақа буржида туғилганлар чаён буржи вакилининг камчиликларини кўриб жаҳл отига минмайди. Аксинча, қармоққа илинтиргандан сўнг уни қайтадан тарбиялаш, буткул ўзгартириш тадоригини кўра бошлашади. Фақат бу ерда бир муаммо мавжуд. Икковлари ҳам бир-бирларининг шахсиятига тегадиган ишлар қилмасликлари, ортиқча гаплардан йироқ бўлишлари талаб

этилади. Буни албатта қисқичбақа буржида туғилганлар яхши тушунишади. Чаён буржи вакили бўлмиш жуфтига ҳам йўл-йўриқлар беришса, фойдадан холи бўлмасди. Қисқичбақа буржи вакили — эркак қачонки жуфти ҳиссиётини тўғри баҳоласа, ўз вақтида эътибор билан яшай билса, ўзини дунёда энг бахтли инсон дея ҳисоблайди ва чаён буржи вакили — аёлга меҳр кўрсатиб чарчамайди.

Қисқичбақа буржи вакили аёл бўлса, у чаён буржида таваллуд топган жуфтнинг қалбига икки йўл орқали кириб бориши лозим. Яъни, оилавий ҳаётда у чаён буржи вакили учун ҳам она, ҳам суюкли аёл ролини ўйнаши зарур.

Тижорат масаласида, афсуски, икковлари ҳам етарли тажрибага эга эмаслар. Башарти қобилиятли шериклар топа билишса, кўзланган муваффақиятларга эришишлари эҳтимолдан холи эмас.

Чаён — Арслон

Чаён буржи вакили ҳар қандай ёмон шароитда ҳам яшаб, ишлаб кета олади. Арслон ҳам деярли шундай. Ундаги баланд ғурур, қайсидир масала устида узоқ муддат бош қотириб ўтирмаслик одати чаён буржи вакилини ҳайратга туширади. Умуман, бу бурж вакиллари бутун бир оила бўлиб яшамаганликлари дуруст. Негаки, чаён буржи вакили ҳам, арслон ҳам эҳтиросга бой. Бундай эҳтирос ортида кучли рашк яширин. Демак, рашк туфайли катта жанжаллар тўхтамайди. Қолаверса, арслон буржи вакили чаён буржи вакилининг оилабоши бўлиб қолишига тоқат қила олмайди. Бу жиҳатдан ўзини хўжайин дея ҳисоблайди.

Баъзи ҳолларда арслон буржи вакили ён беришга уриниб кўради. Чаён буржи вакилини тушунишга, тақдирга тан беришга ҳаракат қилади. Афсуски, бу ҳам иш бермайди. Рўзгорнинг майда-чуйда муаммолари олдида иккала бурж вакили ҳам ожиз эканликлари кўриниб қолади. Чаён буржи вакили аёл бўлса, ё тез-тез жанжаллар ўйлаб топиб, арслон буржи вакили — эркакнинг

тоқатини тоқ қилади, ёки индамасдан кўз ёш қилганча қолаверади. Худо кўрсатмасин, иккалалари ҳам ақл, фаросат, маданият бобида анча орқада қолган бўлсалар, бундай жанжалларнинг кети кўринмай қолиши ҳеч гап эмас. Аксинча бўлса, шу жумладан бир-бирларини юракдан сева олишса, хатоларни кечиришга одатланишса, улардан бахтли оила бўлмайди.

Ишда ҳам муаммолар йўқ эмас. Аввалига бир-бирларидан кўнгиллари тўқдек фаолият юритишади. Бошлиқ ҳисобланмиш чаён буржи вакилига арслон буржи вакилининг барча ишлари ёқиб тушади. Ҳатто уни тез орада мукофотлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўради. Лекин орадан маълум муддат ўтиб ўртада келишмовчиликлар юзага келади. Барчадан фақат фаоллик талаб этувчи чаён буржи вакили бошлиққа арслон — ходим ишонмай қўяди. Уни алдоқчиликда айблай бошлайди. Топширилган юмушларни ўз вақтида адо этишни хоҳламайди. Кўрибсизки, ҳеч қанча вақт ўтмай ишдан кетишга мажбур бўлади.

Чаён — Паризод

Бу иттифоқ қарама-қаршиликка бой ҳодисалардан иборат. Вазиятни назорат қилиш иштиёқида ёнган паризод чаён буржи вакили келтириб чиқариши мумкин бўлган жанжалларнинг олдини олиш учун доимо ҳушёр туриши лозим. Ана шунда уларнинг бир-бирларига бўлган меҳри, муҳаббати янада алангаланиши мумкин.

Паризод — аёл барча ҳавас қилса арзийдиган уй бекасидир. У оиласи учун ҳар қандай душманга сира тап тортмасдан ҳамла қилади ва ўзини қурбон қилишга тайёр туради.

Чаён буржи вакили эса бундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Садоқатидан сўз очиб қасамлар ичади, керак бўлса паризод қошида тиз чўқади. Аммо ташқарида хиёнатлар сериясини давом эттираверади. Хиёнатни шу қадар усталик билан амалга оширадики, шўрлик паризод умуман ундан гумонсирамайди. Қалбида шундай туйғу пайдо бўлди дегунча ўзини койийди ва шундай

жуфти борлигидан Яратганга шукроналар айтади. Лекин Чаён буржи вакили ҳам инсон. У паризоднинг тафаккурини, фаросатлилигини, меҳрибон ва садоқатлилигини етарлича баҳолайди. У жуфти учун ҳали керагича хизмат қила олмаганини, унинг учун эҳтирос биринчи даражали эмаслигини айтиб чарчамайди. Аслида чаён буржи остида туғилган эркакни кўпол муомалали, эркаклар каби дангал аёллар кўпроқ қизиқтиради ва оиладан ташқарида худди шу тахлит жазман қидириш билан банд бўлади.

Ишда ҳам паризод доимо ҳушёр ва топқир, сабртоқатли. У чаён буржи вакили томонидан вужудга келиши мумкин бўлган хавфни тез илғаб, ўз вақтида талбирини кўриб қўяди.

Агар паризод раҳбар лавозимида бўлса, шуни унутмаслиги керакки, чаён буржила туғилган ходим фақат ўзига ёққан юмушларнигина бажаришга одатланган. У кўрсатма ва босим остида умуман ишлай олмайди. Чаён буржи вакили билан жанжаллашишдан наф йўқ. Шундай экан, уни эркин ташлаб қўйиш кифоя. Ана шунда кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Чаён буржи вакили раҳбарлик курсисида бўлганда буткул бошқача манзарани кўрасиз. У тирноқ орасидан кир қидирмайди, бўлар-бўлмасга жанжал кўтармайди, ходимларни арзимаган хатоси туфайли танқид остига олмайди.

Чаён — Тарози

Бу иттифоқ икки бурж вакилига ҳам беҳисоб ҳузур ва хотиржамлик бахш этади. Тарози буржининг тасаввурида чаён буржи вакили гўзаллик ва ақл бобида тенгсиз ҳисобланса, чаён буржи вакили тарози буржида туғилган жуфтининг меҳрибонлиги, эътиборидан ҳайратга тушади. Айниқса, унинг ўз жуфти учун ҳар қандай қийинчиликка тайёр туриши чаён буржи вакилини қаттиқ ҳаяжонга солмасдан қолмайди.

Маълумки, чаён буржи вакили кўп ҳолларда ёлғиз қолишни, шу аҳволда келгуси режалар ҳақида ўйлаб олишни

хуш кўради. Бундай вазиятда кимдир унга халал беришини истамайди. Гарчи шу нарсани тарози буржи вакили яхши билса-да, барибир қўрқувга тушади. Уни жуфтнинг ўзидан узоқлашиб кетиши мумкинлиги ташвишга солади.

Икковларнинг ҳам мақсадлари бир. Фақат абадий муҳаббат. Улар идеал ва мангу муҳаббатта этиш амримаҳол эканини яхши билишади. Аммо интилишдан тўхташмайди.

Тарози барча муаммоларни тинч йўл билан ечиш тарафдори. Чаён буржи вакилига эса бу одат сира ёқмайди. У муаммоларни қаттиққўллик, шафқатсизлик билан ҳал этишга ўрганган. Иккала бурж вакили ҳам ўта хаёлпараст. Дунёни ўзларича тасаввур этишади. Ҳаётни хаёлотлардан иборат деб ўйлашади. Шунга қарамай, барибир оилавий юмушларни баравар адо этишади.

Иккала буржи вакили ҳам шинаванда, рўзгор икирчикирларидан чўчимайди. Бўлар-бўлмасга юзага келадиган жанжалларга тоқат қила олишмайди.

Келишмовчилик фақат эҳтирослар бобида пайдо бўлиши мумкин. Чунки чаён буржи вакили ўта эҳтиросли, тарози буржи вакили эса аксинча, бу масалага совуққонлик билан ёндашади. Айниқса, эркак чаён буржида туғилган бўлса, бундай келишмовчиликлар хиёнат билан тугаши ҳеч гап эмас.

Агар чаён буржида туғилганлар тарози буржи вакили билан бир умр яшаб қолишни хоҳлашса, асло унга ҳаётни, қандай яшашни ўргатмаганлари маъқул. Шунда бу никоҳ абадий сақланиб қолади.

Ишда эса тарози буржи вакили чаён буржида туғилган ҳамкорининг кайфияти билан ҳисоблашишга мажбур. Негаки, чаён буржи вакиллари ишни тонгда қай ёнбоши билан турганига қараб режалаштиришади.

Чаён — Чаён

Бу муносабатларни ташқаридан кузатган одам ҳайрон бўлади. Бир хил бурж вакилининг асабийлиги, бир-бирига нисбатан қўпол муомалада бўлиши ҳеч кимнинг

этиборидан четда қолмайди. Бироқ улар учун айнан шундай муносабат жуда фойдалидир. Уларга фақат олға босишга бир-бирларини тан олмаслик, оилада фақат ўзини хўжайин деб билишлик ундаб туради.

Улар бир-бирларидан зўрроқ, кучлироқ бўлишга ури-нишаркан, бундан ўзлари ҳам роҳатланишади. Афсуски, аксар ҳолларда бу мусобақалар айрилиққа олиб келади. Бу иттифоқ ҳам қизиқ, ҳам хавфлидир. Чаён буржи вакиллари жуда қайсар, рашкчи, унча-мунчани назар-писанд қилмайдиган даражада мағрур. Агар оилада ўз мақсадига эриша олмаса, ҳеч нарсадан қайтмайди. Ўз жуфтини хавfli душмани сифатида кўра бошлайди.

У кўп ҳолатларда ёлғиз қолишни хоҳлайди. Ана шундай вазиятларда жуфтлик маълум маънода бир-бирига ён бериши лозим. Балки шунда ўртадаги муносабатларга айтарли путур етмас, никоҳ узоқ муддатга сақланиб қолар. Агар улар бир-бирларига эндигина кўнгил қўйган бўлишса, шубҳасиз, ўз вақтларини ўта мазмунли ўтказишлари тайин. Фақат никоҳдан ўтишга шошилмаганликлари маъқул. Токи улар оилада аслида ким хўжайин бўлиши, ким итоаткор, умуман, оилада ким қандай ролни ижро этиши хусусида бир қарорга келиб олишсин. Шунда биргаликдаги ҳаёт ширин кечиши табиий.

Иш масаласида чаён буржи вакиллари топқир, ижодкор ва рўзғор учун жонни фидо қилувчи шахслар ҳисоблангани сабабли муаммолар юзага келмайди. Тўғри, бир хил бурж вакилининг бир-бирига мослашиши, ўрганиши, кўникиши осон кечмайди.

Тижоратда чаён буржи вакиллари таваккалчиликни, фириб ёрдамида иш кўришни маъқул топганлари сабаб муваффақиятларга эришишлари амри маҳол.

Чаён — Ўқотар

Чаён буржи вакили бир нарсани ёдида сақлаши лозим. Ўқотар буржида туғилганлар эркинликни, дунёнинг турли бурчакларига саёҳатлар уюштиришни хуш кўришади. Агар никоҳ омадли кечишини хоҳласа, чаён буржи

вакили шуларга тоқат қилган ҳолда. Ўзининг инжиқликларини, рашкчилигини ташлагани маъкул.

Ўқотар буржи вакили ҳам бир нарсани унутмасин. Чаён ўзгаларнинг юзига қараб нима ишлар қилиб юргани, нима демоқчилигини англаб олишга устаси фаранг. Ўқотар буржи таваллуд топган эркаклар ўта мағрур бўлишади. Ваҳоланки, бу хислат чаён буржи вакилларига ҳам бегона эмас. Шундай экан, чаён буржи вакили бўлмиш аёл ўз вазифасини, мажбуриятларини тўғри англаган ҳолда шу мағрурликдан воз кечиши ва ҳақиқий аёл бўлиб қолиши керак.

Иккала бурж вакили ҳам эҳтирос бобида тенгсиздир. Ана шу эҳтирослар уларни ҳаётда кўплаб аҳмоқона ишларни қилишга мажбур этади. Ўқотар буржи вакилининг ўзини кўпроқ севиши, рўзғордаги икир-чикирлар туфайли келиб чиқадиган майда-чуйда жанжаллар икки бурж вакили орасидаги муҳаббат оловига аста-секинлик билан сув сепиб, охир-оқибатда ўчиради. Кўрибсизки, айрилиқдан бошқа йўл қолмайди.

Башарти чаён буржи вакили эркак бўлса, ўзининг сабабсиз рашки билан ўқотар буржида туғилган аёлнинг сабр косасини тўлдириши мумкин. Худо кўрсатмасин, уни ўзига бўйсундиришга уринса борми, жуфтидан осонгина айрилади-қолади. Негаки, бу аёл ўзини дунёдаги барча инсонлардан юқори ҳисоблайди.

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Чаён буржи вакили ҳам фаришта эмас. Кунларнинг бирида ҳаётда оғир машаққатларга дуч келди, ўзини англашга ҳам куч топа олмай аросатда қолди дейлик. Ана шунда ўқотар буржи вакили унинг жонига оро киради. Уни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб ҳаётга қайтаради. Бунинг учун чаён буржи вакили ўқотар буржи вакилининг имкониятларига, қобилиятига тан бериши лозим. Ҳурматлашга, қадрлашга ўрганиши зарур.

Ишда ўқотар буржи вакили раҳбар лавозимида бўларкан, у чаён буржи вакилига ўзи севган машғулотларни топиб бера олади ва ишга совуққонлик билан муносабатда бўлишига эътибор бермайди.

Чаён буржида туғилган рахбар эса унутмаслиги лозимки, ўқотар буржи вакилига босимлар ўтказишдан умуман наф йўқ. Уни бўйсундириш қийин. Мағрурлик йўл бермайди. Лекин рахбар унга кичикроқ бўлса-да, лавозим тақдир этиб, ихтиёрига бир неча ходимларни топшириб қўйса, ҳар қандай муаммога ечим топади. Рахбарга нисбатан юксак ҳурмат кўрсатади.

Чаён — Тоғ эчкиси

Бу иттифоқ икки бурж вакилининг шахсий манфаатларига асосланади. Чаён тоғ эчкисига ҳиссиёт, эҳтирос туфайли талпинса, тоғ эчкиси жуфтдан моддий манфаат қидиради. Чаён буржи вакили шу нарсани ёдидан чиқармаслиги керакки, тоғ эчкиси буржи вакили ўз ҳисларини ошқор этмайди. Ўзини жуфти қаршисида ожиз кўрсатиб қўйишдан қўрқади.

Умуман, бу никоҳ жуда мустаҳкам ва узоқ вақт давом этади. Фақат жуфтлик руҳий, маънавий жиҳатдан мукамалликка эришишлари талаб этилади. Улар қанча ўзларини севишга муқкаларидан кетмасалар, никоҳ шунча мустаҳкамланаверади. Биргалашиб энг оғир муаммоларни ҳал этишса, рўзгор икир-чикирларига тенг муносабатда бўлишса, жуфтлик дунёдаги энг бахтли инсонларга айланишган бўларди.

Тоғ эчкиси табиатан жуда оғир, босиқ. Ана шу жиҳати салга ҳовлиқиб кетаверадиган чаён буржи вакилини бир меъёрда ушлаб туради. Чаён буржи вакили қанча жаҳл отига миниб, дунёга жар солмасин, тоғ эчкиси буржи вакили уни жуда силлиқлик билан ҳовуридан туширади.

Агар чаён буржи вакили эркак бўлса, жуда маъқул эди. Аммо чаён буржида туғилган эркакларни уйлантириш қийиндан қийин. Худо кўрсатмасин, тоғ эчкиси ва чаён буржи вакиллари оила қургач, хўжайинликка бараварига даъвогар бўлишса, бу катта жанжалларга олиб келиши муқаррар.

Бу никоҳдан гўзал ва ақл-фаросатли фарзандлар дунёга келишини юлдузлар алоҳида башорат қилишган.

Ишда икки бурж вакили ҳамиша бир-бирларини яхши тушунган ҳолда бемалол шерикчилик қилишади ва ҳар қандай мушкул вазифаларни аъло даражада уддалай олишади.

Чаён — Қовға

Бу никоҳда чаён буржи вакили ўзининг инжиқлиги, бесабаб рашки билан қовға буржида туғилган жуфтнинг сабр косасини тўлдириши мумкин. Аммо барибир бу жуфтликда чаён буржида туғилганнинг айтгани бўлади. Бунга эришиш учун у ҳар қандай айёрлик усуллари-дан эринмасдан, тап тортмасдан фойдаланади. Башарти, жуфтлик ўз позициясини ўзгартириш ҳаракатига тушмасак, оиладаги вазият буткул чалкашиб кетиши муқаррар.

Бу иттифоқ қайсарлик ва шу билан бир қаторда олийжаноблик эвазига юзага келади. Кимнинг олижаноблиги ҳақида юқорида ҳам айтиб ўтдик. Қовға буржи вакили гарчи жуфтининг баъзи қилиқлари, тутаётган ишлари ёқмаса-да, бунга қўл силтайди ва ўз хаёллари, мақсадлари билан бирга жим яшашга қарор қилади.

Бу оилада қовға буржи вакили оилабоши ҳисобланса-да, бу ташқаридан қараганда шундай туюлади. Ўта айёр ҳисобланган чаён буржи вакили жуфтига сира сездирмаган ҳолда бу “лавозим”ни ўз зиммасига оғдира боради. Кўрибсизки, орадан маълум муддат ўтиб қовға буржи вакили қандай итоаткорга айланиб қолганини ўзи сезмай қолади. Чаён уни жуда усталик билан рўзғордаги муаммоларни ҳал этувчи шахсга айлантириб қўяди.

Аввалида кучли эҳтирослар, суйиб-эркалалашлар иккала бурж вакилини ҳам тўлиқ қониқтирарди. Бора-бора улар бир-бирларидан узоқроқ бўлишга интила бошлашади.

Агар қовға буржи вакили аёл бўлса, чаённинг барча айёрликлари-ю, инжиқликлари, рашкига кўз юмади. Негаки, у чаён буржи вакили тимсолида арслонкелбат бир шахсни, суюкли оиласининг муносиб хўжайинини кўради. Бу чаён буржида туғилган эркакка шу қадар ёқиб тушадики, узоқ вақт гўё еттинчи осмонда парвоз қилади.

Аммо кунларнинг бирида қараса, қовға буржида туғилган аёли ўзидан-да кўпроқ имконият, қобилият, яхши фазилатларга эгалик қиларкан.

Аслида бу жуфтликда қовға буржи вакили эркак ва чаён буржи вакили аёл бўлгани маъқул. Шунда никоҳ мустаҳкам бўлади ва бир умр сақланиб қолади. Бу жуфтликда оилага нисбатан мажбурият ҳисси, болаларга эътибор жуда ривожланган.

Ишда уларнинг тажрибали, талбиркор бўлишлари талаб этилади. Чаён буржи вакили ходим сифатида тез-тез ишдан норозилиklarини намоён этиши мумкин. Бу эса қовға буржида туғилган раҳбарга ёқмайди. Йўқ, бунақаси кетмайди. Раҳбармисиз, чаён буржи вакилига ўзига ёқиб тушадиган вазифаларни юкланг.

Мабодо раҳбарлик чаён буржи вакили зиммасида бўлса, қовға буржида туғилган ходим билан фақат дўстона муносабатлар юритиши лозим.

Чаён — Балиқ

Бу жуфтликнинг одамлари, қизиқишлари, дўстлари, дунёқараши ва ҳаётга муносабатлари бир хилдир. Балиқ буржи вакили чаён буржи вакили учун худди боладай гап. Чаён буржида туғилганлар эса балиқ буржи вакили учун маънавий раҳбар. Унга қараб чаён буржи вакили ҳаётга муносабатларини ўзгартириб боради, севишни ўрганади.

Лекин бу жуфтликда яна чаён буржи вакили вақт ўтиши билан хўжайинликни даъво қилишга ўтади. Унинг ўзини ўзи севиши-ю, баъзи ёқимсиз хатти-ҳаракатларидан балиқ буржи вакили азобланади. Шундай лаҳзалар бўладики, у чаён буржида туғилган жуфтини ташлаб узоқ-узоқларга бош олиб кетишни ихтиёр этади.

Икки бурж вакилини ташқарида эмас, ўз оиласида жиддий муаммолар кутади. Қизиғи, биргаликдаги ҳаёт қанча ранг-баранг ва нотинч бўлса, улар бир-бирларини шунча кўпроқ сева бошлашади. Икковлари ҳам рўзғор юмушларига шўнғиб кетишни хоҳлашмайди.

Икковлари ҳам ўтмиш хаёли билан яшаш тарафдори ва бир-бирларига жисмоний имкониятга қараб муомала қилишади. Албатта, уларнинг ҳавас қилса арзигулик жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, бир-бирини тушуниш, ҳаётнинг мушкул вазиятларидан чиқиб кета олиш фақат уларга хос фазилатдир. Қолаверса, улар ўта ақли ва сабр-тоқатлидирлар. Фақат яқин ўтмишдаги аразлар бир четга суриб қўйилса, уларнинг ҳаёти янада ширин кечиши тайин.

Ҳиссий мукамаллик ҳам балиқ ва чаён буржини бир-бирига боғлаб туради. Гарчи балиқ буржи вакили чаённинг сўзларини эшитмаган каби жим ўтирса-да, барибир бир нарсани унутмаслик лозим. У гапираётган одамнинг хаёлидан нималар кечаётганини озми-кўпми пайқаяпти ва керак бўлганда ўз сўзини айтиши мумкин.

Ишда яхшиси раҳбарлик балиқ буржи вакилига топширилгани маъқул. У ишни ажойиб тарзда ташкил этиб, ходимлар билан ишлашни билади. Фақат чаён буржи вакилига нисбатан қўпол муносабатда бўлмагани яхши. Акс ҳолда у қўл силтаганча барча ишни ташлаб кетиши ҳеч гап эмас.

Чаён-раҳбарга эса мураккаб феъл-атвор эгаси бўлмиш балиқ буржи вакили билан тил топишиш осон кечмайди. Агар шу мақсадга эриша олса, омади чопгани. Балиқ буржи вакили сабр-тоқатли ва ишни чала-ярим ташлаб кетмайди.



ЎҚОТАР

(23 ноябрь — 21 декабрь)

Мос жуфти: Эгизаклар, Қўй, Қовға, Тарози ва Арслон.

Тўғри келмайдиган жуфти: Паризод.

Ёқтирадиган ранги: кўк, мовий.

Йўлдоши: Юпитер.

Омадли кунлари: пайшанба.

Омадсиз кунлари: чоршанба.

Ёқтирадиган гули: қовғагул, атиргул.

Омадли рақамлари: 3, 4, 9.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Агар ўқотар буржи вакили ўзи билиб-билмай саломатлигига путур етказиб қўймаса, у узоқ умр кўриши мумкин.

Ўқотар буржи вакили аксар ҳолларда ўпка, жигар, қўл, елка ва ошқозон-ичак касалликларини бошидан кечиради. Лекин ҳатто ҳалокатга учраган ўқотар буржи вакилини ҳам узоқ муддат каравотга михланиб ётишга мажбур этиб бўлмайди.

Бу бурж вакиллари таваккалчи, кескин феъл-атворга эга шахслардир. Кийим танлашда уларга ҳамроҳлик қилганлар ўта сабр-тоқатга эга бўлишларини маслаҳат берамиз.

Улар ўзларидан кейин маълум из қолдиришга ўч. Бу йўлда ҳеч қандай тўсиқ ўқотар буржи вакилини тўхтата олмайди.

Ўқотар буржи вакили ҳеч қачон ёлғиз ишлай олмайди. Фақат жамоа сафида бўлишни ихтиёр этади. Бош-

лиққа нисбатан ўта ҳурмат билан муносабатда бўлиши ёхуд аксинча, ўз фикрини сира тап тортмасдан айтиб ташлаши ҳам мумкин.

Аммо катта пул топишга нўноқроқ. Қисқа қилиб айтганда, талбиркорлик ўқотар буржи вакилига хос эмас.

У арслон ва қўй буржи вакили каби эҳтиросга бой эмас. Шунга қарамасдан, баландроқ дорга осилишни хуш кўради. Ўқотар буржида туғилган эркаклар жуда шинам уйларни, яхши уй бекасини орзулашади. Бу тоифадаги эркаклар яхши ота ва ҳимоячи бўла олишади.

Аёллар эса ўта мағрур, ўзини ҳаддан зиёд севади. Эркаклардан муҳаббатдан ташқари, ҳурмат талаб қилишга одатланишган. Агар эркак доимо таъзимда бўлса, ўқотар буржида туғилган аёл ўзини янада яхши ҳис эта бошлайди.

Ўқотар — Қўй

Бу иттифоқ жуда омадли десак, сира хато бўлмайди. Ўқотар буржида туғилган аёл қўй буржида таваллуд топган эркакни ёқтириб қолдимиз, тамом, эҳтирос шу қадар тез пайдо бўладики, қўй буржи вакили бўлмиш эркак қандай унинг асирига айланганини сезмай қолади. Башарти, уларни иш бирлаштира, ҳаётда кўз кўриб қулоқ эшитмаган муваффақиятларга эришишлари тайин.

Икковлари ҳам саёҳатларни, таваккалчиликни жондан ортиқ кўришади. Биргаликдаги ҳаётни жуда осоник билан байрамга айлантира билишади.

Ҳамиша яқин дўстлар даврасида бўлишади. Фақат бу икки бурж вакилларида ташкил топган жуфтлик кўпинча фарзандсизлик туфайли азобланади.

Қўй буржи вакили ўқотар буржи вакилининг ҳимояси, қўллаб-қувватлашлари натижасида ҳам маънан, ҳам жисмонан улғайиб боради. Агар ораларига совуқчилик тушиб қолса, ўқотар буржи вакили жуфтини тушунишга ва вазиятни юмшатишга киришади.

Ишда қўй буржи вакили ўқотар буржи вакилини доимо назорат остида сақламайди. Ўз ҳолича ишлаш имко-

нини беради. Бу ўқотар буржи вакилига албатта маъқул тушади ва улар юритаётган иш фақат омад гаровига айланади.

Ўқотар — Бузоқ

Бу иттифоқнинг узоқ вақт сақланиб қолишига деярли кафолат йўқ. Ҳатто уларни эҳтирослар ҳам бирга яшаб ўтишга мажбурлай олмайди.

Бу икки бурж вакили дастлабки лаҳзаларда бошқалар сингари бир-бирларига меҳр кўрсатишдан, бир-бирлари билан фахрланишдан чарчашмайди. Айниқса, бузоқ буржи вакили ўз жуфтини ҳар куни интиқлик билан кутади, эркалаларини соғинади. Бироқ вақти келиб тушуниб етадики, у алданибди. Шунда у жуфтидан қаттиқ ранжийди.

Бундай оила одатда севгига нисбатан шерикчилик, молиявий ҳамкорлик эвазига қурилади. Гарчи уй улар учун бир-бирларини чуқур тушуниб етишда асосий кафолат ҳисобланса-да, бу икки бурж вакили уйда ҳам жанжаллашишни бас қила олишмайди. Уларнинг ҳар бири оилада ўзининг шартини қўйишга интилади. Натижада ўқотар буржи вакили ўзи учун жуда қимматбаҳо ҳисобланган эркинликни, бузоқ буржи вакили эса эртанги кунга ишончини йўқотади.

Лекин уларнинг мос жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Бузоқ буржи вакилининг дунёнинг жуфтига нисбатан яхшироқ англай олиши ўқотар буржи вакилини ҳайратга солади. Агар бузоқ буржи вакили бирор ишнинг бошини тутиб, арзирли натижага эришса, шу ондаёқ ўқотар буржи вакилининг ҳам ичига ўт тушади-ю, беихтиёр уни қўллаб-қувватлашга ўтади.

Ишда агар ўқотар буржи вакили раҳбарликни ўз қўлига олса, ўртадаги муносабатлар янада яхшироқ бўлади. Чунки бузоқ буржи вакили раҳбарликдан кўра оддий ходим бўлиб қолишни маъқул кўради.

Молиявий ҳамкорлик ҳам омадли кечади.

Ўқотар — Эгизаклар

Ўқотар Эгизаклар буржи вакилига қарама-қарши бурж ҳисобланади. Шунинг учун муносабатлар ё яхши ва фойдали, ё бунинг акси бўлиши мумкин.

Бу буржлар остида таваллуд топганлар олдинига бир-бирларига талпиниб яшашади. Икковлари ҳам гинали эмас. Ўртадаги барча хафагарчиликларни тез унутиб юбсришади. Муносабатларда уларни муаллим ва ўқувчи сифатида баҳоласа бўлади. Эгизаклар буржи вакили жуфтнинг талайгина инжиқликларига бардош бериб уни тўғри ва осойишта ҳаётга ўргатиши лозим бўлади.

Агар жуфтлик ўрта ёшда бир-бирларини топса, ишонаверинг, никоҳ бир умрга сақланиб қолиши тайин. Фарзандлар, дўстлар, иш ва ёшдаги катта фарқ ҳам ушбу оиланинг мустақамлигини таъминлаб беради. Фақат бир муаммо бор. Улар пул ва пул топиш масаласига турлича ёндашишади.

Ишда ўқотар буржи вакили раҳбар лавозимида бўлса ва эгизакларга ўзига ёқадиған ва қизиқарли вазифаларни топширса, мақсадга мувофиқ бўлади. Эгизаклар бундай юмушларни қойиллатиб адо этишади.

Ўқотар — Қисқичбақа

Бу иттифоқ ҳамиша ўзгаларнинг диққат марказида бўлади. Бунга асосан қисқичбақа буржи вакили сабабчи. Айнан у ўқотар буржи вакилидан рўзгордаги мажбуриятларини адо этишни талаб қилиб, барчанинг эътиборини тортади. Бироқ ўқотар буржи вакилига бу талаблар унчалик маъқул бўлмайди. У эркинликни севади ва йўлда ҳар қандай баҳонани ўйлаб топа биледи.

Қисқичбақа буржи вакили табиатан ўта сирли. Ўқотар буржи вакили эса аксинча қувноқ ҳаётни севади. Машу қарама-қаршилиқлар ҳам уларни тинч яшашга қўймай. Турли норозилиқларни келтириб чиқаради.

Тўғри, ўқотар буржи вакили ўз жуфтини жон ортиқ севади. Бунини қисқичбақа буржи вакили билиши

тан олишини хоҳлайди. Қисқичбақа буржи вакили эса ҳануз бепарво, ўз хаёллари билан банд. Иложи борича қувноқлик тарафдори бўлмиш ўқотар буржи вакилидан нарироқ бўлишни истайди.

Нима қилсин? Бу ўқотар буржи вакили учун фожиадан бўлак нарса эмас. У бошқачароқ ҳаёт кечиришни, бошқалар каби оилавий ҳаётдан баҳра олишни орзу қилганди.

Агар қисқичбақа буржи вакили аёл бўлса, у ўқотардан муҳаббат, меҳр, эътибор кутади. Башарти бунинг акси бўлиб чиқса, аёл мисоли телба қиёфасига киради. Бу иттифоқ дунёқарашларнинг ўзгаришига, яъни, бир хил фикрлашга асосланган бўлиши лозим. Ўқотар буржи вакилини жуфти қўллаб-қувватласа, у тоғни толқон қилишга тайёр бўлади.

Ишда агар қисқичбақа буржи вакили раҳбарлик лавозимида бўлса, ўқотар буржи вакилининг қалбига йўл топиш учун айёрлик йўлларини ўйлаб топиши лозим. Шундай қилса, ўқотар буржи вакили ҳар қандай топширилган вазифани сидқидилдан уддалай олади.

Ўқотар буржи вакили раҳбар бўлса, қисқичбақа буржи вакилларининг иккиюзламачилик одатларидан эҳтиёт бўлиши талаб этилади.

Ўқотар — Арслон

Бу иттифоқ жуда қизиқарли саргузашт, ҳодисаларга бой. Арслон буржи вакили табиатан ҳукмдорликни хуш кўради. Шундай экан, ўқотар буржи вакили буни тўғри англаган ҳолда барча ҳукмдорлик ҳуқуқларини унга топшириши шарт. Шунда арслон буржи вакилининг чексиз муҳаббатига сазовор бўлади.

Умуман, бу иттифоқ иккала бурж вакили учун ҳам омадли кечади. Агар уларни иш бирлаштирган бўлса, биргалашиб кўз кўриб қулоқ эшитмаган муваффақиятларни қўлга киритишлари мумкин.

Доимо дўстлар қуршовида умр кечиришади. Бир-бирларига камдан-кам ҳолларда хиёнат қилишади.

Арслон буржи вакили — эркак жуфтнинг ишқида куйиб-ёнади, ўз ҳаётдан миннатдор бўлиб яшайди. Бунга, албатта, ўқотар буржида туғилган аёлнинг рўзгор бобида тажрибали ва билоғонлиги сабабдир.

Арслон буржи вакили аёл бўлса, эркинликни севувчи ўқотар буржи вакили билан бирга яшаши осон кечмайди. У жуфтнинг оила учун жон куйдиришини, доимо ёнида бўлишини хоҳлайди.

Уларнинг иккови ҳам саёҳатларни, байрамларни, яхши инсонлар билан учрашишни жондан ортиқ кўришади. Бундан улар фақат баҳра олишади. Ишда уларни бир-бирларига бўйсундириш жуда мушкул. Лекин келишиб меҳнат қила олишса, ўзлари истаган натижаларни қўлга киритишлари тайин.

Ўқотар — Паризод

Бу иттифоқ талайгина муаммолардан иборат. Икки бурж вакили ҳаётда тил топиша олмай азобланишади. Паризод буржи вакилига ўқотар буржи вакилининг ҳар гапни очикдан очик гапиравериши, рўзгор икир-чикирларига аралашавериши ёқмайди.

Аввалига ўқотар буржи вакили одатдагидек жуфтнинг барча камчиликларига кўз юмиб, унинг ишқида куйиб яшайди. Эътибор, меҳр, муҳаббат истаганча тақдим этилади. Афсуски, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай томонлар бир-бирларининг сув юзига қалқиб чиққан камчиликларини кўришади-ю, афсонага айланаёзган муҳаббат сўна бошлайди.

Паризод буржи вакили садоқатли. Уни хафа қилишса, хиёнат қилишса, ортиқча гапириб ўтирмайди. Бир бурчакка ўтади-ю, ўз дардларини кўз ёшлари билан ювишга уринади.

Ўқотар буржи вакили — эркак оилавий ҳаётдаги бир хилликлардан беади. Лекин муваффақиятларида жуфтнинг ёқимсиз жиҳатлари ҳам ёрдам бераётгандек, иложи борича жанжаллардан нари бўлишга интилади. Яъни, келишмовчиликларни ҳам омад гарови дея ҳисоблайди.

Паризод буржида туғилган эркак ўз хаёллари билан яшашни хуш кўради. Гарчи оиласидаги кўплаб гап-сўзлар, тутилаётган ишлар ўзига ёқинқирамаси-да, қўл силтайди-да, бошқа юмушлар билан машғул бўлади.

Ишда эса уларнинг муносабатлари оиладаги муносабатларнинг аксидир. Паризод буржи вакили раҳбарикни қойиллатади. Ходимларнинг кўнглига йўл топишда унга етадигани йўқ. Мабодо у ходим бўлган тақдирда ҳам барибир ўқотар буржи вакили билан тил топишиб ишлай билади.

Молиявий масалаларда ҳам улар ўртасидаги битимлар фақат омад келтиради.

Ўқотар — Тарози

Бу икки бурж ўртасидаги муносабатлар жуда қизиқ кечади. Улар бир-бирларини тезда тушуна олишади ва никоҳ жуда омадли кечади. Дунёқарашлари ҳам деярли бир хил. Айниқса, тарози буржи вакилининг ҳаётда ҳазил-мutoйибага мойиллиги ўртада юзага келадиган майда-чуйда келишмовчиликларни йўққа чиқаради. Ўқотар буржи вакили унга бутун қалбини беради.

Иккала бурж вакилининг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Масалан, тарози буржи вакили ўта босиқ, ҳар бир масалага жиддий ёндашади ва чуқур фикрлайди. Айни шу жиҳати сал нарсага ловиллаб кетаверадиган ўқотар буржи вакилини хотиржамроқ бўлишга ундайди.

Ўқотар буржи вакили — эркак эркинликка ўч ва ўзига ҳалдан зиёд эрк беришни хуш кўради. У ўзини оиладаги барча мажбуриятлардан олиб қочади. Лекин шунга қарамасдан тadbиркорлик бобида тенгсиз. Ғояларни топади. Фақат уларни рўёбга чиқаришга келганда, тўхтаб қолади. Демак, бу ғояларни фақат тарози буржи вакили бўлмиш аёлгина ҳаётга татбиқ этиши керак.

Агар ўқотар буржи вакили аёл бўлса, бу оила янада бахтли деяверинг. Биргаликдаги ҳаёт асосан ҳазил, ўйин-кулги ва хурсандчилик билан кечади. Ишда улар тез тил

топишади ва ҳар қандай оғир юмушни ҳам биргаликда муваффақиятли амалга ошира олишади.

Ўқотар буржи вакили раҳбар бўлган тақдирда, тарози буржида туғилганлар шу нарсани ёдда сақлашлари лозим. Раҳбарга ҳадеганда ақл ўргатавериш яхшиликка олиб келмайди. Чунки ўқотар буржи вакили шундоқ ҳам ҳаммасини кўриб, мулоҳаза қилиб туради.

Ўқотар — Чаён

Чаён буржи вакилининг бемаврид рашки, жанжалга йўналтирилган ёқимсиз суҳбатлари тезда кечириб, оилага тинчлик-хотиржамлик бағишлай олади. Шу ўринда, ўқотар буржи вакили ҳам эсда тутиши керакки, чаён буржи вакилидан сир яширишнинг сира иложи йўқ. Унинг сезги аъзолари аъло даражада ишлайди.

Ўқотар буржи вакили эркак бўлса, оилавий ҳаёт янада ширин кечиши мумкин. Негаки, у эркак зиммасига олиши зарур бўлган барча мажбуриятларни ҳис этади ва ўз вақтида вазифасини уддалайди. Чаён буржи вакили аёл ҳам ўзининг аёллигини унутиб қўймаган ҳолда ёстиқдошининг раъйига қараб иш тутлади.

Агар чаён буржи вакили эркак бўлса, ўзининг бетиним рашки билан жуфтнинг сабр косасини тўлдиради. Айниқса, аёлини ўзига бўйсундиришга уриниши никоҳ бузилишига олиб келиши ҳеч гап эмас. Сабаби, ўқотар буржида туғилган аёл ўз қадр-қимматини яхши билади. Башарти чаён буржи вакили ҳаётда адашиб, оғир руҳий тушкунликка тушган бўлса, ўқотар буржи вакили унга жуда яхши ҳамдарад бўла олади. У ўқотар буржи вакилидан ҳам маънавий, ҳам моддий кўмак олади.

Ишда ўқотар буржи вакили чаён буржи вакилига ёқадиган ишларни топширса, унинг кечикиш ва шунга ўхшаш камчиликларига эътибор қаратавермаса, кутилган натижаларга эришишлари тайин.

Раҳбар чаён буржи вакили бўлган тақдирда ўқотар буржида туғилган ходимга ҳадеганда босим ўтказавермагани маъқул. Ўқотар буржи вакилининг ғурури ўзига

етгунча баланд. Бировларга бўйсунуши қийинроқ. Мабо-до қалбига йўл топса, ўқотар буржи вакилидан яхши ходим бўлмайди. Ҳар қандай ишни кутилгандан ҳам зиёда қилиб бажаради.

Ўқотар — Ўқотар

Уларнинг иккаласи ҳам ўз хаёллари билан яшайди, эркин нафас олиш илинжида ўзларини ўтдан чўққа уришади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аксар ҳолларда бу бир хил бурж остида туғилган жуфтлик узоқ вақт бирга бўла олмайди. Фақат иш юзасидан, молиявий томондан мақсадлар уйғун келсагина никоҳ бир умрга сақланиб қолиши мумкин.

Улар мажбурият деган тушунчани ўзларига сингдира олишмайди. Қачон қараса, оилада ўзгалар устидан ҳукмронлик қилишга интилишади. Мана шу нарса кўпинча ўзаро жанжалларга сабаб бўлади. Ўқотар буржи вакили бўлмиш аёл ҳам, эркак ҳам ҳаётда ўзларинигина яхши деб тан олади. Бошқаларга сал юқорироқдан туриб боққишга одатланишган. Ҳатто, ўзгаларга ўхшаб шунчаки жанжаллашиб қўя қолишни ҳам билишмайди. Дарҳол жазавага тушиб, жисмоний куч ишлатишга ўтиб қўя қолишади.

Икковлари ҳам ўта эҳтиросли. Аммо негадир ўз жуфтидан кўра ўзгалар билан бўлишни маъқул кўришади. Кўрибсизки, хиёнат содир этилади. Рашк бобида тенгсиз ҳисобланган ўқотар буржи вакиллари энди бир-бирларига қарши ростакамига “уруш” эълон қилишади.

Хуллас, бир хил бурж остида туғилган бу жуфтлик ё бир-бирини қаттиқ севиб, бутун умр бирга яшайди, ё аксинча масалани бошидаёқ ҳал этиб қўя қолади.

Ишга келсак, уларнинг иккови ҳам раҳбарлик лавозимига ўч ва шунинг учун ҳам бирга ишлаш уларга осон кечмайди. Ходим даражасида қолган ўқотар буржи вакили раҳбарлик курсисида ўтирган бурждошига нисбатан кун сайин нафрат ҳиссини туя боради ва бир кун келиб албатта “портлай”ди. Шундай экан, улар келишган ҳолда

раҳбарликни бўлишиб фаолият юритганлари дуруст. Шундагина ташкилот, корхонанинг келажаги порлоқ бўлади.

Фақат улар бегоналарга қаттиқ ишониб юборишмаса бас.

Ўқотар — Тоғ эчкиси

Бу иттифоқ турли ҳодисалар, ғоялар ва шу билан бир қаторда ҳиссиётларга бойдир. Агар Ўқотар ёлғизликдан азоблана бошлаган бўлса, Тоғ эчкиси билан яқин бўлиши айтиш мумкин бўлади. Тоғ эчкисигина уни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қодир. Керак бўлса, унинг хавфсизлигини ҳам таъминлаб беради. Бироқ ўқотар буржи вакилининг энгил фикрлаши, ҳар бир масалага етарлича муносабат билдира олмаслиги тоғ эчкиси буржи вакилининг сабр косасини тўлдириши мумкин.

Ҳар иккала бурж вакили ҳам ўзини ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳолайди. Иккаласи ҳам яқин муносабатлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринади.

Тоғ эчкиси буржи вакили ўқотар буржи вакилини ўз эҳтиросларига қўмиб ташласа, ўқотар буржи вакили буни юксак ишонч дея баҳолайди ва бу ишонччи оқлашга ҳаракат қилади.

Афсуски, бу икки бурж вакили бир-бирларини ҳеч қачон тушуна билишмайди. Масалан, тоғ эчкиси буржи вакили ўзгаларни тушунишни ўта масъулиятли вазифа дея ҳисоблайди ва бундай масъулиятни зиммасига олишга шошилмайди. Ана шунда ораларида келишмовчиликлар юзага келади. Башарти ўқотар буржи вакилининг асаблари бўш бўлса-ю, бундай кескин вазиятлардан чиқиб кетишни билмаса, билингни, у бир умр оилада тоғ эчкиси буржи вакилининг гўёки қулига айланади. Тоғ эчкиси буржи вакили уни бир умр уйда ўтиришга, рўзғор юмушлари билан машғул бўлишга мажбур этади.

Тоғ эчкиси — эркак ҳеч қачон аёл қошида таъзим қилмайди. Аксинча аёл киши ўзидан қўрқиб яшашини истаydi. Шу ниятда доимо қўпол мумалада бўлади. Ма-

бодо ўқотар буржи вакилининг феъли кенг бўлса борми, у ҳолда икковлари ҳадеганда бир-бирларини руҳий азоблашдан нарига ўтишмайди. Фақат улардан кимнингдир тоқати тоқ бўлсагина бу азоблар барҳам топади. Яъни, бу икки бурж вакили бир-биридан воз кечади.

Ишда ўқотар буржи вакили раҳбар лавозимида бўлгани маъқул. Чунки у тажрибали ва ходимлар қалбига йўл топа олади. Фақат бир нарсани унутиб қўймаса бас. Тоғ эчкиси буржи вакилини тез-тез мақтаб, мукофотлаб турилмаса, бир кун келиб ишлашдан бош тортиши муқаррар.

Молиявий ҳамкорлик икковлари учун ҳам омадли кечади.

Ўқотар — Қовға

Бу иттифоқ аксар ҳолларда ваъдабозликлардан иборат бўлади. Иккала бурж вакили ҳам ҳалдан ташқари кўп ваъда беришга одатланган. Қизиғи, бир-бирларига ваъда беришади-ю, икковлари ҳам бир-бирларига ишонишади.

Улар орасида дўстона, ҳеч қандай мажбурият талаб этмайдиган муносабатларгина узоққа бориши мумкин.

Ўқотар ва қовға буржи бирга яшаганда улар жуда қисқа муддат ичида тadbиркор, сўзамол, қувноқ инсонга айланишади. Фақат қовға буржи вакилининг эҳтирос бобидаги совуққонлиги ўқотар буржи вакилининг иззат нафсига тегиши мумкин.

Улар ўз манфаати учун ҳар қандай фирибни, айёрликларни амалга оширишга тайёр туришади. Шу билан бирга ўзлари билан бир қаторда ўзганинг манфаатларини ҳурматлай олишади. Лекин оилавий ҳаёт иккала бурж вакилига ҳам хуш келмайди. Эркинликни ёқтирадиган, ортиқча мажбуриятлардан қочадиган бу икки бурж вакили аввалида турмуш қуриб қўйишади-ю, бора-бора бир-бирларидан совий бошлаганликларини ҳис этишади.

Ишда қовға буржи вакилига ортиқча вазифаларни юклайвермаган маъқул. Агар ўқотар буржи вакили раҳбар бўлса, шу нарсани алоҳида ҳисобга олиши шарт.

Қовға буржи вакили раҳбар лавозимида бўлса, сира иккиланмасдан иш юритавергани маъқул. Ўқотар буржида туғилган ходим ўта содда ва очиқ кўнгил соҳиби. Унга қандай вазифани топширманг, бажонидил адо этади.

Ўқотар — Балиқ

Улар бир оила бўлиб яшаганда, ўрталарида ёлғон, бир-бирларига нисбатан беҳурматлик пайдо бўлиш хавфи бор. Ўқотар эса ёлғонларга тоқат қила олмайди.

Икковлари ҳам ич-ичдан оилада хўжайин бўлишни хоҳлашади. Лекин бир-бирларига буни сездиришмайди.

Балиқ буржи вакили ўқотар буржи вакили учун рўзгорнинг таянчидир. Шу сабабли оилани бутунлигича унинг кўлига топширишни истади.

Ўқотар буржи вакили эса балиқ буржида туғилганлар учун омад калити. Яъни, балиқ буржида туғилганлар ўқотар буржи вакилининг фақат моддий жиҳатдан таъминланганлари билангина яқин муносабат юритишга уринишади. Бу жуфтлик биргаликда ишдаги катта-катта муаммоларни ҳал этишга қодир. Аммо оиладаги арзимаган муаммо олдида улар ўзларини жуда ожиз ҳис этишади. Улар орасида дўстлик ҳам деярли мавжуд бўлмайди. Бу икки бурж вакили фақат рақиблар сифатида қолишади.

Улар ўртасида ҳисоб-китобли никоҳ ҳам бўлиши эҳимолдан холи. Негаки, ҳатто сохта муҳаббат ҳам қурбонлар талаб қилишини улар яхши билишади.

Агар ўқотар буржи вакили ҳақиқатан балиқ буржи вакили билан бир умр яшаб қолишни хоҳласа, унда ўзининг ёмон одатларидан воз кечиши, балиқ буржи вакилининг кучли ҳиссиётига ҳурмат билан ёндашиши лозим бўлади. Майли, балиқ буржи вакилининг кайфияти ўзгарувчан. Лекин на илож? Бахт фақат чидам эвазига асраб қолинади.

Иш масаласида иккала бурж вакилининг биргаликда фаолият юритиши осон кечмайди. Башарти раҳбарлик

Ўқотар буржи вакилининг зиммасида бўлса, у ҳолда балиқ буржида туғилган ходимга ҳадеганда буйруқ бера-вермагани, ўз ҳолича ишлашга имкон яратиб бергани мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда эҳтиёткорликни ҳам унутмагани маъқул.

Балиқ буржи вакили раҳбарлик курсисида ўтирса, томошани кўраверинг. Бундай раҳбарлар ўта қаттиққўл ва ўқотар буржи вакилини турли айблар билан ишдан ҳайдаш ҳаракатида бўлади.

Уларни фақат ягона мақсад йўлидаги фаолиятгина бирлаштира олади.

Молиявий ҳамкорлик эса бу икки бурж вакилига кўз кўриб қулоқ эшитмаган муваффақиятларни тақдим этади.



ТОҒ ЭЧКИСИ

(22 декабрь — 20 январь)

Мос жуфти: Сунбула, Чаён, Бузоқ.

Тўғри келмайдиган жуфти: Эгизаклар ва Қисқичбақа.

Ёқтирадиган ранги: яшил, қора, кўк, жигар ранг, сариқ ва бошқа барча тўқ ранглар.

Йўлдоши: Сатурн, Марс.

Омадли кунлари: сешанба, шанба.

Омадсиз кунлари: душанба, пайшанба.

Ёқтирадиган гули: оқ чиннигул.

Омадли рақами: 5, 3, 7, 8, 14.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Бу бурж остида туғилганлар маънан ва жисмонан бардошли инсонлардир. Улар ўта ақлли ва қайсар. Шу боис уларни йўлидан адаштириш, қабул қилган қароридан қайтариш мушкул. Омад ҳамиша йўлдошидир. Тоғ эчкилари ўзини кўрсатишга ошиқмайди, аммо ўзини кўрсатиш мумкин бўлган барча соҳаларда уларни учратиш мумкин. Мақсади йўлида курашишдан, ҳар қандай ғовни енгишдан бўйин товламайди. Бировларнинг у ҳақидаги фикрлари уни унчалик қизиқтирмайди, ғийбатларга парво қилмайди.

Тоғ эчкилари эҳтиросларга кўпам берилавермайди. Бу билан Тоғ эчкилари ҳиссиз, демоқчи эмасмиз. Ташқи кўринишидан йўлаб бўлмас хўжайинга ўхшаса-да, ичида кўнгилчан, ширин сўз ва самимий муносабатларга муҳтож бир инсон яшайди. Ҳатто улар орасида ошкора хаёлпарастлари ҳам учраб туради. Лекин севги уларнинг кўзларини кўр, қулоқларини қар қилиб қўя олмайди.

Шунинг учун у билан муносабатларда эҳтиёткор бўлиш, яқинларининг ҳурматини жойига қўйишингизга тўғри келади. Тоғ эчкиси сизни севса-да, ҳис-туйғуларини қўпам ошкор этавермайди. Буни фақат ҳис қилишингиз мумкин.

Хушёр ва узоқни кўра биладиган Тоғ эчкилари билан беллашиб, уни ўзиб кетиш қийин. Бу мучал соҳибларининг яна бир хислати — ёши катта ва тажрибали инсонларни қадрлайди. Агар руҳий хотиржамликка эришсалар, узоқ умр кўрадилар.

Тоғ эчкиси — Қўй

Тоғ эчкиси буржи остида туғилган инсонлар Қуёш Қўй буржига ўтган пайтида дунёга келган. Шунинг учун Тоғ эчкисининг Қўй билан айрим хусусиятлари тўғри келади. Бироқ баъзан бир-бирини қўллашда қийинчилик туғилади. Қўй буржидагилар яширин ҳисларини ва фикрларини бекитиб юришга интилишади. Тоғ эчкиси эса ўз навбатида Қўйдан тартиб-интизомни талаб қилади. Қўйда шубҳаланувчанлик ҳисси кучли, айниқса, аёлларга нисбатан. Тўғрисўз ва ишонувчан Тоғ эчкиси очиқ қўнғил бўлган Қўйнинг ваъдасига вафо қилишини кутади. Қўйлар эса ваъда беришдан чарчамайдилар.

Дастлабки вақтларда хуш кайфият билан юрган Тоғ эчкиси Қўйнинг доимий равишда алдаётганини сезгач, ундан қаттиқ хафа бўлади. Улар ўртасидаги никоҳ икки ёқлама ишончсизлик, зерикиш ва икки боладан сўнг бузилишига олиб келиши мумкин. Севги алам ва тушунмовчилик билан аралашиб кетади. Бахт бўлса, оиланинг моддий шароитига боғлиқ. Қўй учун Тоғ эчкиси уй ва оила тимсоли. Тоғ эчкиси учун эса Қўй муваффақият рамзи. Агар оилада эр Қўй буржида бўлиб, Тоғ эчкиси хотин бўлса, бунга чидаш мумкин. Акс ҳолда, бу никоҳ азобнинг ўзгинаси.

Агар иш бўйича улар ҳамкорлик қилишса, бир-бирларига мос келади. Қўй ҳам, Тоғ эчкиси ҳам ўзининг ишини тез ва аъло даражада, жон-жаҳди билан бажара-

ди. Агар Қўй раҳбар, унинг қўл остида ишлайдиган ходим Тоғ эчкисида туғилган бўлса, ходимни қора ишларга кўмиб ташлаш яхши эмас. Қўйлар ҳар қандай юмушга шиддат билан киришишни яхши кўради. Аммо бирон-бир ерга мақсадсиз бориб келишни ёқтирмайди.

Тоғ эчкиси — Бузоқ

Бузоқлар билан Тоғ эчкисини умид боғлаб туради. Уларнинг сабрлилиги бир-бирига ўхшайди. Тоғ эчкисининг ақлли хислати Бузоқларга ибратдир. Бу икки бурж вакиллари иззатталабдирлар. Ҳар қандай қийин вазиятлардан бемалол чиқиб кета оладиган икки бурж вакиллари маслаҳат беришга мойил бўлишади.

Уларни ўзаро ҳамма нарса боғлаб туради. Иккаласи ҳам ҳаётга реал кўз билан қарайдилар. Доим ниятини амалга оширишга ҳаракат қилишади, агар бу иккисига ҳам тааллуқли бўлса. Умарининг охиригача бир-бирларини қаттиқ севишади.

Бузоқлар Тоғ эчкисини яхши тушуна олганликлари учун эришган омадига баҳо бера оладилар. У бор кучини ишлатиб бўлса-да, ўз жуфтига ёрдамлашади ва қандай қувонч бахш этишни ҳам билади.

Бу икки бурж никоҳининг жиддий камчиликларидан бири — доим тушкунликка тушиб қолиши ва ҳаётнинг паст-баландини бир хилда ушлаб туролмаслигидир. Шу даражадаги муносабатга боришининг сабаби — рашк, бир-бирига қаттиқ боғланиб қолганидир.

Иш бўйича ажойиб ҳамкор. Оғир ишларни ҳам эплай-верадилар.

Тоғ эчкиси — Эгизаклар

Эгизаклар Тоғ эчкиси билан оила қурсам дейди, Тоғ эчкиси эса буни хоҳламайди. Уларнинг иттифоқ топиши қийин ва узоқ сақланмайди. Сабр-тоқатли Тоғ эчкиси Эгизакнинг дайдисифат юришларига сабри етмайди. Тоғ эчкиси эрининг уйда бўлмаслигига кўникиши мумкин,

лекин такрорланаверадиган хиёнатни кечирмайди. Гарчи Эгизаклар хиёнатга унчалик аҳамият бермаса-да, Тоғ эчкиси учун бу ҳақиқий фожиа. Бунинг устига, у ўзини доим севги ва диққат-эйтибордан четда қолган, деб ҳисоблайди.

Улар ўртасидаги никоҳ оғриқли кечади. Тоғ эчкиси билан Эгизаклар бир-бирини тушуниши учун қисқа ва мантиқли гаплашиши мумкин. Эгизаклар Тоғ эчкисининг муваффақиятини, галабага бўлган интилишини қадрлайди. Омадсиз, мижғов, фаҳм-фаросатсиз одамларни Эгизаклар ёқтирмайдилар. Тоғ эчкиси Эгизакларнинг айрим жиҳатларини ўзгартиришни талаб қилади. Эгизакнинг ўзгариши осон кечмайди...

Биргаликда иш юритишса, иттифоқи узоқ давом этади. Лекин бунақаси ҳаётда кам учрайди. Агар улар шерикчиликда иш қиладиган бўлса, Тоғ эчкиси Эгизакни танқид қилмагани маъқул. Яхшиси, унинг бир неча ишни бирваракайига бажараётганидан хурсанд бўлиши керак. Эгизаклар раҳбар бўлса, Тоғ эчкисининг ишчанлиги ва топшириқларни тез бажаришини қадрлайди. Тоғ эчкиси раҳбар бўлса, Эгизаклар кўп сайр қилишни ва одамлар билан мулоқотда бўлишни хуш кўришларини эйтиборга олиши керак. Хизмат сафарларига юборишга энг яхши номзод ҳам — Эгизак.

Тоғ эчкиси — Қисқичбақа

Бу иттифоқ икки бир-бирига қарама-қарши бўлмиш бурж вакиллари учун синовлардан иборат бўлади. Худо кўрсатмасин, улар аравани икки томонга торта бошласа борми, бу оилага кўз кўриб қулоқ эшитмаган кулфатлар ёғилиши ҳеч гап эмас.

Шунга қарамасдан, улар бир-бирларини тўлдириб, аҳил оила ташкил этишлари мумкин. Икковлари ҳам ақлли, маданиятли ва ҳиссиётларга бой. Фақат ёш орасида жиддий фарқ бўлиши шарт.

Иш масаласида ҳам улар топқир, изланувчан бўлганлари боис, тез тил топишиб, сезиларли натижаларга

эришишади. Биргаликда ҳар қандай муаммоларни аъло даражада ҳал эта билишади. Агар тоғ эчкиси раҳбар лавозимида бўлса, қисқичбақа буржи вакилининг имкониятларини ҳисобга олиши ва ортиқча юмушларга кўмиб ташламаслиги керак.

Тоғ эчкиси — Арслон

Улар биргаликда юқори чўққилар сари интилишади ва омадга эришишади. Қолаверса, Арслон буржи вакили тоғ эчкиси буржи вакилининг барча яхши фазилатларини қадрлаши лозим. Шунда биргаликдаги ҳаёт янада ширин кечади.

Аммо бу иттифоқ ҳам ўта мустақкам деб бўлмайди. Вақт ўтгани сайин арслон буржи вакилига тоғ эчкиси буржи вакилининг баъзи жиҳатлари ёқмай қолади. Мабодо улар ҳисоб-китоблар асосида турмуш қурмаган бўлишса, бир кун келиб арслон ўз жуфтини ташлаб кетиши тайин. Тоғ эчкиси буржи вакили шунинг учун ҳам биринчи навбатда тўғри сўз, ҳалолликка эътибор қаратиши зарур.

Арслон буржи вакили тоғ эчкисини тер тўкиб ишлаб, уни молиявий таъминлаб турган вақтда жуда қадрлайди. Тоғ эчкиси ҳам бундай эътиборни, иззатни кўриб боши осмонга етади. Бироқ бу вақтинча эканини билмайди. Қачонки, тоғ эчкиси мўмай даромад тополмай қолса, тамом, арслон буржи вакили шу заҳоти уни ташлаб кетиш ҳаракатига тушади.

Ишда тоғ эчкиси буржи вакилидан ўтиб тушадиган яхши ходим йўқ. Шу билан бирга раҳбарликни ҳам қотира олади. Фақат бир камчилиги шундаки, у ўзини ўзи танқид остига олаверади. Бу арслон буржи вакилига уни камситиш имконини бериши мумкин.

Тоғ эчкиси — Паризод

Бу икки бурж вакилининг иттифоқи ўзаро ҳисоб-китобларга асосланган. Паризодга тоғ эчкиси буржи вакилининг тажрибалилиги, ўз мақсади йўлида тинимсиз

изланишлари ёқади. Паризод эса унинг учун маънавий ўсиш тимсоли бўлиб қолади. Бундан ташқари, муҳаббат бобида улар бир-бирларини тўлдирган ҳолда аҳил ҳаёт кечиришади.

Икковлари бир-бирларининг барча жиҳатларини қадрлашади. Икковлари ҳам ўта эҳтиросли ва бир-бирларига деярли хиёнат қилишмайди.

Ишда тоғ эчкиси буржи вакили раҳбар лавозимида бўлгани маъқул. У паризодни ходим сифатида қадрлай билади. Лекин тижоратдаги шерикчилик уларга кўзланган натижаларни бермайди.

Тоғ эчкиси — Тарози

Бу иттифоқ ҳам шартнома асосига қурилади. Лекин тарози буржи вакили сўнги нафасигача тоғ эчкиси буржи вакили қаршисида ички маданиятини йўқотмайди. Фақат у жуфтани ҳиссизлик, эҳтироссизликда айблаши мумкин. Ана шу нарса улар орасига совуқчиликлар тушириши мумкин.

Агар улар турмуш қуришни хоҳлашган бўлишса, бир ташкилотда меҳнат қилганлари маъқул. Шунда бир-бирларини тезроқ ўрганишади.

Афсуски, ўзаро яқинлик, эҳтиросли онлар узоққа чўзилмайди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, улар бир-бирларидан нафратлана бошлашади. Айниқса, тарози буржининг доимий инжиқликлари тоғ эчкиси буржи вакилининг сабр косасини тўлдиради.

Қолаверса, бу оиланинг мустаҳкамлиги учун молиявий тўкинлик ҳам катта роль ўйнайди. Тарози буржи вакили йўқчиликка сира тоқат қила олмайди.

Ишда бу икки бурж вакили бир-бирларини қадрлашади. Бир мақсад йўлида иноқлик билан иш юритишади.

Тоғ эчкиси — Чаён

Бундай иттифоқ катта куч, азоблар ҳисобига юзага келади. Чаён эҳтирослар қуршовида қолиб, азобланса, Тоғ эчкиси ўртадаги яқинликдан моддий манфаат қиди-

риш ҳаракатида бўлади. Чаён бир нарсани билиши лозим: Тоғ эчкиси ўз эҳтиросларини ҳадеганда ошкор этавермайди. Бунини ожизлик белгиси деб ҳисоблайди. Умуман, бу иттифоқ узоқ муддат ва мустақкам кечади.

Тоғ эчкиси ва Чаён яхши дўст ва бир-бирига яқин инсонлар ҳисобланишади. Мураккаб муаммоларни ҳал этишда улар бир-бирларини бажонидил қўллаб-қувватлашади.

Улар биргаликда ижодий масалаларни ҳам ҳал қила олишади. Фақат бир нарса бор. Чаён эркак бўлса, уни уйланишга кўндириш жуда мушкул. Улар ўртасидаги никоҳдан жуда чиройли, ақлли фарзандлар дунёга келади.

Иш масаласида Тоғ эчкиси ва Чаён бир-бирларини жуда тез тушуна олишади ва оқибатда яхши шерикларга айланишади. Чаён ишда ҳеч қачон дангасаликка йўл қўймайди. Чунки бунини ўзини ҳалдан зиёд ҳурмат қиладиган Тоғ эчкиси ёқтирмаслигини билади.

Тоғ эчкиси — Ўқотар

Ўқотар эркинликни унчалик хуш кўрмайди. Ана энди уни айнан Тоғ эчкиси моддий томондан қўллаб-қувватлаши, хавфсизлигини таъминлаб бера олиши муқаррар. Лекин Тоғ эчкисига Ўқотарнинг енгил фикрлаши сира маъқул эмас. Шунда ҳам икки хил фикрлайдиган, ҳаётга турлича баҳо берадиган бу икки шахс иттифоқи ўз манфаатлари йўлида арзирли натижаларга эришиш учун қўл келади. Тоғ эчкиси Ўқотарни ўз шахсий ҳиссиётлари объектига айлантурса, Ўқотар шеригининг ишончига кириб, барча ишларни унга ёқадиган даражада адо этишга уринади. Эҳтирослар бобида эса Ўқотар бемалол Тоғ эчкисини қувиб ўта олади. У Тоғ эчкисини жуда зерикарли, янгиликка интилмайдиган одам сифатида баҳолайди.

Йўқ, улар бир-бирларини ҳеч қачон тушуна олишмас керак. Негаки, Тоғ эчкиси Ўқотар билан никоҳдан ўтишдек масъулиятли ишга қўл уришда ҳадеганда бир қарорга кела олмайди. Мабодо балоғат ёшига етган бўлса,

Уқотардан ҳам худди шундай масъулиятни талаб этади. Уқотарга эса хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, бу талаб маъқул тушмайди. Кўрибсизки, ўртада жанжал бошланиши ҳам ҳеч гап эмас.

Эркак-Тоғ эчкиси бир умр Уқотар аёлининг хизмати-ни қилиб, ҳатто унинг шубҳали танишларига ҳам қўл силтай олади. Агар аёл-Уқотарнинг феъли тор бўлса, улар бир умр бир-бирларини азоблаб ўтишлари тайин.

Иш юзасидан Уқотар каби ўта тажрибали раҳбар қўл остида Тоғ эчкиси буткул ўзгариб кетиши мумкин. У раҳбарнинг ҳар бир кўрсатмасини сидқидилдан бажаради. Уқотар учун бир нарса муҳим: раҳбарнинг эътиборини қозониш.

Агар Уқотар ва Тоғ эчкиси ўзаро ҳамкорликда тижорат билан шуғулланишса, икковларига ҳам омад кулиб боқади.

Тоғ эчкиси — Тоғ эчкиси

Никоҳ жуда мустаҳкам, аммо зерикарли, дўстлик со-вуққон кечади. Иш юзасидан ўзаро муносабат, ҳамкор-лик ижобий кечса-да, омад олиб келмаслиги мумкин. Яқин муносабатга киришаётиб, Тоғ эчкиси ўзига ташқаридан бир разм солиб кўрса ёмон бўлмасди. Сиз иста-ган муносабатларга эришиш учун иккинги-нинг мақсад-ларингиз бир бўлиши лозим. Бу мақсад учун эса бор имкониятларингизни ишга солишга эринманг.

Турмушда улар икки хил фикр, дунёқараш эгалари эканликларини пайқамай, нуқул жанжаллашаверишади. Кейинчалик сезиб қолишади-ю, дарҳол хатоларини туза-тишга киришишади. Кўрибсизки, жанжаллар ҳам барҳам топиб, улар ҳаётида тотли лаҳзалар бошланади.

Тоғ эчкиси ўз уйини жонидан ортиқ кўради. Қачон қараса, жиҳозларни у ёқдан-бу ёққа кўчиргани-кўчирган. Тинчлик, осудаликни, пар ёстиқларда маза қилиб ухла-ни. фақат рангли, қимматбаҳо телевизорларни томоша қилишни яхши кўради. Бу оилада ишқий сарғузаштларга чанқоқлик сезилмайди. Негаки, улар икков ҳам дунёга

хушёр, ақлли нигоҳ ташлашади. Ўзларининг аслида ким эканликларини, ҳаётда уларга нима муҳимроқ эканини яхши англашади. Болалар бу оилани янада мустаҳкамлаши эҳтимолдан холи эмас.

Бир сўз билан айтганда, бу оила муҳаббат эмас, ҳисоб-китоб билан, етти ўлчаб бир кесиб қурилган. Йўқ, улар бир-бирларига хиёнат қилишмайди.

Иш масаласида улар тоғни толқон қилишга қодир. Икковлари ҳам то бир мақсадга етмагунча бетиним иш-лашади. Ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам биргаликда осон ҳал қилишади. Икки тоғ эчкиси ўртада тижорат фирмасини ташкил этишса борми, бир дунё даромад эгалари бўлишарди.

Тоғ эчкиси — Қовға

Ўртадаги никоҳ узоқ давом этмайди. Қовғага мустақиллик ва хилма-хиллик, Тоғ эчкисига аниқ мақсад керак. Тоғ эчкиси ҳамда Қовға ўртасида ҳаётга турлича қарашлар туфайли келишмовчиликлар юзага келади. Чунки бир нарса аниқ. Тоғ эчкисини кўпроқ моддий манфаатдорлик қизиқтиради.

Икковлари ҳам ўз ҳисларини бир-бирларидан сир тутишни маъқул кўришади. Шунинг учун бўлса керак, Қовға ўз шеригини етарлича романтик эмас деб ҳисобласа, Тоғ эчкиси унга хилма-хиллик, ранг-баранглик этишмаслигида айблайди.

Гарчи улар бирга пайтларида ўзларини жуда яхши ҳис этишса-да, барибир жанжалдан тийила олишмайди. Қовғанинг сергаплиги, масъулиятни тўлиқ ҳис эта олмаслиги Тоғ эчкисининг гашига тегади. У, ахир, рашкчи! Қовға эса рашк учун сабаблар яратаверади. Лекин Қовғага ҳам осон тутиб бўлмайди. Доимо уйда ўтиравериш кимга ҳам ёқиб тушарди дейсиз. Қаерларгадир кетгиси, саргузаштларга бой ҳаёт уммонига шўнғигиси келади-ю, Тоғ эчкисининг рашки бунга сира йўл бермайди. Шу сабабли ҳам улар тез орада ажрашиб кетишади.

Ишда эса Тоғ эчкиси Қовғага зарур муҳитни яратиб бериш имконига эга эмас. Бу йўлда қанча интилиб, ҳаракат қилмасин, Қовға бунга ўзи мустақил эришишни маъкул деб билади.

Тоғ эчкиси — Балиқ

Тоғ эчкиси ва Балиқ яхши келишишади. Балиқнинг ёнида Тоғ эчкиси ўзини хотиржам ҳис этади.

Агар кунларнинг бирида Тоғ эчкиси қандайдир жиддий муаммоларга дуч келса-ю, Балиқ ўз хавфсизлиги ҳақида қайғуришни бошласа, улар ўртасида ишонч ўз-ўзидан йўқолади ва буни тиклашнинг сира иложи йўқ. Икковлари ҳам ўзлари билан ўзлари бўлиб қолишади.

Тоғ эчкиси ва Балиқ ўртасида романтика камроқ бўлиши мумкин. Аммо шунга яраша жанжал, келишмовчиликлар ҳам деярли кўзга ташланмайди.

Тоғ эчкиси ҳамда Балиқ иш масаласида, дўстлик, муҳаббат, никоҳда бир-бирларига жуда мос келади. Никоҳ уларга маънавий ўсиш ва ривожланишда катта кўмак беради. Улар нафақат оилавий ҳаётни ёқимли кечирешади, балки, иш, фанда ҳам жуда мос шериклар ҳисобланишади. Агар Балиқ оилада бирор хатоликка йўл қўйса ва бунинг оқибатида ўзаро келишмовчиликлар юзага келса, бир кун келиб Тоғ эчкиси қўл силташи ва ҳаммасига барҳам бериши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам Балиқлар ўзларидан келиб чиқиб, ҳар бир масалага хушёрлик билан муносабатда бўлишлари талаб этилади.

Балиқ жуда нозиктаъб ва сирли. У ўзидаги мана шу ноёб фазилатлар билан Тоғ эчкисини яшашга ўргата олади. Ҳатто қалбидаги муҳаббат оловини алангалатишга ҳам қодир.

Агар ўз ишига уста бўлса, ишда Тоғ эчкиси Балиқ раҳбарнинг барча буйруқларини сўзсиз адо этади. Сабаби, Тоғ эчкиси инсонлардаги бу хислатни жуда ҳурмат қилади. Молиявий ҳамкорлик Тоғ эчкиси ва Балиқлар учун омадлидир.



ҚОВҒА

(21 январь – 20 февраль)

Мос жуфти: Тарози, Арслон, Балиқ, Ҷўқотар, Эгизаклар.

Тўғри келмайдиган жуфти: Бузоқ, Чаён.

Ёқтирадиган ранги: кўк-яшил, кулранг, бинафшаранг.

Йўлдоши: Сатурн.

Омадли кунлари: чоршанба, шанба.

Омадсиз кунлари: якшанба.

Ёқтирадиган гули: бинафша, нарғис гули.

Омадли рақамлари: 2, 4, 8, 9, 11, 13.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

У ҳафталаб дангасаликка берилиши, лекин бир ойлик ишни бир ҳафтадаёқ бажариб қўйиши ҳам мумкин. Бачканалик, мутаассиблик унга мутлақо бегона. Ундаги ишончсизлик ўткинчи ҳолат бўлиб, унинг ўрнини дарров хотиржамлик ва ташаббускорлик эгаллаши мумкин. Хаёлингизга ҳам келмаган пайтда сиз ҳатто ўйлаб кўрмаган ишни қилиб, лол қолдириши ҳеч гапмас. Сиз Қовға билан ўз ёлғизлигингизни унутасиз.

Дўст танлашда сонига эмас, сифатига аҳамият беради. Шу боис, унинг дўстлари кўп эмас. Аммо унга ўзга тақдирлар қизиқ туйилаверади. Мабодо Қовға билан орангизга совуқлик тушса, иситишга уриниб овора бўлманг. Агар қалбида озгина из қолдирган бўлсангиз, билингки, бир кун албатта олдингизга қайтиб келади.

Қовға — Қўй

Қовға ва қўйнинг ўзаро муносабатлари икковлари учун ҳам хушнудлик бахш этиб, доимо янгиликлар сари чорлаб туради. Фақат Қовғада шиддатлилик сал етишмайди. Қўй эса буни тез илғаб, уни буткул бошқа бир одамга айлантириш қобилиятига эга. Қовға билан муносабатларда унинг сирларини очишга ундаманг. Аскинча, сирлилигича қолдиришни маъқул, деб билинг. Шунда у оёқларингиз остига бутун дунёни поёндоз қилишга тайёр бўлади.

Қўй билан Қовға ўрта ёшга бориб танишганлари маъқул. Акс ҳолда бир-бирларини тушунишлари жуда қийин кечади. Қовғани Қўйнинг ҳамиша диққат-этиборда бўлишга уриниши жаҳл отига миндириши мумкин. Йўқ, Қўй зинҳор бу ҳаракатига Қовғани ҳам шерик қила кўрмасин. Қовға бир хафа бўлса борми, бу ҳолати анча вақтгача чўзилади.

Лекин бу иттифоқ икки томон учун ҳам барибир омадли. Негаки, икковлари ҳам ҳаракатчан, ўз фикрига эга ва фаол шахслардир. Бир жойда қўл қовуштириб ўтиришни ёқтиришмайди. Кўп дўстлар, таниш-билишлар орттиришни маъқул кўришади. Муҳаббат уларга руҳий қанот бериб, ўртадаги пайдо бўлажак хафагарчиликларга барҳам беради. Тўғри, бу ишқий кечмишлар оилавий муаммолар кўндаланг бўлган лаҳзаларда йўққа чиқиши ҳам мумкин. Ана шунда кўп нарсалар Қовғага боғлиқ бўлади. У ташқи дунё таъсирида аста-секин ўзгара бошлайди. Хоҳласа, ўртада йўқолиб бораётган яқин муносабатларни тиклаш қудратига эга.

Ишдаги шерикликда Қўйлар ақл-фаросатлиликлари сабаб Қовға билан тез тил топиб кета олишади. Қовға улардаги артистона қобилиятларни кўриб ўзларида йўқ мамнун бўлишади. Бу эса ишнинг тобора олдинга силжишидан даракдир. Тижорат ҳам гарчи таваккалчиликни кўпроқ талаб этса-да, охир-оқибатда омадли кечади.

Қовға — Бузоқ

Бузоқ ва Қовға ўртасидаги муносабатлар ташқаридан қараганда, ажойиб туйилса-да, аслида руҳий зўриқишлардан иборатдир. Бундай муносабатларни сақлаб қолиш фақат уларнинг ўзига боғлиқ. Икки ўртадаги садоқат, Қовғанинг топқирлиги чексиз эканига қарамай, Бузоқ ҳамини хавотирда яшайди. Ваҳоланки, Қовғанинг келажакни кўра олиши, янги-янги режаларигина Бузоқнинг келажакни гулзорга айлантира олади.

Қовға ҳаётда сал “дайди”роқ. Мана шу жиҳатлари бир кун келиб Бузоқнинг сабр косасини тўлдиради. Унинг ярим тунда уйга қайтиши, дўстларни ортиқроқ севишига Бузоқ бардош бера олади. Аммо хиёнатга қўл уриб туришига тоқат қила олмайди. Бу Бузоқ учун фожиадан бошқа нарса эмас. У доимо эътиборга, севгига, эркалашларга зор бўлиб яшайди. Бундай никоҳ Бузоққа сира маъқул келмайди.

Қовға ва Бузоқ ўртасидаги иттифоқ ижодда, ёрқин ҳаётга эришишда жуда қўл келади. Икки томон ҳам моддий жиҳатдан етарли тасаввурга эга. Агар охиригача шундай кечса, шубҳасиз, икковлари ҳам кўз кўриб қулоқ эшитмаган муваффақиятларга эришишлари таъин.

Қовға ва Бузоқ ўртасидаги никоҳ узоқ давом этмайди. Бунга ҳам асосан Қовғалар сабабчи бўлишади. Йўқ, реал ҳаётда фақат ўзиникини маъқул деб билиш яхшиликка олиб келмайди. Буни Қовға ҳам, Бузоқ ҳам ўз вақтида англаб, вазиятга тўғри баҳо бера олишса, нур устига аъло нур бўларди.

Иш юзасидан ҳам муносабатлар доим кўнгилдагидек кечавермайди. Бузоқ хоҳ раҳбар, хоҳ оддий ишчи бўлсин, барибир уни Қовғанинг тепса тебранмаслиги азоблайверади. Ана шунинг оқибатида ўртада қачон қараса келишмовчиликлар юзага келаверади.

Қовға — Эгизаклар

Эгизаклар Қовға қанчалар кўллаб-қувватлашларга муҳтож эканини сезиб, унга кўмак беришга интильмасин, Қовға бу муносабатларга оддий бир ўйинчоқдек қарайди. Лекин Эгизаклар анойи эмас. Улар интилишади, ҳаракат қилишади ва натижада Қовғани яхши томонга ўзгартира билишади.

Никоҳ тўлақонли омадли кечади. Агар уларнинг иккиси ҳам бир мақсад йўлида қадам ташлашса, албатта, бир дунё қувонч, шодлик эгалари бўлишади. Болалар ҳам икки орадаги никоҳ мустаҳкамланишини таъминлаб беришади. Қовға ва Эгизаклар ҳаёти, йўл-йўлакай учраб турадиган майда дилхираликларни ҳисобга олмаганда, жуда осуда кечади.

Тўғри, бу ерда муаммолар ҳам йўқ эмас. Аввалига томонлар эҳтиросларга кўмилиб, бир-бирларини ёруғ дунёга ишонмай яшашади-ю, рўзгор ташвишлари кўпайиши билан муносабатларга путур ета бошлайди.

Иш юзасидан кечадиган муносабатда Қовғани Эгизаклардан етадиган моддий манфаат кўпроқ қизиқтиради. Аслида улар ишда деярли бир хил. Икковлари ҳам қандайдир беписанд, артистликка мойил. Лекин бир ишни охиригача етказиш тарафдорлари. Агар уларга зудлик билан бажариладиган юмушни топширмасангиз, эркин ҳолда ҳар қандай ишни ҳам дўндира олишади. Чунки уларга шошилиш, тазйиқлар, кимнингдир қаршисида ўзини мажбурдек ҳис этиш ёқмайди.

Қовға — Қисқичбақа

Бундай шерикчиликда уларни катта синовлар кутади. Бир кун келиб Қовға қарасаки, ўзи романтик дея ҳисоблаган Қисқичбақа тамоман бошқа одам экан. Шунда бирдан Қовғанинг Қисқичбақага бўлган муносабатлари ўзгаради. Албатта, бу нарса Қисқичбақанинг руҳан тушкунликка тушишига сабаб бўлади.

Уларнинг феъл-атвори ҳам турлича. Қисқичбақа юмшоқ кўнгил, ҳар нарсага кўниб кетаверадиган. Ўз хаёллари билан яшайдиган одам. Қовға эса совуққон, вазиятга қараб иш тутади. У Қисқичбақанинг нозиктаъблигини ҳадеганда тушуна билмайди. Лекин Қисқичбақа ҳаммасига кўз юмади. Агар келгуси ҳаёт албатта ширин кечишига кўзи етса, қандай йўл тутиб бўлмасин, Қовғани яхши томонга ўзгартиради.

Ишда эса Қисқичбақа ва Қовға ўртасида ҳавас қилса арзигулик муносабатлар мавжуд. Қовғанинг доимий равишда ислоҳотларга интилиши Қисқичбақани ҳайратга солади. Қарабсизки, икковлашиб бир мақсад йўлида тер тўкишади. Натижа эса маълум. Улар ўзлари истаган, орзулаган натижаларга эришишади.

Дарвоқе, раҳбарлик кўпроқ Қисқичбақалар тарафида бўлгани маъқул. Чунки улар Қовғага нисбатан одамларни кўпроқ тушунади, молиявий муаммолар исканжасидан ҳам матонат билан чиқиб кета олишади.

Фақат Қовға ва Қисқичбақа юзма-юз ўтириб, юракдан суҳбат қура олишмайди. Бунга хоҳиш ҳам, вақт ҳам йўқ.

Қовға Қисқичбақа раҳбарнинг артистлик билан иш тутишини кўргач, итоаткор бўлиб қолади. Бу, албатта, келажакда икки ўртада дўстлик, яқин ҳамкорлик пайдо бўлишига олиб келади.

Қовға — Арслон

Бу қарама-қарши бурж вакиллари бир томондан қараганда, бир-бирларига жуда ўхшаб кетишади. Аммо вақт ўтгани сайин маълум бўладики, Арслон барчанинг диққат эътиборида бўлишни хуш кўради. Шу билан бирга у Қовғанинг иродаси етмаган барча жавобгарликни бўйнига ола билади. Ҳақиқатан, Қовға бу борада анча заиф. У нима қилса қиладики, жавобгарлик деган тушунчадан қочишга эришади.

Арслон Қовғани баъзи ҳолларда сира тушуна олмайди. Бир қараса, яқин кишидек, бир қараса, бегонадек туюлаверади. Ўзини тутиши, муомаласи, теварак-атроф-

дагилар билан муносабати ҳам негадир тушунарсиздек... Энг ачинарлиси, хиёнаткор сифатида Арслонда шубҳа уйготсами... Йўқ, буни Арслон ҳеч қачон кечира олмайди. Ахир Қовғага бундай қаттиқ интизом, таъқиблар остида яшаш жуда оғир!.. Ана шунда ўз ўрнини топиш, “кимнинг ўрни қаерда?” деган мавзуда можаролар бошланиб кетади. Иккаласи ҳам бир-бирига эркинлик бермаслиги, бир-бирига бўйин эгмаслиги натижасида на Қовға, на Арслон омадга эриша олишади. Бундан ташқари, пул масаласида ҳам келишмовчиликлар юзага келади. Бироқ икковларидан кимдир қийналиб қолса ёки касалга чалинса, албатта бошқаси унинг ёнида бўлади.

Қовға ва Арслон бир-бирларини эҳтирос билан севиб, бир-бирларидан тўлақонли розидирлар. Ўртадаги никоҳ кўпчиликнинг ҳавасини келтира олади.

Агар Арслон барчанинг диққат-эътиборида бўлиш ҳақида камроқ ўйласа, ўзини бошқалардан ҳадеб устун қўявермаса, Қовға билан ажойиб ҳаёт кечирган бўларди.

Иш масаласида Қовғага осон бўлмайди. Негаки, Арслон ишхонадаги вазиятга, шарт-шароитларга қараб иш тутишни маъқул кўрадиганлар хилидан. Хоҳ бошлиқ, хоҳ шерик бўлсин, уни турли-туман ғоялар сира қизиқтирмайди. Аксинча, кабинетдаги безаклар, ходимларга яратилган шароитларга кўпроқ разм солади. Қовға нима қилсин? Унинг олдида иккита йўл қолади. Ё бир дунё пул сарфлаб Арслонга ёқадиган шароит яратади, ё унинг ўрнига бошқа бир ходимни ишга қабул қилади.

Арслон раҳбар бўлса-чи? Унинг эгнида қимматбаҳо кийимлар, қабулхонасида келишган котиба хизмат қилиши зарур. Иши юришадими-йўқми, буларнинг барчаси чикора. Шундай экан, хизматчи бўлмиш Қовға бир умр бундай раҳбарни тушуна олмай қийналиши аниқ.

Қовға — Паризод

Ўртадаги муҳаббат то Паризоднинг сабр-косаси тўлмагунча давом этаверади. Лекин Паризод шунда ҳам Қовгани айбламайди. Индамай қўя қолади.

Паризод аёлларга осон эмас. У Қовғани севади. Шунинг учун ҳам ўзини ҳамон боладек тутаетган турмуш ўртоғининг хурмача қилиқларига чидашга мажбур бўлади. Характерлар, дунёқараш, ҳаётга муносабат турлича бўлганлиги сабабли ораларида тез-тез келишмовчиликлар юзага келади. Нега? Чунки Қовға эркакнинг фикрлаши сунъий. У вазиятга қараб иш тутади. Паризод эса аксинча ҳар тарафлама очиқ-ойдинликни маъқул кўради.

Қовға Паризод билан муносабатларга киришишдан аввал моддий томонларини зимдан текшириб кўради. Уни синайди, ортидан кузатади. Тўғри, Қовғанинг ўзига бўлган диққат-эътибори Паризодга қанот бағишлаши ҳам мумкин. Аммо бу вақтинча. Эҳтирослар, куйиб-ёнишлар кўз очиб- юмгунча ўтиб кетади ва улар бир-бирларини алдаб яшаганликларини тушуна бошлашади. Қовға Паризоднинг ҳаётда мустақил, эркин ҳаёт кечиришини таъминлаб бера олмайди.

Ҳамкорлик масаласида Паризод Қовғага етарлича эркинлик бергани маъқул. Дарров Қовғанинг турли ғояларига эътибор қаратиб қўйишни маслаҳат бермаймиз.

Ишда Паризод Қовға билан тез келишиб кетади. Бироқ Қовға ўз ишининг устаси бўлиши лозим. Шунда Паризод Қовға раҳбарнинг котибаларга ўчлигини ҳам, қимматбаҳо кийимларни хуш кўриши-ю бошқа камчиликларини ҳам кечира олади.

Қовға — Тарози

Улар энг яхши дўстлар бўлиб қолишлари мумкин. Агар Тарози чуқур муносабатлар тарафдори бўлса, у ҳолда Қовғанинг кўнглини ола билиши керак.

Маиший томонларни ҳисобга олмаса, улар ўртасидаги дўстликда муаммолар пайдо бўлмайди. Фақат ишқий эҳтиросли лаҳзалар тугаб, ҳаёт тўсиқлари бошланганда даҳшатли воқеалар юз бериши мумкин. Уй-жой масаласи, ҳаётга турлича қарашлар орага совуқчилик туширади. Тўғри, Тарози ён бера олади. У Қовғанинг моддий

имкониятларини тўғри баҳолай билади. Фақат... Бунга Қовға ҳам кераклича муносабат билдира олсайди...

Улар бир-бирларини сира зериктириб қўйишмайди. Ана шу нарса Қовға ва Тарози ўртасидаги никоҳни бирмунча мустаҳкамлайди. Одатда улар нафақат бир-бирларини ёниб севишади, қалин дўстга ҳам айланишади. Паризоддан эса Қовға билан ана шу дўстликни, яқинликни бир умрга асраб қолиш учун чегарадан чиқмаслик талаб этилади.

Иш масаласида ҳам у қадар қийинчиликлар кўзга ташланмайди. Тарози раҳбар Қовға ходимга керагича эркинлик бериб қўйиши мумкин. Лекин яширинча бошқариш усулидан унумли фойдаланади.

Қовға ва Тарози ҳамиша дўстларга энг оғир вазиятларда бажонидил кўмакдошдирлар. Фақат улар билан қандайдир битимлар, шартномалар имзолашда эҳтиёт бўлган маъқул. Икковлари ҳам худди артистлардек айёр, ўта тажрибали.

Қовға — Чаён

Чаёнлар жуда рашкчи, Қовға эса, аксинча, ўзини оғир-босиқ тута олади. Бу иттифоқ ўта қайсарлик асосига қурилади. Гарчи икковлари бирга яшасалар-да, ҳар бири худди ўзи учун яшаётгандек ўз хаёллари билан банд бўлади. Бу жуфтликни оловга ўхшатса бўлади. Чаён эҳтирос ўтида ёнади ва ўз домига аста-секин Қовғани ҳам торта бошлайди. Қовға эса рўзғор ташвишлари билан банд. Эҳтирос масаласига вақт ажрата олмайди. Ана шунда Чаён уни бу йўлдан қайтариш, ўз йўлига юрғазиш ҳаракатига тушади.

Тўғри, ўртадаги муҳаббат эҳтиросларга бой. Бироқ бу ҳам вақтинча. Бир кун келиб икковлари ҳам бир-бирларидан совий бошлаганликларини ҳис этишади. Айниқса, олдинда ҳаёт муаммолари пайдо бўлса, кўрибсизки, аввалги куйишлардан асар ҳам қолмайди.

Қовға эркак гарчи ўзига етгунча лоқайд, ҳаёт муаммоларига ўралиб қолган бўлса-да, бир кун келиб ўз

жуфтнинг ақл-фаросати, киришувчанлигини кўриб ҳайратга тушади ва ўзи ҳам ўзгара бошлайди.

Бундай иттифоқда оилага, болаларга нисбатан меҳроқибат, жавобгарлик ҳисси ўта ривожланган. Агар жуфтлик бир-бирлари учун туғилганликларини англаб қолишса борми, шу ондан бошлаб ҳаётдаги майда-чуйда камчилик, етишмовчиликларга эътибор беришни бас қилиб қўя қолишади.

Ишда омадлари кулган десак сира хато бўлмайди. Тўғри, Чаёнга топширилган вазифа маъкул келмаса, жанжал кўтариши ҳам мумкин. Бу ҳолда Қовға раҳбарнинг олдида биргина йўл бор: Чаёнга ёқадиган вазифани топшириш.

Чаён раҳбар эса бир нарсани яхши билиши лозим. Қовға ходимлар дўстона муносабатларни кўпроқ қадрлашади. Атрофида ширинсухан, ёқимтой ходимлар ишлашлари керак. Ва Қовға ходим ўз иш жойини ўзи танлаши зарур.

Тижоратда ўзаро ҳамкорлик кўз кўриб-қулоқ эшитмаган муваффақиятларга гаров бўла олади.

Қовға — Ўқотар

Бу иккисини истиқболи порлоқ жуфтлик деса бўлади, лекин бу таъриф ўзини оқламаслиги ҳам мумкин. Улар бир-бирига кўп ваъда бериб, бу ваъдаларнинг амалга ошишига жуда ишонадилар. Уларнинг ўртасида ортиқча тамаларсиз дўстона ва ёқимли муносабатлар узоқ давом этиши мумкин. Иккиси ҳам жуда ақлли. Ҳар бир нарсани мантиқан фикрлай олади. Аммо мантиқан бир-бирига интилган бу жуфтликда эҳтирослар теранлиги етишмаслиги мумкин. Бошқача айтганда, Қовғанинг бироз совуққонлиги Ўқотарга оғир ботади.

Уларни биргаликда бахтиёр вақт ўтказиш учун ҳар қандай қаллобликка тайёр бўлган идеал жуфтлик деб ҳисобламаса ҳам бўлади. Иккови ҳам ўзининг ва ўзгаларнинг эркинлигини қадрлайдилар. Бироқ оила — эркинликни чегаралаш ва янги мажбуриятлар дегани, бу

эса эркинликни, озодликни севувчи Ўқотар ва Қовға учун офир масала. Улар оиласининг узоқ сақланишини тасаввур қилиш қийин: серҳаракатчанлик, эркинликни севиш, ўзгаришларга талпиниш уларга халақит беради. Фарзандли бўлишдан аввал Ўқотар ва Қовға жиддий ўйлаб олишлари керак: биринчидан, болалар уларнинг саргузаштларига халақит беришлари мумкин, иккинчидан, жавобгарликни ҳис этмайдиган бу жуфтликнинг фарзандини қандай келажак кутаётганини олдиндан тасаввур этиш мушкул.

Хизмат масаласида Қовғалардан улар бажара олиши мумкин бўлганидан ортиғини талаб қилиш керак эмас. Ўқотар ҳамма ҳам уларга ўхшаш фидойи ишчи-хизматчи бўла олмаслигини билиши керак. Қовғалар учун муҳими — ўзининг юқори ривожланган эстетик талабларини қондириш, бунда Ўқотар, агар у чиндан ҳам ақлли ва ишчан раҳбар бўлса, ҳар қанақасига ёрдам қилиши керак. Янги ва оригинал шароитда Қовғалар ишчанлигини сақлайдилар. Қовға-раҳбар кўнгилчан ва мустақил Ўқотарни осонлик билан мафтун этади ва унга тўлиқ эркинлик ва мустақилликни яратолгани каби хом хаёлга чўндириб, унинг барча имкониятларидан фойдаланиб қолади.

Қовға — Тоғ эчкиси

Умуман, узоқ муддатли никоҳ бўлиши учун бу ноқулай жуфтлик. Қовғага мустақиллик ва хилма-хиллик хос, Тоғ эчкисига эса мақсад ва мунтазамлик. Иккала инсон ҳам биргаликда ишлаб топилган бойликларга ниҳоятда жиддий муносабатда бўлиши мумкин, лекин Тоғ эчкисини юқори даражада моддий барқарорлик қизиқтиради. Иккови ҳам ўз ҳис-ҳаяжонларини яширишни маъқул билдилар. Қовға ақл билан яшаши учун Тоғ эчкиси ўз ҳис-ҳаяжонларини назорат қилгани маъқул. Шунинг учун Қовға ўз жуфтини нозиктаб ва романтик эмас, деб ҳисоблайди, Тоғ эчкисини эса Қовғанинг эътибор бермаслиги ва бой тасаввурини ишга солмаслиги ажаблантиради.

Улар биргаликда ўзларини яхши сезишади, аммо бу ҳолат уларни ажрашишга олиб келадиган низо ва можаролардан сақлай олмайди. Қовғанинг дилкашлиги ва мажбуриятсизлиги маънавий ва моддий нуқтаи назардан Тоғ эчкисига қимматга тушади. Қовғага ҳам осон эмас — у чекланган эркинлик ва “рамкада яшаш”га узоқ вақт чидолмайди. Жуфтлар тез ажраладилар ёки ҳар доим жанжаллашиш учун баҳона қидирадилар. Шу билан бирга камдан-кам ҳолатларда бундай жуфтлик бир неча ўн йил давом этадиган оила қурадилар.

Тоғ эчкиси ва Қовғанинг умумий интеллектуал илдизлари бир, лекин хулқ-атворнинг кўп жиҳатлари турлича. Тоғ эчкиси — якка, Қовға эса улфатларни яхши кўради. Биргаликдаги ижодий тадбирларда Қовғанинг орттирган тажрибаси қўл келади. Шу билан бирга улар нечоғлик бир-бирининг ишига кам аралашсалар, шунчалик биргаликдаги ҳаёти осон кечади.

Иш билан боғлиқ масалаларда Тоғ эчкисининг Қовғага зарур бўлган шарт-шароитни яратиб беришга қурби етади. Қовғаларни уйғунлашган шароит билан таъминлаши учун ҳар иккисида юқори даражада ҳам дид, ҳам ишбилармонлик, ҳам фаросат етарли. Тоғ эчкиси биргаликдаги ҳаракатлар учун замин тайёрлайди, Қовға эса ўз хатоларидан хулоса чиқаришни ёқтиради. Қовға-раҳбар феъл-атвори танқидий Тоғ эчкисининг танбеҳларини енгил ва тўғри қабул қилади, чунки билади, Тоғ эчкиси ҳеч қачон унинг ҳаёти мазмунини ташкил этган умумий ишга зиён етказадиган маслаҳатларни бермайди.

Қовға — Қовға

Бундай жуфтликдан чуқур муносабатларни кутиш керак эмас. Улар эр-хотин эмас, кўпроқ ҳамкорлар, дўстлар, сафдошлар қаторида бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам кўзгудаги каби ҳақиқий муносабатларни акс эттиради. Агар муайян вақт мобайнида ҳаммаси яхши бўлса, тез вақт ичида бир-бирини ишини билмаслиги ва уйни тута олмасликда айблайдилар. Ўзаро муносабатлар-

даги жисмоний яқинлик иккинчи даражали бўлиб қолади ва улар аниқ масалаларни ҳал қилиш ўрнига хаёлан қайғуришларга кўпроқ берилдилар. Бу икки жуфтлик кўпроқ жамият ҳаётида фаол қатнашишса ва уларни умумий маънавий манфаатлар бирлаштиради, бундай никоҳ кўп вақт мобайнида сақланиши мумкин, лекин шу билан бирга уларнинг уйларида қандайдир бўшлиқ мавжудлиги сезилиб туради.

Улар бир-бирларини ниҳоятда яхши билдилар ва тушунадилар, шунинг учун ўзларининг камчиликларидан усталик билан фойдаланадилар. Бир-бирларига елкадош бўлишга тайёрлар. Севги-муҳаббатдан ташқари эр ва хотинни дўстлик ва ҳурмат боғлаб турса, никоҳ мустаҳкам бўлади. Иккови ҳам эркин. Уйда, улар ниҳоятда кам бўлишларига қарамай, ҳамиша тинч. Қовғалар мураккаб вазиятларда осон ечим топа оладиган бахт эгаларидирлар. Биргаликда ишчан жуфтлик, иккови ҳам қандай шароитда ишлашига тўғри келишидан қатъий назар янгиликларга ва янги услубга интиладилар.

Ҳамкорлик ва ҳурмат ҳар қандай шароитда ҳам Қовғаларни бир-бири билан можаро қилишга йўл қўймайди, лекин улар ўртасида шахсий боғлиқлик пайдо бўлмаса, биргаликда ишлаш ҳақиқий қийноққа айланади. Иккови ҳам асабийликни ва шошма-шошарликни ёмон кўрадилар. Лекин ҳар доим шошилмасдан ишлайдилар. Қовғалар орасида жуда кўп юқори малакали мутахассислар бор.

Қовға — Балиқ

Ижодкорлар орасида бундай никоҳ кўп учрайди: бирга яшашнинг ўзиёқ уларда ижодга илҳом бағишлайдиган азобли ҳиссиётлар ва дард уйғотади. Кейин бу дардлар китоб, картина ва фильмларда акс этади. Муносабатларнинг илк босқичида, одатда, бир-бирларига бутунлай ёпишиб олишади. Қовға Балиқнинг тез-тез ўзгарадиган кайфиятини тушунишга уринади. Балиқ эса Қовғанинг заковати ва муомала маданиятига қойил қолади. Бироқ

кўп ўтмай улар бир-бирларига қанчалик ўхшамасликларини тушунишади. Балиқларнинг худбинлиги туфайли Қовғалар кўпинча эркини бой бериб қўйишади. Балиқлар эса ўзларини ташвишли ва ноқулай сезишади. Эрксевар Қовғалар Балиқлар учун ёлғизлик омили ва доимий ташвишлар манбасига айланади.

Жуфтликнинг муаммолари дунёқарашларнинг ҳар хиллиги туфайли келиб чиқади. Кўпинча рашк, алам, жанжал кузатилади. Шу боис, иккиси ҳам келишиб яшаши керак.

Бундай жуфтликда Қовғалар ақл, Балиқлар эса ҳиссиётлар билан яшайди. Қовға қатъий туриб қарор қабул қилади. Балиқлар эса жуфтига ён беради. Агар улар бир-бирини тушунишни ўрганишса, уларнинг жуфтлиги бахтли бўлиши мумкин. Эркак Қовға, аёл эса Балиқ буржида бўлса, никоҳ анча мустақкам бўлади.

Иш борасида тил топишган бундай жуфтлик ҳар қандай ташкилот учун катта фойда келтириши мумкин. Балиқлар оғир, мураккаб, ижодий ишга эҳтиёж сезишади. бундай иш уларга чин маънода қувонч бағишлайди. Аммо улар назарияда унчалик кўп билимга эга эмаслар. Қовға Балиқнинг ишига нафосат, енгиллик бағишлаши мумкин. Аммо улар ўртасида зиддият келиб чиқиши ҳам ҳеч гап эмас. Ишга берилиб кетган Балиқ кўполлик қилса, Қовға қаттиқ азоб чекади. Ҳамжиҳатликда улар ҳар қандай муаммони ҳал қилишлари мумкин. Энг оғир дамларда бир-бирларига ёрдам бериб, тўсиқларни енгиб ўтадилар.



БАЛИҚ

(21 февраль – 20 март)

Мос жуфти: паризод, ёй, қисқичбақа, тоғ эчкиси, чаён.

Тўғри келмайдиган жуфти: тарози ва эгизаклар.

Ёқтирадиган ранги: бинафша ранг, кўк, кул ранг, қизил.

Йўлдоши: Венера, Юпитер.

Омадли кунлари: душанба, пайшанба, жума.

Омадсиз кунлари: чоршанба.

Ёқтирадиган гули: бинафша, наргис гули, ясмин гули.

Омадли рақамлари: 3, 6, 7, 11, 9, 12.

УМУМИЙ ТАЪРИФ

Бу мучалда туғилганлар танқидга дош бера олмайдилар. Уларни мол-дунё қизиқтирмайди. Миллионер бўлишга интилмайдилар, аммо миллионерлардай яшашни орзу қиладилар.

Балиқлар ҳаётнинг ёмон томонларига жирканч назар билан қарашади. Уларнинг хотираси мустаҳкамдир.

Улар орасида кўпроқ ҳақиқий истеъдод эгалари етишиб чиқади. Муҳтожларга ёрдам бериш уларнинг асосий вазифаси. Агар балиқ бирор маслаҳат бергудек бўлса, унинг сўзидан ҳақорат кулоқ тутишингиз зарур. Аммо уларнинг сўз-хатмидош бўлиш қийин, чунки балиқлар танқидга беролмайдилар. Уларни тушунишга ҳаракат қилишингиз, қўлингиздан келганча ёрдам беришингиз керак. Чунки улар ҳеч қачон бировга ёмонликни раво кўрмайдилар.

Балиқ — Қўй

Қўйнинг Балиқ билан муносабати бола (қўй)нинг до-нишманд билан қилган муносабатини эслатади. Уларни хаёлпарастлик ва бой тасаввурлар бирлаштиради, икко-вининг ҳам қўнгли бўш.

Буржлар Қўйдан бошланиб, Балиқ билан тугайди. Қўй жанг қилишга отилади, чунки ҳали таъзирини ема-ган ва оқибатини ҳис қилмайди. Балиқлар ҳаётнинг паст-баландини яхши билишади ва янги чўққиларни забт этишга тайёр туришади.

Оққўнги, хушчақчақ қўй учун сирли балиқлар билан муомалага киришиш ниҳоятда қийин. У жавобсиз севги-дан азият чекиб, бебаҳо суюқлисининг қўнглини олишга ошиқади, лекин бунга бефарқдек кўринган балиқ қўйдан ўзини олиб қочади. Қўйнинг бефарқ ва бақироқ жуфти-га интилишини кимдир юксак даражадаги фазилат деб қадрласа, бефарқлик ва совуққонлик балиқлар учун тўсиқ бўлиши мумкин. Бу икки жуфтлик ўзларининг ички дунёсини ва табиат инъом этган ички уйғунликни ниҳо-ятда қадрлайдилар.

Бундай иттифоқ қўйга фожиа келтириши, унинг соғ-лиғининг ёмонлашишига олиб бориши мумкин. Балиққа бўлган муҳаббати ҳар доим оғир ва жавобсиз. Лекин бир-бирига бўлган муҳаббат туфайли балиқлар ўзлари истамаган ҳолда қўйнинг шахсини таниб бўлмас даража-да ўзгартириб юборишлари мумкин. Улар бутунлай қарама-қарши фикрловчи инсонлардир, бир-бирларини тушуниш улар учун ниҳоятда қийин. Бундан ташқари, ҳар қандай кичик муаммо пашшадан фил ясалиши даражасигача етиб боради. Балиқлар ўзлари тушунмаган ҳолда танқидчили-ги ва майда гаплиги билан қўйнинг ҳаётини заҳарлайди-лар.

Қўй билан ҳаёт кечириш қийин, бундай зўриқишдан улар ҳатто касал бўлиб қолишлари мумкин. Балиқнинг фикрича, агарки улар Қўйга ғамхўрлик қилсалар, ўз ўрнида Қўй умрининг охиригача уларга хизмат қилишга мажбур. Балиқнинг муҳаббати Қўйни анъанавий, бир

хилдаги андозага солиб қўйиши мумкин, у яратувчанлик хусусиятини йўқотиб қўяди. Оллоҳ инъом этган ҳаёт учқунлари сўнади. Охир-оқибат Қўйнинг бардоши тугаб, у озодликка отилиб чиқади. Бундай жуфтликлар ажралишгач, гўё елкаларидан тоғ қулагандек, ўзларини енгил ҳис этадилар.

Бироқ бу жуфтликни сақлаб қолиш керак бўлса, икковининг ҳам руҳий, ҳам ижодий юксалишига аҳамият бериш лозим. Балиқларнинг донолиги ва Қўйларнинг самимийлиги бирикиб, битта ғояда ўз ифодасини топиши мумкин: фалсафий, диний, илмий ёки бирон бир тадбиркорликда Балиқнинг ўзига хос фикрлари ва ғоялари ниҳоятда кўп, уларни кимдир ҳаётга татбиқ этмоғи лозим. Бунга қўйларнинг қурби етади. Улар ҳар доим Балиқларнинг ҳою ҳавасларини қўллаб-қувватлайдилар ва эртакни рўёга айлантира оладилар.

Хизмат юзасидан бўлган шерикчиликда Қўйлар жуда эрксевардирлар, шунинг учун золим балиқнинг оғир таъсирига бўйсунуши қийин кечади. Улар бошлиқларига нисбатан ақл-идрокли, фаросатлидирлар, энг муҳими эса, ундан кўра ювош, мулозимроқдирлар. Қасд олишни севадиган Балиқлар буни фаҳмлайдилар ва ҳамиша улар билан ўчакишадилар. Агар Балиқ Қўйга бўйсунса, уни фақатгина бениҳоя кўп даражадаги оғир, мураккаб, аммо ижодий иш билан тинчлантириш мумкин. Агар Қўй Балиқни шундай иш билан таъминлай олса, улар биргаликда жуда кўп ютуқларга эришишлари, ҳаётда кўп нарсани қўлга киритишлари мумкин.

Балиқ — Бузоқ

Улар ўртасидаги муносабатлар ҳамиша ҳам бирдай давом этмаслиги мумкин. Бузоқ бой таассуротли дунёнинг янги, ва кўз илғамас сирли жиҳатларини англаб етишида кўмаклашгани учун нозик таъб ва ҳамиша ўзини эркин ҳис эта олувчи Балиқдан миннатдор бўлади. Улар бир-бирларини сўзсиз тушунадилар. Муносабатлари эса

дўстона. Романтик Балиқнинг беназир ғоялари ва орзу-истаклари жуда кўп, уларни фақат Бузоқ илғай олади ва рўёбга чиқаради.

Бу жуфтлик интилишлари ва қизиқишларини бир нуқтага жамлаб, ҳамкорликда меҳнат қилса, юксак натижаларни кўлга киритиши мумкин. Улар руҳан бир-бирига яқин. Шу боис яхши эр-хотин, шерик, ҳамкасб, ёрдамчи, котиб, хизматдош ва ҳатто дам олаётганда ҳам яхши дўстдир. Бироқ уларнинг оилавий ҳаёти ҳар иккисидан фидойиликни талаб қилади. Бузоқ бадавлат, бақувват ва қаттиққўл, Балиқлар эса ҳис-туйғуларга бой, унинг кўнглидаги кечинмаларига қарши бориши жуда қийин.

Улар ўртасидаги жанжаллар асосан рашк, бир-бирига ишонмаслик туфайли келиб чиқади. Жуфти бошқа бировни ўзидан устун кўяётгани Бузоққа ниҳоятда оғир ботади. Балиқ жуда самимий бўлса-да, аммо ўзини сирли муҳит билан ўрайди ва бу ҳолат турли шубҳа-ғумонларни келтириб чиқаради. Оқибатда иккови ҳам ташқаридан ўзларига юпанч қидира бошлашади. Жинсий алоқалар доирасини гапирадиган бўлсак, Бузоқ Балиқдан ҳамиша хурсанд бўлади. Балиқ эса, жуфтига нима кераклигини яхши ҳис этади. Шундай қилиб, бу ҳолда ҳам Бузоқ вазиятни кўлга олади ва ўз мақсадларида Балиқдан фойдаланади.

Бузоқнинг омад ва даромадга бўлган кучли интилиши Балиқнинг нафсониятига тегади, чунки улар шу туфайли кўп нарсадан чекланишга мажбур бўлишади. Балиқнинг пулга муносабати тежамкор бузоқни инфарктгача олиб бориши мумкин. Балиқнинг хизмат зинапоясидан кўтарилиши Бузоққа сираям ёқмайди. Унинг мустақиллиги эса Бузоқнинг тоқатини тоқ қилади. Иккаласининг ҳам иш қобилияти ниҳоятда юқори, муҳими — муносабатларни умумий мақсад сари йўналтириб, вазифаларни белгилаб олишдир. Иккови ҳам ўзгарувчан ва руҳан эркин. Ваҳоланки, бир-бирига бўлган ҳурмат ва икковининг ҳам ўй-хаёлларини сир тутиши бир-бири билан чиқишиб яшашига олиб келади. Бироқ

жуфтнинг асл фикр-ўйлари ва мақсадларини бирор-таси ҳам билолмайди. Иккови ниҳоятда меҳнатсевар, доно ва айёр. Иш сифати ва шахсий муносабатлар мутлақо ўзгармайди, аммо Балиқ раҳбарликни қўлга олса, бунинг акси бўлиши мумкин. Иккала бурж ҳамкорликда бирор молиявий лойиҳа устида иш бошлашса, ўша лойиҳа, албатта, мисли кўрилмас омадга эришади. Иккови ҳам уддабурон ва тижорат ишларида бағоят қобилиятли.

Балиқ — Эгизаклар

Ниҳоятда оғир, кўп қарама-қаршиликлардан иборат бўлган жуфтлик бир-бирини тушунишлари қийин кечади. Эгизаклар ақл-идрок, ахборот ва бугунги кун билан яшайди. Балиқлар эса — ўтмиш ёки келажакка йўналтирилган ҳис-ҳаяжон билан яшайдилар. Балиқлар нозик ҳис-туйғуларни хоҳлайдилар, шунинг учун эгизакларга ўз туйғуларида катта илиқликни намоён этишлари ва мавриди келганда эгизаклар ҳам хаёлпараст эканлигини кўрсатиши керак. Балиқларга бундай севги ниҳоятда зўр лаззат, роҳат беради. У Балиқлар юрагини тўлқинлантириб юборади. Аммо эгизаклар кучли ўй-хаёлларга берилишдан чўчийдилар ва қопқонга тушиб қолишдан кўрқадилар.

Балиқларнинг воқеаларни олдиндан ҳис қилиши, библиши эгизакларни таажжублантиради. Бу суҳбатдошларнинг умумий мавзулари кўп, бироқ эгизакларнинг бир жойда узоқ муддат бўла олмасликлари Балиқнинг ғашига тегиши мумкин. Ундан ташқари, бундай жуфтликнинг муносабатлари кўпинча бекинмачоқ ёки мушук-сичқон ўйинларини эслатади. Балиқлар ўз табиатига кўра, сирли ва бебаҳо фикрларни тақдим этмай туролмайдилар, Эгизаклар эса ақлий етуклиги туфайли бундай бебаҳо фикрлар олдиндан бефарқ ўта олмайдилар — улар учун ҳар қандай сир, детектив қобилиятларни келтириб чиқарадиган чақириққа тенг.

Балиқларнинг Эгизакларга нисбатан бўлган муҳаббати ниҳоятда кучли; Эгизакларнинг Балиқларга бўлган муҳаббати эса қийин ҳолатлар ва ўзгаришларга олиб келади. Эгизаклар Балиқларнинг ҳаётида таянч бўла олади, лекин шу билан бирга афсус-надоматлар ва ғам-ташвиш булоғи ҳамдир. Бечора Балиқларнинг юраги, қалби синиши бегумон. Улар жуда нозик ва қўллаб-қувватлашга муҳтож, эри (хотини) билан бир тану жон бўлишни орзу қиладилар, лекин батамом яқин бўлиб қолиш фикри эгизакларни даҳшатга солади. Улар якка-ҳокимлар ва кимдир қалбига қўл солишига йўл қўймайдилар. Лекин шу билан бирга, ҳали ёрдамга муҳтож ва бўйнига осилиб олган балиқлар тез фурсатда эгизакларнинг жиғига тегадилар. Бундай оиланинг ҳаёти иккови учун ҳам азобга айланади. Бахтсиз Балиқлар қизарган, ёшланган кўзлари билан ўз хўжайинларидан ўзларига эътибор беришларини илтижо қилиб, уйнинг ичида сарсон кезишади. Эгизаклар эса ҳеч ким нолимайдиган ва бошини айлантирмайдиган тинч жойга қочиш учун ҳар қандай қулай фурсатдан фойдаланадилар. Оилани ажралишдан сақлаб қолишга фарзандлар ҳам ёрдам беролмайдилар. Бошқа томондан эса, иккови ҳам ўз жуфтини омадга, малакавий юксалишга бўлган интилишини яхши тушунадилар ва унга бунда ёрдам бериш учун вазифа ва мажбуриятларни тўғри тақсимлайдилар.

Балиқлар билан бир-бирини яхши тушуниш учун, Эгизаклар уларга оналик бахти ва меҳрини ҳис этишга имкон яратишлари керак. Буни амалга оширишда улар олдида турган масала — Балиқлар ҳар куни тақдим этаётган ахборотларнинг туб мазмуни ва моҳиятини ҳайратомуз ва бошни гангитиб қўядиган, фалсафий томондан ақлли, ҳаёт мазмунини танлаб ажратиб олишлари керак. Уларни ҳаётда сақлаб қоладиган нарсалар, бу — фикрларни амалда қўллаш, биргаликдаги фаолият, мажбурият ҳисси ёки бошқа ечими қийин масалалар. Муносабатлар токи Эгизаклар бошқа жуфт қидиришга киришгунларигача давом этади.

Хизмат доирасида Балиқларнинг кучи етадиган, ниҳоятда оғир ишлаш ритмига Эгизаклар қодир эмас. Бунда унга ниҳоятда масъулиятсизлиги, гап сотишни ва ишдан чалғишни яхши кўриши халақит беради. У жуда доно, лекин ўз қобилиятидан унумли фойдаланолмайди. Агар балиқ эгизакдан тўғри фойдаланса ва имкониятларини мақсад сари тўлиқ йўналтирса, ишнинг натижаси ниҳоятда юксак даражада бўлади, аммо эгизаклар ҳолдан тойгунича ишлашни, албатта, ёқтирмайдилар. Бундай ҳолларда ҳамкорлик барҳам топади.

Балиқ — Қисқичбақа

Иттифоқ ўзаро бир-бирларини тушуниш ҳамда маънавий ҳамкорликдан иборат. Лекин биргаликда яшаш уларга ҳам осон кечмайди. Кимдир ён бериши, жуфтига ўзини бағишлай олиши керак.

Қисқичбақа буржи вакили учун Балиқ ҳимоячи, суянчиқдир. У ўз жуфтнинг ёнидагина ўзини хотиржам ва эркин ҳис этади.

Қоронғи тунлар улар учун гўё Эрам боғи каби ёқимли ва гўзал. Бироқ кундалик ҳаётда бунинг тескариси бўлиб чиқади. Фейл-атворнинг турличалиги икковлари орасида келишмовчиликлар келтириб чиқаради. Жанжал туфайли улар ажрашишади. Аммо орадан маълум муддат ўтиб яна бир-бирларини соғина бошлашади. Оилани қайтаришга уринишади. Афсуски, балиқ буржи вакили собиқ жуфтига шубҳа билан қарай бошлайди. Оила тикланмайди.

Ишда қисқичбақа буржи вакили балиқ буржи вакилининг оғир феълига ўзида бардош топа олади ва у билан илиқ муносабатларни йўлга қўйиб, ишнинг кечишини осонлаштиради.

Балиқ — Арслон

Бу иттифоқ Арслон буржи вакили учун жуда мураккаб кечиши мумкин. У рашкдан гумонгача бўлган йўлни босиб ўтиши лозим бўлади.

Балиқ буржи вакили эса арслон буржи вакилига тез кўникиши мумкин. Шунинг учун рўзгор икир-чикирлари сабабли баҳсларни келтириб чиқармайли.

Бу никоҳ ҳам кўп ҳолларда учрагани каби тушунмовчиликлардан, синов, кузатишлардан иборат бўлиши табиий.

Агар арслон буржи вакили жуфтига ўз ихтиёрини буткул топшириб қўйса, ташвишга кўмилиб қолиши аниқ. Башарти, оила қурилганда ҳам арслон буржи вакили эркак, балиқ буржи вакили аёл бўлиши шарт. Шундагина никоҳ мустаҳкам бўлиши мумкин.

Ишда балиқ буржи вакили арслон буржи вакилининг барча шартларини бажонидил адо этади. Фақат раҳбар лавозимида арслон буржи вакили бўлса, бир нарсани билиб қўйсинки, балиқ буржи остида туғилганлар ноҳақликни, ҳаром-харишни кўра олишмайди.

Балиқ — Паризод

Улар бир-бирларига деярли мос келишади. Башарти, паризод буржи вакили эркак бўлса, балиқ буржида туғилган аёлнинг ҳийлаларидан эҳтиёт бўлгани маъқул. Балиқ буржи остида туғилган аёллар хиёнатларга усталик билан қўл ура билишади. Бундан ташқари, жуфтини қандай йўл билан бўлмасин, ўзига бўйсундириш илинжида бўлишади ва бунга маълум маънода эришишади ҳам. Паризод буржида туғилган эркак ана шундай синовларга дош бера олса, никоҳ бир умрга сақланиб қолади.

Ишда агар раҳбар балиқ буржи вакили бўлса, паризод буржи вакили у билан бемалол ишлаб кета олади. Чунки у ўз ишини яхши билади. Паризод раҳбар лавозимида бўлганда эса бир нарсани эса тутсин. Балиқ буржида

туғилган ходимлар бирмунча айёр бўлишди. Шу сабабли ҳушёрликни қўлдан бермаслиги талаб этилади.

Балиқ — Тарози

Балиқларнинг эҳтироси тарозининг қайноқ нигоҳлари билан қоришиб, ўртадаги муносабатларни безайди. Лекин кўпинча Балиқлар учун бу иттифоқ камситишдек туюлиб, у ўзини худди Тарозининг қулидек ҳис эта бошлайди. Мана шу нарса Балиқлар учун ҳақиқий синов ва имтиҳонлар палласидир. Балиқ Тарозини доимий равишда азобларга кўмади. Ва бу Тарозининг соғлиғи ёмонлашишига олиб келиши ҳеч гап эмас. Тарози Балиққа ёқиш учун феъл-атворини ўзгартиришга уринади, қийналади. Лекин Балиққа ҳам осон эмас. Негаки, қадимгилар “Кемага тушганнинг жони бир”, деб бекорга айтишмаган.

Ўртадаги муносабатларнинг ёмонлашишига икковларининг ҳам ўта хаёлпарастликлари, тинимсиз бўлар-бўлмас орзулар уммонига кўмилаверишлари сабаб бўлади. Бироқ улар вақт ўтиши билан бир-бирларини тушуниб етишади.

Тарозига Балиқнинг ўзгарувчанлиги унчалик ёқмайди. Айниқса, бегоналар қаршисидаги тушунарсиз муомаласи, тезда “ниқоб”ини ўзгартириб олавериши унинг асабига тегади-ю, лекин чидайди.

Дастлабки пайтларда улар бир-бирларига интилиб яшашади. Қайсар Балиқ Тарозидаги сирлиликни кўргач, ҳайратдан ёқа ушлайди ва у томон талпинаверади. Балиқ бу сирларни очиб ташлагиси, барча-барчасидан тезроқ огоҳ бўлгиси келади. Афсуски, энди барча сирлардан огоҳ бўлдим, Тарозининг кимлигини англаб етдим деганда, янги сирлар пайдо бўлаверади. Шунда Балиқ азоблана бошлайди. Тарозисиз, бу мавҳум одамсиз яшай олмаслигини билгани сайин руҳан эзилаверади. Қаршисида айёр тулкими ё ҳимоясиз чақалоқ каби бир кимса турибдими, мана шуни билгиси келиб бутун дунёни, ҳатто ўзини ҳам унутади. Кўзларини каттароқ очганда эса, кеч бўлади. Чунки Тарози ўзининг кучли-

роқ, Балиқ устидан ҳукмрон эканини тушуниб етиб улгурган. Кўрибсизки, орада келишмовчиликлар бошланиб кетади. Қизиғи, қанча жанжаллашимасин, бир-бирларини кўришга кўзлари бўлмасин, ажрашиб кетиш икковларининг ҳам қўлидан келмайди. Бундай ҳаракат учун улар ўзларида куч, матонат топа олишмайди. Балиқ бирдан жанжални бас қилади-да, ярашиш йўллари қидира бошлайди.

Ишдаги шерикчилик Балиқ ва Тарози ўртасида никоҳдагига нисбатан анча енгил кечади. Улар бир-бирларининг муваффақиятларини холис баҳолашади. Тарози Балиқнинг интилувчанлигини кўриб ҳайратга тушади.

Улар ҳаракатчанликда бир-бирларидан қолишмайди. Балиқ-раҳбар ҳар қандай ходимни осонгина эгиб олишга уста. Лекин бундан фойда кўрмаслигини билади ва Тарозини ўз ҳолига ташлаб қўяди. Бу, албатта, ишда катта ютуқлар келтиради. Чунки тарози-ходимлар мустақил, бировларнинг аралашувисиз меҳнат қилишни хуш кўришади. Балиқ-ходим эса, ўзининг меҳнатсеварлиги ва чайирлиги билан тез орада обрў қозона олади.

Йўқ, улар бир-бирларига қарши бўлмаганлари маъқул. Акс ҳолда, иш судлашишгача бориши ҳеч гап эмас.

Балиқ — Чаён

Чаён Балиқни илҳом манбаи ва муҳаббат элчиси деб билади. Чаён Балиқ учун эса ҳар тарафлама ўрнак бўла оладиган шахс ҳисобланади. Бу жуфтликда Чаёнлар тизгинни ўз қўлларига олишади ва Балиқ унинг баъзи одатларидан қаттиқ азобланади. Асосий муаммо ва келишмовчиликлар бирга яшай бошлашганданоқ юзага келади. Қизиғи, қанча кўп жанжал қилишса, рўзгор ишларини шунча унутишади ва бир-бирларини шунча кўпроқ сева бошлашади. Жанжал нимадан келиб чиқади? Улар бир-бирларининг ўтмишларини эслаб, бир-бирларига таъна тошларини ота бошлашгач, келишмовчиликлар, ҳақоратлар кучайгандан кучаяди.

Бу жуфтликнинг яхши томонларидан бири шундаки, улар ҳар қандай қийинчиликларга чидаб, ҳар қанақанги асаббузарликларни тез унута олишади. Улар бир-бирларини алдай билишмайди. Икковлари ҳам ўта ақлли. Ҳаётда бошқалар каби бахтли умр кечириш учун улар ўртадаги хафагарчиликларни буткул унутиб, дунёга очиқ кўз билан қарашни ўрганишлари зарур. Ўта кучли эҳтирос, ҳиссиётлар ҳам Чаён ва Балиқни янада яқинлаштириши мумкин. Бунинг учун Балиқлар ҳушёрроқ бўлишлари талаб этилади. Улар Чаён жанжал кўтарса, худди эшитмагандек тесқари қараб кетишса, ҳамиша кулимсираб туришса, олам гулистон. Қолаверса, Балиқ ва Чаённи фарзандлар ҳам ўзаро яқинлаштира олади.

Иш юзасидан ҳамкорликда иложи борича Балиқ раҳбарлик қилгани маъқул. У ишни ташкил эта олади ва ходимларни кузатиш бобида анча тажрибали. Фақат Балиқлар бир нарсадан эҳтиёт бўлишлари лозим. Чаёнга зўрлик қилавериш ҳамма ишни тесқари томонга буриб юбориши мумкин. Чаёнлар эътиборни, ҳурмат-иззатни ва эркалалашларни жуда хуш кўришади. Агар улар истаганчалик муносабатда бўлинса, бутун куч-имкониятларини ишга солиб меҳнат қилишади. Шундай экан, балиқ чаённинг қўнглига йўл топаман деса, юқоридаги амалларни қўлласин. Ана ўшанда унинг корхонасида ишлар юришгандан юришиб, кўз кўриб қулоқ эшитмаган натижаларга эришади.

Чаён-раҳбарга эса балиқ каби қайсар ходим билан ишлаш осон кечмайди. Фақат бир яхши жиҳати бор. Балиқлар шу қадар қайсарки, жаҳлини чиқариб қўйсангиз, атайин бошлаган ишларини охирига етказиш ҳаракатига тушиб қолишади.

Балиқ — Ўқотар

Бундай жуфтликлар оилавий ҳаётда жуда кам учрайди. Уларнинг ўртасида деярли илк лаҳзаларданоқ келишмовчиликлар юзага келиб, кунлар, ойлар сайин кучайгандан кучаяверади. Гап-сўзсиз ўзига бировни бўйсун-

дирмоқчи бўлган Балиқнинг қилиқлари Ўқотарда норозилик ҳисларини уйғотади. Негаки, Ўқотар ёлғонни, тенгсизликни жуда ёмон кўради.

Ўқотар учун Балиқ, бу — уй. анъана ва тартиб. Буларнинг барчасини Ўқотар Балиққа ишониб топшириб кўя олади. Балиқ учун ўқотар эса омад тимсоли. Балиқлар ўзига тўқ Ўқотар билан муносабат юритишни жуда хуш кўришади. Бунинг учун, керак бўлганда, айёрлик йўлини ҳам тутишадики, натижада узоқ вақт Ўқотар билан биргаликда ҳаёт кечиришади. Балиқ худди ўша айёрлиги билан Ўқотарни аста-секин ўзига бўйсундиришга ҳам қодир. Буни кўп ҳолларда Ўқотарнинг ўзи сезмай қолади.

Ўқотарнинг одамлар билан хуш муомаласи Балиққа ёқмайди. Балки, шунинг учундир, бу икки жуфтликнинг оилавий муносабатлари барибир узоқ чўзилмайди. Дўстлик ҳам улар орасида ҳеч қачон бўлмайди. Бир-бирларига фақат рақиб бўлиб қолаверишади. Негаки, икки жуфтлик ўртасидаги муносабатлар ҳисоб-китоб эвазига қурилади. Муҳаббат-чи? Муҳаббат ахир қурбонлар талаб қилади! Агар ўқотар балиқ билан ростакамига яшашни истаса, унинг инжиқликларига, бой ҳиссиётларига кўникиши, бир четга чиқиб олиб кўз ёш қолаверишдан воз кечиши талаб этилади.

Ишдаги ҳамкорлик масаласида эса, бу икки кучли шахс корхонанинг гуллаб-яшнашини таъминлашлари аниқ. Агар ишни Ўқотар бошқарадиган бўлса, эътиборли, эҳтиёткор бўлиши, Балиққа тўғридан-тўғри буйруқлар беравериш ўрнига, унинг ҳар бир ишга ижодий ёндашишига йўл очиб бериши зарур. Чунки балиқ буйруқ берганларни жуда ёмон кўради. Шундай экан, ўқотар ишнинг натижасини кутиши шарт. Балиқ-раҳбар эса, айниқса, у жуда қаттиққўл, шафқатсиз бўлса, ўқотарни корхонадан сиқиб чиқариш пайида бўлади. Сабаби, унга ўқотарнинг хизматчилар орасида обрў қозонаётгани, ҳурматга сазоворлиги сира ёқмайди. Уларни фақат юксак мақсадларгина бирлаштира олади. Улар бундай мақсадлар йўлида бир-бирларининг барча тўғри-нотўғри ишларига, ёқим-

сиз, дея ҳисоблаган қилиқларига тишни тишга қўйган ҳолда чидашади.

Биргаликда амалга оширилган тижорат ишлари жуда омадли кечади.

Балиқ — Тоғ эчкиси

Балиқ ва Тоғ эчкиси бир-бирлари билан тез тил топишади. Тоғ эчкисининг садоқати ўзини ҳимоясиз, ожиз деб билувчи Балиққа куч ато этади. Тоғ эчкиси ҳам Балиқнинг ёнида ўзини хотиржам ҳис этади. Тоғ эчкисининг бу жуфтликка ишонч туйғусини олиб кириши Балиқни янги-янги мақсадлар сари етаклайди. Узаро ҳаёт турли қувончли лаҳзаларга тўлиб-тошади.

Тоғ эчкиси ҳамиша етакчи вазифасини ўтайди. Балиқ эса бунга бажонидил кўникади. Башарти Тоғ эчкиси ҳаётда қандайдир муаммоларга дуч келса-ю, Балиқ бундан хавотирга тушса, турли бўлмағур хаёллар исканжасида қолса... Йўқ, бундай вазиятда илгариги пайдо бўлган ишонч йўққа чиқиши мумкин. Негаки, уларнинг ҳар бири ўз хавотирларига кўмилиб қолишади. Тўғри, ўртада эҳтирослар деярли кам. Аммо келишмовчиликлар, бир-бирини тушунмаслик ҳам унчалик кўп эмас.

Умуман, улар ҳамкорликда ишлаш, муҳаббат, дўстлик, никоҳ масаласида бир-бирларини тўлдиришади. Айниқса, никоҳ улар дунёқарашини яхши тарафга ўзгартириб, мустаҳкам оила пайдо бўлишига заминдир. Бу жуфтлик бир оила бўлиб нафақат яхши, бахтли яшашади, балки, уйдан ташқарида ҳам сезиларли муваффақиятларга эришишади. Уларни фақатгина ҳаётга турлича қарашлар ажратиши мумкин. Бундан ташқари, мабодо Балиқ билибми-билмайми, уйда жанжал кўтарса ёки бу жанжаллар маълум муддат кетма-кет давом этса, Тоғ эчкиси аста-секинлик билан совиши ва натижада оила барбод бўлиши мумкин.

Ақлли, сирли балиқ билан муносабатда бўлиш тоғ эчкисини ҳақиқий ҳаётга ўргатади. Фақат бунинг учун

аввало тоғ эчкисининг ўзи балиқнинг сирларини “сув юзи”га чиқариш учун интилиши лозим.

Ишда балиқ ва тоғ эчкиси мусобақадодеш деса тўғрироқ бўлади. Улар ким ўзарга берилиб, кўз кўриб кулоқ эшитмаган муаммоларни ҳал этишга қодир. Лекин бир жиҳати ҳам бор. Муваффақиятлар кетидан қувлаб улар ўзларини толиқтириб қўйишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Тоғ эчкиси балиқ-раҳбарга ҳеч қандай ортиқча бўйин товлашларсиз итоатда бўлади. Албатта, бу раҳбар ўз ишининг устаси, бошқаларга тўғри йўл кўрсата оладиган даражада бўлса. Чунки, тоғ эчкиси айнан шундай раҳбарларнигина қаттиқ ҳурмат қилади, қадрлайди. Тижорат ишларида ҳам балиқ ва тоғ эчкисининг ўзаро ҳамкорлиги сезиларли наф келтиради.

Балиқ — Қовға

Бу жуфтлик учун кучли эҳтирос ва ёқимли туйғулар жуда зарур. Акс ҳолда, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бир-бирларига тўғри келмасликларини англаб етишлари, оқибатда орадан меҳр-оқибат узилиб, иш ажралишгача бориб етиши мумкин.

Қовға эркинликни яхши кўради. Шунинг учунми, балиқнинг ёлғизликдан қочиб унга талпинаверишидан чарчайди.

Жуфтлик ўртасида фақатгина жамиятга, қариндош-уруғларга нисбатан муносабатларнинг турлича бўлиши сабаблигина турли низолар юзага келиши мумкин. Ёки бўлмаса, келишмовчиликларга рашк, гина-кудуратлар ҳам замин бўлади. Шундай экан, агар никоҳ омадли кечишини, бахтли ҳаёт қуришни исташса, улар бир-бирларига ён беришларига тўғри келади.

Балиқ хиёнатни кечира олмайди. Қовға эса шунинг олдиндан билгани учунми, балиқни ёлғиз қолдиради-ю биринчи бўлиб оилани тарк этиб қўя қолади.

Бу жуфтликда қовға ақл, балиқ эса ҳиссиётлар қуранида яшайди. Қовға бирор масалани мустақил ҳал эт...

Балиқ унга шунчаки бўйсунди ва барча масъулиятни Қовғанинг зиммасига юклаб қўя қолади.

Қовғалар Балиқни ҳақиқий соҳибжамол сифатида тан олишади ва баҳоли қудрат яхши-ёмон кунларида ёнма-ён бўлишга интилишади.

Балиқ эса Қовғани қандайдир сирли, тушунарсиз шахс сифатида қабул қилади-ю, барибир ортга чекинишни истамай, ундаги ўзига ёқмаган феъл-атворларни йўқ қилиш пайида бўлади.

Агар улар бир-бирларини тушунишга ўргана олишса, бу дунёда улардан бахтли жуфтлик бўлмайди. Қовға Балиқни атрофдагилар билан яхши муносабатда бўлишга, мустақил фикрлашга, ақл билан тутишга ўргата олади.

Бу жуфтликда қовға эркак, балиқ аёл бўлса, ўртадаги никоҳ доимо сақланиб қолиши муқаррар.

Иш масаласида бу жуфтлик ҳар қандай ташкилотга катта даромадлар келтириши мумкин. Балиқ оғир, катта куч ва ирода талаб этиладиган ижодий ишлар билан шуғулланишни истайди. Шундай ишлар билан банд бўлса, ўзини ниҳоятда бахтли ҳис этади. Қовға бўлса, ўзининг топқирлиги, ижодкорлиги ва ўткир ақли билан балиққа ўз вақтида ёрдам беради. Аммо ўртада келишмовчиликлар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Негаки, балиқ фақат ишни ўйлайдиган шахс. У ора сирада қўпол муомала қилиши, қовғани уришиб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас.

Умуман айтганда, балиқ ва қовға ўзаро келишган ҳолда барча мақсадларга биргаликда, ҳамкорликда эришиш имконига эга.

Балиқ — Балиқ

Бундай жуфтликлар ҳаётда жуда кўп учрайди-ю, лекин ҳар доим ҳам бахт, омад олиб келавермайди. Ўртадаги муносабатларда кишининг ҳавасини келтирадиган вазиятлар кўзга ташланмайди. Улар ўз хаёллари билан банд. Ҳаёт бир текис давом этишини таъминлаб беради-

ган етакчи йўқ. Икковлари ҳам бир-бирларига четдан туриб ҳаддан зиёд эътибор беришади. Ҳар бир босилган қадамдан хатолик топишади. Айни шу нарса гоҳида жанжалларга сабаб бўлади.

Балиқлар жуфтлиги фақат нуқсонлардангина иборат ҳам дея олмаймиз. Улар қийинчиликларга дуч келинганда дарров бир-бирларини тушунган ҳолда биргалашиб муаммоларни ҳал этишга киришишади. Икковлари ҳам ёлғизликдан жуда кўрқишади. Ана шу сабабли иложи борица бунинг олдини олишга уринишади.

Балиқлар бу йўлда ҳеч нарсадан қайтишмайди. Нима қилиб бўлса-да, ёлғиз қолишмаса бас. Қолган муаммолар ўз-ўзидан ҳал этилаверади, деб ҳисоблашади. Ажралишга шошилишмайди. Оғир меҳнат, оиладан ташқаридаги турли кўнгилсизликлар Балиқларни ҳамиша қайғуришга, кўрқишга мажбур этади.

Бу жуфтлик бахтли ҳаёт кечириши учун рўзгордаги бутлик ҳам мезон бўла олади. Балиқлар бир умр руҳан ўзларини бола деб ҳисоблашга ўрганиб қолишган. Балки шунинг учундир, қачон қараса, ўзларига эр ёхуд хотин эмас, ота ёки онани излаб топиш ҳаракатида бўлишади. Мабодо оилада Балиқ эр-хотинлар навбати билан бу вазифани ўз зиммаларига юклаб боришса, ҳаёт жуда фаровон ва қувончли кечиши аниқ.

Тўғри, жанжаллар, хафагарчиликлар ҳам бу оилада йўқ эмас. Фақат Балиқлар кечиримлиликлари билан бу кўнгилсизликлардан қоча билишади.

Юқорида айтганимиздек, Балиқлар мустақил равишда бирор масалани ҳал эта олишмайди. Шунга яраша улар ўзларини ҳам жуда севишади. Шундай экан, эр ёки хотин ўз жуфтини мақташ эвазига ҳам тинчлик, бахт, қувончли лаҳзаларга эриша олади.

Оилани ёшдаги фарқ ва ҳаётий тажриба мустаҳкамлайди. Бунинг учун ҳам кимдир ўз жуфтига қулоқ тутиши, маълум маънода итоат этиши лозим бўлади. Олайлик, улар маълум муддатга бир-бирларидан йироқлашишди. Бу ҳам вақти келиб Балиқларнинг кўзини очади ва бир-бирларини қидириб қолишади. Дарвоқе, Балиқлар

онлада сира келишувларга эриша олмаётган бўлишса, бир ҳафтагами, бир ойгами, алоҳида-алоҳида сафарга чиқишни маслаҳат берилади.

Ишда бу икки кучли ирода, ижодкорга осон бўлмайди. Айниқса, биргаликда эмас, ҳар ким ўз ҳолича иш юритаверса, ўтиб бўлмас тўсиқларга рўбарў бўлишади.

Балиқлар ўзгалар буйруқларини сўзсиз адо этишга одатланишмаган. Улар эркинликни ёқтиришади. Табиатан ўта қайсар. Фақат ички хоҳиш пайдо бўлсагина улар яхши ишларлари мумкин холос.

Ишда келишмовчилик, нифоқ керагича топилади. Ўртада тузилган молиявий келишувлар бир-бирларига ишонмасликлари оқибатида бузилиб кетади.

Адабий-бадий нашр

ҚАНИ МЕНИНГ ЮЛДУЗИМ?

Қайта нашр

Муҳаррир
Наврӯз БЕКМУРОДОВ

Тех. муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Насиба ЮСУПОВА

Бадий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 27.03.2013 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 6,125. Шартли босма тобоғи 11,29.

Гарнитура «Souvenir Cyr+Uzb». Газета қоғоз.

Адади 10000 нусха. Буюртма № 96.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АИ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

100113. Тошкент, Чилонзор-8. Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-30-52; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; web-сайтими: www.yangiasr.uz

интернет-дўкон: www.yangidavr.uz

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

“ЯНГИ АСР АВЛОДИ” НАШРИЁТ-МАТБАА МАРКАЗИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

“КАЛИЛА ВА ДИМНА”

Бичими 70x84 1/16

256 бет

Дурдона ҳикоятлар! Уларни ўқимабсиз, дунёга келмабсиз! Сиз албатта, олам-олам маъно оласиз. Ҳамма-ҳаммаси “Калила ва Димна”да мужассам! Ўқинг, уқинг, донолар оламида бўлинг.

“ЧИРОЙЛИ ИСМЛАР ТўПЛАМИ”

Бичими 84x108 1/32

376 бет

Азиз китобхон! Сиз ўз исмингизнинг маъносини билмоқчимисиз? Унда мазкур китобни сотиб олинг. У сиз ва яқинларингизнинг номларини борасида кўп ва ҳўб маълумот беради.

Сабрина

“ЭТИКЕТНИНГ ОЛТИН КИТОБИ”

Бичими 84X108 1/32

424 бет

Бу, ҳақиқатдан ҳам, олтин китоб! Унда барча саволларга жавоб топасиз. Байрам либосидан тортиб интернетда хат ёзишгача! Масалан, маошни оширишларини сўраш учун нима қилиш керак?..

Балтасар Граснан

“ЧўНТАК ФОЛИ”

Бичими 84X108 1/32

72 бет

Ким ҳам теша тегмаган ҳикматлар ҳақида билишни истамайдн! Чунончи, бундай афоризмлар сони 100 дан ошиқ. Айтгандай, нима учун “чўнтак фоли”? Бу сизга қизиқ эмасми? Унда шошлинг!

Агата КРИСТИ

“ЎГИРЛАНГАН МИЛЛИОН ДОЛЛАР”

Бичими 84x108 1/32

112 бет

Бир миллион!.. Ажабо, шунча пул қаёққа кетган бўлиши мумкин? Уни ўгирлашга ким журъат этди?.. Детектив қироличаси Агата Кристининг ушбу китоби росманасига қизиқ! У ўқувчинни бир-биридан жумбоқли воқеалар дунёсига олиб киради... Дарвоқе. пуллар топилармикан?